

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**



ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ 2021

УДК 347.4(075)
ББК 67.401.132я73

**М.Хамраев, Х.Рўзметов, А.Назаров. Хавфни бошқариш тизими:
Дарслик. - Тошкент: БИ, 2021 й. - 261б.**

- Тақризчилар:* И.Мухторов – Давлат божхона кўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари в.б.
- Ғ.Нуржавов – Давлат божхона кўмитаси
Хавфларни мониторинг қилиш ва
баҳолаш бошқармаси бошлиғи
- Қ. Каримқулов – Божхона институти, “Божхона
экспертизаси ва товарларни
таснифлаш” кафедраси бошлиғи,
т.ф.д.

Божхона назоратини амалга оширишнинг шакл ва усулларини танлаб ўтказиш, бунда хавф даражаси паст бўлган, ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш, божхона расмийлаштируви учун сарф бўладиган вақтни кескин қисқартириш, коррупцияни олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда божхона органларида жаҳон амалиётида қўлланилаётган хавфни бошқариш тизими жорий этилмоқда. Божхона назоратини амалга оширишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш божхона назорати жараёнининг ажралмас бир бўлагидир.

Божхона назоратини амалга оширишда божхона ходимлари хавфни бошқариш тизимидан фойдалана олишлари муҳим аҳамият касб этади. Хавфни бошқариш тизимидан тўғри фойдаланиш эса тизимнинг ишлаш принциплари ва имкониятларини яхши ўзлаштиришни, тизимда ишлаш кўникмаларини шакллантиришни тақозо этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сонли буйруғи билан олий ўқув юртларининг “Божхона иши” таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчиларга дарслик сифатида тавсия этилган (рўйхатга олиш рақами 110-286).

ISBN 978-9943-7875-5-1

© Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Божхона институти, 2021 й.

Сўз боши

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз бошчиликларида жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, таркибий ислохотларни давом эттириш, барча соҳа ва жабҳаларни мутаносиб ҳолда ривожлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз 2017 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида ўша даврдаги божхона тартиб-тамоийилларини чуқур таҳлил қилиб, берган топшириқлари асосида божхона органларида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ташқи савдо товарлар айланмасининг ҳажми ортиб бораётган бир шароитда тизимда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш, божхона назорати ва расмийлаштирувини тубдан ўзгартириш, процедураларни соддалаштириш, унга сарфланадиган вақт ва харажатларни кескин камайтиришни назарда тутувчи ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари амалиётида муваффақиятли синовдан ўтган, хавфни бошқариш принципига асосланган янги тизим жорий этилди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармони, 1 та Қарори қабул қилинди ҳамда Давлат божхона кўмитасининг 10 дан ортиқ ички идоравий ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Илғор хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилиб, бевосита божхона ходимларининг ўз куч ва имкониятларига таянган ҳолда 2018 йилнинг 1 декабрида “Хавфни бошқариш” ахборот тизими

синов тариқасида ишга туширилди. 2019 йилнинг 1 мартдан эса тизим тўлиқ амалиётга жорий этилди.

Хусусан, тизимда хавфларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган “Тасодифий танлов”, “Хавф профиллари” ва “ТИФ иштирокчиларини хавф даражалари бўйича тоифалаш” модуллари яратилди.

Натижада, чекланган куч ва воситалардан оптимал фойдаланиш, самарадорликни туширмаган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини таъминлаш, сарфланаётган вақт ва харажатларни тежаш, халқаро савдони ривожлантиришга кўмаклашиш каби бир қанча юқори мақсадларга эришилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ бугунги кунда тизим орқали юкларни асосий қисми соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилиши, божхона расмийлаштирувига сарфланадиган вақтни кескин камайиши, божхона кўриги самарадорлиги ва божхона қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш самарадорлиги эса бир неча баробар ошишига эришилди.

Хавфни бошқариш тизимига асосланган божхона назорати механизмининг жорий этилганлиги халқаро савдода Ўзбекистон рейтингини 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 13 поғонага кўтарилишига сабаб бўлди.

Ўз навбатида, Жаҳон банки Ўзбекистон Республикасини "Бизнесни юритиш" (Doing Business) халқаро рейтинг доирасида бизнесни илгари суриш соҳасида улкан ислоҳотларни амалга оширган давлат сифатида дунёнинг 190 та давлати ичида 69 поғонани эгаллаганини қайд этди.

Қисқа муддатда жорий этилган ушбу тизимга халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳо берилди.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда, дунё амалиётида шиддат билан ривожланиб бораётган бошқарувнинг замонавий тизимига эга бўлган божхона хизматини шакллантириш ҳамда уни доимий равишда такомиллаштириб боришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бундай шароитда божхона органлари фаолиятига ривожланган мамлакатлар тажрибасидан

келиб чиққан ҳолда замонавий механизмларни жорий этиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Божхона назоратини амалга оширишнинг шакл ва усулларини танлаб ўтказиш, хавф даражаси паст бўлган ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш, боғхона расмийлаштируви учун сарф бўладиган вақт ва харажатларни кескин қисқартириш, коррупцияни олдини олишга қаратилган хавфни бошқариш тизимини қўллаш боғхона назоратининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқиб, М.Ҳамраев бошчилигидаги муаллифлар томонидан яратилган мазкур китоб боғхона органлари учун янги йўналиш ҳисобланган тизим бўйича мутахассисларни тайёрлашга қаратилган илк қадам бўлди.

Ўқув дарслигида боғхона ишида хавф тушунчаси, боғхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш, хавфни бошқаришнинг халқаро тенденциялари, стандартлари ва тажрибалари, Ўзбекистон Республикасида хавфни бошқариш тизимининг ривожланиш босқичлари, хавфни бошқариш тизимини ташкил этиш асослари ва амалга ошириш механизмлари, “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими имкониятлари батафсил тушунтирилган.

Ушбу дарслик миллий боғхона тартиботларида янги ҳисобланган хавфларни бошқариш тизими ҳақида бўлиб, Боғхона институти тингловчилари ҳамда боғхона органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг билим, тажриба ва касбий маҳоратларини оширишда дастлабки китоб бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат боғхона қўмитаси
Раиси, боғхона хизмати
генерал-майори
М.Б.АЗИМОВ**

I БОБ. Божхона ишида хавф назарияси

1.1. Хавф тушунчаси ва унинг моҳияти

Хавф тушунчасининг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Хавф қадимда инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳамда ўша вақтларда хавф инсоннинг яшаб қолишида муҳим аҳамият касб этган. Одамлар озиқ-овқатларни тўплаш, ов қилиш жараёнида узок масофаларга бориш орқали катта хавф-хатарларга дучор бўлишган.



Мавжуд хавфлардан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида, улар меҳнат қуролларини яратишди, уйларини мустаҳкамлашди ва такомиллаштиришди¹.

Хавф фалсафий, тарихий ва иқтисодий категория ҳисобланади. Хавф атамаси XV аср охирида

пайдо бўлган. XVI аср охирида денгиз суғуртаси жумласи Европа бўйлаб кенг тарқалди ва бу биринчи хавфларни бошқариш технологияларидан бири бўлди. Унинг стратегияси денгиздаги йўқотишларга асосланган “хавфни тарқатиш”га қаратилган эди. Ўша вақтдаги амалга ошириладиган экспедицияларнинг муваффақиятли яқун топиши камдан кам ҳолларда кузатиларди. Шу сабабли Испанияда савдо уйлари бирлашиб, денгиз экспедицияларининг ҳар бир ташкилотчиси учун денгизда кўриладиган зарар учун умумий суғурта фондига маблағ ажратдилар. Испания савдо уйлари томонидан хавфлар бўйича қабул қилинган қарорлар натижаси ўлароқ экспедицияларни режалаштириш сони бир мунча ортди².

Хавф билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи рискология фани XXI асрда пайдо бўлган. Ушбу фаннинг замонавий ривожланиш босқичи фундаментал илмий базанинг яратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Рискологиянинг пайдо бўлиши - ишлаб

¹<http://www.fa.ru/science/studevents/mnsk/IV/Научное%20направление%20анализа%20рисков%20и%20экономической%20безопасности/Анализ%20рисков%20и%20экономическая%20безопасность/ПичакЕ.А.pdf>

²<https://www.hse.ru/data/2015/09/30/1074423872/Майнор%20БПД%20тема%2011.pdf>

чиқаришда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам хавфни таҳлил қилиш, баҳолаш, прогнозлаш, дастурлаш ва режалаштиришга бўлган катта эҳтиёж билан боғлиқ³.

Риск атамасининг келиб чиқиш тарихини ўрганар эканмиз, қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Бу сўз французлардан олинган бўлиб, уларда “risque” - “хавф” деган маънони билдирган. Французлар эса уни италияликлардан олишган: италян тилида “risiko” “хавфли иш” деган маънони англатади. Италияликлар эса ўз навбатида юнонча “risikon” “жарлик” ёки “хавф” сўзидан фойдаланишган.⁴



Хавф тушунчасини маълум бир воқеа-ҳодиса, жараён натижасида вужудга келиши эҳтимоли бўлган, салбий ёки ижобий ҳолат сифатида талқин этишимиз мумкин. Бунда воқеа-ҳодиса ёки жараённинг салбий ёки ижобий ҳолат эканлигини келтириб чиқарувчи омиллар фанда эҳтимолий назария, синтез, таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Хавф атамаси кўпгина Европа тилларида бир хил маънога эга бўлиб, ноқулай оқибатнинг юзага келиши мумкин бўлган хавфини билдиради.⁵

Хавф - бу ноқулай вазият ёки ишлаб чиқариш, иқтисодий ёки бошқа фаолиятнинг муваффақиятсиз натижаси.

Таваккалчилик деганда турли хил зарарларни юзага келтирувчи айрим салбий ҳодисаларнинг имконияти тушунилади.⁶

Қисқача айтганда, божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товар ва транспорт воситалари, ташқи иқтисодий фаолият (бундан буён матнда - ТИФ деб юритилади) иштирокчилари, йўловчиларга нисбатан божхона назоратини шакллари ва даражасини белгилаш учун божхона органлари хавфни бошқариш

³В.П.Буянов., К.А.Кирсанов., Л.М.Михайлов Рискология: учеб.пособие. - М.: Изд-во Экзамен, 2003

⁴<https://lexicography.online/etymology/%D1%80/%D1%80%D0%B8%D1%81%D0%BA>

⁵<https://ktonanovenkogo.ru/voprosy-i-otvety/risk-cto-ehto-takoe.html>

⁶<http://www.risk24.ru/risk.htm>

тизимини қўллайди.

Рус олими С.Богоявленский фикрига кўра хавфларнинг қуйидагича гуруҳланиши уларнинг вужудга келиш соҳаси бўйича шаклланади⁷:

- ❖ табиий хавфлар;
- ❖ инсон фактори билан боғлиқ хавфлар;
- ❖ техник хавфлар;
- ❖ ижтимоий-иқтисодий хавфлар.

Хавфларни бошқариш ўз ичига бир қанча хавф турларини камраб олади. Жумладан:

- ❖ стратегик,
- ❖ иқтисодий,
- ❖ молиявий,
- ❖ репутацион,
- ❖ техник,
- ❖ корпоратив,
- ❖ операцион,
- ❖ экологик,
- ❖ ҳуқуқий,
- ❖ лойиҳа хавфи,
- ❖ шартнома хавфлари ва бошқалар.

Бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос жараён ва усулларга эга бўлиб, хавфнинг бир қатор турларини тавсифловчи айрим умумий тамойиллари мавжуд. Хилсон Девид уларни “хавфларни бошқаришнинг универсал қонунлари” деб атади⁸.

✚Хавфларни бошқаришнинг биринчи қонуни - Хавф ноаниқлик асосида вужудга келиб, келажакда содир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган жараёндир. Бу эса хавфни тўғри тушуниш ва уни бошқариш учун жуда муҳим ҳисобланади. Улар эҳтимолий бўлажак воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар ёки шароитларда вужудга келади. Бу эса уларнинг ўтмишда ва ҳозирда содир бўлган жараёнлардан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Ўтган ва ҳозирги

⁷<http://www.znay.ru/risk/02-03.shtml>

⁸Hillson, David(2010). “ExploitingFutureUncertainty: CreatingValuefromRisk”. Farnham, Surrey, GBR: Ashgate Publishing Group, 2010

кундаги воқеаларни таҳлил қилиш ва ўлчаш мумкин, лекин келажакда юзага келиши мумкин бўлган воқеалар фақат тахмин қилиниши ёки баҳоланиши мумкин. Хавфларни бошқаришнинг ҳар бир турида хавф келажакда юз бериш эҳтимоллиги бўлган ноаниқлик сифатида намоён бўлади.

✚Хавфларни бошқаришнинг иккинчи қонуни - Хавф юз берганда у маълум бир қийматга эга бўлиб, хавфлар келтириб



чиқарадиган оқибатларга кўра ўзининг хавфли эканлигини намоён қилади. Хавфни аниқлаштириш жараёнида “содир бўлмайдиган хавф” деб таърифлаб бўлмайди. Чунки, Мерфи Қонунига кўра, “агар қандайдир салбий ҳодисанинг юзага келиш эҳтимоллиги бўлса, у албатта содир бўлади”⁹

Агар хавфнинг содир бўлиш эҳтимоллиги бўлса, унда турли хил муносабатлар натижасида оқибатларни келтириб чиқарувчи жараён ҳам мавжуд бўлади. Хавфлар мақсадлар билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Инсон онги бирор нарсага эришишга ҳаракат қилса, муваффақиятга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган ноаниқлик юзага келади. Яхши корпоратив бошқарувга эришишдаги асосий мақсад лойиҳалар ёки иш фаолият жараёнида муваффақиятни таъминлаш ҳисоблади. Хавфларни бошқариш кўзланган мақсадга таъсир қилиши ва самарали бошқарувга мослашиши мумкин бўлган келажакда содир бўладиган воқеаларни аниқлашга ҳаракат қилади.

✚Хавфларни бошқаришнинг учинчи қонуни - Хавфларни бошқариш бу турли босқичларга эга бўлган жараён, аммо барча ёндашувлар бошқарув тузилмаси бўйича тизимнинг максимал даражада ишлаши ва самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган барча воситалар билан таъминлашга қаратилган. Хавф жараёнларининг деталлари турлича бўлса-да, хавфни

⁹«ЗконМерфи», МатериализВикипедии — свободнойэнциклопедии. <http://ru.wikipedia.org>

бошқаришнинг ҳар бир тури таҳлил ва ҳаракатдан иборат икки муҳим қисмга эга. Хавфни бошқаришдан олдин хавфларга таъсир қиладиган механизмларга эга бўлиш, хавф аҳамиятини аниқлаш, юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалар натижасини баҳолаш ва зарарларнинг тахминий баҳосини аниқлаш лозим. Хавфларни бошқаришда турли ҳаракатларни бажаришдаги дастлабки қадам таҳлил қилиш ҳисобланади. Чунки асосий мақсад хавфни фақатгина идентификация қилиш эмас, балки уни бошқариш саналади.

✚Хавфларни бошқаришнинг тўртинчи қонуни- хавф фақат одамлар томонидан бошқарилиши мумкин ва хавфни бошқаришда инсоннинг таъсири унинг муваффақияти ва самарадорлиги учун жуда муҳимдир. Хавфни бошқариш жараёнида автоматлаштирилган механизмлардан фойдаланишимиз мумкин



бўлсада, ушбу жараён ҳисоб-китобларни автоматлаштириш, натижаларни қайд этиш мақсадида одамлар томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Одамлар хавф чегарасини ўрнатадилар, хавфларни идентификация қиладилар, ноаниқлик даражасини ва мумкин бўлган таъсир даражасини баҳолайдилар, тегишли жавобларни таклиф қиладилар ва биргаликда келишилган ҳаракатни амалга оширадилар. Улар ноаниқлик шароитида баҳолаш ва қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Ушбу қарорлар воқеалар натижасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган аниқ ва яширин тусга эга бўлади. Хавфларни бошқариш ҳар қадамда бир қатор таъсирлар натижаси ҳисобланувчи, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар асосида қарор қабул қилишга ҳаракат қилувчи шахслар ва гуруҳларга таъсир кўрсатадиган ноаниқ фаолиятга бўйсунди.

Хавфларни бошқариш жараёнида энг кенг тарқалган муваффақиятсизликлардан бири хавфни аниқлашда нотўғри қўйилган биринчи қадамдир. Хавфларни бошқариш жараёнининг

ушбу бошланғич босқичи муваффақиятсиз бўлса, кейинги кадамларнинг ҳам муваффақиятсизликка маҳкум бўлиш эҳтимоллиги юқори бўлади ҳамда хавфларни бошқаришнинг кейинги босқичининг самарадорлиги ҳақида ҳеч қандай саволнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Хавфни аниқлаш жараёнида самарадорликка эришишнинг икки асосий талаби бор¹⁰:

- ❖ Биринчиси, “хавф” атамаси нимани англатишини аниқ тушуниш.
- ❖ Иккинчиси, хавфларни сохталаридан фарқлай олиш керак.

Кўпчилик хавфларни аниқлашга ҳаракат қилганда, хавф ва ноаниқлик орасида чалкашиб қолишади. Хавф ноаниқлик билан бир хил эмас, лекин бу икки атамалар бир бири билан узвий боғлиқ.



Хавфларни бошқариш жараёнида хавф таъсирининг энг кичик салбий оқибатида ҳаракат қилиш режаси яратилади. Хавфларни бошқариш режасини ишлаб чиқиш бўйича Грей ва Ларсенлар томонидан яратилган тўртта асосий қадам мавжуд¹¹ бўлиб, булар:

- ✚ лойиҳага таъсир қилиши мумкин бўлган барча хавф билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш;
- ✚ қатъийлик ва бошқаришга таъсир кўрсатиш эҳтимоллиги бўлган ҳар бир хавфни баҳолаш;
- ✚ ҳар бир хавфга жавоб бериш учун кутилмаган ҳолатлар стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ✚ хавфларни динамик равишда кузатиш ва назорат қилиш.

Хавфларни бошқариш режаси дастлабки мақсадни белгилаш босқичида ишлаб чиқилиши ва дарҳол амалга оширилиши лозим. У муайян мақсадларга эришишнинг ҳар бир босқичида кўриб чиқилиши ва ҳатто қайта кўриб чиқилиши лозим. Режалаштиришда

¹⁰<http://gisap.eu/ru/node/14438>

¹¹Clifford F. Gray and Erik W. Larson (2003). “Managing Risk”, 2nd Edition, Published by McGraw-Hill /Irwin, 1221 Avenue of the Americas, New York, NT, 10020, 2003

асосий омил ҳар бир қадамнинг мукамал ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади. Бу эса амалга оширилаётган ҳаракатларнинг қанчалик натижадорлигини белгилаб беради.

1.2. “Хавфни бошқариш тизими” тушунчаси ва унинг асосий атамалари

Хавфни бошқариш тизими – бу хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва жавоб қайтариш, шунингдек, уларни кузатиш ва назорат қилиш қоидалари, ҳужжатлари ва чора-тадбирлари тўплами¹².

Хавфларни бошқариш тизими ўзаро боғлиқ элементлар мажмуи сифатида иккита кичик тизимни ўз ичига олади: бошқарувчи ва бошқарилувчи.

Бундан ташқари, ХБТ юқори даражадаги тизимнинг таркибий қисми – корпоратив бошқарув бўлиб, ташкилот стратегияси талабларига асосланади. Бошқа томондан, тизим технологик бошқарув мажмуаси, ташкилий воситалар ва тузилмалар мажмуини ўз ичига олади.

Евросиё иқтисодий иттифоқи Божхона кодекси 127-моддасига асосан хавфларни бошқариш тизими учун асосий терминларга берилган таърифларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин¹³:

1-гуруҳ: хавфларнинг умумий тушунчаси ва турлари (хавф, аниқланган хавф, потенциал хавф)

2-гуруҳ: хавф таърифининг мазмунини очиб берувчи атамалар (хавф таҳлили, хавф профили, хавфни баҳолаш, хавф индикатори, хавф соҳаси)

3-гуруҳ: хавф билан боғлиқ жараённи ташкил этишга ёрдам берувчи атамалар (хавфларни бошқариш, хавф даражаси)

4-гуруҳ: хавфли товарлар кетма-кетлигини белгиловчи атамалар (хавфли товарлар, яширувчи товарлар)

Хавфни бошқариш тизимига оид атамалар ва таърифлар¹⁴:

¹² <https://www.nsd.ru/about/korporativnoe-upravlenie/sistema-upravleniya-riskami>

¹³ <http://www.brokert.ru/material/tk-ts-terminy-riski>

¹⁴ <http://aquagroup.ru/normdocs/11533#i31148>

Хавф: Ҳодисанинг юзага келиш эҳтимоллиги ва унинг оқибатлари уйғунлиги.

Изоҳ:

1. “Хавф” атамаси одатда салбий оқибатлар эҳтимоли бўлгандагина қўлланилади.

2. Баъзи вазиятларда хавф кутилган натижа ёки ҳодисадан четга чиқиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлади.

3. Хавфсизлик сўзига нисбатан ишлатилади.

Оқибат: ҳодиса натижаси

Изоҳ:

1. Ҳодиса натижаси бир ёки бир нечта оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Оқибатлар ижобий ва салбий даражалардан ўрин олиши мумкин.

Бироқ, хавфсизлик жиҳатларига келсак, натижалар ҳар доим салбий бўлади.

3. Оқибатларни сифат ёки миқдор жиҳатдан ифодалаш мумкин.

Эҳтимоллик: Бирор воқеа юз бериши мумкин бўлган чорадир.

Эҳтимолликнинг математик таърифи: “тасодифий ҳодиса билан боғлиқ бўлган 0 дан 1 гача ораликдаги ҳақиқий сон”. Рақам бир қатор кузатишларда нисбий частотани ёки баъзи воқеалар содир бўлиши даражасини акс эттириши мумкин. Юқори даражадаги ишончда эҳтимоллик бир бирликка яқин бўлади.

Воқеа: Ҳодиса содир бўлганда муайян ҳолатлар мажмуининг юзага келиши.

Изоҳ:

1. Воқеа белгиланган ёки белгиланмаган бўлиши мумкин.

2. Воқеа битта ёки бир нечта бўлиши мумкин.

3. Ҳодиса билан боғлиқ эҳтимоллик маълум вақт оралиғида баҳоланиши мумкин.

Манба: Потенциал оқибатларга олиб келадиган объект ёки фаолият.

Изоҳ: Хавфсизлик нуқтаи назаридан, манба хавф ҳисобланади.

Хавф мезони: Таваккалчиликнинг аҳамиятини баҳолаш қоидалари

Изоҳ: Хавф мезонлари ўз ичига тегишли харажатлар ва фойдани, ҳуқуқий ва мажбурий талабларни, ижтимоий-иқтисодий ва экологик аспектларни, манфаатдор томонлар хавотирларини, баҳолашнинг устувор харажатларини олиши мумкин.

Хавф менежменти: Таваккалчиликка нисбатан ташкилотга раҳбарлик қилиш ва бошқариш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатлар мажмуи.

Изоҳ: Хавф менежменти одатда хавфни баҳолашни, хавфни қайта ишлашни, хавфни қабул қилишни ва хавф коммуникацияларини ўз ичига олади.

Хавф менежменти тизими: Хавфларни бошқаришга нисбатан ташкилот менежменти тизимининг элементлари тўплами.

Изоҳ: Хавфларни бошқариш тизимининг элементлари стратегик режалаштириш, қарор қабул қилиш ва хавфга таъсир қилувчи бошқа жараёнларни ўз ичига олиши мумкин.

Хавфни келтириб чиқариши мумкин бўлган шахслар ёки ташкилотлар билан боғлиқ атамалар:

Жалб қилинган томон: Хавф таъсир қилиши, унга дучор бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки ташкилот.

Изоҳ

1. Қарор қабул қилувчи ҳамда иштирок этувчи шахс.
2. Иштирок этувчи томон манфаатдор томонни ўз ичига олади, лекин у манфаатдор томонга нисбатан кенгроқ маънога эга.

Манфаатдор томон: Ташкилот фаолияти ёки муваффақиятига қизиқиши бўлган шахс ёки гуруҳ.

Мисоллар: истеъмолчилар, мулкдорлар, ташкилот ходимлари, таъминотчилар, банкирлар, уюшмалар, ҳамкорлар ёки жамият.

Изоҳ:Бир гуруҳ шахслар ташкилот, унинг бир қисми ёки бир неча ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин.

Хавф коммуникацияси: Қарор қабул қилувчи ва бошқа томонлар ўртасида хавф маълумотларини алмашиш ёки ушбу маълумотдан ҳамкорликда фойдаланиш.

Изоҳ - Ахборот борлиқ, табиат, шакл, эҳтимоллик, мақбуллик, чора-тадбирлар ёки хавфнинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хавфни баҳолаш билан боғлиқ атамалар:

Хавфни баҳолаш: хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг умумий жараёни.

Хавф таҳлили: Манбаларни аниқлаш ва хавфни миқдорий баҳолаш учун ахборотдан тизимли фойдаланиш.

Изоҳ:

1. Хавфларни таҳлил қилиш уларни баҳолаш, минималлаштириш чора-тадбирлари ва уларни қабул қилиш учун асос яратади.

2. Ахборот иштирокчи томонларга алоқадор тарихий маълумотларни, назарий таҳлил натижаларини, маълум қилинган фикрларни ўз ичига олиши мумкин.

Хавфни идентификация қилиш: Таваккалчилик элементларини топиш, рўйхат тузиш ва тавсифлаш жараёни.

Изоҳ:

1. Хавф элементлари манбалар ёки ҳодисалар, оқибатлар ва эҳтимолликни ўз ичига олиши мумкин.

2. Хавфни идентификация қилиш иштирокчи томонлар манфаатларини акс эттириши мумкин.

Манбаларни идентификация қилиш: Манбаларни топиш, рўйхатга олиш ва тавсифлаш жараёни.

Изоҳ: Манбаларни хавфсиз идентификация қилиш жиҳатидан хавфларни аниқлашни ифодалайди.

Хавфни қайта ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ атамалар:

Хавфни қайта ишлаш: Хавфларни модификация қилиш чора-тадбирларини танлаш ва амалга ошириш жараёни

Изоҳ:

1. “Хавфларни қайта ишлаш” атамаси баъзан чора-тадбирларнинг ўзини белгилашда ишлатилади.

2. Хавфларни қайта ишлаш чора-тадбирлари ўз ичига хавфдан қочиш, уни оптималлаштириш, ўтказиш ёки хавфларни сақлаб туришни олиши мумкин.

Хавфни оптималлаштириш: Салбий оқибатларни минималлаштириш ва ижобий оқибатлардан максимал фойдаланишга йўналтирилган хавф билан боғлиқ жараён.

Изоҳ:

1. Хавфсизлик жиҳатидан хавфни оптималлаштириш хавфни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

2. Хавфни оптималлаштириш қонуний талаблар асосидаги хавф мезонларига боғлиқ.

Хавфни камайтириш: Хавф билан боғлиқ салбий оқибатлар пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтириш билан боғлиқ ҳаракатлар

Хавфни молиялаштириш: Хавфларни қайта ишлаш харажатлари ва тегишли харажатлар учун маблағлар билан таъминлаш.

Изоҳ - Баъзи соҳаларда хавфни молиялаштириш фақат хавф билан боғлиқ молиявий оқибатларни субсидиялашни англатади.

Ахборот хавфини бошқариш соҳасидаги атамалар ва таърифлар¹⁵:

Махфийлик - Маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки унинг таркибини рухсатсиз шахслар, субъектлар ёки жараёнлар учун ошкор қилмаслик хусусиятидир.

Ахборот хавфсизлиги - Маълумотларнинг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигини таъминлаш; шунингдек, ҳақиқийлик, жавобгарлик, рад этмаслик ва ишончлилик каби бошқа хусусиятларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги ҳодисаси - Хавфсизлик сиёсатининг бузилиши мумкин бўлган ёки хавфсизлик механизмларининг етишмаслиги ёки хавфсизлик билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган

¹⁵ <http://iso27000.ru/informacionnye-rubriki/upravlenie-riskami/terminy-i-opredeleniya-v-oblasti-upravleniya-informacionnymi-riskami>

илгари номаълум бўлган вазиятни кўрсатадиган тизим, хизмат ёки тармоқнинг аниқланган ҳолати.

Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими - Бизнес хавфсизлигини яратиш, амалга ошириш, бошқариш, таҳлил қилиш, сақлаш ва такомиллаштиришга мўлжалланган, бизнес хавфларини баҳолашга асосланган умумий бошқарув тизимининг бир қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 29-боби Хавфни бошқариш тизими деб номланган бўлиб, ушбу бобда Хавфни бошқариш тизимига оид қуйидаги атамалар ва таърифлар келтириб ўтилган ¹⁶.

хавф — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси;

аниқланган хавф — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлигидан ва божхона органлари ушбу ҳолат тўғрисида маълумотга эга эканлигидан далолат берувчи факт;

потенциал хавф — аниқланмаган, лекин унинг юзага келиши учун шароитлар мавжуд бўлган хавф;

хавф индикаторлари — олдиндан белгиланган кўрсаткичларга эга муайян мезонлар бўлиб, улардан оғиш ёки уларга мос келиш назорат объектини танлашни амалга ошириш имконини беради;

хавф профили — хавф соҳаси, хавф индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси, шунингдек хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон қадар камайтириш бўйича зарур чораларни кўриш тўғрисидаги кўрсатмалар;

хавф соҳаси — хавф таҳлилининг айрим гуруҳларга бўлинган объектлари бўлиб, уларга нисбатан божхона назоратининг алоҳида шакллари ёки мажмуи қўлланилиши, шунингдек уларнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади;

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси / Ўзбекистон Республикасининг қонуни / ЎзР ҚХТ, 2016. – 400-сон

хавфни баҳолаш — хавфнинг юзага келиши эҳтимолини ва у юзага келганда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатларини мунтазам равишда аниқлаб бориш;

яширувчи товарлар — хавф товарлари ўрнига декларацияланиши эҳтимоли етарли даражада бўлган товарлар;

хавф товарлари — хавф аниқланган ёки потенциал хавф мавжуд бўлган божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар;

хавф даражаси — хавфнинг юзага келишининг эҳтимолига ва унинг мумкин бўлган оқибатларига боғлиқ тарзда аниқланадиган хавфнинг ҳолати;

хавф таҳлили — божхона органларида мавжуд бўлган ахборотдан хавфнинг юзага келиши ҳолатлари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни идентификациялаш ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимол тутилган оқибатларини баҳолаш мақсадида мунтазам равишда фойдаланиш;

хавфни бошқариш — хавфнинг олдини олиш ва уларни имкон қадар камайтириш, уларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек божхона операцияларининг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, божхона органларида мавжуд бўлган ахборотнинг узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи доимий ишлар.

1.3. “Хавфни бошқариш” тизимини қўллаш соҳалари

Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий тизимида хавфларни бошқариш фаолиятнинг деярли барча соҳаларида бошқарув назарияси ва амалиётининг муҳим қисми сифатида назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Жумладан, хавфларни бошқариш тизими тиббиёт, мудофаа, банк, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланилади.

Тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлларида бири тасодикий ҳодисаларни чегаралашга, беморларга

жисмоний ва маънавий зарар етказишга қаратилган оқибатларни аниқлаш, баҳолаш ва қарши курашиш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимини жорий қилиш ҳисобланади¹⁷.

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай давлат учун энг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга вазифа ҳисобланиб, сиёсий характерга эга бўлади. Ушбу вазифани бажариш чоғида қабул қилинадиган қарорлар деярли ҳар доим турли танловлар, баъзан қийин вариантлардан бирини танлаш асосида қабул қилинади.



Шунга асосан ҳарбий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолият жараёнлари салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфни ўз ичига олади¹⁸.

Хавф тушунчаси қурилиш объектларига ҳам, уни қуриш вақтида содир бўладиган жараёнларга ҳам тегишли ҳисобланади. Қурилишдаги хавфлар моддий зарар ва одамлар саломатлигини йўқотишга олиб келиши мумкин. Бино ва иншоотларни қуриш очик динамик тизим ҳисобланади, шунинг учун у сезиларли хавфларга дуч келади¹⁹.

Банк rischi кредит-молия ташкилоти учун моддий йўқотишлар эҳтимоли ҳисобланади. Бунинг сабаблари турли молиявий воситалар бозор қийматининг кутилмаган ўзгаришлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, валюта бозоридаги ўзгаришлар туфайли йўқотишлар содир бўлиши мумкин²⁰.

Иқтисодий хавф – давлат ёки ташкилот молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида ташқи ва ички муҳит омилларининг таъсиридан келиб чиқадиган салбий ҳолатлар юзага келишининг

¹⁷<https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=8463>

¹⁸ <https://www.dissercat.com/content/politicheskii-risk-v-obespechenii-voennoi-bezopasnosti-teoriya-i-osnovy-upravleniya>

¹⁹https://studme.org/78316/ekonomika/riski_stroitelstve_riski_investora

²⁰<https://www.sravni.ru/enciklopediya/info/bankovskie-riski/>

объектив мавжуд эҳтимоли. Бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг воситаси сифатида иқтисодий хавф намоён бўлади ²¹.

Божхонада хавф - божхона қонунчилигига риоя қилмаслик эҳтимоли. Хавфларни бошқариш тизими танлаб назорат қилиш тамойилига асосланган самарали божхона назоратини таъминловчи божхона бошқаруви тизими ҳисобланади. Божхонадаги хавфлар иқтисодий хавфлар категорияси билан бевосита боғлиқ саналади. Божхонада хавфни қўллаш орқали мамлакатнинг муваффақиятли ва самарали иқтисодий фаолиятини барча даражаларда сезиларли даражада ўзгартириши мумкин²².



Бошқарув қарорларининг аксарияти хавф тамойилларига асосланиб қабул қилинади. Бошқарув ва хавф инсоният пайдо бўлгандан бери мавжуд. Бошқарув сезги, тажриба ва билимга асосланган хавф ҳисоби асосида амалга оширилар эди. Бошқарув қарорларини қабул қилишда энди хавф ва даромадни таҳлил қилиш ва ўлчаш учун фақатгина ички сезгилардан фойдаланиш етарли ҳисобланмайди. Шунинг учун ушбу жараёнда илмий усуллар қўлланилиб, уларни профессионал тарзда қўллайдиган мутахассислар пайдо бўлди.

Вақт ўтиши билан менежментда янги бошқарув шаклини яратиш зарурати туғилди ҳамда хавф менежери лавозими жорий этилди. Ҳар қандай турдаги хавфларни камайтириш унинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

²¹<https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-risk-v-ekonomicheskoy-deyatelnosti>

²²<https://cyberleninka.ru/article/n/tamozhennyi-risk-kak-raznovidnost-ekonomicheskogo-i-ego-vidy>

Хавф менежери махсус мутахассислар билан қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Унинг тизимни мувофиқлаштирувчи бўлиши, бошқарувни тизимли ёндашув асосида олиб бориши, қарор қабул қилишнинг назарий асослари ва математик методларини, амалий психологиянинг метод ва усулларини билиши, бизнес алоқа маҳоратига эга бўлиши ва бошқа катор кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади. Бундай мутахассис одамларнинг турли фаолият турлари билан боғлиқ хавф ҳақида муайян, изчил тушунчаларга эга эканлигини яхши билиши керак.

Шундай қилиб, хавфларни бошқариш соҳасидаги мутахассис муайян даражада мукамал билимга эга бўлиши ҳамда уни муайян кўникма ва қобилиятларга айлантириши керак.

Хавфларни бошқариш соҳаси менежмент билан боғлиқ бўлиб, фаолиятнинг турли соҳаларида асосланган қарорлар қабул қилади: иқтисод, психология, тиббиёт, фалсафа, юриспруденция ва бошқалар.

Қоида тариқасида, амалиётда ваколатлар хавф ҳодисаси юз берганда олинган зарар миқдорига ёки зарар чегарасининг ҳажмига қараб бўлинади. Бизнеснинг ўзига хослиги ва кўламига қараб зарар чегараси 10 дан 100 минг АҚШ долларигача бўлиши мумкин. Агар ушбу чегара ошиб кетса, қарорлар фақат компаниянинг топ менежерлари томонидан қабул қилинади. Хавфларни бошқариш операцион жараёнларга интеграциялашган бўлса, энг самарали ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, хавфларни бошқаришда оператив хавфларни бошқаришда жамлаш тенденцияси мавжуд бўлиб, жавобгарликнинг катта қисми менежерларга ўтказилади. Хавф менежерларининг вазифаси биринчи навбатда хавф таҳлилини мувофиқлаштириш, кутилаётган зарарнинг олдини олиш ва хавфни ўтказиб юбориш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Хавф менежментининг асосий мақсади- ташкилот акциядорлари ва раҳбарияти учун фойдани максималлаштириш ва корхонанинг узоқ муддатли барқарор фаолият юритиши ўртасида бошқарувнинг оптимал мувозанатини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларга эришиш учун хавфларни бошқаришнинг қуйидаги тамойилларига риоя қилиш лозим: комплекслик, узлуксизлик ва интеграция.

Комплекслик тамойили ташкилотнинг барча бўлинмаларини фаолият йўналишлари бўйича хавфларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнига жалб этишни назарда тутди. Хавфларни бошқариш тартибларини жорий қилишнинг ижобий самараси мижозларга бериладиган имтиёзлар билан белгиланиши мумкин. Бу ҳолда фаолият натижаси ва имкониятлари ўртасида бевосита боғланиш ўрнатилди.

Узлуксизлик тамойили хавфларни доимий назорат қилиш ва мониторинг қилиш тизимини амалга оширишдан иборат. Корхоналар фаолият кўрсатаётган шароитлар унинг ташқи ва ички муҳити ҳолатини атрофлича таҳлил қилишни талаб этади.

Бизнесга таъсир кўрсатаётган барча хавф факторлари ва сабабларига, маҳсулот нархининг пасайишидан тортиб, авариялар содир бўлиш эҳтимолигача мувозанатли баҳо берадиган **Интеграция тамойилига** амал қилиш талаб этилади.

Ташкилот ишлаш кўрсаткичларининг беқарор динамикаси хавфларнинг мавжудлигини кўрсатиши мумкин: фойда, пул оқимлари ва бошқалар. Интеграл (ажралмас) хавфни аниқлаш ташкилотнинг мувозанатли узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган маблағлар миқдорини оптималлаштиришга имкон беради²³.

²³https://studref.com/583811/menedzhment/oblast_primeneniya_printsipyprotsess_sozdaniya_risk_menedzhmenta

1.4. Божхона ишида “Хавфни бошқариш” тизимини қўллашнинг Халқаро ҳуқуқий асослари

Божхона органлари томонидан фойдаланиладиган Хавфни бошқариш тизими Бутунжаҳон божхона ташкилотининг Халқаро стандартлари ва хавфларни бошқариш тамойилларига асосланади.



Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Халқаро Киото конвенциясига 1999 йилда киритилган умумий илова (6-боб. Божхона назорати), стандартлар божхона назоратида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг

қуйидаги асосий ёндашувларини белгилаб берди²⁴:

божхона назорати божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш учун зарур бўлган минимал миқдорга камайтирилади (6.2-стандарт);

божхона назоратини ўтказишда божхона хизмати хавфни бошқариш тизимидан фойдаланади (6.3-стандарт);

божхона хизмати божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган шахслар ва товарлар, шу жумладан транспорт воситаларини аниқлаш ва бундай назоратлар даражасини аниқлаш учун хавф таҳлилини қўллайди (6.4-стандарт);

божхона назоратини такомиллаштириш мақсадида божхона хизмати савдо иштирокчилари билан ҳамкорлик қилишга ва ўзаро англашув меморандумини (6.8-стандарт) тузишга интилади.

Киото конвенцияси талабларига кўра божхона ҳудудига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган барча товарлар, шунингдек транспорт воситалари бож ва солиқлар ундирилишидан қатъий назар божхона назоратидан ўтказилиши лозим. Ушбу конвенция божхона органларида Хавфни бошқариш тизимини қўлланилишининг дастлабки пойдеворларидан бири бўлиб ҳисобланди.

²⁴http://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/spravochnaya-informacziya/Obshchie_svedeniya_o_primenenii_tamozhennymi_organami_sistemy_upravleniya_riskami

Хавфни бошқариш тизимини жорий этиш Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилиш шартларидан биридир. Шу билан бирга, Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилиш эса Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишнинг шартларидан биридир.

2005 йил июнь ойида Бутунжаҳон божхона ташкилоти кенгашининг навбатдаги йиллик сессияси бўлиб ўтди ва унда Бутунжаҳон божхона ташкилоти божхона хизматлари Бош директорлари бир овоздан хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш учун ҳадли стандартлар асосларини қабул қилишди. Ушбу Халқаро ҳужжат хавфсиз Халқаро савдо режимининг бошланишини белгилаб берди, шунингдек, божхона маъмуриятлари ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги яқинроқ ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, чегаралар бўйлаб олиб ўтиладиган товарлар билан “ўзаро ҳамкорликдаги фаолият” бошқарувидаги янги ёндашувни эълон қилди.²⁵

Ҳадли Стандартларнинг 2007 йил версияси божхона маъмуриятлари ва ваколатли иқтисодий операторлари (ВАО) учун белгиланган шартлар ва талаблар бўйича батафсил қоидаларни ўз ичига олган.

Бутунжаҳон божхона ташкилоти 2010 йил июнь ойида хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш мақсадида Ҳадли стандартларни жорий қилиш бўйича барча ҳужжатлар ва бошқарув принципларини ўзида бирлаштирган чора-тадбирлар мажмуини эълон қилди.

Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш бўйича божхона чора-тадбирлари мажмуи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган:

- ✚ Ҳадли стандартлар;
- ✚ Интеграциялашган таъминот занжирини бошқариш бўйича Бошқарув;

²⁵<http://www.wcoomd.org/~media/50518838DCAD4D4B9600B3E94F37C663.ash>

- ✚ Ваколатли иқтисодий операторлар институтини жорий қилиш бўйича Бошқарув;
- ✚ Ваколатли иқтисодий операторлар бўйича Компендиум;
- ✚ Ваколатли иқтисодий операторлар апелляция бериш жараёнининг намунавий процедураси;
- ✚ Сканер қурилмаларини сотиб олиш ва қўллаш бўйича Бошқарув;
- ✚ Халқаро савдони хавфсиз ва енгиллаштириш учун маълумотлар элементларини қўллаб-қувватлаш Механизми;
- ✚ Савдо процедураларини тиклаш бўйича Бошқарув;
- ✚ Кичик ва ўрта бизнес корхоналари шахсий савол-жавобларининг Рўйхати.

Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш бўйича божхона чора-тадбирлари мажмуи ўз ичига келишувларни ишлаб чиқиш бўйича Бошқарув/ Ўзаро тан олиш бўйича Битим ва Ваколатли иқтисодий операторлар учун Намунани қўшимча равишда қамраб олди.

Ҳадли стандартларнинг 2012 - йилдаги версияси ўз ичига чегараларни комплекс бошқариш бўйича янги 5-қисмни, савдо



фаолятининг узлуксизлиги ва қайта тикланиши бўйича янги 6-қисмни, 7-қисмга кўчирилган ўзаро тан олиш бўйича янги матнни, янги III иловага кўчирилган Ваколатли иқтисодий операторлар учун талаб, шарт ва афзалликларни, янги IV иловага кўчирилган Божхона ҳамкорлиги кенгашининг хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш стандартлари

бўйича қарор матнини ҳамда “хавф даражаси бўйича юқори хавфга эга товар” жумласи қўшилган ва унга аниқлик киритилган I иловани қамраб олган.

Институционал ривожланишни рағбатлантириш бўйича Бутунжаҳон божхона ташкилоти Ҳадли стандартларни жорий қилиш стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Ҳадли стандартларни жорий қилишни божхона органлари ва ТИФ иштирокчиларидан ташкил топган Бутунжаҳон божхона ташкилоти секретариати ишчи гуруҳи томонидан қўллаб-қувватлаш давом этмоқда.

Ҳадли стандартларнинг аҳамияти, экспорт назоратида тутган ўрни, шу жумладан, икки мақсадли фойдаланиладиган товарларни назорат қилишдаги аҳамияти ҳозирги кунда Халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ҳадли стандартлар бу товарларни расмийлаштириш жараёнида Халқаро товарлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаган ҳолда осонлаштириш ва уларни назорат қилишда оптимал ечим сифатида таърифланади. Ушбу ноёб ҳужжат божхона маъмуриятлари ва иқтисодий операторлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хавфни бошқариш тизимида товарлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаган ҳолда уларни соддалаштирилган божхона назоратидан ўтказишда ҳадли стандартлар муҳим аҳамият касб этади.



WORLD TRADE
ORGANIZATION

2013-йилнинг декабрь ойида Индонезиянинг Бали шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон савдо ташкилотининг (бундан буён матнда - ЖСТ деб юритилади) 9-Вазирлар конференциясининг асосий натижаларидан бири Савдо процедураларини соддалаштириш тўғрисидаги келишув бўлди.²⁶

Ушбу ҳужжат Халқаро савдо жараёнини соддалаштириш орқали савдо битимлари бўйича харажатларни сезиларли даражада,

²⁶https://www.intracen.org/uploadedFiles/intracenorg/Content/Publications/AssetPDF/WTO%20Trade%20Facilitation%20Agreement_Russian.pdf

Энг аввало импорт ва экспорт товарларининг божхона қийматини камайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Сўнгги 10-15 йил давомида чегарадаги назоратлардан ўтишдаги харажатлар масаласига эътибор қаратилганига қарамасдан, бир неча кундан бир неча ҳафтагача давом этадиган чегарада товарларнинг туриб қолиш ҳоллари кузатилмоқда, бу эса товарлар ҳаракатининг секинлашишига ва охир оқибат истеъмолчи зиммасига тушадиган юқори харажатларга олиб келмоқда.

Савдо битими харажатлари ривожланаётган мамлакатларда энг юқори бўлиб қолмоқда. Энг кам ривожланган мамлакатларда ўзаро савдо алоқалар билан боғлиқ баъзи муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

ушбу мамлакатлар аксарияти жойлашган ўрнининг бошқа мамлакатлардан узоқлиги,

тўғридан тўғри денгизга чиқиш имконияти йўқлиги.

Кўпинча бу каби муаммолар ривожланмаган транспорт инфратузилмаси туфайли янада оғирлашади. Энг кам ривожланган мамлакатларда савдо харажатлари ривожланаётган давлатларга нисбатан юқориликча қолмоқда. Жумладан, чегара орқали контейнерни ташиш нархи энг кам ривожланган мамлакатларда 43 фоизга юқори саналади.

Бу эса кичик ва ўрта корхоналарга номутаносиб таъсир кўрсатади. Улар кўпинча мураккаб талабларга риоя қилишлари



учун етарли ресурслар ва имкониятларга эга эмас. Божхона ва чегара назорати жараёнларининг юқори харажат қилинишига олиб

келиниши ва бошқа нотариф бошқарувлар натижасида уларнинг кичик ҳажмдаги савдоси ҳисобига ўз давлати бюджетининг муҳим улушини ташкил қилмоқда. Улар минтақавий ва Халқаро товарлар нархлари бўйича муносиб ўрин эгаллаши қийин бўлган ҳамда рақобатга бардош бера олмайдиган етказиб берувчиларга айланмоқда.

ЖСТга аъзо барча мамлакатларнинг нафақат божхона органлари, балки барча чегарадаги назорат идоралари учун мажбурий ҳисобланган Савдо процедураларини соддалаштириш тўғрисида битим шартлари барча аъзо мамлакатлар учун ўзаро манфаатли ечим бўлди. Ушбу битимни амалиётга киритиш жараёни билан боғлиқ муаммолар бир қанча ривожланаётган давлатларда, хусусан, энг кам ривожланган давлатларда учрамоқда.

Савдо процедураларини соддалаштириш тўғрисидаги битимда кўзда тутилган Халқаро савдо жараёнидаги тартиб-тамойилларни соддалаштириш орқали савдо битимлари бўйича харажатларни сезиларли даражада камайтиришга Хавфни бошқариш тизими ёрдамида эришиш мумкин.

Синов саволлари:

1. Хавф атамасининг пайдо бўлиш тарихини тушунтириб беринг?
2. Хавф билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи фан бу ?
3. Хавф тарифини тушунтириб беринг ?
4. Хавфни бошқариш ўз ичига қандай хавф турларини қамраб олади ?
5. Хориж олими Ҳилсон Девиднинг талқинига кўра хавфларни бошқаришнинг 1-қонунини тушунтириб беринг ?
6. Хориж олими Ҳилсон Девиднинг талқинига кўра хавфларни бошқаришнинг 2-қонунини тушунтириб беринг ?
7. Хориж олими Ҳилсон Девиднинг талқинига кўра хавфларни бошқаришнинг 3-қонунини тушунтириб беринг ?
8. Хориж олими Ҳилсон Девиднинг талқинига кўра хавфларни бошқаришнинг 4-қонунини тушунтириб беринг ?

9. Хавфни аниқлаш жараёнида самарадорликка эришишнинг икки асосий талаби ?

10. Хавфларни бошқариш режасини ишлаб чиқиш бўйича Грей ва Ларсенлар томонидан яратилган тўртта асосий қадам ?

11. Хавфни бошқариш тизими – бу ?

12. Евросиё иқтисодий иттифоқи Божхона кодексига асосан хавфларни бошқариш тизими учун асосий терминларга берилган таърифлар бўйича ажратилган гуруҳлар ҳақида тушунтириб беринг ?

13. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига асосан божхонада хавф бу ?

14. Аниқланган хавф бу ?

15. Потенциал хавф бу ?

16. Хавф индикаторлари ?

17. Хавф профили бу ?

18. Хавф соҳаси бу ?

19. Хавфни баҳолаш бу ?

20. Яширувчи товарлар бу ?

21. Хавф товарлари бу ?

22. Хавф даражаси бу ?

23. Хавф таҳлили бу ?

24. Хавфни бошқариш ?

25. Хавф қўлланиладиган соҳалар ?

26. Хавф менежери тушунчаси ҳақида тушунтириб беринг ?

27. Хавфларни бошқаришнинг комплекслик тамойили ?

28. Хавфларни бошқаришнинг узлуксизлик тамойили ?

29. Хавфларни бошқаришнинг интеграция тамойили ?

30. Божхона назоратида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг Халқаро ҳуқуқий асослари ?

31. Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Халқаро Киото конвенцияси 6.3-стандарти ҳақида тушунтириб беринг ?

II БОБ. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш

2.1. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизими

Божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарларни ва транспорт воситаларини, ҳужжатларни ва шахсларни аниқлаш, шундай товарларга, транспорт воситаларига, ҳужжатларга ва шахсларга нисбатан қўлланиладиган божхона назоратини ўтказиш шакллари ва даражасини белгилаш учун божхона органлари хавфни бошқариш тизимини қўллайди.

Божхона назорати объектлари ва шакллари танлашда божхона назоратининг замонавий технологияси бўлган хавфларни бошқариш тизимидан фойдаланилади. Хавфни бошқариш тизими назорат натижаларининг самарадорлигини камайтирмасдан товарларни тезроқ ва яхшироқ божхона назоратидан ўтказиш имконини беради.

Хавфни бошқариш тизими - бир томондан давлат томонидан самарали божхона назоратини амалга оширувчи, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, одамлар ҳаёти ва соғлигини таъминловчи ташкилий, техник ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи бўлса, бошқа томондан - товарларнинг божхона расмийлаштирувини тезлаштиради.

Тизимнинг мақсади – ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона қонунчилигига риоя қилган ҳолда қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни қўллаб – қувватлашдир.

Хавфни бошқариш тизимининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Халқаро ташувлардаги товар ва транспорт воситаларини аниқ идентификациялаш;
- божхона ва бошқа тўловларнинг керакли миқдорларини аниқлаш;
- чегарадан ўтиш учун зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлаш;

- декларантлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили, уларни дастлабки (автоматик) текшириш натижалари билан таққослаш ва номувофиқликларни аниқлаш;

- божхона назоратининг керакли талаб даражаси ва зарур ҳажмини аниқлаш.

Божхона органлари божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ❖ мамлакатнинг ташқи савдоси ривожланишига кўмаклашиш;
- ❖ жаҳондаги иқтисодий жараёнларга интеграциялашиш;
- ❖ ташқи савдода товарлар ҳаракатининг тезлашишига эришиш;
- ❖ божхона операцияларни амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллаш;
- ❖ тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш;
- ❖ божхона назоратининг қисқа муддатларда яқунланиш заруриятининг юзага келганлиги;
- ❖ юқори хавфга эга бўлган соҳаларга эътиборни жамлаш ва божхона органлари тасарруфидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;
- ❖ товар ва транспорт воситалари оқимининг кўпайиши;
- ❖ замон билан ҳамнафас ҳолда божхона органлари томонидан иш фаолиятни амалга ошириш.

Хавфни бошқариш тизими дунё тажрибасида божхона назоратининг асосий фалсафаси сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда жаҳондаги савдо ҳажми ўзининг доимий ўсиш тенденциясини сақлаб қолмоқда. Ушбу тенденция келажакда ҳам ўсиш прогрессияси кўринишида сақланиб қолади. Бундай шароитда ҳеч бир давлат божхона тизими фаолиятини барча товарлар кесимида тўлиқ назоратдан ўтказиш механизминини ташқи савдо фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай туриб амалга ошира олмайди.

Божхона назорати қанчалик самарали бўлса, божхона операциялари жараёнидаги салбий таъсири камаяди ҳамда уларни соддалаштириш ва тезлаштириш имкониятига эга бўлади.

Хавфни аниқлаш жараёни автоматлаштирилганига қарамадан, божхона ходимининг сезги ва тажрибасига асосланган қарори муҳим танлов мезони бўлиб қолади.

Ушбу тизимни амалиётга жорий этишда нафақат ижобий томонлари, балки уни татбиқ этиш билан юзага келиш эҳтимоллиги бўлган иқтисодий зарарлар кўламининг даражаси ҳам ўрганилишни тақозо этади.

Хавфни бошқариш тизимини фақатгина автоматлаштирилган ахборот тизими сифатида эмас, балки божхона назоратини танлаб ўтказиш механизми тарзида ҳам тушуниш лозим. Яъни божхона операциялари жараёнида божхона назорати шакллари товар бир қисмига нисбатан ёки бир нечта товарлардан айнан хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлган товарга нисбатан қўллаш тушунилади.

Жаҳон божхона ташкилоти томонидан хавфнинг олдини олиш, уни минималлаштириш, хавфни бошқариш масалаларига доимий равишда эътибор бериб келинган ва қабул қилинган конвенциялар, резолюцияларнинг аксарияти ушбу масалага бағишланган.

Рус олимаси Алла Лукьянованинг фикрича, хавфни бошқариш тизими – божхона органларининг божхона назоратини танлаб ўтказадиган асосий элементи саналади. Профессор Андрей Александрович Мальцев эса божхона органларида хавфларни бошқариш тизими иқтисодиётнинг глобаллашуви, ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш усулларидаги жиддий ўзгаришлар, замонавий ахборот технологияларининг ривожини божхона хизматини божхона назорати тартиблари ва қоидаларини такомиллаштиришга ундайди деб айтиб ўтган ²⁷.

²⁷Мальцев. А.А. Система управления рисками в работе таможенных органов [Электрон, ресурс]: cyberleninka.ru. Режим доступа: World Wide Web. URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/sistema-upravleniya-riskami-v-rabote-tamozhennyh-organov>

Божхона органларининг хавфларни баҳолаш ва бошқариш фаолияти қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади²⁸:

1. Хавфларни бошқариш тизимининг ахборот базасини шакллантириш.

2. Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш:

- хавфларни таҳлил қилиш объектлари;
- хавфларни олдини олиш ва минималлаштириш чораларини кўриш зарурлигини белгиловчи хавфларни таҳлил қилиш объектлари бўйича хавф кўрсаткичлари;
- хавф юз берганда юзага келиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш;

3. Хавфларни бошқариш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

- хавфнинг келиб чиқиш эҳтимоли ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар;
- хавфларни олдини олиш ва минималлаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни қўллаш.

Хавфни бошқариш тизими танлаб олиш асосида амалга ошириладиган самарали божхона назоратини ташкил этишни таъминлайди²⁹.

Бу божхона органларига қуйидагиларни тақдим этади:

- ❖ энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратиб, мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланиш;
- ❖ божхона қонунчилиги бузилишини аниқлаш ва прогноз қилиш имкониятини ошириш;
- ❖ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун қулай шароит яратиш;
- ❖ товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан ҳаракатини тезлаштириш.

Хавфни бошқариш тизимининг асосий вазифалари³⁰:

²⁸<https://moluch.ru/archive/124/34283/>

²⁹https://studme.org/107918/ekonomika/sistema_upravleniya_riskami_tamozhennom_kontrole_peremeschaemyh_tovarov

- ❖ ХБТ фаолиятини таъминловчи ягона ахборот маконини яратиш;
- ❖ хавфларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;
- ❖ потенциал хавфни аниқлаш ва уларни қайд этиб бориш;
- ❖ божхона ҳуқуқбузарликларини содир этишга кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш;
- ❖ потенциал ҳамда аниқланган хавфлар бўйича етказилиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш;
- ❖ хавфларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш имкониятини аниқлаш;
- ❖ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ❖ хавфларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш;
- ❖ хавфларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалда бажарилишини назорат қилиш;
- ❖ хавфларни бошқариш чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ва шунга кўра бошқарув қарорларини ўзгартириш;
- ❖ божхона назоратининг алоҳида шаклларини қўллаш ёки уларни бирлаштириш натижалари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш.

Агар қонунга риоя қилмаслик эҳтимолини баҳолаш муайян белгиланган қийматдан ортиқ бўлса, унда божхона текширувига эҳтиёж туғилади.

Шу нуқтаи назардан, “божхона назорати” божхона органлари томонидан амалга ошириладиган шундай операциялар тизими бўлиши керакки, бунда ижроси божхона органларига юклатилган, божхона иши соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари ва Халқаро

³⁰https://studme.org/107918/ekonomika/sistema_upravleniya_riskami_tamozhennom_kontrolе_peremeschaemyh_to_varov

шартномаларига риоя этилишини текшириш унинг мақсади бўлмоғи лозим.

Хавфни бошқариш тизимининг биринчи навбатдаги мақсади қонун бузилишларининг юзага келишидан огоҳлантирувчи шарт-шароитларни яратиш ва шундан кейингина ҳуқуқбузарликлар хавфини минималлаштириш, божхона қоидалари бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш эҳтимолини максималлаштиришдан иборат.

Божхона фаолиятининг биринчи босқичида авваламбор товарларни аниқ идентификациялашни амалга ошириш, товарларнинг амалдаги қонунчиликка асосан божхона декларациясига мувофиқлигини, божхона тўловлари миқдорини тўғрилигини холисона ва ишончли баҳолаш зарур.


2.2. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг стандарт жараёнлари

Божхона назорати пайтида давлат ва ташқи савдо иштирокчиларининг манфаатларини қондиришни таъминловчи самарали механизм ҳозирги кунда деярли бутун дунёда кенг тарқалган божхона назоратида хавфларни бошқариш тизими ҳисобланади.

Божхона назоратини амалга оширишга доир талаблар 1973 йилда қабул қилинган “Божхона процедураларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш тўғрисидаги Киото конвенцияси”нинг 6-бўлимида келтириб ўтилган. Ушбу конвенцияга кўра божхона ҳудудига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган барча товарлар, шунингдек транспорт воситалари бож ва солиқлар ундирилишидан қатъий назар божхона назоратидан ўтказилиши лозим.

Конвенция божхона расмийчилигини соддалаштириш ва тезлаштириш орқали ташқи савдони рағбатлантириб боради. Хавфни бошқариш тизимини жорий этиш божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилиш шартларидан бири ҳисобланади.

Киото Конвенция 6.3 стандарти ва Жаҳон божхона ташкилоти тавсиялари асосида божхонада хавфни бошқариш тизимининг стандарт жараёни ишлаб чиқилган.



Хавфни бошқариш тизимининг стандарт жараёни механизми

Контекстни белгилаш жараёни - ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини идентификация қилишни (тоифалаш) ўз ичига олади.

Хавфни аниқлаштириш жараёни - назорат объектларини танлаш тўғрисида тўғри қарорлар қабул қилиш учун амалга оширилади. Хавф мезонларини шакллантириш жараёнини хавфни аниқлаш ва уни тезда бартараф этиш қобилиятига асосланган ҳолда шакллантириш керак. Мутахассисларнинг фикрича, энг муҳим мезонлар, биринчи навбатда, инсон соғлиғи ва ҳаётига таҳдид, фискал ҳолат ва товар етказиб бериш жараёнидаги йўқотишлар ҳисобланади.

Хавфни таҳлил қилиш – миқдорий ва (ёки) сифат жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар миқдори ва эҳтимоллигини баҳолайди.

Хавфни баҳолаш - хавф юзага келишининг таъсири ва оқибатларини баҳолайди (масалан: юқори, ўрта, паст).

Хавфни йўқ қилиш – аниқланган хавф бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилайди (масалан: хавфни ўтказиб юбориш, ушлаб қолиш, йўқ қилиш).

1995 йил Австрияда дунёда биринчи марта божхона хизматида хавфларни бошқариш стандарти яратилди. Кўпгина мамлакатлар бу босқичдан ўтдилар ва уларнинг амалий тажрибаси божхона органлари фаолиятида хавфларни бошқариш тизимидан

фойдаланиш самарадорлигини тасдиқлайди. Бу эса божхона орқали товарлар ҳаракатини сезиларли даражада тезлаштиради, расмийлаштирув вақтини қисқартиради ва энг муҳими, миллий экспортчи ва импортчиларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Австралия ва Янги Зеландия божхона хизматлари томонидан ишлаб чиқилган ISO 31000:2009 Халқаро стандарти ҳозирги кунда хавфни бошқариш тизимини қўллаш учун фундаментал назарий асос сифатида дунёнинг барча божхона хизматлари томонидан эътироф этилмоқда.

Хавфни бошқариш тизими Жаҳон савдо ташкилоти стандартларига мувофиқ божхона назоратини амалга ошириш жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Хавфни бошқариш тизимини стандартлаштиришнинг мақсади савдони енгиллаштириш ҳамда уни назорат қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлай оладиган самарали хавфларни бошқариш тизимини яратиш учун унинг сиёсати, тизимлари, тартиб-тамойлари ва ҳуқуқий воситаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади³¹.

Ушбу жараёнда стратегик вазифалар этиб қуйидагилар белгиланади:

➤ хавфларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тўғри ишлашини таъминлашга қодир тегишли ҳуқуқий базани яратиш;

➤ хавфларни бошқаришни амалга ошириш ва маъмуриятчилик учун тегишли ташкилий тузилмани яратиш;

➤ хавфларни аниқлай оладиган, уларни таҳлил қила оладиган ва баҳолай оладиган ҳамда уларни бошқариб, тегишли чора-тадбирларни амалга ошира оладиган хавфларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➤ божхона тизими доирасида ҳам, бошқа ваколатли органлар, шу жумладан, хавфларни таҳлил қилиш жараёни учун қимматли маълумотларни тақдим этиши мумкин бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизлик органлари, бизнес ҳамжамияти ва

³¹https://ec.europa.eu/taxation_customs/sites/taxation/files/docs/body/customs_blueprintsru.pdf

Халқаро ҳамкорлар билан ҳам самарали ҳамкорликни ривожлантириш;

➤ ахборот технологиялари тузилмаси, маълумотлар базалари, кадрларни танлаш ва уларни малакасини ошириш тизимларини ўз ичига олган моддий базани яратиш.

Ҳуқуқий асос. Хавфларни бошқариш тизимининг ривожланиши, амалга оширилиши ва тўғри ишлашини таъминлаш учун ҳуқуқий базани ташкил этиш.

Таркибий тузилма. Ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, хавф профилларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, назорат самарадорлигини аниқлаш ва хавфларни бошқариш тизимига ўзгартиришлар киритиш учун масъул бўлган хавфларни таҳлил қилиш бўлинмасини яратиш.

Хавфларни бошқариш.

Божхона назорати жараёнида танлаб олинган хавфларни тўғри таҳлилга асосланишини таъминлаш учун хавфларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ❖ хавф профилини ишлаб чиқиш. Назоратнинг устувор йўналишларини олдиндан белгиланган муддат давомида белгилаб олиш;
- ❖ хавф профилида барча минтақавий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш;
- ❖ олдинги текширувлар ва тергов фаолияти натижалари маълумотлари асосида хавф индикаторларини доимий равишда кўриб чиқиш;
- ❖ тасодифийлик элементини танлаш мезонларига хавфларни бошқариш тизими ва жараёнининг таркибий қисми сифатида киритиш;
- ❖ турли вазиятларга тезкор жавоб бера олиш қобилиятини таъминлаш;
- ❖ бојхона назорати самарадорлигини бошқарув дастурлари орқали мунтазам баҳолаш ва камчиликларни зарур ҳолларда бартараф этиш чораларини кўриш;

- ❖ хавфларни бошқариш жараёнида мамлакатдаги сиёсий, ҳуқуқий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни ҳисобга олиш;
- ❖ хавфларни аниқлаш ва профилларни ишлаб чиқиш мақсадида турли хил ҳисоблаш ва танлаш усуллари кўллаш орқали барча мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва уни баҳолаш.

Ҳамкорлик.

ахборотдан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида миллий хавфларни таҳлил қилиш тузилмалари ҳамда бошқа тузилмалар ўртасида мунтазам ахборот алмашинувини таъминлаш;

зарур ҳолларда бошқа божхона маъмуриятлари ва тегишли Халқаро ташкилотлар билан ахборот ва тажриба алмашиш;

зарур ҳолларда бошқа тегишли миллий давлат органлари билан ахборот ва тажриба алмашиш;

потенциал хавфларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш учун бизнес ва савдо ташкилотлари билан мунтазам ва яқин ҳамкорлик.

Маълумотлар базаси, ахборот-технологиялари ва малака ошириш.

юқори сифатли ахборот-технологиялари тизимлари, дастур ва воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

божхона органларининг реал вақт режимида савдо ташкилотлари, портлар ёки аэропортлар ва логистика компанияларидаги юкларни ташиш тизимларининг ички тизимларига кириш ҳуқуқининг кўлами;

ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва божхона ходимларини мунтазам равишда малакасини ошириш.

2.3. Божхона назоратини ташкил этишда йўлакларда амалга ошириладиган ҳаракатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш топшириғи берилди³².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрда “Божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5582-сон Фармонига асосан хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизимида 2018 йил 1 декабрдан бошлаб сариқ ва қизил йўлак, 2019 йил 1 мартдан бошлаб эса яшил ва кўк йўлакнинг жорий этилиши кўрсатиб ўтилди³³.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш натижаларидан хавфни бошқариш тизими доирасида уларга нисбатан божхона назорати шакллари дифференциал тарзида қўллаш ҳамда товар ва транспорт воситаларини йўлакларга ажратиш учун фойдаланиши белгилаб қўйилди.

Хавфни бошқариш тизимини тўлақонли амалга киритиш орқали “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда, хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати 4 та йўлаклардан бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилади.

³²Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармон (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018.12.04 даги ПФ-5414-сон Фармони)

³³Божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Фармон (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018.24.11 даги ПФ-5582-сон Фармони)

Йўлақларнинг асосий жиҳатлари. ДБКнинг “Хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизими” БЮДларни автоматлаштирилган равишда “Яшил”, “Сариқ”, “Қизил” ва “Кўк” йўлақларга йўналтиради.

«Сариқ йўлақ»- бунда божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«Қизил йўлақ» - бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«Яшил йўлақ» - бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди;

«Кўк йўлақ» - бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади.



Йўлақларда амалга ошириладиган ҳаракатлар. Энди йўлақларда амалга ошириладиган ҳаракатларга тўхталсак:

“Яшил йўлак” тартибини қўллашда амалга ошириладиган ҳаракатлар

“Яшил йўлак” тартиби “Ваколатли иқтисодий операторлар”га ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Халқаро шартномаларига мувофиқ, божхона назоратининг муайян шаклларида озод этилган шахсларнинг товар ҳамда транспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилади.

“Яшил йўлак” тартибида товар ва транспорт воситаларига нисбатан ҳужжатли назорат ва божхона кўриги амалга оширилмайди.

“Яшил йўлак” тартибини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг божхона тўловларини амалга ошириш учун божхона органларидаги депозит ҳисоб рақамидаги маблағини ёки божхона тўловлари тўланишини таъминланганлигини текшириш;

нотариф бошқарув чоралари талаблари асосида рухсатномалар талаб этиладиган ҳолатларда уларнинг мавжудлигини ҳамда тақиқ ва чекловлар мавжуд эмаслигини текшириш.

Божхона органлари ходими “яшил йўлак” тартибига мувофиқ, шунингдек, юқорида кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилганда божхона расмийлаштирувини якунлайди.

Мазкур йўлакда “сарик йўлак” тартибидаги назорат шакллари қўллаш зарурияти юзага келганда ва бу ҳолат учун етарли асослар мавжуд бўлса БЮД “сарик йўлак”ка йўналтирилади.

“Сарик йўлак” тартибини қўллашда амалга ошириладиган ҳаракатлар

“Сарик йўлак” тартибини қўллашда қуйидаги ҳужжатли назорат шакллари амалга оширилади:

ТИФ иштирокчисининг божхона тўловларини амалга ошириш учун божхона органларидаги депозит ҳисоб рақамидаги маблағини текшириш;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида товарларнинг номланиши ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (бундан буён матнда - ТИФ ТН деб юритилади) бўйича мослигини ўрганиш;

нотариф бошқарув чоралари талаблари асосида рухсатномалар талаб этиладиган ҳолатларда, уларнинг мавжудлигини ҳамда тақиқ ва чекловлар мавжуд эмаслигини текшириш;

- БЮДда кўрсатилган маълумотларни тақдим этилган ҳужжатлардаги, шу жумладан, электрон кўринишдаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш;

- танланган божхона режими бўйича талаб ва шартлар бажарилганлигини назорат қилиш;

- тақдим этилган ҳужжатлар асосида товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тўғри белгиланганлигини назорат қилиш;

- интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товарлар бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузаётганлигини аниқлаш; божхона қийматини тўғри аниқланганлигини назорат қилиш; божхона тўловларининг тўғри ҳисобланганлиги ва ўз вақтида тўланганлигини, шунингдек, божхона тўловлари тўланишини таъминланганлигини назорат қилиш.

Нотариф бошқарув чоралари талаблари асосида рухсатномалар талаб этиладиган ҳолатларда, уларнинг мавжудлигини текширишда божхона органлари ходими қўйидагиларни амалга оширади:

- товар ва транспорт воситаларининг олиб ўтилишида, тақиқ ва чекловлари бўйича БЮДда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда тўлиқлигини текшириш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган лицензиялар, сертификатлар, рухсатномаларни мавжудлигини, шунингдек, ветеринар, фитосанитар ва бошқа давлат назорат органларининг тегишли текширувидан ўтганлигини назорат қилиш.

БЮДда кўрсатилган маълумотларни тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга мувофиқлигини текширишда қуйидагилар амалга оширилади:

- товарнинг номи, ўринлар сони, вазни ва бошқа миқдорий бирликларни таққослаш;
- товарнинг қиймати бўйича маълумотларни таққослаш;
- тижорат, транспорт ва божхона ҳужжатларини таққослаш.

Танланган божхона режими бўйича талаб ва шартлар бажарилганлигини назорат қилишда ушбу божхона режими бўйича белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлигини, шунингдек, олдинги божхона режимини ўзгарганлиги ёки тугалланганлигини ўрганади ҳамда назорат қилади.

ТИФ ТН бўйича товарларнинг тўғри таснифланганлигини назорат қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

- товарларни идентификация қилиш ҳамда товар кодининг ТИФ ТНга мувофиқ тўғри таснифланганлигини аниқлаш мақсадида БЮДда кўрсатилган маълумотларни тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш;
- БЮДда кўрсатилган товарларнинг таснифи, шу жумладан, уларнинг ўрамлари ва бошқа белгилари бўйича маълумотларнинг тўлиқлиги ва мувофиқлигини текшириш;
- товарнинг ТИФ ТН коди тўғри таснифланганлигини ҳужжатли текшириш;
- товар бўйича кўрсатилган маълумотларнинг ТИФ ТН коди юзасидан берилган хулосадаги маълумотларга мослигини текшириш.

Товар ишлаб чиқарилган мамлакатнинг тўғри аниқланганлигини назорат қилишда товарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Халқаро шартномаларда тариф преференцияларининг қўлланилиши назарда тутилган бўлса, бундай товарлар учун БЮД билан тақдим этилган товар келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни текширади.

Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товарлар бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузаётганлигини аниқлашда қуйидагилар амалга оширилади:

- интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига кирувчи товарларни аниқлаш мақсадида БЮДда кўрсатилган маълумотларни ҳамда уларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш;
- интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига кирувчи товарлар юзасидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда, товарларни чиқаришни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунининг бузилганлиги ҳолатлари юзасидан юқори турувчи таркибий тузилмаларга маълумот тақдим этиш.

Божхона қийматини назорат қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

- тақдим этилган ҳужжатлар ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида, юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг БЮДдаги маълумотларга мослигини текшириш;
- божхона қийматини аниқлаш усулининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш;
- товарлар юзасидан маълум қилинган божхона қийматини божхона органларида мавжуд маълумотлар билан таққослаш;
- маълум қилинган божхона қийматини тасдиқлаш талаб этилган ҳолларда, қўшимча равишда маълумот ва ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинади. Бундай талабномани божхона органларининг ахборот тизимлари орқали декларантга етказиш;
- юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш ва ўрганишлар натижасида божхона қийматини ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда, бундай ўзгартириш киритиш шартлиги тўғрисида барча сабаб ва асослар кўрсатилган ҳолда божхона қийматини

ўзгартириш тўғрисида божхона органларининг ахборот тизимлари орқали декларантга маълумот юбориш.

Божхона тўловларининг тўғри ҳисобланганлиги ва ўз вақтида тўланганлигини, шунингдек, божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини назорат қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

- БЮДни тўлдиришда фойдаланилган, божхона тўловларини ундиришга таъсир этувчи маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлигини текшириш;

- божхона тўловларини тўлаш ёки уларни тўлаш кафолатларининг тўғри қўлланилганлигини назорат қилиш;

- имтиёз ва преференцияларни қўллашга асос бўлган ҳужжатларни ҳамда алоҳида шартлар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришнинг белгиланган талаблари тўғри бажарилганлигини назорат қилиш;

- тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

- божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлашни қўллаш бўйича қарорнинг мавжудлигини ва божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини ҳамда улар юзасидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш;

- божхона тўловларини тўлаш учун масъул бўлган ТИФ иштирокчисига аввал тақдим этилган божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш бўйича берилган имконият юзасидан барча тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳамда қўшимча ҳисобланган пеняларнинг тўланганлигини текшириш.

Божхона органлари ходими “сарик йўлак” тартибига мувофиқ, шунингдек, божхона қийматини назорат қилишдакўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилганда божхона расмийлаштирувини якунлайди.

Ҳужжатли назорат жараёнида “қизил йўлак” тартибидаги назорат шаклларини қўллаш зарурияти юзага келганда ва бу ҳолат учун етарли асослар мавжуд бўлса, БЮД “қизил йўлак”ка йўналтирилади.

“Қизил йўлак” тартибини қўллашда амалга ошириладиган ҳаракатлар

“Қизил йўлак” тартибини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

- “Сариқ йўлак” тартибини қўллашда кўрсатилган амалга ошириладиган ҳаракатлар талабларига мувофиқ БЮДни, ҳужжатларни ва маълумотларни текшириш;
- божхона кўригини амалга ошириш;
- “Хавфни бошқариш” ААТ томонидан товарларни божхона экспертизасидан ўтказилиши юзасидан берилган кўрсатма асосида, шунингдек, ҳужжатли назорат ёки божхона кўриги давомида товарларнинг сифат кўрсаткичлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, божхона экспертизасини тайинлаш зарурияти юзага келганда, уни ўтказилишини таъминлаш.

Божхона кўриги амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

БЮДдаги товарлар учун “қизил йўлак” белгиланган вақтдан бошлаб, ушбу БЮДда кўрсатилган товарларни божхона кўригидан ўтказиш чоралари кўрилади.

Битта партидадаги товарлар учун божхона режимларининг ўзгаришида “қизил йўлак” қайта танланган ҳолатларда олдин ўтказилган божхона кўриги натижалари қабул қилинади. Бунда, олдин ўтказилган божхона кўриги натижаси хавфларни минималлаштириш бўйича барча талабларни қамраб олган бўлиши шарт.

Амалга оширилган божхона кўригининг натижалари белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилади ҳамда “Хавфни бошқариш” ААТда қайд этилади.

“Кўк йўлак” тартибини қўллашда амалга ошириладиган ҳаракатлар

“Кўк йўлак”ка йўналтирилган товарларга нисбатан божхона назорати ўтказиш тартиби ДБҚ томонидан белгиланади. Мазкур йўлакка йўналтирилган БЮДларга нисбатан божхона назорати

шакллари қўллаш юк чиқариб юборилганидан сўнг ДБҚнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

2.4. Хавфни бошқариш тизими доирасида Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражаси бўйича тоифаларини белгилаш

Хавфни бошқариш тизими доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимолидан келиб чиқиб, хавф даражалари бўйича якуний баҳолаш асосида автоматлаштирилган равишда тоифалари белгиланади.

ТИФ иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шу жумладан, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотларидан фойдаланган ҳолда “Хавфни бошқариш” ААТ доирасида автоматлаштирилган равишда амалга оширилади.

ТИФ иштирокчиларининг тоифаси паст, ўрта ҳамда юқори тоифа даражалари билан белгиланиб, улар томонидан божхона қонунчилигининг бузилиши хавфи даражасига мос бўлиши лозим. ТИФ иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш улар фаолиятининг охириги 2 (календарь) йиллик (ҳисобот даври) маълумотларини автоматлаштирилган равишда таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

ТИФ иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш ҳар уч ойда бир марта, охириги ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади. Хавф даражаси паст тоифасига кирган ТИФ иштирокчиларига нисбатан тоифалаш ҳар ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

ТИФ иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш натижаларидан хавфни бошқариш тизими доирасида уларга нисбатан божхона назорати шакллари

дифференциал тарзда қўллаш ҳамда товар ва транспорт воситаларини йўлақларга ажратиш учун фойдаланилади.

ТИФ иштирокчиларини тоифалаш жараёнида ҳар бир мезон қийматлари кетма-кетликда автоматлаштирилган равишда ҳисоблаб чиқилади ва ҳосил бўлган натижалар асосида ТИФ иштирокчилари фаолиятига якуний баҳо берилади.

ТИФ иштирокчилари фаолиятига берилган якуний баҳо юқори, ўрта ва паст хавф даражаларидан иборат бўлиб, ТИФ иштирокчиларининг тоифаларини белгилашга асос бўлади. ТИФ иштирокчилари фаолиятини мезонлар бўйича якуний баҳолаш тартиби ДБК томонидан белгиланади.

ТИФ иштирокчиларини тоифалаш натижасида уларнинг юқори хавф даражасини белгилаш қуйида келтирилган мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

- ❖ ТИФ иштирокчисига тегишли божхона назорати предметларини божхона назоратидан ўтказиш имконияти чекланган бўлса;
- ❖ ТИФ иштирокчиси фаолияти тугатилган ёки тугатилиш босқичида бўлса;
- ❖ ТИФ иштирокчисига нисбатан божхона қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлса, шу жумладан, мазкур жиноятларга алоқадор бўлган бошқа шахслар томонидан импорт ва экспорт операциялари амалга оширилганида;
- ❖ ТИФ иштирокчиси солиқ органларининг хавф даражалари бўйича тоифалаш натижасига кўра, юқори хавф даражасида тоифаланган бўлса (солиқ органларидан олинган маълумотларга асосан).

ТИФ иштирокчиси бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда хавф даражаси паст сифатида тоифаланади:

- ❖ ҳисобот даврида божхона процедураларига мувофиқ, товарларга нисбатан расмийлаштирилган БЮДлар сони 100 тадан кам бўлмаса;

- ❖ ТИФ иштирокчиси юридик шахс бўлса;
- ❖ ТИФ иштирокчиси фаолиятининг яқуний баҳоси паст хавф даражаси бўйича тоифаланган бўлса;
- ❖ ТИФ иштирокчисининг тоифалаш ўтказилаётган санада божхона тўловлари, шу жумладан, уларга нисбатан ҳисобланган пеня ва фоизлар тўланиши бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ҳолатлари мавжуд бўлмаса;
- ❖ юқори хавф даражасини белгилашда кўрсатилган мезонлар аниқланмаган бўлса.

ТИФ иштирокчилари юқори ёки паст хавф даражаси бўйича тоифаланмаган бўлса, ТИФ иштирокчилари ўрта хавф даражаси билан тоифаланади.

ТИФ иштирокчиларининг тоифаларини белгилаш мезонларини шакллантириш услубияти, ҳисоблаш усулларини қайтадан кўриб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш ишлари ушбу тизимни қўллаш натижаларига қараб амалга оширилиб борилади.

ТИФ иштирокчиларининг тоифаларини белгилаш жараёнида хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда барча ҳисоб-китоблар қайта кўриб чиқилади.

Хавфни бошқариш тизими доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг тоифасини белгилаш мезонлари рўйхати

Т/Р	Мезон номи
1.	ТИФ иштирокчисининг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётганлигининг умумий даври.
2.	ТИФ иштирокчиси томонидан имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) билан амалга оширилган ташқи савдо операциялари.

T/P	Мезон номи
3.	Юк жўнатувчи мамлакат билан ишлаб чиқарувчи мамлакат бир-бирига мос келмаган ҳолатларда олиб кирилган товар қийматининг ушбу ТИФ иштирокчиси томонидан жами олиб кирилган товарлар қийматига нисбати.
4.	ТИФ иштирокчиси томонидан импорт қилинган товарларнинг брутто ва нетто оғирликлари орасидаги фарқига нисбатан республика бўйича импорт қилинган товарларнинг брутто ва нетто оғирлигининг ўртача фарқидан оғиш даражаси.
5.	ТИФ иштирокчиси томонидан реимпорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар қийматининг экспорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар қийматига нисбатининг даражаси.
6.	ТИФ иштирокчиси томонидан олиб келинган 1 кг товар қийматининг республика бўйича эркин муомалага чиқарилган худди шундай товар қийматига нисбатининг даражаси.
7.	ТИФ иштирокчиси томонидан барча божхона тўловлари тўлиқ тўланган ҳолда олиб келинган 1 кг товар қийматининг республика бўйича эркин муомалага чиқарилган худди шундай товар қийматига нисбатининг даражаси.
8.	ТИФ иштирокчиси томонидан фақат божхона божи тўланган ҳолда олиб келинган 1 кг товар қийматининг республика бўйича эркин муомалага чиқарилган худди шундай товар қийматига нисбатининг даражаси.
9.	Божхона қийматини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган товарлар сонининг ушбу ТИФ иштирокчиси томонидан умумий импорт қилинган товарлар сонига нисбатининг даражаси.
10.	Божхона қийматини тузатиш тўғрисида қарор қабул қилинган товарлар қийматининг, ушбу ТИФ иштирокчиси томонидан умумий импорт қилинган товарлар қийматига нисбатининг даражаси.
11.	Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижасида аниқланган ҳолатлар бўйича импорт қилинган товарлар божхона қийматининг ТИФ иштирокчиси томонидан жами импорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар қийматига нисбатининг даражаси.

Т/Р	Мезон номи
12.	Божхона кўриклари натижасида аниқланган ҳолатлар бўйича БЮДлар сонининг ТИФ иштирокчиси томонидан расмийлаштирилган жами БЮДлар сонига нисбатининг даражаси.
13.	ТИФ иштирокчиси томонидан реэкспорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар қийматининг, у томонидан жами импорт қилинган товарлар қийматига нисбатининг даражаси.
14.	ТИФ иштирокчиси томонидан тақдим этилган БЮДларнинг расмийлаштириш рад этилган ёки қайта рўйхатга олинганлари сонини у томонидан жами тақдим этилган БЮДлар сонига нисбатининг даражаси.
15.	ТИФ иштирокчисининг республика бўйича жами ундирилган божхона тўловларининг ўртача даражасига нисбатан улушининг кўрсаткичи.
16.	ТИФ иштирокчисининг импортдаги товарлар таркиби бўйича фаолиятини ўзгартириш даражаси.
17.	ТИФ иштирокчисининг ТИФ ТН коди ўзгартирилган товарлари сонини, ТИФ иштирокчиси томонидан импорт қилинган жами товарлари сонига нисбатининг даражаси.
18.	Товарлар ТИФ ТН кодининг ўзгариши натижасида қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари суммасининг, ТИФ иштирокчиси томонидан жами тўланган божхона тўловлари суммасига нисбатининг даражаси.
19.	Божхона органлари томонидан ТИФ иштирокчисига нисбатан юритилган маъмурий ишларнинг даражаси.
20.	Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим иштирокчиси бўлган давлатлар билан тузилган шартномалар асосида олиб келинган товарлар эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилганидан сўнг шартнома шартлари ўзгарган ҳолатларнинг мавжудлиги.
21.	Божхона органлари томонидан ТИФ иштирокчисига нисбатан кўзгатирилган жинойий ишларнинг мавжудлиги.
22.	ТИФ иштирокчиси томонидан экспорт қилинган товарларнинг умумий товарлар айланмасига нисбатан даражаси.

Т/Р	Мезон номи
23.	ТИФ иштирокчиси томонидан умумий экспорт қилинган товарларнинг ТИФ ТН коди бўйича таркиби.
24.	ТИФ иштирокчиси томонидан экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг у томонидан амалга оширилган жами товар айланмасидаги улуши.
25.	ТИФ иштирокчиси томонидан божхона юк декларацияси тақдим этилгунга қадар товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш бўйича божхона органларига юборилган мурожаатларнинг даражаси (салбий мезон).
26.	ТИФ иштирокчисининг ноҳалол экспортёрлар рўйхатига киритилганлик даражаси (салбий мезон).
27.	ТИФ иштирокчисининг ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилганлик даражаси.
28.	Камчилик аниқланган БЮДни бекор қилиб, ушбу товарлар бўйича бошқа божхона органига тақдим этилган янги БЮДлар сони ва ундаги товарларнинг божхона қийматлари йиғиндисини мазкур ТИФ иштирокчиси томонидан импорт йўналишида расмийлаштирилган жами БЮДлар сони ва товарларнинг умумий божхона қийматига нисбатининг даражаси.

Изоҳ: Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тоифаларини белгилашни такомиллаштириб бориш мақсадида ушбу мезонларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилиши мумкин.

Синов саволлари:

1. Хавфни бошқариш тизими бу ?
2. Хавфни бошқариш тизимининг мақсадлари нималардан иборат ?
3. Божхона органлари божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш зарурияти?
4. Хавфни аниқлаш жараёни автоматлаштирилганига қарамадан, божхона ходимининг сезги ва тажрибасининг ўрни ҳақида тушунтириш беринг?
5. Рус олимаси Алла Лукьянованинг фикрича, хавфни бошқариш тизими бу?

6. Божхона органларининг хавфларни баҳолаш ва бошқариш фаолияти қандай вазифаларни ўз ичига олади?

7. Киото Конвенция 6.3 стандарти ва Жаҳон божхона ташкилоти тавсиялари асосида ишлаб чиқилган божхонада хавфни бошқариш тизимининг стандарт жараёни ҳақида маълумот беринг ?

8. Контекстни белгилаш жараёни бу ?

9. Хавфни аниқлаштириш жараёни бу?

10. Дунёда биринчи марта қайси давлатда хавфларни бошқариш стандарти яратилган ?

11. “Сариқ йўлак” ҳақида маълумот беринг ?

12. “Қизил йўлак” ҳақида маълумот беринг ?

13. “Яшил йўлак” ҳақида маълумот беринг ?

14. “Кўк йўлак” ҳақида маълумот беринг ?

15. ТИФ иштирокчилари қандай мезонлардан келиб чиқиб, хавф даражалари бўйича якуний баҳолаш асосида автоматлаштирилган равишда тоифалари белгиланади ?

16. ТИФ иштирокчилари қандай тоифа даражалари билан белгиланади?

17. ТИФ иштирокчиларининг хавф даражалари бўйича тоифаларини белгилаш натижаларидан қандай мақсадда фойдаланилади ?

18. ТИФ иштирокчиларини тоифалаш натижасида уларнинг юқори хавф даражасини белгилаш қандай мезонларга мувофиқ амалга оширилади ?

19. ТИФ иштирокчиларини тоифалаш натижасида уларнинг паст хавф даражасини белгилаш қандай мезонларга мувофиқ амалга оширилади ?

20. ТИФ иштирокчиларини тоифалаш натижасида уларнинг ўрта хавф даражасини белгилаш асоси ?

III БОБ. Божхона соҳасида хавфни бошқариш тизимининг халқаро тенденциялари, стандартлари ва тажрибалари

Хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши савдони енгиллаштиришга қаратилган мавжуд талабларни оптималлаштиришга, савдо ҳамжамияти билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиб, самарали назорат ва савдони енгиллаштириш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Божхона органлари ушбу жараёнда қонунга бўйсунувчи савдо субъектларини ўз ҳамкорлари деб билади.

Кўпгина божхона маъмуриятлари савдо субъектлари, ташувчилар, агентлар, банклар, порт ва аэропорт операторлари ва бошқа ташкилотлар билан ишлашда расмий маслаҳат кўмиталарига эга. Бундан ташқари, айрим божхона органлари томонидан алоҳида корхоналар билан алоқаларни қўллаб-қувватловчи “мижозлар билан ишловчи координаторлар” тушунчаси жорий этилган.

Бу каби ҳамкорликлар тобора рағбатлантирилиб, турли Меморандумлар билан қўллаб-қувватланмоқда. Савдо ташкилотларининг миллий ва Халқаро даражаларда Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва миллий божхона маъмуриятлари билан ахборот алмашинуви қўллаб-қувватланади.

Энди баъзи давлатлар божхона хизматларида хавфни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнлари, божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш тажрибалари, тизим доирасида яратилган дастурлар, хавфни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталамиз.

3.1. АҚШ божхона хизматида хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши

АҚШ божхона хизмати томонидан қўлланиладиган хавфларни бошқариш тизими етарли даражада ривожланган ва иқтисодий вазият ҳамда мамлакатнинг



табий-географик шароитларига мослашган. Кўрсатилган хизмат томонидан 1970 йилда ишларни автоматлаштиришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва бир нечта автоматлаштирилган тизимлар ишлаб чиқилган.

Бир йилда АҚШ божхона хизмати томонидан 27 млрд. АҚШ доллари ҳажмида божхона тўловларининг йиғилиши таъминланади, бу эса мамлакатдаги солиқлар йиғимининг 1 фоизини ташкил этади. Хизмат штатида 19 мингта одам бўлиб, улардан 8 мингтаси тезкор инспекторлар, 2 мингтаси экспорт бўйича мутахассис, 6 мингтаси – махсус агентлар ҳисобланади. Ҳар йили хавфни бошқариш тизими орқали 20 млн. дан ортиқ товарлар партияси расмийлаштирилади.

2004 йилда товарларни олиб кирадиган ташкилотлар сони 754 мингтани ташкил этди. АҚШ нинг асосий савдо ҳамкорлари (2004 молиявий йилдаги товарларни олиб кириш бўйича рақамлар):

Канада – 215 млрд. АҚШ доллари.

Хитой – 182 млрд. АҚШ доллари (сўнгги 5 йил ичида Хитойдан импорт қилиш 93 фоизга ошди).

Мексика – 146 млрд. АҚШ доллари.

Япония – 125 млрд. АҚШ доллари.

Германия – 72 млрд. АҚШ доллари.

АҚШ божхона хизмати реал вақт режимида импорт товарлар тўғрисидаги тўлиқ рўйхатни тақдим эта олади. Компьютер тизими фақатгина мустақил равишда қарор қабул қилмасдан, балки вазиятни таҳлил қила олади, башорат қилади ва бошқа давлат органларига батафсил маълумот бера олади.

Автоматик режимда ташқи савдо юкларининг 98 фоизи расмийлаштирилади. Қарор қабул қилиш тезлиги сониялар билан ўлчанади.

Божхона жараёнларини бошқаришнинг комплекс тизимини яратиш учун 20 йилга яқин вақт талаб этилди, харажатлар эса – 3 млрд. АҚШ долларидадан ошиб кетди.

Хавфларни бошқариш ва таҳлил қилиш тизими тўртта блокдан иборат бўлиб, булар:

- Маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборот йиғиш.
- Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.
- Хавфларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш
- Назорат ва доклад.

Импорт қилувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини божхона инспекциясини амалга ошириш, жисмоний текширув, божхона ҳужжатларининг тўғри тўлдирилишининг назорат қилиш каби қабул қилинган дастурлар хавфларни бошқаришнинг асосий компонентлари ҳисобланади.

АҚШнинг божхона хизмати тарихи, у Америка Конгресси томонидан ташкил қилинган вақтга, яъни 1789 йилларга бориб тақалади. У пайтда чегарани кесиб ўтган ҳар қандай юк жисмоний кўриқдан ўтказилар эди. Ушбу тартиб XX асрнинг иккинчи ярмигача, яъни асосий техник жараёнларни автоматлаштириш, хусусан, хавфларни таҳлил қилишга қадар давом этди.

1970 йилда божхона хизмати раҳбарияти ишларни автоматлаштирилган режимга ўтказиш лозимлиги ҳақида қарор қилди. Бир неча автоматлаштирилган тизимлар устида ишлар олиб борилди. 13 йил ўтгач, 1983 йилда автоматик юк ташиш тизими шакллана бошланди ва бутун мамлакат бўйлаб тасодифий текшириш тизими жорий этилди. Яна 10 йил ўтгач, 1993 йилда бутун автоматлаштириш жараёни учун жуда муҳим бўлган воқеа юз берди. АҚШ Конгресси даражасида божхона хизматини модернизациялаш тўғрисидаги расмий ҳужжат қабул қилинди, бу эса божхона расмийлаштирувининг кўплаб жараёнларини такомиллаштириш ва ахборот технологиялари афзалликларидан фойдаланиш имконини берди. Ушбу ҳужжатнинг асосий мазмуни бўлган концепцияси шундан иборатки, бунда, қонунларга максимал даражада риоя қилиш учун божхона юк олиб келувчилар билан биргаликда тенг жавобгар бўлиши керак.

1998 йилда автоматлаштирилган маҳсулотни қайта ишлаш тизимининг янги авлоди ишга туширилди ва 1980 йилларда ишлаб чиқилган тизим алмаштирилди. Ниҳоят, 2003 йилда Миллий

хавфсизлик вазирлиги (МХВ) бошчилигида АҚШнинг Божхона-Чегара хизмати (кейинчалик матнда БЧХ деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади давлат ҳудудида ҳар қандай террорчилик фаолиятининг олдини олиш эди.

Натижада, божхона жараёнларини бошқаришнинг мажмуали тизимини яратишга 20 йил ва 3 млрд. АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди, пировардида ҳар йили 20 млн.дан ортиқ юклар туркумини расмийлаштириш мумкин бўлди. Бундай иш ҳажмини божхона расмийлаштируви ва божхона назорати автоматлаштирилган тизими, шунингдек, унинг асосида яратилган



хавфни бошқариш ва таҳлил қилиш тизимидан фойдаланмаган ҳолдан амалга ошириш мумкин эмас эди.

Хавфни бошқариш тизими ўз-ўзидан янги ҳодиса эмас, у умумий

унумдорликни ошириш мақсадида, баъзи божхона дастурларини бирлаштиради холос. Хавфни бошқариш тизими тугайли исталган божхона ходими, унинг фаолияти натижалари қандай қилиб ва қай даражада у ишлайдиган божхона органига таъсир кўрсатишини кўриши мумкин.

Бирок, Хавфни бошқариш тизимининг муваффақиятли ишлаши, ҳар бир амалга ошириладиган операция ёки ҳаракат учун ишонччилик ва жавобгарликнинг етарлича юқори даражасини талаб этади. Бугунги кунда, Хавфни бошқариш тизимидан фойдаланган ва фойдаланадиган дастурлар орасидан Контрагентларга доир маълумотларни юритиш дастури, норматив-ҳуқуқий мувофиқликни баҳолаш дастури ва шунга ўхшаш бошқа дастурларни айтиб ўтиш жоиз.

АҚШ божхона хизматида хавфларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш мақсадида, Марказий аппарат ҳузурида хавфларни бошқариш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Бу

гуруҳга қонун ҳужжатларга амал қилиш жараёни билан боғлиқ хавфларни аниқлаш ва бошқариш билан тўлиқ шуғулланиш вазифаси юклатилди.

Миллий Мақсадли Марказ (кейинчалик матнда МММ деб юритилади) 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан бироз кейин, яъни 21 октябрда ташкил этилган. Шу вақтдан бошлаб, у АҚШнинг БЧХда терроризмга қарши кураш бўйича етакчи бўлим даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунда МММда 60 нафар ходим ишлайди ва улардан 46 таси таҳлилчи мутахассисдир.

МММ дала операциялари қисмига бўйсунди ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ❖ шахслар ва ташқи иқтисодий операцияларни тезкор назорат ва таҳлил қилиш, хусусан миллий хавфсизликни таъминлаш (оммавий қирғин қуроллари, икки мақсадли товарлар олиб кирилиши устидан, АҚШ ҳудудига терроризмга алоқадор шахсларнинг кириши ва ҳоказолар устидан назорат);
- ❖ Федерал (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) органлар ва Миллий хавфсизлик вазирлиги ва БЧХнинг бошқа тузилмалари билан тезкор ҳамкорликни амалга ошириш;
- ❖ миллий хавфсизлик, терроризм хавфларини аниқлаш бўйича тактик иш;
- ❖ маҳаллий божхона органлари ходимларига кўрсатма ва тавсияларни шакллантириш;
- ❖ МММда иш кечаю-кундуз икки белгиланган йўналишда: юк ва жисмоний шахслар бўйича амалга оширилади.

МММ фаолиятида федерал органлар (Федерал қидирув бюроси, Федерал авиация маршаллари, АҚШнинг Энергетика вазирлиги, Транспорт хавфсизлиги хизмати ва ҳоказо) вакиллари, шунингдек, БЧХнинг бошқа тузилмалари (Божхона лабораторияси, Разведка тузилмаси ва ҳоказо) вакиллари иштирок этади. Божхона расмийлаштируви ва божхона назоратининг барча жараёнлари хавфни бошқариш тизимини қўллашга асосланган. Марказ даражасида турли фаолият йўналишларида (стратегик иш) хавф моделларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш устидан назорат

амалга оширилади. Ҳар бир етказиб бериш учун, автоматик режимда, хавф моделлари асосида, бир неча даражага эга бўлган баллар ҳисобланади: минимал, мумкин бўлган ва максимал хавф.

МММ мутахассислари максимал хавфга (тактик иш) тўғри келиши мумкин бўлган етказиб беришлар бўйича қўшимча тезкор эксперт назоратларни ҳам амалга оширадilar. Улар томонидан чиқариладиган қарорлар божхона ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Божхона органлари даражасида ваколатли шахслар ёки МММ томонидан назорат қилинадиган мақсадларни аниқлаш (мўлжаллаш) махсус гуруҳлар томонидан параллел равишда ушбу божхона



органида расмийлаштирилиши кўзда тутилган товар етказиб беришлар бўйича тезкор эксперт баҳолашни (тактик ишни) амалга оширадilar.

Божхона органидан келиб чиқиб, олиб ўтилаётган товарларнинг 1 фоиздан 5 фоизгача миқдордаги ҳажми божхона кўригидан ўтказилади. Кўрикнинг самарадорлиги тахминан 10 фоизни ташкил этади.

АҚШнинг БЧХ томонидан хавфни бошқаришни қўллашга мўлжалланган қуйидаги турли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга муваффақиятли жорий этилган:

- Терроризмга қарши курашиш юзасидан савдо жамияти билан ҳамкорлик дастури (С-ТРАТ);
- Контейнерда ташиш хавфсизлиги дастури;
- 24 соат қоидаси;
- SENTRI (the **S**ecure **E**lectronic **N**etwork for **T**ravelers **R**apid **I**nspection – Сафарларни тезкор текшириш учун хавфсиз электрон тармоқ) дастури.

Терроризмга қарши курашиш юзасидан савдо жамияти билан ҳамкорлик дастури (С-ТРАТ). Дастур Қўшма штатларга олиб кирилганда товарларни етказиб бериш хавфсизлигини ташкил этишга ёрдам берадиган, товарларни ташишда барча иштирокчиларнинг ихтиёрий ташаббусига йўналтирилган.

С-ТРАТ дастури қатнашчилари учун хавфсизликнинг 3 та даражаси белгиланади ва улар махсус БЧХ ходимлари – етказиб



бериш занжири хавфсизлиги мутахассислари томонидан назорат қилиниши керак. Учинчи (юқори) даражани бажариш учун контейнерларни ташиш пайтида контейнерлар очилишини назорат қилиш

учун махсус жиҳозлардан фойдаланиш, шунингдек CSI дастурида иштирок этувчи бандаргоҳлардан жўнатишни таъминлаш, божхона расмийлаштирувининг бенуксон амалиётига эга бўлиши лозим.

Контейнерда ташиш хавфсизлиги дастури. Контейнерда ташиш хавфсизлиги дастурига мувофиқ АҚШга жўнатилиши мўлжалланган контейнерлар, БЧХ томонидан хавфни баҳолаш мезонлари асосида жўнатиш бандаргоҳида дастлаб танлаб олинади.

Ушбу дастурда йирик Халқаро бандаргоҳлар иштирок этади, шу жумладан Бельгиянинг Антверпен ва Зеебрюгге, Франциянинг Гавр, Германиянинг Бремерхавен ва Гамбург, Грециянинг Пирей, Италиянинг Специя, Генуя, Неаполь, Жиоиа Тауро ва Ливорно, Голландиянинг Роттердам, Испаниянинг Альхесирас, Швециянинг Гётеборг, Буюк Британиянинг Феликстоу, Тилбери ва Саутгемптон каби бандаргоҳлар шулар жумласидандир. Ушбу бандаргоҳларда юкларни контейнерларга жойлаштириш устидан кўшимча назоратни амалга оширишда БЧХ ходимлари иштирок этади.

24 соат қондаси. 24 соат қондаси – юкларни ташиш билан шуғулланувчи шахснинг қонун жиҳатдан тартибга солинган

мажбурияти бўлиб, бунда у томонидан контейнерни денгиз кемаси бортига (жами 600 млрд. АҚШ долларига тенг 43 фоиз товарлар денгиз транспортида ташилса, шулардан 66 фоизи контейнерларда ташилади) юкланишидан 24 соат аввал БЧХга транспорт воситаси ва товар билан бирга жўнатиладиган хужжатлардан маълумотлар электрон шаклда тақдим этилиши лозим. Товарларни бошқа турдаги транспорт воситаларида олиб ўтишда шунга ўхшаш қоидалар қўлланилади: автомобиль транспорти учун чегарани кесиб ўтишдан 1-2 соат аввал, ҳаво транспорти учун – 1 соат. Ҳар куни БЧХга 310 мингта етказиб бериш бўйича маълумот келиб тушади.

SENTRI дастури. SENTRI дастури жисмоний шахс ҳақидаги маълумотлар олдиндан тақдим этилишини ва ушбу маълумотлар БЧХ томонидан текширилишини назарда тутди. Сўнгра бериладиган рўйхатга олиш карточасидан юз тузилишини тезлаштирилган ҳолда идентификация қилиш учун фойдаланилади. Шу билан бирга, божхона ходими томонидан транспорт воситаси ва жисмоний шахсни автоматик равишда рўйхатга олиш учун автомобилнинг олд ойнасига трансмиттер ўрнатилади.



АҚШ божхона хизмати реал вақт режимида импорт қилинадиган товарлар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этиш имконига эга. Компьютер тизими нафақат ўзи қарор қабул қилиш, балки вазиятни таҳлил қилиш, башорат қилиш ва бошқа давлат органларига тўлиқ маълумот беришга ҳам тайёр.

Ташқи савдо юкларининг 98 фоизи автоматик режимда расмийлаштирилади. Қарор қабул қилиш тезлиги сонияларни ташкил этади. Бугунги кунда автоматлаштирилган тизим, ўлчами бўйича дунёдаги учинчи йирик маълумотлар базасига эга бўлиб, божхона органи мансабдор шахсининг иштирокисиз божхона

назорати ва божхона расмийлаштирувини тўлиқ автоматик режимда амалга ошириш имконига эга.

Ноёб компьютерлаштирилган телекоммуникация тизими Automated Commercial System (ACS) яратилган бўлиб, уни таъминлайдиган 2300 дан ортиқ ташқи савдо субъектлари ва тузилмаларни боғлашга эришилди. Унда тахминан 200 та турли хил компьютер тизимости тизимлари қўлланилмоқда ва 800 та маълумотлар базаси мавжуд.

Ушбу процедурадан фойдаланишнинг асосий мезонлари қуйидагилар:

- қабул қилувчи ўтказиш пунктида божхона расмийлаштирувига тайёр;
- ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси йилига камида 50 та жўнатма амалга оширади;
- қабул қилувчининг бошқа тартибга солиш органлари билан муаммолари бўлмаслиги ва АҚШга юкларни ташишда ишончилигини намойиш этиши керак;
- импорт қиладиган товарлар хусусиятларининг (номенклатураси, келиб чиқиши, божхона қиймати) такрорланиши лозим.

Ушбу тизим товарлар ва қабул қилувчи ҳақидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган махсус штрих коддан фойдаланади. Қоида бўйича штрих код божхона брокери томонидан шакллантирилади ва инвойсга туширилади. Юк ташувчи ёки юк олиб келувчининг ваколатли шахси штрих код туширилган инвойсни, шунингдек бошқа юк ҳужжатларини ўтиш пунктида тақдим этади.

Божхона органи ходими штрих кодни АҚШнинг божхона хизмати компьютер тизимига сканер қилади. Компьютер тизими кодни расшифровкалайди ва божхона брокери томонидан тизимга аввалдан киритилган маълумотлар билан таққослашни амалга оширади. Шу билан бирга, мезонли текширув (товар ёки олиб келувчи хавф гуруҳларига тааллуқли эканлиги бўйича қирқдан зиёд мезонлар) ҳам амалга оширилади. Сўнгра товарларни чиқариб

юбориш бўйича қарор қабул қилинади. Текширув учун сарфланадиган вақт 5-10 софияни ташкил этади.

АҚШнинг БЧХ хавфларни бошқариш тизимини амалга ошириш мақсадида қўлланиладиган турли автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан қуролланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Автоматлаштирилган тижорат тизими Automated Commercial System (ACS) – божхона расмийлаштируви, шунингдек дастлабки маълумотларни тақдим этишда декларант ва божхона органлари орасида ҳамкорликни таъминлайди.

Маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборот йиғиш. Маълумотлар йиғишнинг бошланишидаёқ қонунчиликни бузаётган ташқи савдо иштирокчиларини дастлабки аниқлаш имконияти мавжуд бўлади. Ана шу маълумотларни керакли даражада қўллаш божхона ресурсларини самарали қўллашга имкон беради.

Хавфларни идентификация қилиш бир нечта механизмлар мавжуд:

- ❖ қонунчиликка риоя қилишнинг автоматлаштирилган интеграллашган тизими, текширувнинг статистик натижалари ва божхона ҳужжатларининг тўғри тўлдирилишини назорат қилиш даражасини баҳолашга асосланган;
- ❖ миллий мезонлар;
- ❖ божхона инспекциясини амалга ошириш.

Қонунчиликка риоя қилишнинг даражасини аниқлаш дастури хавф даражаси ҳам паст, ҳам юқори бўлган олиб кириладиган товарларни аниқлаш имконини беради. Ҳар йили интеграллашган тизим базаси текширувнинг статистик натижалари ва божхона ҳужжатларининг тўғри тўлдирилишини назорат қилиш даражасини баҳолаш борасидаги ахборот билан бойитиб борилади.

Юқори ишончилилик даражасига эга бўлган компаниялар етарли даражада ички назорат тизимига эга бўлгани ҳолда уларнинг ишини қонун доирасида бундан кейин рағбатлантириш учун минимал расмиятчиликка эга бўлган божхона процедураларидан

ўтадилар. Ишончли бўлмаган компаниялар синчковлик билан текширувдан ўтадилар.

1995 йилда қўлланилган “хавф даражасини баҳолаш”нинг биринчи пайтидан бошлаб божхона хизмати янада такомиллашган баҳолаш механизмларини ишлаб чиқди.

Юкларни селекция қилиш борасидаги миллий мезонлар вазифаларни белгилаш ва божхона қийматларига риоя қилмаслик борасида шубҳа қилинаётганлар тўғрисида маълумот олиш учун божхона воситалари ҳисобланади. Ўзининг моҳиятига кўра бу мезонлар субъектив бўлади ва аввалги тажриба ҳамда ўзлаштирилган ишланмаларга асосланади.

Божхона инспекциясини ўтказишга иккита асосий омил мажбур қилди. 1993 йилда 300 мингга яқин компаниялар суммаси 575 млрд. АҚШ долларни ташкил этувчи товарларни олиб киришган. 4 йил ичида компаниялар сони 400 мингга етди, ҳажми эса 845 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Божхона органларининг ресурслари аввалги даражада қолди.

Бунда 8 мингга яқин импорт қилувчилар қиймати 81 фоизни ташкил этадиган товарларни олиб кирадилар. Божхонанинг йирик импорт қилувчиларига ресурсларни концентрация қилган ҳолда божхона қонунларга риоя қилиш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш мумкин.

Божхона инспекциясини яратиш – бу божхона органларининг ҳар битта партияни текшириш тамойилидан импорт қилувчилар фаолиятини инспекция қилишга ўтиш борасидаги интилишидир.

Компаниялар текширувини танлаб олиш товарларнинг ҳажми, қиймати, қонунчиликнинг аввалги бузилишларига боғлиқ равишда амалга оширилади. Божхона инспекцияси шахсларнинг ишини таҳлил қилиш бўйича чоралар кўради, уни мувофиқлаштиради ва юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун импорт қилувчилар билан ишлайди.

Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маълумотлар йиғилганидан кейинги қадам бўлиб, қонунларга риоя қилмаган ҳолдаги ўхшаш бўлганларини таҳлил қилиш ва белгилаш

ҳисобланади. Хронологик ахборот ва тенденцияларнинг таҳлили, шунингдек у ёки бу товарнинг аҳамиятига дифференциаллашган ёндашувни қўллаш ўз кучларини энг катта потенциал хавф соҳасига мужассамлаштиришга имкон беради.

Агар ахборот муаммонинг мавжудлигига ишора қилса, қуйидаги фактлар қабул қилинади:

- муаммонинг аҳамияти;
- жалб этилган божхона органларининг миқдори;
- етказиб беришлар қиймати ва ҳажми;
- ишга жалб этилган корхоналар сони;
- бузилиши мумкин бўлган қонунлар ва қоидалар;
- тижорий зарарлар;
- бошқа божхона органларини жалб этиш;
- бузилишнинг ягоналиги ёки типовой бузилиш;
- аввал қабул қилинган қарорларнинг таҳлили.

Ана шундай таҳлил ўтказилганидан кейин хавфларни баҳолаш амалга оширилади:

- автоматлаштирилган тизимларни қўллаш;
- бузилишнинг аҳамияти;
- хавфлар тоифаси;
- мажбурий чораларни қўллаш;
- божхона инспекциясининг ҳаракатлари.

Юқорида таъкидлаганимиздек, божхона назоратининг ва расмийлаштирувининг автоматлаштирилган тизими 1983 йилдан яратила бошланди.

1998 йилда божхона хизмати манфаатлар соҳасини янада торайтириб, барча бузилишлар ҳам тенг кучли аҳамиятга эга бўлмаслигини белгилади, турли бузилишлар учун аҳамиятлилик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек икки тоифа товарлар аниқланди:

- ✚ Давлат манфаатлари учун аҳамиятли бўлган товарлар;
- ✚ АҚШ божхона хизматини қизиқтирмайдиган товарлар.

Товарлар тоифалари бўйича селекция, шунингдек бузилишлар турининг аҳамиятлилигини аниқлаш қуйидаги қарорлардан бирининг қабул қилиниши учун хизмат қилади:

- товарларни олиб ўтиш. Божхона хизмати концепциясига кўра - бу компьютер назоратини амалга оширишда муаммолар туғдирмайдиган товарлардир. Божхона органлари қўшимча такрорий назорат ўтказиш ҳуқуқига эга (2000 йилда 80 фоиз товарларга нисбатан бојхонада муаммолар туғилмаган).
- ҳужжатли текширувни амалга ошириш жараёнида, агар товарлар олиб кирилатганида ҳужжатлардан бирортаси тақдим этилмаган бўлсагина текширув амалга оширилади (уларнинг рўйхати аниқ белгиланган ва қонуний тасдиқланган).
- текширувни амалга ошириш (товарларнинг 1-2 %ига нисбатан жуда кам қўлланилади).

Хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш. Маълумот йиғиш ва таҳлил ўтказиш ҳали тўлалигича хавфларни бошқариш тизимини ташкил этмайди. Бундан кейин хавф даражасини минималлаштириш ва кўрсаткичларнинг қонунларга мувофиқ келиши борасидаги қадамларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчиси – хавф сабабларини аниқлаш (зарурий билимларнинг етишмаслиги, қонун ва қоидаларнинг мураккаблиги, қонунларни онгли равишда инкор этиш).

Иккинчиси – тегишли чоралар ишлаб чиқариш ва хавф вазиятини бартараф этиш учун ресурслар ажратиш. Ресурслар ажратилганида ходимларни тайёрлаш имконияти ва даражаси, харажатлар ва ижро қилиш чоралари каби омиллар ҳисобга олинади.

Назорат ва ижрочилик хавфларни минималлаштириш бўйича назорат натижалари. Муайян чоралар белгиланганидан ва амалга оширилганидан кейин натижалар назорат қилинади ва

хавфларни бошқариш жараёни дастурларининг маълумотлар базасига келиб тушади.

Божхона хизмати ижро этишни назорат қилишнинг бир нечта механизмларидан фойдаланади:

- ❖ мажбурий чораларни бажариш режаси;
- ❖ ҳукумат ва конгрессга қонунларга риоя қилиш борасида доклад қилиш;
- ❖ бојхона инспекциясининг ишлаши;
- ❖ операциядан кейинги назорат.

ХБТ йўналишидаги маълумотлар, ХБТни бошқариш жараёни дастурларининг маълумотлар базасига келиб тушиши қайтувчи алоқани юзага келтиради. Хавфларни минималлаштириш бўйича ХБТ ихтиёрий босқичда қўлланилиши мумкин. Хавф устуворликларини алмаштириш, хавфларни баҳолаш ва таҳлил қилиш босқичида янгича ёндашувларни талаб этади.

Мажбурий чораларни бажариш режаси бир йилга шаклланади. Йил охирига келиб ривожланишнинг батафсил баҳоланиши амалга оширилади. Олинган натижалар кейинги йилга режа тузишда ҳисобга олинади.

3.2. Буюк Британия Қироллик бојхона ва акциз хизматида хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши

Буюк Британияда хавфларни бошқариш тизимларини қўллашни дастлабки таҳлил Марказларидан бирининг (Pre-Selection Hub) ва хавф даражасини аниқлашнинг автоматлаштирилган тизими мисолида кўриб чиқиш мумкин. Айтиб ўтилган дастлабки таҳлил Маркази 2004 йил 1 майда ташкил қилинган бўлиб, ҳудудий жиҳатдан Дувр шаҳрида – Буюк Британиядаги энг йирик денгиз портларидан бирида жойлашган.

Марказ бојхона хизматининг ҳудудий бўлинмаси бўлиб Буюк Британия жануби-шарқидаги бојхона чегарасидан юкларнинг ўтишини назорат қилади. Ушбу Марказ Буюк Британия Қироллик бојхона ва акциз хизматининг хавфларни баҳолаш ва бошқариш тузилмавий бўлинмасига боғланган бўлиб, улар мамлакатнинг

бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлари билан ягона маълумотлар базасига эга.

Марказ фаолияти тасарруфида 8 та порт божхоналари бўлиб, уларнинг орасида Дувр божхона маскани энг йирик ҳисобланади. Дувр ва Портсмутдаги божхона масканлари кечаю кундуз ишлайди.

Дувр ва Портсмутдаги божхона масканларида божхона юк оқимининг ҳажми ҳар куни 3-4 мингта юк ва 5-10 мингта енгил автотранспорт воситаларини расмийлаштирув ва назоратдан ўтказади. Бу йилига 2 млн.та товарлар партиясини ташкил этади. Дувр божхона маскани чегарада жойлашган. Товарлар партиясининг кўпи билан 3 фоизи ушбу божхона масканида декларация қилинади, кўпчилик юклар Буюк Британиянинг бошқа божхоналарида расмийлаштирилади. Бироқ божхона назорати ва хавфларни бошқариш тизими чегарага “кўчирилган”, чунки Марказ айнан чегарадаги порт божхоналари орқали ўтадиган юк оқимларини назорат қилади.

Дувр божхонасидаги божхона назоратининг энг долзарб муаммоси бўлиб тамаки маҳсулотлари ва гиёҳванд моддалар контрабандасини аниқлаш ва олдини олиш муаммоси ҳисобланади.

Марказ ўз ишини бошлаганидан кейин 2004 йил 1 майдан 2005 йил 30 сентябргача қуйидаги натижаларга эришилди:

- ✚ 1,8 млн. божхона декларациялари ўрганиб чиқилди;
- ✚ 213,3 млн.та сигарет, 158 кг. героин, 210 кг. кокаин, 24300 кг. бошқа гиёҳванд моддалар ушлаб қолинди ва мусодара қилинди.

Буюк Британия Қироллик божхона ва акциз хизмати томонидан қўлланиладиган хавфларни бошқариш тизими уч компонентли тузилмага эга:

- Марказ доирасида хавфлар даражасини аниқлашнинг автоматлаш-тирилган тизимини қўллаш;
- божхона хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бўлинмаларининг разведкага оид маълумотларидан фойдаланиш;

➤ божхона органининг мансабдор шахси сезгирлигини кўллаш.

Марказ Дувр порти ҳудудида жойлашган, ушбу марказ таркибида бир гуруҳ ходимлар фаолият олиб боради (тахминан 20 та одам).

Марказда хавф даражасини автоматлаштирилган аниқлаш тизими ёрдамида аниқлаш орқали назоратни таъминлайдиган ва шунингдек товарларнинг ҳақиқий назоратини таъминлайдиган ходимлар (текшириш гуруҳи) ишлайди.

Марказ ходимлари реал вақт режимида хавф даражасини автоматлаштирилган аниқлаш тизими ёрдамида олиб кирилаётган товарлар мониторингини амалга оширадilar.

Тизим томонидан таҳлил қилиниши учун ахборот манбаи бўлиб тижорий ва транспорт ҳужжатлари, бошқа назорат қилувчи органлар маълумотлар базасидаги ахборот хизмат қилади (солиқ, разведка, миграцион).

Кўпчилик кўчириладиган юклар Европа Иттифоқида ишлаб чиқарилган бўлади. Бундай юкларни кўчириш пайтида божхона декларацияси расмийлаштирилмайди, фақатгина самарали божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотнинг жуда оз миқдорини ифода этадиган транспорт ва тижорий ҳужжатлар тақдим этилади. Бундай вазиятда ягона маълумотлар базасини яратиш туфайли мавжуд бўлган бошқа назорат қилувчи органларнинг ахбороти жуда керакли бўлиб қолади.

Кирувчи ахборот, хавф даражасини аниқлаш учун автоматлаштирилган тизими томонидан таҳлил қилинади, натижада божхона инспекторининг марказий ҳисоблаш комплексига уланиши ва ўзининг бундан кейинги ҳаракатлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган автоматик қарор олишига асосланган, реал вақт оралиғидаги (он-лайн режимида) тезкор равишда хавф даражасининг якуний коэффиценти маълумотларига эга бўлади. Инспектор визуал равишда хавфнинг максимал ёки максималга яқин даражада бўлишини аниқлаш ҳолатларини кўриб чиқади. Зарурат туғилганида индикаторлар таҳлилининг тафсилотларини

кўриб чиқади (қайси индикаторларга хавфнинг юқори рейтинги тақдим этилганлигини) ва хавфларни минималлаштириш бўйича қарор қабул қилади. Агар Марказ ходими хавфни минималлаштириш бўйича чора қабул қилишни зарур деб ҳисобласа, дастурнинг маҳсус матнли майдонида у текширув гуруҳи инспекторига айнан қайси ҳаракатларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатиб ўтади. Масалан, юк машинаси ҳайдовчисини сўроқ қилиш, сўров натижасида товарлар кўригини амалга ошириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ва ҳоказо.

Текширув жамоаси 8 та ходимдан иборат бўлиб, улар Марказ фаолияти доирасида бўлган барча портларда божхона текширувларининг ўтказилишини таъминлайди. Текширув гуруҳининг кўчиб юришлари ва унинг таркибида бўлган мансабдор шахсларнинг навбатчилиги икки ҳафта олдин режалаштирилади. Зарурият туғилганида гуруҳ ходимлари тезкор равишда режадан ташқари Марказ фаолияти доирасида бўлган бошқа портга кўчирилишлари мумкин бўлади.

Божхона текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганида юк ортилган транспорт воситаси аввал инспекциядан ўтиши учун рентгенли инспекцион-текширув комплексига юборилади. Божхона ўзининг тасарруфида кўшимча рентген инспекцион-текширув комплексига эга бўлиб, у 5-6 дақиқа ичида транспорт воситасининг юк ортилган бўлинмаси билан биргаликда рентген тасвирини тушириш имконини беради.

Агар рентген тасвирини текшириб бўлганидан кейин божхона мансабдор шахсида юкли бўлинманинг ичидаги нарсалар борасида шубҳа туғилса, транспорт воситасини ёпиқ текширув майдончасига йўналтириш ва у ерда товарларнинг божхона текширувини ўтказиш лозим бўлади.


Божхона текширувини амалга ошириш натижалари алоқанинг электрон каналлари орқали Марказга ҳамда ҳудудий божхона маъмуриятига юборилади.

Хавфларни бошқариш тизими бир қатор энг янги божхона инструментлари ва технологияларини бирлаштиради ва улар савдо

манфаатларини хавф остига қўймаган ҳолда божхона хизматларининг ишлаш самарадорлигини оширишни таъминлайди. Нейрон тизимига асосланган ва аввалдан чекланган синфлаштирилган индикаторлар рўйхатига созланган ХБТ ана шу индикаторларнинг муайян кўрсаткичларини кирувчи ахборот манбаидан, масалан божхона юк декларациясидан ёки транзит декларациясидан юклаб олади. Кейин индикаторлар кўрсаткичлари ХБТ ёрдамида яширин дастурий қатламдаги (hidden layer) математик алгоритм ёрдамида қайта ишланади.

Қайта ишлов натижасига кўра якуний хавф даражаси коэффиценти шаклланади, масалан 1 дан 100 гача бўлган шкала асосида. Шкаланинг ўзи аввалдан, масалан учта секторга – яшил, сариқ ва қизил секторларга бўлинади. Мос равишда олинган якуний коэффицент айтиб ўтилган секторларнинг биттасига алоқадор бўлади ва шундай қилиб хавф даражаси аниқланади, масалан юқори, ўрта ва қуйи.

ХБТ нейрон тармоғининг тузилмаси



Расм изоҳи- Дастур созланиш масаласида мослашувчан ҳисобланади. Зарурият туғилганида ихтиёрий сондаги индикаторларни келтириш, ҳар битта индикатор учун ихтиёрий хавф рейтинги кўрсаткичини жой-жойига қўйиб чиқиш, якуний

коэффициент шкаласини ихтиёрий сондаги секторларга бўлиб чиқиш мумкин бўлади.

Хавфни бошқариш тизимининг техник характеристикалари: Web-дастурлар (Oracle 9iAS); Oracle 9i маълумотлар базаси; Windows сервери; DLL форматдаги ХБТ моделлари.

Хавфни бошқариш тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири ўз-ўзини ўргатиш, янгиланишга қодирлигидир. Хавфни бошқариш тизими фақатгина товарларнинг божхона назорати бўйича тавсиялар (кўрсатмалар) берибгина қолмай, балки айтиб ўтилган тавсиялар (кўрсатмалар)ни қўллаш натижалари тўғрисидаги ахборотни тўплайди, яъни хавфларни минималлаштириш бўйича чораларнинг самарадорлиги борасидаги ахборотни таҳлил қилади. Ўз-ўзини ўргатиш борасида дастур кировчи ахборотни қайта ишлаш моделини ўзгартиришнинг муайян режимига созланиши мумкин бўлади. Ўз-ўзини ўргатиш натижалари бўйича масалан худди ўша модел бўйича қўлланилган чораларнинг юқори самарадорлиги шароитида хавфни бошқариш тизими хавф даражасини янада каттароғига ўзгартириш мумкин (масалан яшилдан қизилга).

Хавфни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг яна битта йўли – бу локал қоидаларни (local rules) қўллашдир. Ҳар битта божхона органи географик жойлашуви (чегарада ёки мамлакат ичида), транспорт тури, товарларнинг устувор номенклатураси, экспорт ёки импортга йўналтирилганлиги, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, кўчириладиган товарлар ва ҳоказоларга боғлиқ равишда ўзининг хос жиҳатларига эга бўлади.

Шунга кўра битта хавф моделининг ўзи, хавфни бошқариш тизимининг худди ўша тавсиялари (кўрсатмалар) турли божхона органларида турли самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин. Турли божхона органларидаги божхона расмийлаштируви ва божхона назоратининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадида дастурда локал қоидалар функцияларини қўллаш кўзда тутилган.

Айтиб ўтилган дастурда локал қоидалар функцияларига эгалик қилиш даражасини белгилаш имконияти мавжуд. Мас равишда ёки божхонанинг мансабдор шахслари, ёки божхона ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахслари хавф даражасини ва хавфни бошқариш тизими берган тавсияларни фақатгина “талабни ошириш” томонга ўзгартиришлари мумкин бўлади. Хавф даражасини пасайтириш фақатгина хавфни бошқариш тизимини маъмурий жиҳатдан бошқарадиган божхона органларининг марказий аппаратида пасайтириш мумкин.

Хавфни бошқариш тизимида хавф даражасини аниқлаш механизмидан ташқари тасодифий сонлар генератори деб аталмиш тасодифий танлаш сегменти мавжуд. Шундай қилиб, ҳаттоки хавф даражаси паст бўлган етказиб беришлар ҳам хавфни бошқариш тизими томонидан ишлаб чиқилган сегмент натижалари бўйича тасодифий назоратга ўтказилиши мумкин.

Дувр божхонасида хавфни бошқариш тизими ёрдамида товар партияларининг кўпи билан 3-4 фоизи божхона текширувидан ўтказилади.

Мисол учун, 2005 йилда жами 71 142 та божхона текшируви ўтказилган. Улардан 44 049 таси Марказ ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, натижада 90 та вазиятда юкнинг тўлиқ мусодараси амалга оширилган.

Юқорида айтиб ўтилган хавфни бошқариш тизими «Intertek Group» (Буюк Британия) компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва патентланган "Intertek ADVANTAS®" – «Савдо баҳосининг такомиллашган тизими» дастурий маҳсулоти орқали фаолият кўрсатади.

3.3. Европа Иттифоқи давлатларида хавфни бошқариш тизими

Европа Иттифоқи давлатлари хавфни бошқариш тизимини жорий этишни биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Тизим учун асос Киото конвенциясида келтирилган тартиб-тамоийиллар ва стандартлар бўлди. Амалиётга киритилаётган тизимнинг асосий мақсади ва ғояси қуйидагилардан иборат бўлди:

- ❖ божхона назоратини етарли шаклда ўтказишни таъминлаш;
- ❖ назоратнинг шаклини танлаш;
- ❖ хавф таҳлили натижасида божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган шахслар, товарлар ҳамда транспорт воситаларини аниқлаб олиш.

Кейинчалик ушбу ғоялар ЕИ божхона кодексида ҳам ўз ифодасини топди, шунингдек хавфни бошқариш бўйича ЕИда хавфни бошқаришнинг стандарт структураси ишлаб чиқилиб, ЕИга кирувчи давлатларда муҳокама қилинди ва 2002 йили Брюсселда қабул қилинди. Ушбу ҳужжат хавфни бошқаришнинг умумий муносабатларини қамраб олган бўлиб, хавфни бошқариш тизимида божхона органларининг вазифаларини белгилаб берди.

Тизим кутилган натижани бериши учун фақат давлат идоралари, ташкилотлар, корхоналар билан фаолиятни йўлга қўймай, ТИФ қатнашчилари, ишбилармон доирадагилар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб этди. Бунинг натижасида хавфни бошқариш тизимининг ажралмас қисми бўлган ваколатли иқтисодий операторлари юзага келди.

Ваколатли иқтисодий операторлар - божхона органлари томонидан ишончли деб эътироф этилган компаниялар (ташувчилар, экспедиторлар) бўлиб, товарларни етказиб бериш занжирида муҳим ўрин тутувчи ТИФ қатнашчилари.

Ваколатли иқтисодий операторлар божхона органлари томонидан рағбатлантирилади, яъни, улар орқали етказилаётган товарлар соддалаштирилган тартиб орқали кўрикдан ўтказилади ҳамда божхона расмийчиликлари имконият даражасида минимал даражага келтирилади.

Бу эса, ўз навбатида, божхона органларининг ташқи савдо занжиридаги бошқа қатнашчилари билан алоқа ўрнатиш имкониятини яратади, яъни битимлар юзасидан маълумотлар олиш ҳамда шартнома тузувчи контрагентлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

ТИФ қатнашчилари ўз бренди, обрўси, салоҳиятини йўқотмаслик, ишончсиз компаниялар қаторига кириб қолмасликлари учун қонун-қоидалар доирасида фаолият олиб борадиган бўлдилар.

Экспорт-импорт операцияларининг ортиши декларациялаш миқдорини ҳам орттириб юборди ва хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тарзга ўтказилишига замин яратди. Натижада ХБ тизимининг маълумотлар базаси шаклланди. Маълумотлар базасининг шаклланиши эса, ЕИ давлатларининг барчаси томонидан стандарт шаклга келтирилган хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш имкониятини яратди. Ягона ахборот тизими орқали ЕИ давлатлари бир-бирлари билан маълумотлар алмашишлари йўлга қўйилди.

Европа Иттифоқи давлатларида хавфни бошқариш тизимининг ишлаш принциплари

ЕИ давлатларида хавфни бошқариш – “Хавф маълумотлари ва таҳлил” Марказига юклатилиб, марказлар иттифоқнинг барча давлатларида мавжуд бўлиб, улар божхона органлари ёки ваколатли ташкилотлар таркибида фаолият юритади. ЕИ давлатлари Марказлари ўртасида маълумотлар алмашилиши йўлга қўйилган, барча фаолият ушбу Марказлар маълумотларига таянади. Мисол учун, учинчи давлатлар билан ўзаро маълумотлар алмашинуви, хавфни бошқариш бўйича алоқалар ушбу Марказлар орқали амалга оширилади.

Тизим портлар, аэропортлар ва чегара ўтказиш пунктларига ҳам жорий этилган. Тизимда бирон-бир давлатда содир этилган, содир этилиши мумкин бўлган, ўз тасдиғини топган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шаклланган. Бундан ташқари, божхона органлари бошқа структураларнинг базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, солиқ, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ўзларининг маълумотлар базасидан виждонсиз, қоидабузарликлар содир этган ташкилотлар юзасидан тўпланган маълумотларни ҳам тақдим қиладилар.

ЕИ давлатларида хавфни бошқариш тизимининг муҳим жиҳатларидан бири, бу ишбилармон доиралар томонидан берилаётган маълумотлар ҳисобланади. Буни қандай тушуниш мумкин, масалан, товар етказиб бериш занжиридаги бирор иштирокчи (ташувчи, омбор эгаси, контрагент) ўз вазифасини бажаришда виждонсизликка йўл қўйса, бу ҳолатни аниқлаган компания божхонага мурожаат қилади.

Божхона бундай мурожаатларни эътиборсиз қолдирмайди ва тегишли тарзда текширув ўтказди. Бу ўз навбатида компаниялар ўз мижозлари учун юқори сервис хизмати кўрсатишларини талаб қилади. Ҳеч бир компания ўзига тегишли бўлган божхона маъмурияти томонидан берилган имтиёзларни йўқотишни хоҳламайди ва божхона органлари маълумотлар базасидаги обрўсига доғ туширишни, ишончсизлар рўйхатидан жой олишни истамайди.

Хавфни бошқариш тизими фақат бирламчи статистик маълумотлар ва формулаларга асосланиб қолмасдан, эҳтимоллар назарияси, маълумотларни қиёслаш, таҳлил қилиш каби жиҳатларни ҳам қамраб олган.

Маълумот таҳлили орқали хавфни бошқариш моделларининг кучли ва кучсиз жиҳатлари аниқланади, солиштирилади, таҳлил қилинади ва хавфни бошқаришнинг янги турдаги вариантлари ишлаб чиқилади.

Маълумотлар таҳлили бўйича алоҳида ҳолатларнинг бешта хусусияти ишлаб чиқилади. Ишнинг амалий ва назарий хусусияти “критерия-мезон” ва “вазият” шундан сўнг “сабаб”, “оқибат” ва “тавсия” ишлаб чиқиладики, бу кутилаётган хавфларга бошқа нуқтаи назар билан қараган ҳолда янгича ёндашишни таъминлайди ҳамда назоратнинг энг мақбул шаклларини танлаш имконини беради.

Декларациялар қандай текширилади?

Ҳар бир декларация электрон тизимга киритилганидан сўнг уч босқичда текширилади, таҳлил қилинади.

Биринчи босқич -декларациянинг алоҳида устунлари хавф йўналиши бўйича текширилади. Агар, устунлардаги маълумотлар хавф юзасидан белгиланган доирага кирса, ушбу юклар қўшимча назоратдан ўтказилади. Хавф кўрсаткичи кўпинча икки мақсадли ҳамда антидемпинг ва компенсация божлари қўлланиладиган хавф товарлари бўйича белгиланган.

Иккинчи босқич– бу хавф даражасини ҳисоблаш. Бунда, декларацияда тақдим этилган маълумотлар асосида хавфнинг даражаси белгиланади. Одатда “келиб чиқиш мамлакати”, “товар коди”, “ТИФ қатнашчиси” устунлари текширилади, таҳлил қилинади, олинган баллар автоматик равишда ҳисобланади.

“Юқори хавф” даражаси берилса, юк қўшимча назоратдан ўтказилади, агар, “хавф кам” даражада белгиланса, кейинги босқичга ўтказилади. Агар “ўртача хавф” даражаси белгиланса, унда, декларация кўрсаткичлари асосидаги балл биринчи ёки учинчи даражадаги кўрсаткичларга эга бўлмагунча қайта ҳисобланаверади. Бунда, қоида бузилиши эҳтимоли ва давлатга молиявий зарар инобатга олинади.

Учинчи босқич– тахминий танлов. Ушбу босқичда текшириш учун декларация тахминий танлов асосида олинади ва ТИФ қатнашчиси дастлабки икки босқичдан муваффақиятли ўтса ҳам, бу декларация текширилмай қолади деб ҳеч ким 100 фоиз кафолат бера олмайди.

Божхона аудити. ЕИ давлатларида хавфни бошқаришда товарлар чиқарилгандан кейинги божхона аудитига, яъни, асосий божхона назоратини товарлар чиқарилганидан кейин амалга оширган. Бу Бутунжаҳон божхона ташкилотининг жаҳонда савдони енгиллаштириш ва хавфсизлик стандартларига мос келади. ЕИ давлатларида божхона аудити назоратнинг асосий шаклини ташкил этади ва унга қўлланиладиган барча чораларнинг 90 фоизи тўғри келади, чегара постларидаги назорат, жумладан божхона кўриги 3 фоизни ташкил этади.

Божхона аудити қандай амалга оширилади, нималарга асосланади деган савол ўринли. Қоидабузарликлар статистикаси,

тахлил натижалари асосида чиқарилгандан кейинги назорат бўйича алоҳида йўналиш ажратиб олинади, масалан, товар ишлаб чиқарилган мамлакат ёки йирик импортёрлар бўйича, кейин эса, ҳар бир йўналишдан ТИФ қатнашчилари танлаб олинади.

Божхона органлари компанияларни текшириши ҳақида олдиндан огоҳлантиради. Бунда, ТИФ қатнашчисининг ўзи ўз қоидабузарликларини кўрсатиши мумкин. Компания 15 кун давомида ички аудитни ўтказиши, хатоликларни аниқлаши, солиқларнинг тўланмай қолган қисмини тўлаши, ушбу жараёнда ишни тўғри бажариш учун бојхона органидан консултация олиши мумкин.

Божхона органлари ТИФ қатнашчисининг фаолиятини текширади, импорт миқдорини, тўловларни, бухгалтерия ҳисоботини, барча ҳужжатларни, шартномаларни, қайд журналлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганади. Шундан сўнг, текширув натижалари қайд этилган маълумотларни юқори турувчи бојхона органига тақдим этади. Текширув натижалари асосида ТИФ қатнашчиси тоифаланади. Бундан ташқари, мазкур маълумотдан хавфни бошқариш тизимида фойдаланилади.

Ишнинг бундай ташкил этилиши ТИФ қатнашчисининг ўз хато ва камчиликларини ўз вақтида бартараф этишга ва тўловларни олдиндан тўлаб қўйишга, кейинчалик юз бериши мумкин бўлган ноҳушликларнинг олдини олишга ҳаракат қилади.

3.4. Италия бојхона хизматида хавфни бошқариш тизими

Италия бојхона хизмати ходимларининг сони тахминан 10 мингга одамни ташкил этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва куч ишлатиш функцияларини бажарадиган молиявий гвардия ҳисобга олинмаган.

Хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари татбиқ этилмагунча ҳудудий бојхона органларида инспектор 100 фоизли ҳужжатли назоратни амалга оширган ва меъёрий ҳужжатларга мос равишда ёки ўзининг хоҳишига кўра юқни жисмоний текширувдан ўтказиш зарурияти тўғрисида қарор қабул қилади. Бундай тотал

назоратда ёки божхона тўловларининг қайта ҳисобланишига, ёки божхона қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишларнинг юритилишига олиб келган қоида бузилишлари топилган 0,05% декларациялар аниқланган. Божхона назорати самарадорлигини ошириш бўйича ишлар 1997 йилда бошланган бўлиб, унинг мақсади – самарали танлаб олинadиган божхона назоратини таъминлаш бўлган. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаси бўлиб хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизимининг яратилиши хизмат қилди.

Декларацияни электрон кўринишда тақдим этиш имконияти 1996 йилда амалга оширилган, бироқ электрон рақамли имзо (ЭРИ) қўлланилмаган, шунинг учун процедурада асосий ролни қоғозли ҳужжат ўйнаган.

Хавфни бошқариш тизими блоклардан иборат:

- Хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш услубиёти;
- Хавфни бошқаришни ташкил этиш;
- Хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг техник жиҳатдан амалга оширилиши.

Автоматлаштирилган ахборот тизими доирасида хавфларни бошқариш 1999 йил ўрталаридан бошланган ва тезкор равишда қилинган, реал вақт оралиғида божхона инспекторининг марказий ҳисоблаш комплексга уланишига ва ўзининг бундан кейинги ҳаракатлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган автоматик қарорнинг қабул қилинишига асосланган бўлади.

Хавфлар марказий раҳбарият ваколатига кирадиган тоифа сифатида қаралади, бироқ амал қилаётган қайтувчи алоқа доирасида ҳудудий божхона органлари янги глобал ёки ҳудудий хавфни яратиш бўйича буюртма бериш имкониятига эга бўлади.

Услубий жиҳатдан хавф ва хавф профили сифатида амалга оширилиб, улар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ❖ мажбурий, масалан товарларнинг алоҳида турлари учун;
- ❖ мақсадли, улар божхона тизимининг ҳақиқий маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилади;

❖ тасодифий, улар тасодифий аниқланиб, ўзининг моҳияти бўйича хавф ҳисобланмайди ва божхона расмийлаштирилуви ҳамда назорати тизимининг самарали ишлашини текшириш учун қўлланилади.

Хавф товар хусусиятларига асосланган бўлса объектив, ташқи савдо фаолияти иштирокчисининг хусусиятларига асосланган бўлса субъектив бўлади. Тизимда “йўлак”ларнинг уч хили ишлатилади: яшил, сариқ ва қизил.

Агар тақдим этилган декларацияни яшил коридор бўйича юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, товар божхона тўловлари амалга оширилганидан кейин дарҳол эркин муомалага чиқариб юборилади. Бунда божхона расмийлаштирилуви процедураларининг тезлашуви ёки секинлашувига биринчи навбатда товарнинг яшил коридор бўйича эркин муомалага чиқариб юборилиши фақатгина кузатиб борувчи ҳужжатларсиз ва жисмоний текширувсиз амалга оширилиши туфайли эришилади.

Агар тақдим этилган декларацияни сариқ коридор бўйича юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, инспектор ҳужжатли назоратни амалга оширади ва унинг натижалари бўйича жисмоний текширувни амалга ошириш борасида қарор қабул қилинади. Ҳужжатли назоратни амалга ошириш учун инспектор қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Товарларнинг эркин муомалага чиқарилиши ҳужжатли назорат ва божхона тўловлари тўлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар тақдим этилган декларацияни қизил коридор бўйича юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ҳужжатли назорат ва жисмоний текширув амалга оширилади (тўлиқ ёки қисман).

Ҳозирги пайтда товарларнинг 74 фоизи яшил коридор, 19 фоизи – сариқ ва 7 фоизи қизил коридор бўйича ўтказилади. Хавфни бошқариш тизимларини татбиқ этиш натижаларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ҳужжатли назорат сифати ошиб кетган, автомобилни ўтказиш пунктларидаги навбатлар (Триест шаҳри) камайган.

Италия божхона хизмати хавфни бошқариш тизими уни куйидаги формал модел кўринишида тасвирлашга имкон беради.

Бутун божхона расмийлаштируви ва назорати соҳаси 22 та секторга бўлинган бўлиб (хавф гуруҳлари), масалан, антидемпинг божли барча товарлар, тўқимачилик хавфлари, газламанинг келиб чиқиш хавфлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфи, божхона юк декларациясини расмийлаштириш пайтида техник бузилишларга йўл қўйган субъектларнинг хавфи ва ҳоказо.

Ҳар битта секторга хавф профили киради, профил эса индикаторлар тўплами ва белгиланган қарор билан характерланади. Индикатор кўрсаткич ва унинг қиймати (дастури)ни ифода этади. Ҳозирги пайтда индикаторларга нисбатан катта, кичик, тенг, шунингдек интервалли операцияларни қўллашга имкон берадиган дастурий таъминотни модернизация қилиш амалга оширилмоқда.

Брокер томонидан божхона органига тақдим этилган электрон божхона юк декларациясида (божхона юк декларациясининг нусхаси) хавфни баҳолаш амалга ошириладиган майдонлар ажратиб ўтилади, индикаторларга мос келадиган параметрларни ҳисоблаш бажарилади. Кейин тегишли профилнинг индикаторлар тўплами божхона декларациясининг электрон нусхаси билан мос қўйилади ва ушбу профил бўйича ечим танлаб олинади. Ундан кейин тегишли профилларнинг танлаб олинган ечимларидан энг тўлиқ назоратга мос келадигани танлаб олинади. Масалан, жисмоний текширув даражаси 50 фоиз, 30 фоиз ва 20 фоиз бўлган профиллар танлаб олинган бўлса, хавфни бошқариш тизимининг ечими бўлиб «50 фоизли текширувни ўтказиш» хизмат қилади.

Хавф профили яратилганидан кейин ахборот тизимида доим қолиб кетади, бироқ агар хавф долзарблигича қолса, тегишли профил пассив ҳолатга ўтади, бироқ йўқ қилинмайди. Хавф юзага келганида шунга ўхшаш профилнинг тизимда борлиги текширилади ва у яна долзарблашади, ёки янги профил яратилади. Умуман олганда тизимда 3000 га яқин профил бўлиб, ҳозирги пайтда уларнинг 1200-1300 таси фаол ҳолатда. Хавфларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизими ҳар ойда аввалги тўрт ойдаги

маълумотлар асосида профил самарадорлигини баҳолайди, профилларнинг ишлаган ҳолатлари миқдорининг ва текшириш натижаларининг таҳлили амалга оширилади.

Хавфларни бошқариш тизимини татбиқ этиш текширув пайтида декларацияларнинг фақат 26 фоизини текшириш умумий декларациялар ҳажмининг 1 фоиздан 2 фоизгача бузилишларни аниқлашга имкон берди.

Аввал 100 фоизли ҳужжатли текширувни амалга оширишда 0,05 фоиз бузилишлар аниқланарди. Хавфларни бошқариш тизимининг татбиқ этилиши фақатгина аниқланган бузилишлар фоизини оширибгина қолмай, балки “қулай” божхона органини қидириб топиш муаммосини олиб ташлади.

Италия божхона хизматида “яшил йўлак” тизимининг қўлланилиши товарларни чиқариб юбориш босқичидан кейин танлаб олинadиган божхона назоратини амалга оширишни кўзда тутди, шу мақсадда божхона органлари тузилмасида махсус бўлинмалар яратилган. Хусусан, божхона қийматининг назорати масалалари асосан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг товарлар эркин муомалага чиқариб юборилганидан кейинги фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил қилиш ҳисобига таъминланади.

Ҳозирги пайтда хавфларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида бошқа мамлакатлар билан ўзаро ахборот алмашиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Телематик тизим брокерларнинг божхона хизмати билан ўзаро алоқасини таъминлайди ҳамда тегишли дастурий ва аппарат воситалар билан ўзаро маълумот алмашиш протоколлари тизимини ҳамда хавфсизликни таъминлаш тизимини ўз ичига олади.

Ташқи абонентлар божхона органларининг ахборот тизими билан ISDN, CDN, PSTN протоколлари асосида маълумот алмашади. Йирик фирмалар божхона хизмати билан бевосита уланиш режимида FTP протоколи бўйича боғланади. Тижорий фирмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун ахборот тизимида Web-технологиялар режимида ишлайдиган ва хабарнинг (электрон

декларациянинг) божхона хизмати ахборот тизимига қабул қилиниши, дастлабки қайта ишланиши ва киритилишини таъминлайдиган махсулаштирилган сегмент мавжуд.

Хавфсизликни таъминлаш тизими ҳимоя қилишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади: аутентификация, кириш назорати, криптоҳимоя. Асосий тамойиллардан бири бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- узатилган ёки қабул қилинган хабардан воз кечишнинг ноиложлиги;
- ечимларнинг интеграллашгани.

Криптографик тизим симметрик калитлар асосида ишлайди ва унинг брокер воситаларига татбиқ этилишининг ташкилий процедуралари томонидан қўллаб-қувватланади. Асосий ахборот, шу жумладан электрон рақамли имзонинг тасдиқлатувчи маркази божхона хизмати ваколатида бўлади.

3.5. Бельгия давлатида хавфни бошқариш тизими

Хавфни бошқариш тизими йўналишида ЕИнинг Бельгия мамлакати божхона хизмати яхши кўрсаткичларга, муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ушбу давлатда товарларни электрон тарзда назорат қилишнинг PLDA автоматлаштирилган тизими амалиётга жорий этилган. Тизимнинг маълумотлар базаси импорт-экспорт йўналишлари бўйича шаклланган бўлиб, ушбу тизим қуйидаги мезонлар асосида товарлар устидан назорат ўрнатади.

Импорт операцияларида:

- декларант;
- импортёр;
- товарлар олиб кирилишининг даврийлиги;
- товарнинг ТИФ ТН бўйича коди;
- товарни божхона расмийлаштирувидан ўтказётган божхона пости;
- товар ишлаб чиқарилган давлат.

Экспорт операцияларида:

- декларант;
- экспортёр;
- товарлар олиб чиқилишининг даврийлиги;
- товарнинг ТИФ ТН бўйича коди;
- товарни божхона расмийлаштирувидан ўтказаетган божхона пости;
- товарни экспорт қилиш мўлжалланган давлат.

PLDA тизими ўзида мавжуд бўлган маълумотлар базасига асосланган ҳолда БЮДларни назорат қилишда қуйидаги операциялардан бирини танлайди:

- ❖ 1 = божхона кўриги;
- ❖ 2 = ҳужжатли текширув;
- ❖ 3 = ҳеч қандай текширувсиз товарни чиқаришга рухсат бериш.

Ҳар бир БЮД қуйидаги рақамлардан бирига эга бўлади:

- ❖ 1 = божхона кўриги;
- ❖ 2 = сканер ёрдамида текшириш;
- ❖ 3 = божхона кўриги+техник воситалар ёрдамида текшириш;
- ❖ 4 = товарни дарҳол чиқаришга рухсат бериб, товар чиқарилгандан сўнг текшириш;
- ❖ 5 = товарни дарҳол чиқаришга рухсат бериш.

Қуйида келтирилган жадвалда 190 мамлакат орасида Халқаро савдо рейтинги тузилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Бельгия давлати хавфни бошқариш бўйича биринчи ўринни эгаллаган:

МАМЛАКАТ	БЕЛЬГИЯ	БЕЛАРУСЬ	АҚШ	РОССИЯ	ҚОЗОҒИСТОН	ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚАРО САВДО: ОЛДИНГИ МАРРА	100	96,21	92,01	71,06	70,36	49,79
ХАЛҚАРО САВДО: РЕЙТИНГ	1	25	36	99	102	165
ЭКСПОРТДА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ: ЧЕГАРА ВА БОЖХОНА НАЗОРАТИ (СОАТ)	0	5	1,5	66	105	112
ЭКСПОРТДА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒ: ЧЕГАРА ВА БОЖХОНА НАЗОРАТИ (АҚШ ДОЛЛ.)	0	108	175	580	470	278
ЭКСПОРТДА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ: ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ (СОАТ)	1	4	1,5	25,4	128	96
ЭКСПОРТДА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒ: ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ (АҚШ ДОЛЛ.)	0	60	60	92	200	292
ИМПОРТДА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ: ЧЕГАРА ВА БОЖХОНА НАЗОРАТИ (СОАТ)	0	0	1,5	30	2	111
ИМПОРТДА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒ: ЧЕГАРА ВА БОЖХОНА НАЗОРАТИ (АҚШ ДОЛЛ.)	0	0	175	587,5	0	278
ИМПОРТДА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ: ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ (СОАТ)	1	4	7,5	42,5	6	174
ИМПОРТДА САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒ: ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ (АҚШ ДОЛЛ.)	0	0	100	152,5	0	292

¹ 2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА. (<http://russian.doingbusiness.org/ru/rankings>)

Импорт (экспорт) қилинаётган товарларнинг қарийб 2 фоизга яқини божхона кўригидан ўтказилиб, қолган товарлар дарҳол чиқаришга рухсат берилади.

Европа давлатлари йилига 100 млрд. еврога яқин миқдордаги маблағни товар айланмасидаги фирибгарлик ҳисобига йўқотар экан. Бу катта фойдали ва тасдиқланиши жуда мураккаб чалкаш схема бўлиб, давлатлараро синдикатлар томонидан амалга оширилар экан. Ушбу ҳолат ҳам Бельгия давлати томонидан аниқланди.

Фирибгарликнинг муваффақиятга эришиши учун қонунчиликдаги айрим якунига етказилмаган нозик жиҳатлардан фойдаланилади, масалан, қўшилган қиймат солиғидаги ҳолат. Бирор давлатдаги жинойтчи ўзининг бошқа давлатдаги ҳамтовоғига

товар сотади, ушбу давлатда бундай операциялар учун солиқлар ундирилмайди.

Ҳамтовоқ бўлган шахс товарни янги харидорга сотади ва қўшилган қиймат солиғи киритилиб ҳисобланган тўловни қабул қилиб олади, лекин давлатга солиқ тўламайди. Харидор товарни биринчи фирибгар шахсга солиқ қўлланмаган ҳолда қайта сотади ва давлатдан ҚҚСнинг компенсация қилинишини талаб қилади. Ушбу фирибгарликни фoш этиш учун кучли оператив аналитик усул қўлланилди.

Самарали ҳаракат қилиш учун фирибгарликни аниқлашнинг инновацион гибрид усулидан фойдаланилган. Қўлланилган ушбу усул орқали Бельгиянинг юқорида келтирилган фирибгарликлардан молиявий йўқотиши 98 фоизга камайган.

3.6. Хавфни бошқариш тизимини қўллашда Хитой тажрибаси

Хитой дунёдаги энг йирик давлатлардан бирidir. Дунё аҳолисининг 21% дан ортиғи унинг ҳудудида яшайди. Хитой Халқ



Республикаси иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ажралиб туради. Бир қатор товарлар - кўмир, тўқимачилик маҳсулотлари, индивидуал истеъмол товарлари (музлатгичлар, автомобиллар, велосипедлар) ишлаб чиқаришда Хитой дунёда биринчи, электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринда туради.

26 турдаги маҳсулотларнинг мутлақ катталиги бўйича Хитой дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчилар ўнлигига киради. Ислоҳотлар йилларида Хитойнинг товар айланмаси 1978 йилдаги 20,1 млрд. АҚШ долларидан 2006 йилда 590 млрд. АҚШ долларига ёки экспортнинг кескин ўсиши ҳисобига 14,5 бараварга ўсди. Хитой божхона хизмати хавфларни бошқариш, менежмент, бошқарув тизими, бошқарув режими босқичма-босқич бутун божхона маъмуриятида қўлланилиши керак деб ҳисоблайди.

1986 йилда Хитой божхона хизмати амалиётида биринчи марта “қизил ва яшил йўлак” тажрибаси Шенчжен божхона округидаги Луоҳу божхона постига киритилди, у эрда кириш ва чиқиш йўловчиларига мунтазам ва мақсадли текширувлар ўтказилди. Шу билан бирга, чекланган тасодифий танлаб олиш модели амалга оширилиб, бу орқали биринчи марта оддий танлаб олиш тушунчаси киритилди.

Хитой божхона хизматида хавфларни бошқариш ривожланиши уч босқичга бўлинади, яъни жорий қилиш, амалиёт ва янада ривожлантириш.

1. *1994 йилдан 1997 йилгача бўлган давр.* Ушбу босқичда асосий нарса хавфларни бошқариш тушунчаси ва усулларини жорий этиш ва уларни ўрганиш, Хитой божхона хизматида маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш тизимини ташкил этиш эди.

1990-йилларнинг ўрталарида Хитой божхона хизмати бошқа мамлакатлар, яъни Америка, Голландия ва Австралиянинг божхона хизматлари амалиёти ва тажрибасини ўрганишга эътибор беришни бошлади. Ушбу даврда қуйидагилар режалаштирилган эди:

- ❖ биринчидан, божхона аудити тизимини жорий этиш;
- ❖ иккинчидан, божхона расмийлаштирувини автоматлаштиришни ривожлантириш;
- ❖ учинчидан, бош офис ва минтақавий идораларда маълумотларни таҳлил қилиш бўйича махсус бўлимларни ташкил этиш.

Ушбу давр ютуқларига қуйидагилар киради:

божхона аудити тизимининг жорий этилиши, бу расмийлаштирувдан кейинги хавфни олдини олиш ва назорат қилиш тизимини кучайтирди;

божхона расмийлаштирувини автоматлаштиришни ривожлантириш ҳамда хавфларни таҳлил қилиш ва назорат қилишни қўллаб-қувватлаш учун маълумотларнинг тарқалишини таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва хавфларни бошқаришни самарали амалга ошириш.

2. *1998 йилдан 2003 йилгача бўлган давр.* Шартли равишда “амалий” номини олди. Бу босқичда асосийси таваккалчиликни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш мақсадида таваккалчиликни бошқаришни ҳар томонлама қўллаш эди.

1998 йилда замонавий божхона режимини куриш стратегиясини амалга оширишнинг биринчи босқичи бошланди. Ушбу даврда Хитой божхонаси транзакцияни дастлабки хавфини баҳолаш асосида каналларни қабул қилиш тизимини яратди. Хитой божхонаси расмийлаштириш пайтида таваккалчиликни аниқлаш ва тоифаларга ажратиш учун фойдаланиладиган хавфларни дастурлаш тизимини ҳамда юк келгунга қадар хавф бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва етказиш учун фойдаланиладиган хавфларни бошқариш бўйича тармоқни ишлаб чиқди. Хитой божхона хизматининг умумий бошқарувини такомиллаштириш учун компьютерларни бошқариш тизимлари ҳам ишлаб чиқилган, яъни:

- ❖ тарифлар ҳолати ва нархлар динамикасини кузатиш ва таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган тарифларни таҳлил қилиш ва назорат қилиш тизими;

- ❖ техникага асосланган ҳуқуқни муҳофаза қилишни баҳолаш тизими (коррупция хавфини аниқлаш учун фойдаланиладиган статистик маълумотларнинг таҳлили);

- ❖ кейинги фаолиятни таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш тизими (қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил қилиш).

Ушбу босқич амалиёти шуни кўрсатадики, хавфларни бошқариш тизими божхона маъмуриятининг барча соҳаларида кенг қўлланила бошланди ва шу билан бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Шу билан бирга, хавфларни бошқариш ҳозирги кунга қадар маълум бир маълумотни бошқариш ва маълумотларни таҳлил қилиш усуллари билан чекланган эди.

3. *2003 йилдан 2010 йилгача давр* кейинги ривожланиш даври деб аталади. Ушбу босқичнинг асоси ривожланиш стратегиясини амалга ошириш ва таваккалчилик бошқарувини кенг тарқатиш учун

асос сифатида таваккалчиликни бошқаришни тўлиқ миқёсда қўллашдир.

2001 йил 11 декабрда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан буён Хитой иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимида тез ўз ўрнини эгаллай олди. Ташқи савдонинг тез суръатлар билан ўсиши билан бир қаторда божхона маъмурияти ташқи савдо фаолиятида катта босим ва қийинчиликларга дуч келмоқда.

Янги шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ХХР божхонани модернизация қилиш стратегиясини амалга оширишнинг иккинчи босқичи учун режа тузди. Хавфларни бошқаришни божхона органлари фаолиятининг асоси сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, стратегиянинг иккинчи босқичи бошқарув ресурсларини, шу жумладан ташкилотлар, ахборот, технологиялар, ходимлар ва бошқаларни қайта ташкил этиш орқали барча мумкин бўлган йўналишларда тизимларни, режимларни ва усулларни ислоҳ қилиш ва янгилашга қаратилган эди. Стратегиянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан ХХР божхонаси бошқарув самарадорлигини оширишни, иқтисодий глобаллашув ва Хитой иқтисодиётининг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда контрабанда ва қонун бузилиш хавфини самарали олдини олиш ва назорат қилишни кутмоқда.

2003 йилдан буён ХХР божхонаси қуйидаги вазифаларни бажарди:

❖ хавфларни бошқариш тизимини кенг татбиқ этиш учун стратегик режани (2004-2010 йиллар) шакллантирди;

❖ хавфларни бошқариш платформаси учун умумий маълумотлар базасини ва биринчи босқичли дастур модулини ишлаб чиқди (хавфларни бошқариш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайдиган компьютер тизими);

❖ аниқлаш ва рейтингнинг ақлли тизимини ишлаб чиқди (маҳаллий божхона расмийлаштирувидаги хавфларни оқилона аниқлаш ва ТИФ иштирокчисининг ишончлилиги ҳамда хавф даражасига асосланган хавфларни бошқариш учун фойдаланиладиган савдогарнинг мувофиқлигини баҳолаш тизими) ;

❖ божхона расмийлаштируви пайтида иш ҳажмини янада енгиллаштириш, назорат қилиш учун вақт ва маконни кўпайтириш, шунингдек хавфларнинг олдини олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш мақсадида бошқариладиган активлар хавфини олдини олиш ва назорат қилиш учун фойдаланиладиган умумий бошқарувни мунтазам таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш тизимини фаол равишда ташкил этди.

Хавфларни бошқаришни автоматлаштириш даражасини яхшилаш учун Хитой божхона хизмати ахборот технологиялари ва таҳлил воситаларини қўллашга катта эътибор берди. Айни пайтда божхона хавфларни бошқариш жараёнида асосан қуйидаги дастур тизимларидан фойдаланади:

Канал қарорларини қабул қилиш тизими.

Тизим 1998 йил бошида ишлаб чиқилган. Божхона расмийлаштирувида уч йўлакли стандарт асосида декларациядаги маълумотлар автоматик равишда турли йўлақлар орқали юборилиши мумкин, шу жумладан:

- “қизил йўлак” (ҳақиқий физик текширув орқали текшириш, текширилгандан кейин товарлар чиқарилади);

- “тўқ сариқ йўлак” (ҳужжатларни текшириш, глобал текшириш ва электрон маълумотларга асосланган ҳолда ҳақиқий физик текширув билан солиштириш, товарлар текширилгандан сўнг чиқарилади);

- “яшил йўлак” (божхона текширувисиз кириш, декларацияларни босқичма-босқич назорат қилиш ёки товарларни ўтказиб юборилгандан кейин ҳужжатлар ва электрон маълумотларга асосланган ҳолда кейинчалик текширилиши мумкин бўлган умумий текшириш).

Хавфларни профилактика қилиш ва ушлаш тизими.

Тизим 1998 йил бошида ишлаб чиқилган. Ушбу тизим таваккалчилик объектларини ажратиб кўрсатиши, бир қатор профилларни аниқлаб бериши ва товар келгунига қадар ёки тўғридан-тўғри ҳужжатларни расмийлаштириш пайтида хавф

бўйича кўрсатмалар бериши мумкин. Божхона органларининг тегишли соҳаларига хавф тўғрисида огоҳлантириш юборилади.

 *Хуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатларини баҳолаш тизими.*


Тизим 1999 йил бошида ишлаб чиқилган. Профессional статистик таҳлил тизимидан фойдаланган ҳолда ходим контрабанда кўламини, божларни йиғиш сифатини, импорт қилинадиган / экспорт қилинадиган товарларни ва савдо-сотиқни бутун мамлакат бўйлаб ёки назоратнинг аниқ тармоқлари бўйича назорат даражасини миқдорий баҳолаши ва таҳлил қилиши мумкин.

 *Тарифларни таҳлил қилиш ва назорат қилиш тизими.*

Тизим 1999 йил охирида ишлаб чиқилган. Ушбу тизим маълумотлар базалари ва маълумотларни қидириш имкониятларидан фойдаланади. Таҳлилчи маълум бир маҳсулот учун импорт таркибини, тарифлар манбаларини ва мамлакат бўйлаб божларни йиғишни ёки унинг бўлимларини таҳлил қилиши ва божларни ундириш ва божхона баҳоси тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиш даражасини баҳолаши мумкин. Бундан ташқари, таҳлилчи импорт қилинадиган товарларнинг нархлари бўйича фирибгарликлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлай олади, бу эса нарх хавфлари индексларини ўрганиш ва тузиш учун маълумот беради.

 *Божхона хавфини бошқариш платформаси.*

Хавфларни бошқариш платформаси 2002 йил охирида яқунланди ва иккита модулдан иборат бўлди.

 Биринчиси - бу “Ахборотни бошқариш” модули бўлиб, у ахборотни нашр этиш, тажриба алмашиш, хавфларни бошқариш бўйича тренинглар, таҳлил ва мониторинг соҳасида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди. Ахборотни бошқариш модули хавфлар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлашни, хавфларни таҳлил қилиш ва мониторингини, хавфларни бошқариш бўйича алоқа, хавфсизлик, тизимни қўллаб-қувватлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

✚ Иккинчи модул - бу “Маълумотлар иловаси” модули бўлиб, у асосан фойдаланувчиларга маълумотларни бериш ва реал вақтда хавф-хатарларни таҳлил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

3.7. Россия Федерацияси божхона хизматида хавфларни бошқариш тизими

Россия Федерал божхона хизмати Евросиё иқтисодий иттифоқи божхона кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ божхона назорати объектларини ва хавфларни минималлаштириш чораларини танлаш учун хавфларни бошқариш тизимидан фойдаланади.



Евросиё иқтисодий иттифоқи Божхона кодексининг 378-моддаси 3-бандига мувофиқ божхона органлари томонидан хавфни бошқариш тизимидан фойдаланишнинг асосий мақсадлари

қуйидагилардан иборат:

- ✚ божхона назорати самарадорлигини таъминлаш;
- ✚ юқори хавфга эга соҳаларга эътиборни қаратиш ва божхона ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ✚ Иттифоқ божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни тезлаштириш ва соддалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Россия Федерацияси божхона органларида ХБТни бошқариш, амалга ошириш ва такомиллаштиришда ягона ёндашувларни ўрнатиш учун Россия Федерал божхона хизматининг хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш стратегияси ва тактикаси, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тартиби, таҳлилларни ўтказиш ва хавфни баҳолаш; уларни бошқариш бўйича чоратadbирлари ишлаб чиқилган. Божхона органлари томонидан

ХБТдан фойдаланиш стратегияси юқоридаги мақсадларга эришиш билан изоҳланади.

Божхонада хавфларни бошқариш жараёни божхона органлари томонидан Халқаро шартномалар ва иттифоққа аъзо давлатларнинг божхонага оид қонун ҳужжатларига риоя этмаслик билан боғлиқ жараёнлар эҳтимолини минималлаштириш ва уларнинг келиб чиқиши туфайли вужудга келадиган зарарни камайтириш бўйича тизимли фаолият бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- божхона назорати объектлари тўғрисида, божхона расмийлаштируви жараёнида ҳам, товарлар чиқарилгандан кейин ҳам амалга ошириладиган божхона операциялари ва божхона назорати натижалари тўғрисида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- хавфни баҳолаш;
- хавф индикаторларининг тавсифи;
- хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни ва уларни қўллаш тартибини белгилаш;
- хавф профилларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- божхона назорати объектларини танлаш;
- хавфларни минималлаштириш чораларини қўллаш;
- хавфларни минималлаштириш натижаларини таҳлил қилиш ва назорат қилиш.

ХБТдан фойдаланиш стратегияси ва тактикасига мувофиқ, хавф юзага келиш эҳтимоли пайдо бўлганда, иттифоқ ва Россия Федерацияси қонунчилиги бузилган тақдирда божхона органлари хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширадилар.

Хавфни таҳлил қилиш ва баҳолашда божхона органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборот ва дастурий воситаларидан, шу жумладан маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан, маълумотларни таҳлил қилиш алгоритмларини тезкор ишлаб чиқиш тизимларидан, шунингдек, амалий дастурлардан фойдаланилади.

Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш математик, статистик ва эҳтимолий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда, божхона

органлари томонидан ишлаб чиқилган йўналишларни ва хавф кўрсаткичларини аниқлаш учун хавфларни баҳолаш усуллари ва алгоритмлари асосида божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Хавфларни баҳолаш натижаси хавф профилини ишлаб чиқиш ёки хавфларни минималлаштириш чораларини қўллаш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Евросиё иқтисодий иттифоқи божхона кодексининг 377-моддасига мувофиқ профиллар ва хавф индикаторлари таркибидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор қилинмайди.

Таҳлил ва хавфни баҳолаш натижаларига кўра, иттифоқ қонунчилиги ва Россия Федерацияси қонунчилигини бузиш хавфи юқори даражаси аниқланган тақдирда, хавф профили шакллантирилади.

Хавф профилига мувофиқ хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш натижалари божхона органларининг ахборот ресурсларида ҳисобга олинади ва хавф профилларини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш учун доимий равишда таҳлил қилинади.

Хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш кўрсаткичлари, шунингдек, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш усуллари Россия Федерал божхона хизмати томонидан амалга оширилади.

Хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлиги баҳоланадиган кўплаб мезонлар мавжуд бўлиб, улар орасида қуйидаги кўрсаткичлар асосий ҳисобланади:

- хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги;
- божхона назорати мақсадларига эришиш даражаси;
- хавфни минималлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга сарфланган божхона органлари ресурслари;

- хавфни минималлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларда божхона назорати объектлари миқдори ва улуши;
- божхона назоратининг турли босқичларида, шунингдек товарлар чиқарилгунга қадар ва ундан кейин божхона назорати босқичлари ўртасида хавфларни минималлаштириш бўйича тадбирларни мақбул тақсимлаш даражаси ва бошқалар.

Россия Федерациясининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш” Давлат дастурига мувофиқ божхона органларининг ХБТни қўллашдаги фаолияти қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

- ❖ божхона кўриги амалга оширилган товарларнинг декларация топширилган жами товарлар умумий сонидagi улуши;
- ❖ хавфни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда аниқланган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши ҳолатларининг божхона назорати асосида аниқланган бундай қоидабузарликларнинг умумий ҳажмидаги улуши.

Синов саволлари:

1. АҚШ божхона хизматида хавфни бошқариш тизими?
2. АҚШ божхона хизматида автоматик режимда ташқи савдо юкларининг расмийлаштирилиш кўлами қанчани ташкил этади?
3. АҚШ божхона хизмати хавфларни бошқариш ва таҳлил қилиш тизими блоклари ҳақида изоҳ беринг ?
4. АҚШ божхона хизматида хавфларни бошқариш тизимининг автоматлаштириш тарихи ?
5. Миллий Мақсадли Марказ ҳақида нималарни биласиз ?
6. АҚШнинг БЧХ томонидан хавфни бошқаришни қўллаш учун ишлаб чиқилган дастурлар ?
7. Терроризмга қарши курашиш юзасидан савдо жамияти билан ҳамкорлик дастури (С-ТРАТ) ҳақида маълумот беринг?

8. Контейнерда ташиш хавфсизлиги дастури ҳақида маълумот беринг ?

9. 24 соат қоидаси ҳақида маълумот беринг?

10. SENTRI дастури – бу қандай дастур?

11. Ноёб компьютерлаштирилган телекоммуникация тизими Automated Commercial System (ACS) бу ?

12. АҚШ божхона хизматида агар олинган ахборот муаммонинг мавжудлигига ишора қилса, қабул қилинадиган фактлар ?

13. АҚШ божхона хизматида хавфларни минималлаштириш борасидаги қадамлар ?

14. Буюк Британияда хавфни бошқариш тизими ҳақида изох беринг ?

15. Дастлабки таҳлил Маркази (Pre-Selection Hub) ҳақида маълумот беринг ?

16. Дастлабки таҳлил Марказининг 2004 йил 1 майдан 2005 йил 30 сентябргача эришган натижалари ?

17. Буюк Британия Қироллик божхона ва акциз хизмати томонидан қўлланиладиган хавфларни бошқариш тизими уч компонентли тузилмаси ҳақида маълумот беринг ?

18. ЕИ давлатлари учун хавфни бошқариш тизимининг асосий мақсади ва ғоялари нималардан иборат ?

19. ЕИ давлатларида хавфни бошқариш жараёнида асосий ўринда турувчи – “Хавф маълумотлари ва таҳлил” Маркази тўғрисида нималар биласиз?

20. ЕИ давлатларида декларацияларни текшириш босқичлари?

21. ЕИ давлатларида божхона органлари компанияларни текшириши ҳақида олдиндан огоҳлантириш ҳақида тушунтириш беринг ?

22. Италия божхона хизматида ХБТнинг қўлланилиши хусусиятлари ҳақида гапириб беринг ?

23. Италия божхона хизматида хавфни бошқариш тизими асосий блоклари ҳақида маълумот беринг ?

24 Бельгия давлатида хавфни бошқариш тизими ҳақида маълумот беринг?

25. Бельгияда товарларни электрон тарзда назорат қилишнинг PLDA автоматлаштирилган тизими ҳақида маълумот беринг ?

26. Хитойда хавфни бошқариш тизими ҳақида маълумот беринг ?

27. Хитой божхона хизматида хавфларни бошқариш тизими ривожланишининг уч босқичи ?

28. 2003 йилдан буён ХХР божхонаси хавфни бошқариш соҳасида қандай вазифаларни бажарди ?

29. Россияда хавфни бошқариш тизими ҳақида маълумот беринг ?

30. Россия божхонасида хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлиги баҳоланадиган асосий мезонлар?

IV БОБ. Божхона соҳасида хавфни бошқариш тизимининг Ўзбекистон Республикасида ривожланиш босқичлари

4.1. Божхона ишида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг миллий ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар Бутунжаҳон божхона ташкилотининг дунё мамлакатлари божхона органларига таклиф этилган божхона тартиб-тамойиллари, стандартлари, қоидаларига амал қилган ҳолда, миллий қонунчилигимиз талабларини инобатга олиб жорий этилмоқда.

Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда дунёнинг юзлаб мамлакатларида кенг қўлланиб келинаётган конвенцияларнинг асосий мақсади божхона расмиятчилигини соддалаштириш, уйғунлаштириш, товарларни белгиланган манзилга хавфсиз етказиб берилишини таъминлашдан иборат.

Хавфни бошқариш тизимининг Халқаро ҳуқуқий асослари сифатида “Божхона расмиятчилигини соддалаштириш ва уйғунлаштириш” тўғрисидаги Киото конвенцияси, “Халқаро йўлларда ташиш (ХЙТ) дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни Халқаро ташиш” тўғрисидаги Женева конвенцияси ҳамда “Жаҳонда савдони енгиллаштириш ва хавфсизлик стандартлари” тўғрисидаги резолюциясини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида хавфни бошқариш тизимининг жорий этилиши юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, хавфсизликни таъминлашнинг биринчи элементлари 2007 йилларга бориб тақалади.

Жумладан, ДБҚнинг 2007 йил 27 февралдаги “БЮД маълумотлари билан ишлаш автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга киритиш тўғрисида”ги 62-сонли, 2007 йил 12 апрелдаги “Авто” ААТ – “Авто автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга киритиш тўғрисида”ги 110-сонли, 2007 йил 24 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали авто ва темир йўл транспортида ташилаётган юклар устидан божхона

назоратини амалга ошириш ҳамда “Темир йўл” автоматлаштирилган ахборот тизимларини тўлиқ амалиётга киритиш тўғрисида”ги 240-сонли буйруғи ишлаб чиқилди, шунингдек, чегара ўтказиш пунктларида стационар ҳамда мобил рентген инспекцион - кўрик комплекслари ва радиактив моддаларни аниқловчи замонавий “Янтарь” аппаратлари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги 400-сонли Қонуни билан амалга киритилган янги таҳрирдаги Божхона Кодексининг 29-боби “Хавфни бошқариш тизими” деб номланди. Ушбу бобда 5 та модда бўлиб, булар:

- ❖ 203-модда. Хавф бошқариш тизимининг қўлланилиши.
- ❖ 204-модда. Хавфни бошқариш тизимида қўлланиладиган асосий тушунчалар.
- ❖ 205-модда. Хавф тахлили объектлари.
- ❖ 206-модда. Дастлабки маълумотни тақдим этиш.
- ❖ 207-модда Божхона органлари томонидан хавфни баҳолаш ва бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида божхона органларида 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорларнинг қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказишни жорий этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сон Фармони билан 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш белгиланди.

Ушбу Фармон билан Давлат божхона қўмитасида Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ташкил қилинди ҳамда мазкур бошқармага божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди.

Божхона органларида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиб, ушбу йўналишдаги жаҳоннинг етакчи давлатларида божхона назорати соҳасида фойдаланилаётган ахборот технологиялари имкониятларини ўрганган ҳолда Хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилди ҳамда 2018 йил 1 сентябрдан синов тарзида ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни билан хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ПФ-5582-сон Фармони билан Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими тўлиқ режимда жорий этилди. Фармонга биноан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб “сарик” ва “қизил” йўлаклар ишга туширилди. 2019 йил 1 мартдан бошлаб “яшил” ва “кўк” йўлаклар ишга туширилди.

Амалга оширилаётган ишларни тизимли равишда, режали ташкил этиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, истиқболли режалар тузиш, бир сўз билан айтганда, хавфни бошқариш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, бунда чет эл тажрибасига таяниш, ахборот тизимларига хавф профилларини киритиш, бойитиб бориш, мониторинг ўтказиш каби масалалар

билан шуғулланадиган ДБҚ таркибида алоҳида “Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси” ташкил этилди.

Хавфни бошқариш тизимида божхона чегарасидан ўтувчи шахслар назоратини амалга оширишда назоратнинг етарли шаклини танлаш, расмийлаштирувга сарфланадиган вақтни минималлаштириш, фуқароларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш шароитларининг жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, божхона расмийчилигини соддалаштириш, шунингдек, туризмни ривожлантириш учун янада қулай шароитларни яратиш мақсадида божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлак тизими қўллаш тартиб тўғрисидаги Низом тасдиқланди ва 2018 йил 1 январдан бошлаб — Ўзбекистон Республикаси Халқаро аэропортларида ушбу тизим муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Тизимнинг жорий этилиши жисмоний шахсларнинг онгли равишдаги ҳаракатига боғлиқ бўлиб, шахслар божхона ҳудудига кириб келиш ёки ушбу ҳудуддан чиқиб кетиш жойларида бевосита икки йўлак тизими олдида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялаш учун тегишли йўлакни онгли равишда танлаш имконини берадиган ахборот ҳудуди ташкил этилган.

Ахборот ҳудудида жисмоний шахсларнинг божхона чегараси орқали шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарларни олиб ўтиш масаласи бўйича божхона қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларининг асосий қоидалари, икки йўлак тизимини қўллаш тартиби ҳақида қисқача маълумотномалар, шунингдек божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш жойлаштирилган.

Ушбу яратилган имкониятдан нотўғри фойдаланган шахсга келаси сафар божхона чегарасини кесиб ўтишида, албатта, божхона назоратининг тўлақонли шакллари қўлланилиши орқали расмийлаштирилишига, яъни унга берилган ишонч поймол қилингани сабаб, хавф гуруҳига кириб қолишига олиб келади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфни бошқариш Концепцияси

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Халқаро Киото конвенциясига, Бутунжаҳон божхона ташкилотининг Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштиришнинг ҳадли стандартлари қоидаларига асосан Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфни бошқариш тизимини яратиш, амалиётга жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий принципларини белгилаш ҳамда ушбу юзасидан ягона ёндашув ва қоидаларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфни бошқариш Концепцияси ишлаб чиқилган.

Ушбу Концепция Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ҳайъатининг 2018 йил 9 июлдаги 3/3-сонли Қарори билан тасдиқланган.

Концепция 6 та бобдан иборат бўлиб, булар:

- ❖ Умумий қоидалар
- ❖ Ҳозирги ҳолат, яқин келажакдаги мақсад ва вазифалар
- ❖ Хавфни бошқариш тизимини яратиш тамойиллари
- ❖ Хавфни бошқариш жараёнини ташкил этиш
- ❖ Хавфни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари
- ❖ Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари

Концепциянинг I бобидаги умумий қоидаларга тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

➤ хавфни бошқариш тизими божхона органлари томонидан божхона назорати объектларини танлаш, шунингдек, ушбу объектларга божхона операцияларини бажаришда қўлланиладиган божхона назорати шакллари ва даражасини белгилаш учун қўлланилади.

➤ хавфни бошқариш тизимини қўллашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш стратегияси ва

тактикаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

➤ Концепциянинг II бобида божхона органларида жорий этилаётган хавфни бошқариш тизимининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414 сонли фармони билан белгилаб берилган асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилиб, ҳозирги ҳолат, яқин келажакдаги мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Жумладан асосий йўналишлар:

➤ Биринчидан, “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

➤ божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

➤ божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

➤ хорижий давлатларнинг божхона органлари ва Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, Халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

Иккинчидан, ДБК таркибида “Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси” ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди:

➤ божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни

жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

➤ хавфи юқори бўлган, шу жумладан дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тасодифий танлов асосида товар партияларини божхона назорати учун мақсадли танлаб олиш методологиясини ишлаб чиқиш;

➤ виждонли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниқлаш, уларга нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллашнинг тартиб ва мезонларини ишлаб чиқиш;

➤ хавфни бошқариш тизими самарали қўлланилишини доимий мониторинг қилиш, уни янада такомиллаштириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ДБКга 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳажми ошиб бораётганлиги, божхона қонунчилиги либераллаштирилаётганлиги, божхона органларининг ташкилий тузилмаларидаги ўзгаришлар ҳамда янги божхона ва ахборот технологиялари татбиқ этилаётганлиги хавфни бошқариш тизимини сифат жиҳатидан юқори даражада бўлишини талаб қилиниши кўрсатилган.

Концепцияда жорий этилаётган хавфни бошқариш тизимини қўллашда унинг самарадорлигига, шунингдек, божхона органлари фаолиятига таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар ўз аксини топган.

Хавфни бошқариш тизимини жорий этиш ва уни такомиллаштириш бўйича божхона органлари олдида турган устувор вазифалар Концепцияда ўз аксини топган.

Жумладан:

➤ хавфни бошқариш жараёнларида иштирок этадиган ДБҚнинг таркибий тузилмаларининг вазифалари ва функцияларини оптималлаштириш, шунингдек, хавфни бошқариш тизимида иштирок этиш шакллари аниқ белгилаш;

➤ товарларни чиқариш муддатини янада қисқартиришга қаратилган қонунчилик базасини ва методологик воситаларини такомиллаштириш;

➤ божхона операцияларини максимал даражада автоматлаштириш ва божхона расмиятчилигини соддалаштириш;

➤ хавфни бошқариш тизимини қўллашни таъминловчи махсус дастурий таъминотнинг функционал имкониятларини, қўлланиладиган амалий-таҳлил воситаларини ҳамда мониторинг тизимларини яратиш;

➤ ДБҚнинг соҳавий тузилмаларида, шунингдек, божхона органларининг ўқув муассасаларида хавфни бошқариш масалалари бўйича божхона ходимларини касбий тайёргарлигини ташкил этиш, ўқитиш, хавфларни бошқариш асослари, хавфларни бошқаришда тизимли таҳлил йўналишларидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш.

Меҳнат ресурслари ва вақт чекланган шароитда божхона органларининг харажатларини оптималлаштириш, назорат қилиш чоралари ҳамда Халқаро савдода қулайлик яратиш ўртасида мувозанатни таъминлаш масалалари, божхона маъмурчилигида илғор ёндашувларга асосланган хавфни бошқариш тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш орқали амалга оширилиши лозимлиги Концепцияда кўрсатиб ўтилган.

Концепциянинг III бобида хавфни бошқариш тизимини яратишнинг асосий тамойиллари акс этган бўлиб, бунда хавфни бошқариш тизими божхона органларининг асосий вазифаларини ҳал этишни таъминлайдиган қандай асосий тамойилларга асосланганлиги кўрсатилган. Жумладан, булар қуйидагилар:

- қонунийлик;
- мақсадга йўналтирилганлик;

- якдиллик;
- комплекс ёндашув;
- автоматлаштириш;
- ахборот хавфсизлиги.

Келинг ҳар бир тамойилга батафсил тўхталиб ўтсак.

Қонунийлик тамойили – хавфни бошқариш тизимини амалда қўллаётган божхона органлари мансабдор шахсларининг хавфни бошқариш тизимини Халқаро ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларига тўлиқ риоя этишларидан иборатдир.

Мақсадга йўналтирилганлик тамойили - юклатилган вазифаларини ва уларни ҳал этиш усулларини божхона назоратининг умумий мақсадларига эришиш учун қаратилганлигидир.

Якдиллик тамойили - божхона маъмурчилигининг барча даражаларида хавфларни баҳолаш учун ахборотни йиғиш ва уни қайта ишлашда, хавфларга таъсир қилиш шакллари ва усулларини аниқлашда ягона ёндашувни таъминлашни назарда тутди.

Комплекс ёндашув тамойили – хавфни бошқариш тизими фаолиятида иштирок этадиган божхона органларининг барча соҳавий тузилмалари томонидан хавфларни ҳар томонлама баҳолашни ҳамда уларни минималлаштириш чоралари бўйича тегишли қарорларни қабул қилишни назарда тутди.

Автоматлаштириш тамойили - электрон ахборот тизимларидан кенг фойдаланишни англатади.

Ахборот хавфсизлиги тамойили - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Концепцияда хавфни бошқариш тизимини яратишнинг асосий тамойиллари самарали божхона назоратини ташкил этишни назарда тутиб, унда:

➤ божхона органларининг диққат эътиборини мавжуд куч ва воситалардан келиб чиқиб, фаолиятнинг энг муҳим ва устувор йўналишларига қаратиш;

➤ қонунчиликни бузиш эҳтимоли юқори бўлган йўналишларни аниқлаш, кейинчалик хавфларни олдини олиш ва (ёки) минималлаштириш чоралари тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

➤ божхона органлари томонидан божхона процедураларини соддалаштириш, виждонли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ўз хоҳишлари билан божхона қоидаларига риоя этишлари учун шарт-шароитлар яратиш кўрсатилган.

Бундан ташқари ушбу бобда хавфни бошқариш тизимини қўллашда божхона органларининг мансабдор шахслари қандай асосий воситалардан фойдаланишлари кўрсатилган бўлиб, булар қуйидагилар:

- хавф профиллари;
- хавф индикаторлари;
- тасодифий танлаш усули;
- ТИФ иштирокчиларини тоифалаш.

Хавф профиллари - хавф соҳаси, хавф индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси, шунингдек, божхона операцияларини амалга оширувчи мансабдор шахсларга хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон қадар камайтириш бўйича зарур чораларни кўриш тўғрисидаги кўрсатмалар.

Хавф индикаторлари - асосий хавфларнинг мавжуд ҳолатини баҳолашга имкон берувчи муҳим кўрсаткичларга эга муайян мезонлар бўлиб, улардан оғиш ёки уларга мос келиш назорат объектини танлашни амалга ошириш имконини беради.

ТИФ иштирокчиларини тоифалаш, уларнинг ҳалоллик даражасини хавфни баҳолашнинг белгиланган мезонларига қараб гуруҳларга ажратишни, ТИФ иштирокчиларининг хавф даражасини баҳолашни, ХБТнинг субъектга йўналтирилган моделини қўллашни ҳамда хавфларни минималлаштириш чораларини танлаш ва белгилашни назарда тутати.

Тасодифий танлаш усули - номаълум хавфни аниқлаш учун белгиланган даврийлик асосида божхона назорати объектларини тасодифий танланишини таъминлайди.

ТИФ иштирокчиларини тоифалаш- божхона органлари ТИФ иштирокчилари фаолиятини ҳамда улар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилган товарлар бўйича амалга оширилган божхона операцияларининг натижаларини мунтазам равишда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилиб, натижалари бўйича хавф даражасини янгилаб борилишини таъминлайдилар.

Концепциянинг IV боби хавфни бошқариш жараёнини ташкил этиш деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси ДБК марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий божхона бошқармалари даражасида хавфларни бошқариш жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборатлиги кўрсатилган:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, улар томонидан амалга оширилган божхона операцияларининг натижаларини тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- хавфларни баҳолаш, жумладан, уларни таҳлил қилиш, хавфларнинг юзага келиш эҳтимоллари ва уларнинг оқибатларини аниқлаш;

- хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни танлаш ва уларни қўллаш тартибини белгилаш;

- хавфни бошқариш тизими жараёнларини махсус дастурий таъминот орқали амалга ошириш;

- хавфларни бошқаришда тасодифий танлаш усулидан самарали фойдаланиш ва янги хавфларни аниқлаш;

- тасодифий танлаш даврийлиги ва улушларини ДБК Ҳайъат йиғилишларида коллегиял тартибда белгилаш;

- хавфларни минималлаштириш бўйича танланган чора-тадбирларни бевосита қўллаш;

- хавфларни минималлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларнинг тўлиқлигини ва сифатини назорат қилиш;

- хавфларни минималлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижаларини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш сифатини ва самарадорлигини баҳолаш;

➤ зарурат туғилганда яратилган хавф профилларини ўзгартириш ёки бекор қилиш.

Бундан ташқари ушбу бобда хавфларни бошқариш жараёнининг дастлабки маълумотлари қуйидагилар ҳисобланиши кўрсатилган:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талаблари;
- божхона, тижорат, транспорт (товарнинг кузатув ҳужжатлари) ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар;
- божхона назорати остида турган товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;
- амалга оширилган божхона операциялари ва хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш натижалари;
- хорижий давлатларнинг божхона хизматларидан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан олинган маълумотлар;
- ТИФ иштирокчилари томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган дастлабки маълумотлар;
- божхона органларининг хизмат фаолияти доирасида шаклланган маълумотлар;
- мавжуд бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар, шу жумладан божхона органларининг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар.

Назорати божхона органлари зиммасига юклатилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига етарли ва зарур даражада риоя этилишини таъминлаш, жорий этилаётган хавфларни бошқариш жараёнларини амалда қўлланилишининг асосий натижаси ҳисобланиши Концепцияда кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, жорий этилаётган хавфларни бошқариш жараёнларини баҳолаш учун божхона органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари белгиланади.

Концепциянинг V бобида хавфни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Бунда куйидагилар:

хавфни бошқаришда стратегик мақсадларга эришиш ва унинг тактик вазифаларини ҳал этиш учун айна вақтда божхона органлари фаолиятининг ташкилий, норматив ва амалий характерга эга бўлган долзарб масалаларини ҳал этишни ҳамда хавфни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этиши;

хавфни бошқариш тизимида иштирок этадиган таркибий тузилмалар фаолиятини ташкил этиш;

божхона органларини ривожлантириш, хавфларни бошқаришнинг барча жиҳатларига оператив таъсир кўрсатиш ваколатларига эга бўлган ҳамда ягона мувофиқлаштирувчи амалга оширадиган таркибий тузилмани ташкил этиш билан бирга, ХБТни марказлашган моделини яратиш орқали амалга оширилиши;

хавфни бошқариш тизими йўналишида божхона органларининг таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш ва вазифаларни тақсимлаш уларнинг ваколатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши, бундай ишларнинг ташкилий маркази ва мувофиқлаштирувчиси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бўлиши лозимлиги;

божхона органларида таҳлилий ишларни бажариш учун ДБҚнинг таркибий тузилмаларида эксперт гуруҳини шакллантириш, ҳар бир таркибий тузилма ўз ваколатли ва юклатилган вазифалари доирасида соҳадаги хавфларни аниқлаши ва уларни минималлаштириши бўйича таҳлилий ва амалий фаолиятни ташкил этиши лозим ва бу масала унинг энг долзарб вазифаси сифатида қаралиши кераклиги;

божхона органларининг таркибий тузилмаларида хавфларни бошқариш йўналишида ташкил этиладиган эксперт гуруҳларига соҳада катта амалий тажрибага ва билимга эга бўлган ходимлар жалб этилиши шартлиги таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари Концепциянинг ушбу бобида қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

✚ Норматив-ҳуқуқий ва услубий базани такомиллаштириш.

Божхона органларининг хавфни бошқариш тизими доирасида фаолият кўрсатиши, уларнинг ваколатларини белгилашнинг ва ходимлар ҳимоясини таъминлашнинг муайян қонуний асослари мавжуд бўлишини талаб этади.

Норматив-ҳуқуқий ва услубий базани такомиллаштириш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

➤ божхона кодексининг божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллашни тартибга солувчи бобига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

➤ хавф профиллари ва индикаторлари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш, бунда, шакллантирилган хавф профиллари ва уларни қўллаш натижаларини марказлаштирилган тарзда тўплаш;

➤ божхона назоратида ижобий натижаларга эришиш мақсадида, аниқланган хавфларни минималлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни божхона органларининг барча таркибий тузилмаларида бир хилда қўлланилишини назорат қилиш;

➤ амалда фойдаланилаётган хавф индикаторларини оптималлаштириш ва уларни мунтазам равишда янгилаб бориш;

➤ мукамал равишда ташкил этилган “қайта алоқа” тизимини яратиш;

➤ хавф профиллари ва индикаторлари ёрдамида аниқланган божхона қонунчилигининг бузилиши хавфи тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш;

➤ божхона органларининг соҳавий тузилмаларида хавфларни аниқлаш бўйича амалга оширилаётган таҳлилий ишларни такомиллаштириш ва хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ таҳлилий ишларни амалга оширувчи ходимлар фаолиятини тартибга солувчи мақсадли услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва уларнинг ягона базасини яратиш;

➤ божхона органларининг таҳлилий фаолият ёндашувларини тизимлаштириш ва тартибга солиш, уларнинг тизимли ва ҳар томонлама амалга оширилишини таъминлаш;

➤ божхона органларида ахборотларни йиғиш, умумлаштириш, қайта ишлаш натижаларига мувофиқ, хавфларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилаш бўйича умумий ёндашувларни белгилаш;

➤ божхона органларининг ахборот ресурсларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа назорат қилувчи органларидан олинган ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали савдо айланмасидан ташқари товар айирбошлаш соҳасидаги хавфларни таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкил этиш;

➤ хавфни баҳолашнинг белгиланган мезонларига қараб, ТИФ қатнашчиларини тоифаларга ажратиш бўйича ёндашувларни такомиллаштириш;

➤ хавфни бошқариш тизими доирасида божхона органларининг фаолияти устидан назоратни такомиллаштириш, яъни божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятини яратиш, бунда энг муҳим миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уларни баҳолаш.

Дастурий таъминотни такомиллаштириш.

Хавфни бошқариш тизимининг ишлаш жараёнларини автоматлаштириш, ахборотларни олиш, узатиш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда хавфларни аниқлаш ва минималлаштириш чора-тадбирлари юзасидан қарорларни қабул қилишда электрон воситалардан кенг фойдаланишни, ушбу жараёнларда инсон омилини мустасно этишни назарда тутати.

Таълим тизимини такомиллаштириш.

Хавфни бошқариш тизими йўналишида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ушбу соҳада жаҳоннинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда ўқув дастурларини режалаштириш, “Божхона органларида хавфни бошқариш тизими”, “Хавфларни бошқаришда тизимли таҳлил” ва шу каби йўналишлар бўйича божхона ходимларининг касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа сифатларини ривожлантириш.

Хавфни бошқариш тизими йўналишида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан ўқув курслари ва семинарларни ташкиллаштиришда ХБТнинг амалий жиҳатларига, шунингдек, ахборот технологиялари, ахборотларни қайта ишлаш ва тизимли таҳлил қилиш соҳаларида тез ўзгариб бораётган вазиятни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Ушбу йўналишларда амалга ошириладиган ишлар ўрта ва узок муддатли истиқболда қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон яратади:

- божхона органлари ходимларининг хавф индикаторлари ва профиллари билан ишлаш кўрсаткичларини оптималлаштиришга;
- аниқланган хавфларни минималлаштириш чоралари ва божхона органлари ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга;
- божхона органларида таҳлилий ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ва уни тизимли ташкил этишга;
- истиқболда белгиланган натижаларга эришиш учун хавфни бошқариш тизими элементларининг бир хилда қўлланилишини назорат қилишга;
- ТИФдаги салбий тенденцияларга дарҳол жавоб беришга, шунингдек, хавфни бошқариш тизими доирасидаги божхона органлари фаолияти натижаларини баҳолашга;
- халқаро савдони ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда божхона назорати самарадорлиги ўртасида мувозанатни таъминлашга;

➤ ҳалол, қонунларга бўйсунадиган ТИФ иштирокчиларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар яратишга, уларнинг молиявий харажатларини, шунингдек, божхона расмийлаштирувига сарфланаётган вақтини камайтиришга.

Концепциянинг VI бобида Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Жумладан, Концепцияни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги, қуйидаги мақсадли кўрсаткичлар бўйича баҳоланиши кўрсатиб ўтилган:

божхона кўрикларининг умумий самарадорлигини камида 5 фоизни ташкил этишини таъминлаш;

ТИФ иштирокчиларини тоифалаш, хавфни бошқариш тизими доирасида назорат объектларини танлаш, шунингдек, хавфни бошқариш тизими субъектга йўналтирилган моделининг қўлланилишини таъминлаш;

таҳлилий ишлар ва тезкор мониторинг учун зарур механизмларни яратиш;

божхона органларининг ўқув муассасалари тингловчилари ва божхона хизматида янги қабул қилинган ходимларнинг ўқув дастурларига хавфни бошқариш тизими йўналишларида ўқув дарсларни киритиш;

божхона органларининг соҳавий йўналишларида таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи барча ходимлари учун "Божхона органларининг таҳлилий амалиётда қўлланиладиган ахборотни олиш, узатиш, йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари" мавзусида қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш.

Концепциянинг қоидалари 2018-2021 йилларда божхона органлари учун аниқ дастур ва ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда қўлланилиши белгилаб берилган.

4.3. Хавфни бошқариш тизимининг стратегияси ва тактикаси

Хавфни бошқариш тизимини вужудга келишида ва дунё божхона амалиётига жорий қилинишида "Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш" тўғрисидаги Киото конвенцияси асос бўлган десак муболаға бўлмайди.

Киото конвенцияси бош иловасининг 6-боби “Божхона назорати”га бағишланган бўлиб, 10 та стандартдан иборат.

Ушбу бобнинг 6.3, 6.4, 6.5- стандартларида айнан Хавфни бошқариш ва аудит усуллари асосида назорат қилиш ва ахборот технологияларидан максимал даражада амалий фойдаланиш каби замонавий усуллари қўллаш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

Жумладан: 6.3 – стандартда божхона назоратини амалга оширишда божхона хизмати органлари “Хавфни бошқариш тизими”дан фойдаланиши, 6.4 – стандартда божхона хизмати, шахслар ва товарларни шу жумладан назорат қилиниши керак бўлган транспорт воситалари устидан назорат даражасини аниқлаш учун хавфларни таҳлил қилиши ва 6.5 - стандартда эса божхона хизмати “Хавфни бошқариш тизимини” қўллаши ва қонунчиликка риоя қилиш даражасини баҳолаш учун ўз ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши кўрсатилган.

Ушбулардан келиб чиқиб, мамлакатимиз божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш стратегияси ва тактикасини кўриб чиқайлик.



Стратегия ўзи нима?

Стратегия– юнон тилида “қўмондонлик санъати” деган маънони билдириб, бирон-бир структуранинг(*корхона, ташкилот ва ҳ.к*)мақсадларига эришиш учун мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар модели.

Стратегиянинг мазмуни фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун қўлланиладиган қарорларнинг қоидалар тўпламидир.

Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш стратегияси бу - божхона назорати ва расмийлаштирувини соддалаштириш, унинг самарадорлигини оширишга ҳамда божхона қонунчилиги бузилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган ДБК

фаолиятининг истиқболдаги устувор йўналишлари ва тамойиллари тизимидир.

Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш стратегияси хавфни бошқариш тизимини божхона органларида қўллашнинг ягона ёндашувига асосланган тактикасини белгилаш ва жорий этиш орқали қуйидаги мақсадларга эришилади:

- хавфни бошқариш тизимини қўллаш орқали қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳамда божхона органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, божхона назорати объектларига нисбатан божхона назоратини етарли даражада таъминлайдиган божхона назоратининг шаклларини ҳамда даражасини танлаш;

- божхона назоратини тезлаштириш ҳамда хавф даражаси кам бўлган товар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилишида божхона назоратини соддалаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Тактика нима? Тактика - стратегияни амалга ошириш воситаси бўлиб, стратегиянинг асосий мақсадига бўйсунди.

Хавфни бошқариш тизимини қўллаш тактикаси, хавфни аниқлаш ва минималлаштириш, шунингдек, божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатларини бартараф этишда божхона органлари мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ҳамда ҳаракатлар мажмуидир.

Хавфни бошқариш тизими тактикасини амалда қўллаш, божхона органларининг барча бўғинларида хавфни бошқариш тизимини жорий этилишини назарда тутиб, қуйидагиларга асосланади:

- божхона органларида хавфни бошқариш йўналишидаги фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришда, стратегияда назарда тутилган устувор мақсадларни инобатга олиш;

- хавфни баҳолашга доир зарурий ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш тартибини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

➤ божхона органларида хавфни баҳолаш жараёнларини, хавфни баҳолаш усулларини тизимли, самарали ва комплекс равишда амалга ошириш учун махсус дастурий таъминот воситаларидан кенг фойдаланиш;

➤ хавфи мавжуд бўлган божхона назорати объектларини аниқлаш ва хавфни минималлаштириш бўйича самарали чоратадбирларни қўллаш;

➤ божхона операциялари ва божхона назоратининг босқичларидан келиб чиқиб, хавфга таъсир қилиши мумкин бўлган божхона органларининг ресурсларини мақбул равишда тақсимлаш;

➤ божхона назоратидан кутилаётган натижаларга эришиш учун хавфни минималлаштириш чораларини бир хилда қўллаш;

➤ хавфни бошқариш тизимини такомиллаштириш, хавфни баҳолашнинг энг самарали усулларини танлаш ҳамда хавфни минималлаштириш учун хавфни бошқариш жараёни самарадорлигини кузатиш ва баҳолаб бориш;

➤ божхона кодексида назарда тутилган божхона назорати шакллари қўллашда, танлаб олиш принципига асосан, божхона қонунчилиги бузилиши эҳтимолининг хавф (ҳалоллик) даражасига қараб, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифаларга ажратиш.

➤ ДБҚ таркибий тузилмаларининг ваколатларидан келиб чиқиб, хавфни бошқариш жараёнларидаги вазифаларни улар ўртасида тўғри тақсимлаш:

а) хавфни бошқариш ва мувофиқлаштириш;

б) тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш;

в) божхона органларининг ахборот-таҳлилий фаолияти, фискал вазифалар, валютани назорат қилиш, божхона экспертизаси, суриштирув ишлари, шунингдек, таркибий тузилмаларнинг божхона назоратини ташкил этиш ва ўтказишда белгилаб қўйилган вазифалари ҳамда ваколатларидан келиб чиқиб, фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари бўйича назорат ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, яъни:

- ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ, товарларнинг тўғри таснифланишини назорат қилиш;
- божхона кўриги жараёнларини назорат қилиш;
- божхона қийматини назорат қилиш;
- божхона қийматини аниқлаш усулларининг ва улар кетма-кетлигини белгиланган талаб ва шартлар асосида тўғри ҳамда бир хилда қўлланилишини назорат қилиш;
- божхона тўловлари ставкаларининг тўғри қўлланилишини назорат қилиш;
- товар келиб чиқиш мамлакатини тўғри аниқланганлигини назорат қилиш;
- божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ва ундирилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар, шунингдек, тариф преференцияларини тўғри қўлланилишини назорат қилиш;
- божхона тўловларини кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлаш муддатларини назорат қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тақиқлар ва чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга риоя этилишини назорат қилиш;
- божхона режимлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;
- товарларни шартли чиқариб юбориш муддатларига риоя этилишини назорат қилиш;
- божхона операцияларини, божхона тартиб-таомилларини ва божхона назоратини тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш;
- божхона транзити тартибига мувофиқ ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилиш;
- радиоактив моддалар устидан божхона назоратини ўрнатиш;
- божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахсларнинг божхона қонунчилигига риоя этишларини назорат қилиш;
- инспекцион-кўрик мажмуаларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

4.4. Хавфни бошқариш тизимининг объекти ва субъектлари, уларнинг тизим доирасидаги вазифалари

Хавфни бошқариш тизимининг объекти - божхона ҳудудига олиб кириладиган ҳамда божхона ҳудудидан олиб чиқилаётган товар ва транспорт воситалари билан боғлиқ божхона операциялари жараёнидир.

Хавфни бошқариш тизимининг субъектлари қуйидагилар:

✚ Хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъекти;

✚ Хавфни бошқариш тизимининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлари;

✚ Хавфни бошқариш тизимининг ихтисослашган субъектлари.

Қуйида хавфни бошқариш тизимининг субъектлари томонидан амалга оширилади ишларга тўхталиб ўтсак.

Хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъекти томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

➤ услубий қўлланмалар ҳамда божхона органларида хавфни бошқариш тизимининг тактикасини ишлаб чиқиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш;

➤ божхона органлари томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш, ушбу йўналишдаги фаолиятни режалаштириш ва назорат ишларини ташкиллаштириш;

➤ хавфни баҳолаш;

➤ хавф профилларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва янгилаб бориш;

➤ хавф профилларини қўллаш самарадорлигини назорати;

➤ ТИФ иштирокчиларини хавф (ҳалоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш;

➤ хавф профиллари индикаторлари қўлланилиб амалга оширилган божхона операциялари ва божхона назорати натижаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш. Таҳлил натижаларига

кўра, хавфни бошқариш тизими субъектларига божхона назоратида хавфни минималлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича асосли таклифлар киритиш;

➤ хавфни бошқариш тизими фаолиятини самарали ташкил этиш учун дастурий таъминотларни яратиш ҳамда бошқариш, модернизация қилиш, техник хизмат кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Хавфни бошқариш тизимининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлари томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

➤ тезкор қидирув ва ахборот-таҳлилий фаолият давомида олинган маълумотларни хавфни бошқариш жараёнларига татбиқ этиш;

➤ махсус дастурий воситаларни, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, хавфни бошқариш тизими бўйича дастурий таъминот тизимларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш;

➤ ўз фаолият йўналишида ишлаб чиқилган хавф профилларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш;

➤ ГИФ иштирокчиларининг хавф (ҳалоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш.

Хавфни бошқариш тизимининг ихтисослашган субъектлари томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

➤ божхона назорати объектлари, шу жумладан тугалланган божхона операциялари ва товарларни эркин муомалага чиқаришдан олдин ҳам, кейин ҳам ўтказилган божхона назоратининг натижалари бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

➤ ўз йўналишлари бўйича хавфни баҳолаш ишларини амалга ошириш ва ушбу фаолият натижаларини белгиланган тартибда хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш;

➤ хавфни минималлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва сифатини назорат қилиш;

- ўз фаолият йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган хавф профилларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш;
- дастурий воситаларни, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, хавфни бошқариш тизими бўйича дастурий таъминот тизимларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш;
- ТИФ иштирокчиларининг хавф (ҳалоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш масаласида таклифлар тайёрлаш ва хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш;
- хавф профилларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш.

Синов саволлари:

1. Хавфни бошқариш тизимининг халқаро ҳуқуқий асослари?
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида божхона органларига хавф-хатардан огоҳ этиш тизими бўйича юклатилган вазифалар?
3. Хавфни бошқариш тизимини жорий этишда миллий ҳуқуқий асослар?
4. Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ташкил қилинишининг ҳуқуқий асоси?
5. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфни бошқариш Концепцияси ишлаб чиқилишидан асосий мақсад нима ?
6. Концепция таркибий тузилиши ҳақида изох беринг ?
7. Концепцияга асосан хавфни бошқариш тизими доирасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналишлар?

8. ДБК Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасининг асосий вазифалари?

9. Концепцияга мувофиқ хавфни бошқариш тизимини яратишнинг асосий тамойилларини тушунтириб беринг?

10. Хавфни бошқариш тизимини қўллашда божхона органларининг мансабдор шахслари қандай асосий воситалардан фойдаланишади?

11. Ўзбекистон Республикаси ДБК марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий божхона бошқармалари даражасида хавфларни бошқариш жараёни асосий босқичлари ҳақида тушунча беринг ?

12. Хавфларни бошқариш жараёнининг дастлабки маълумотлари нималардан иборат ?

13. Норматив-ҳуқуқий ва услубий базани такомиллаштириш қандай йўналишларда амалга оширилади ?

14. Концепцияни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги қандай кўрсаткичлар бўйича баҳоланади?

15. Хавфни бошқариш тизимининг стратегияси ҳақида маълумот беринг ?

16. Хавфни бошқариш тизимининг тактикаси нима ?

17. Хавфни бошқариш тизимининг субъектлари ҳақида маълумот беринг?

18. Хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъекти томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар?

19. Хавфни бошқариш тизимини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъекти томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар?

20. Хавфни бошқариш тизимини ихтисослашган субъекти томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ?

V БОБ. Хавфни бошқариш тизимини ташкил этиш асослари ва амалга ошириш механизмлари

5.1. Хавфларни бошқариш тизими тушунчаси ва тамойиллари

Божхона назоратини ўтказишда бојхона органлари танлаб олиш тамойилидан келиб чиқиши ва одатда, Ўзбекистон Республикаси бојхона қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш учун етарли бўлган бојхона назорати шакллари билан чекланиши керак. Бојхона назорати шаклларини танлашда хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш лозим.



Хавфни бошқариш тизими бојхона хизматининг асосий вазифаларини ҳал этишни таъминловчи асосий тамойилларига асосланади.

Ана шу тамойилларга асосланган ҳолда хавфни бошқариш тизими танлаб олиш асосида амалга ошириладиган самарали бојхона назоратини ташкил этишни таъминлайди. Бу бојхона органларига:

➤ ишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларига эътибор қаратиш ва натижада мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланишни таъминлаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги бузилишини аниқлаш ва тахмин қилиш қобилиятини ошириш;

➤ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ва Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига риоя қилган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товар ва транспорт воситалари ҳаракатини тезлаштириш;

➤ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси таркибий бўлинмаларининг функционал хавфларни бошқариш қўйи тизимлари учун ягона ахборот таъминоти яратиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг ягона тизимига бирлаштириш.

Хавфларни бошқариш тизими қўйидаги бошқарув тамойилларига ҳам асосланади:

Стратегик бошқарув - божхона қонунчилигининг потенциал бузилиши эҳтимоли юқори бўлган хавф соҳаларини ва хавф юзага келган тақдирда зарар энг катта миқдорини аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бутун божхона хизмати даражасида уларни олдини олиш ёки камайтириш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Оператив бошқарув - божхона қонунчилигининг потенциал бузилиши эҳтимоли юқори бўлган локал хавф соҳаларини ва жисмоний шахслар, товарлар ва (ёки) божхона органларига хос хавфлар, шу жумладан божхона органларининг қарорлар қабул қилиш ваколатини тақсимлашда энг катта зарар миқдорини аниқлаш.

Тактик бошқарув - қисқа муддатли вазиятларга, аниқ шахсларга ва товар партияларига хос хавф соҳаларини аниқлаш.

Хавфларни бошқариш жараёнининг бошқа тамойилларини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин:

Кенг қамровлилик тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик субъекти хавфларнинг юзага келиши мумкин бўлган барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга интилиши лозим. Яъни бу принцип ноаниқликни минимумгача камайишини белгилайди.

Минималлаштириши тамойили. Бу тамойил компания мумкин бўлган хавфлар доирасини, шунингдек, уларнинг фаолиятига таъсир даражасини минималлаштиришга интилади.

Жавоб адекватлиги тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик субъекти хавфларни юзага келишида акс этадиган ички ва ташқи ўзгаришларга аниқ ва тез жавоб бериши керак. Бу тамойил узлуксиз маркетинг ва компаниянинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин.


Ақлли қабул қилиши тамойили. Бу тамойил фақат корхона астарланиш хавфини қабул қилиши мумкинлигини англатади. Шунинг учун, компания қандай натижаларга эришиши зарур бўлган харажатлардан кўп бўлишини билиши керак; хавфни фақат ўз маблағлари доирасидагина қабул қилиши керак; агар хавф амалга ошса, мумкин бўлган оқибатларни олдиндан башорат қилиши керак.

5.2. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматида хавфларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати структурасига мувофиқ хавфларни бошқариш уч поғонада ташкил этилиши мумкин.

Биринчи бу - "Марказий" поғона бўлиб, унда Давлат божхона қўмитаси бўлади, иккинчи бу - "худудий" бўлиб, бунда худудий бошқармалар бўлимлари бўлади, учинчи бу - "маҳаллий" поғона бўлиб, бунда божхона постлари бўлади.

Хавфларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси



5.3. Хавфни бошқариш тизими элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона иши соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисидаги, шу жумладан текширувлар амалга оширилиши босқичида турган, шунингдек процессуал қарор қабул қилинган барча ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақидаги статистик ва тезкор ахборотни тўплайди, умумлаштиради ҳамда таҳлил қилади.

Энг кам ёки энг кўп хавф тоифасига киритиш, шунингдек божхона тартиб-таомиллари айрим турларининг ҳамда божхона назорати айрим шакллариининг қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда белгиланади.

Хавфнинг белгиланган профиллари ва индикаторлари таркиби божхона органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, у махфий ахборотдир ва бошқа шахсларга ошкор этилиши мумкин эмас, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно. Хавфни бошқариш тизими қуйидаги жараёнлар циклидан иборат:

Хавфни бошқариш тизими жараёнлар цикли



Хавфни бошқариш тизимининг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланадиган товар ва транспорт воситалари ҳақида маълумот йиғиш ва қайта ишлаш.

Бу элемент Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланадиган товар ва транспорт воситалари ҳақида турли манбалардан олинadиган барча мавжуд маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни назарда тутади, шу жумладан, қуйидаги:

- Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилган товар ва транспорт воситалари статистикаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички статистикасини контрагент мамлакатлар статистикаси билан таққослаш;
- контрагент мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларидан, шу жумладан хорижий давлатларнинг божхона органларидан олинган;
- божхона органларининг тезкор-қидирув фаолияти яқунлари ҳамда божхона қоидаларини бузганлик тўғрисидаги махсус статистика тўғрисида;
- божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тўғрисида;
- божхона назорати остидаги товарлар билан ўз номидан юридик муҳим ҳаракатларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва (ёки) божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этувчи шахслар фаолияти тўғрисида;
- божхона брокерлари (вакиллари), вақтинчалик сақлаш омборлари ва божхона омборлари эгалари, шунингдек ташувчилар, шу жумладан божхона фаолияти тўғрисида;
- ташқи иқтисодий операциялар бўйича ҳисоб-китоб ва тўлов муносабатлари тўғрисида;
- транспорт логистика схемалар ҳақидаги маълумотлар.

2.Хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Хавфларни таҳлил қилиш билан боғлиқ асосий ҳаракатлар қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

- хавфларга таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуаси;
- божхона ҳуқуқбузарлигини содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган божхона операциялари;
- таҳлил объектлари;
- хавфларни тавсифловчи мезон ва параметрлар (ҳаракатлар сони, маҳсулот ассортименти, товар олувчи ва бошқалар.);
- хавф индикаторлари (хавфларни олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш зарурлигини белгиловчи миқдорий чегаравий кўрсаткичлар);
- хавф содир бўлганда зарарнинг мумкин бўлган миқдорини баҳолаш.

3. Хавфларни бошқариш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

❖ натижаларни прогноз қилиш ва режалаштирилган чора-тадбирларнинг мумкин бўлган оқибатларини ва бу оқибатларнинг бўлиши эҳтимоллигини аниқлаш;

❖ хавфларни олдини олиш ёки камайтириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва натижалар асосида – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган оптимал танловни.

4. Кўрилган чора-тадбирлар натижаларини умумлаштириш ва таклифлар тайёрлаш.

Хавфни бошқариш тизимини мукамал равишда ташкил этилган “қайта алоқа” тизимисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Хавф профилларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан бир қаторда божхона назоратининг тегишли шакллари кўллашни доимий назорат қилиб бориш, уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб бориш ва натижалар асосида мослаштириш лозим.

Хавфни бошқариш учун тизимга тегишли маълумотларни киритиш лозим бўлиб, бу маълумотлар божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлардан олинади, масалан: божхона юк ва божхона қиймати декларациялари, божхона қийматига ва божхона тўловларига тузатишлар киритиш, божхона кўриги ва кўздан кечириш ҳамда божхона кузатуви далолатномалари, божхона назоратини таъминлашни амалга ошириш доирасида тузилган бошқа далолатномалар, шунингдек, ТИФ қатнашчилари томонидан тақдим этилган товар ва транспорт воситаларига тегишли тижорат ҳамда бошқа ҳужжатларнинг электрон ёки қоғоз нусхалари ва бошқалар.

ДБҚ Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари учун ДБҚ маълумотлар базасидан ташқари, Давлат солиқ қўмитасининг базаси; Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг базаси; банк ва молия органларининг базаси; Давлат назорат органлари

маълумотлари; бошқа давлатлар божхона хизмати маълумотлари; тезкор қидирув фаолияти натижалари бўйича тўпланган маълумотлардан фойдаланилади.




5.4. Хавфни бошқариш тизимида хавф профилилари билан ишлаш тартиби

Хавф индикаторлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун битта мисол кўриб чиқамиз. Тасаввур қилайлик, Тошкент халқаро аэропорти орқали хорижий мамлакатдан ИШИД (Ироқ ва Шом Ислом давлати) террористик ташкилоти аъзолигига эга, жинси эркак бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси кириб келиши тахмин қилинмоқда. Табиийки, ушбу шахс мамлакатимиз ҳудудида кўпорувчилик ишларини амалга ошириш хавфи мавжуд. Ушбу ва унга ўхшаш шахсларни аниқлаш учун хавф профилини яратмоқчимиз. Бу ҳолда уларга мансуб кўрсаткичларни, яъни хавф индикаторларини аниқлаб олишимиз зарур. Хавф профили учун киритилиши лозим индикаторлари: жинси – эркак, ёши – 25 дан 50 ёшгача, миллати – ўзбек ёки тожик, қиёфаси – соқоли олинмаган, учиб келаётган рейс – Анқара-Тошкент, бўлган мамлакати – Ироқ ёки Сурия каби маълумотлардан иборат бўлади. Демак, Ўзбекистон

Республикасига хориждан келаётган йўловчиларнинг хавфни бошқариш тизими томонидан текширилиши хавф индикаторларга тўлиқ, қисман мос келиши ёки умуман мос келмаслигига қараб, йўловчиларни қизил ёки сариқ йўлакларга ўтиши лозимлигини тақозо этади.

Хавф профили – бу қоғоз шаклидаги ёки электрон ҳужжатнинг қисми бўлиб, минтақавий ва (ёки) маҳаллий ташиш шартларига мослаштирилган, божхона органлари томонидан хавфни таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган ҳужжат.



Хавф профилларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- амал қилиш муддати бўйича;
- амал қилиш ҳудуди бўйича;
- қўллаш тури бўйича.

Амал қилиш ҳудуди бўйича:

- ҳудудий (битта таркибий тузилмалар учун мўлжалланган),
- умумий (икки ёки ундан ортиқ таркибий тузилмалар учун мўлжалланган) га бўлинади.

Амал қилиш муддати бўйича хавф профили:

- қисқа муддатли – 1 кундан 1 ойгача,
- ўрта муддатли – 1 ойдан 3 ойгача,
- узок муддатли – 3 ойдан 6 ойгача
- доимий – 6 ойдан ортиқ муддатга қўлланилиши мумкин.

Қўллаш тури бўйича:

- **мақсадли** – хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш айнан битта товар ёки шахсга қаратилган хавф профили;
- **махсус** – тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи таркибий тузилма томонидан берилган маълумотлар асосида хавфни минималлаштириш чораларини қўллашга қаратилган хавф профили;
- **бошқа** профилларга боғлиқ бўлган – маълум бир товар ёки шахс учун хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш шартлари бошқа хавф профилидаги талаблардан келиб чиқиб белгиланадиган хавф профили.

Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 13 июндаги буйруғи ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ДБҚ таркибий тузилмалари ўртасида хавфни бошқариш тизимидаги фаолият йўналишлари қуйидагича тақсимланган:

ДБҚ таркибий тузилмалари ўртасида хавфни бошқариш тизимидаги фаолият йўналишларининг тақсимланиши

т\р	Йўналишлар	ДБҚдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
Божхона назоратининг йўналишлари			
1	Божхона кўриқлари: товарларнинг ҳажми, номланиши ва хусусиятлари тўғрисидаги тақдим	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари

т/р	Йўналишлар	ДБКдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
	этилган маълумотларни текшириш		
2	Нотариф бошқарув чораларига риоя этилишини назорат қилиш	Божхона назоратини ташкил этиш ва Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармалари	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш гуруҳлари, ТИФ ва чегара бошхона постлари
3	Ташқи савдонинг алоҳида турдаги товарларга нисбатан белгиланган таъқиқ ва чекловларни назорат қилиш	Божхона назоратини ташкил этиш, Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармалари	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш гуруҳлари, ТИФ ва чегара бошхона постлари
4	Товарларни тегишли бошхона режимга тўғри қўйилганлигини текшириш	Божхона назоратини ташкил этиш, Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш бошқармалари	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда ТИФ бошхона постлари
5	Товарларни Халқаро ташишларда уларнинг қоидаларига риоя	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, чегара ва ТИФ бошхона

т/р	Йўналишлар	ДБҚдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
	этилишини назорат қилиш		постлари
6	Жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб ўтилишини назорат қилиш	Божхона назоратини ташкил этиш, Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш бошқармалари	Божхона назоратини ташкил этиш ва Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлимлари, Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда чегара божхона постлари
7	Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида товарлар олиб ўтишни назорат қилиш	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
8	Халқаро ташувлардаги транспорт назорати	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
9	Хавфли ва ҳарбий юклар устидан назорат	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
10	Республика йўл жамғармасига йиғимлар тўғри ундирилиши устидан	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, чегара божхона постлари

т/р	Йўналишлар	ДБКдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
	назорат		
11	Маданий бойликлар устидан назорат	Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси	Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
12	Товар ва транспорт воситаларининг транзит ҳаракатининг назорати	Божхона назоратини ташкил этиш, Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармалари	Божхона назоратини ташкил этиш, Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлимлари, чегара божхона постлари
Ташқи савдо операциялари йўналишлари			
13	Ташқи савдо операциялари мониторинги	Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш бошқармаси	Божхона статистикаси ва ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш бўлимлари, ТИФ божхона постлари
Божхона тўловлари йўналишлари			
14	Товар келиб чиқиш мамлакати тўғри белгиланганлигини текшириш	Божхона тўловлари бошқармаси	Божхона тўловлари бўлимлари, ТИФ божхона постлари
15	Товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг усулларини тўғри қўлланилишини	Божхона тўловлари бошқармаси	Божхона тўловлари бўлимлари, ТИФ божхона постлари

т/р	Йўналишлар	ДБКдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
	назорат қилиш		
16	Божхона тўловлари ставкаларини тўғри қўлланилганлиги ва ундирилишини назорат қилиш	Божхона тўловлари бошқармаси	Божхона тўловлари бўлимлари, ТИФ божхона постлари
17	Тариф преференциялари тўғри тадбиқ этилишини назорат қилиш	Божхона тўловлари бошқармаси	Божхона тўловлари бўлимлари, ТИФ божхона постлари
18	Божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзларнинг тўғри қўлланилганлигини текшириш	Божхона тўловлари бошқармаси	Божхона тўловлари бўлимлари, ТИФ божхона постлари
Божхонага оид қонун ҳужжатлар бузилишининг олдини олишга қаратилган йўналишлари			
19	Юқори акциз ставкаси белгиланган товарлар ҳаракатини назорат қилиш	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, Божхона тўловлари, Божхона назоратини ташкил этиш бошқармалари	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, Божхона тўловлари, Божхона назоратини ташкил этиш бўлимлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
20	Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш	Контрабанда ва божхона қонунчилиги	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш,

т/р	Йўналишлар	ДБКдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
		бузилишига қарши курашиш, Суриштирув ва маъмурий амалиёт бошқармалари	Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
21	Божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиладиган товарлар назорати	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлимлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
22	Контрабанда ашёларини аниқлашга қаратилган назорат	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлимлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
23	Тезкор-қидирув фаолияти	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, Ўз хавфсизлик бошқармалари	Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими, Ўз хавфсизлик гуруҳлари.
24	Жиноий ва маъмурий ишлар натижалари	Суриштирув ва маъмурий амалиёт бошқармаси	Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш ва сертификатлаш йўналишлари			
25	Товарларнинг ТИФ ТН бўйича тўғри	Божхона экспертизаси ва	Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш

т\р	Йўналишлар	ДБҚдан масъул бошқармалар	Худудий бошқармалардаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда постлар
	таснифланганлигини ўрганиш	ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси	гуруҳлари, ТИФ божхона постлари
26	Ветеринар, санитар, карантин, фитосанитар назорат ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси назорати	Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш	Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш гуруҳлари, ТИФ ва чегара божхона постлари
27	Интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш	Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси	Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш гуруҳлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
28	Озон қатламини емирувчи моддалар устидан назорат	Божхона экспертизаси ва ТИФ товар номенклатурасини юритиш бошқармаси	Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш гуруҳлари, чегара ва ТИФ божхона постлари
29	Бошқа йўналишлар*		

Изоҳ:* ХБТни янада такомиллаштириш мақсадида ушбу жаadwalга зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши мумкин.

Бундан ташқари ушбу буйруқ билан, хавфни минималлаштириш чоралари ва уларни кодлаштирилган рақамлари берилган. Жумладан:

Хавфни минималлаштириш чоралари

ЖАДВАЛИ

№	Номланиши	Код
Божхона назоратининг шакллари		
1.	Ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш	101
2.	Оғзаки сўров	102
3.	Тушунтиришлар олиш	103
4.	Божхона расмийлаштируви жараёнларини кузатиб туриш	104
	Кўздан кечириш:	
5.	Товарларни	105
6.	Халқаро ташувлардаги транспорт воситаларини	106
7.	Божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни кўздан кечириш	107
8.	Бошқа объектлар	108
	Божхона кўриги:	
9.	Товарларни	109
10.	Халқаро ташувлардаги транспорт воситаларини	110
11.	Шахсий кўрик	111
12.	Товарларга махсус маркаларнинг қўйилганлиги ва улардаги идентификация белгиларининг мавжудлигини текшириш	112
13.	Бино ва ҳудудларни кўздан кечириш	113
	Божхона текшируви:	
14.	Товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага	114

Т/р	Номланиши	Код
	чиқарилгандан сўнг уларнинг божхона назоратини амалга ошириш	
15.	Жойларга чиққан ҳолда	115
16.	Божхона назорати остида турган товарларни ҳисобга олиш	116
Товарларни идентификациялаш воситаларидан фойдаланиш		
17.	Халқаро ташувлардаги транспорт воситалари ва контейнерларга божхона пломбалари ва муҳрларини қўйиш	201
18.	Алоҳида юк ўринларига идентификация воситаларини, рақамли, ҳарfli ёки бошқа турдаги белгиларни ҳамда пломба ва муҳрларини қўйиш	202
19.	Штампларни қўйиш	203
20.	Намуна ва синамалар олиш	204
21.	Халқаро ташувлардаги транспорт воситаларини таснифлаш	205
22.	Чизмалар, фотосуратлар ва видео тасвирлардан фойдаланиш	206
23.	Божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан тайёрланган чизмалар, фотосуратлар ва видео тасвирлардан фойдаланиш	207
24.	Товарлар ҳамда юк жўнатувчининг пломбаларини идентификациялаш имкониятини берувчи бошқа усуллардан фойдаланиш	208
Транспорт (юк-кузатув) ҳужжатларидан, шунингдек, божхона мақсадлари учун ташувчида мавжуд бўлган тижорат ҳужжатларидан, товарларни идентификациялашда фойдаланиш		
25.	Ҳужжатларга муҳр ва штампларни қўйиш	301
26.	Махсус белгилар ва ҳимоя воситаларини қўйиш	302
27.	Божхона мақсадлари учун, Халқаро ташувлардаги транспорт воситалари ҳамда контейнерларнинг божхона пломбалари ва муҳрлар қўйиладиган юкхонасига ҳужжатларни жойлаштириш	303

т/р	Номланиши	Код
28.	Божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатларни сейф-пакетларга жойлаштириш	304
Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга қаратилган чоралар		
	Божхона божлари ва солиқлар тўланишини таъминлаш	
29.	Мол-мулкни гаровга олиш	401
30.	Банк кафолати	402
31.	Пул маблағлари (божхонада депозитга қўйиш)	403
32.	Кафиллик	404
33.	Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш	405
34.	Суғурталаш	406
Ташқи иқтисодий ёки божхона ишига талукли бўлган йўналишларда фаолият кўрсатувчи шахслар тўғрисидаги ва уларга тегишли бошқа маълумотларни тўплаш		
35.	Товар қабул қилувчи тўғрисидаги маълумотларни олиш учун етиб бориши белгиланган божхона органига сўровнома юбориш	501
36.	Юридик шахсларни рўйхатга олган солиқ органларидан, шунингдек, давлатнинг бошқа назорат органларидан ТИФ қатнашчиси тўғрисидаги маълумотларни олиш	502
37.	Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган товарларга тегишли тижорат ҳужжатлари, молиявий ҳисобга олиш ва ҳисоботлар ҳамда бошқа маълумотларни олиш	503
38.	Банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ТИФ қатнашчилари ва операцияларининг божхона тўловлари билан боғлиқ маълумотларини олиш	504
Хавфни минималлаштириш бўйича бошқа чоралар		
	Божхона экспертизаси:	

№/р	Номланиши	Код
39.	Товарлар	601
40.	Ҳужжатлар	602
41.	Товарларни идентификация қилиш воситалари	603
	Божхона декларацияларини текширишда божхона органларининг таркибий тузилмалари томонидан қуйидаги қарорларни қабул қилиш:	
42.	Божхона процедуралари ва божхона назоратини ташкил этиш	604
43.	Товар ишлаб чиқарилган мамлакат	605
44.	Экспорт назорати	606
45.	Товар номенклатураси	607
46.	Божхона қиймати назорати	608
47.	Ташқи савдо операциялари мониторингининг назорати	609
48.	Божхона тўловлари	610
49.	Парчаланувчи ва радиоактив материаллар назорати	611
50.	Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш	612
51.	Товар чиқаришга рухсат берилгунга қадар божхона органининг мансабдор шахси томонидан текшириш ва назорат қилиш	613
52.	Божхона ҳужжатларидаги маълумотларни текшириш мақсадида, қўшимча ҳужжат ва маълумотларни олиш	614
53.	божхона омборига товарларни тушириш	615
54.	Товарни чиқаришга рухсат бериш божхона пости бошлиғи рухсати билан амалга оширилади	616
55.	Товарларни (қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш тўғрисидаги қафолати остида ёки бошқа аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатларда) шартли чиқаришга рухсат берилганда икки кундан кечиктирмаган ҳолда, қўшимча текшириш ҳамда аниқлик киритиш мақсадида божхона юк декларацияси ва унга	617

т/р	Номланиши	Код
	тегишли барча ҳужжатларни божхона органининг тегишли таркибий тузилмасига тақдим этиш.	
56.	Товарларни (қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш тўғрисидаги кафолати остида ёки бошқа ҳолатларда) шартли чиқаришга рухсат берилганда икки кундан кечиктирмаган ҳолда, қўшимча текшириш ҳамда аниқлик киритиш мақсадида, божхона юк декларацияси ва унга тегишли барча ҳужжатларни худудий божхона бошқармасига тақдим этиш.	618
57.	Товарларни (қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш тўғрисидаги кафолати остида ёки бошқа ҳолатларда) шартли чиқаришга рухсат берилганда икки кундан кечиктирмаган ҳолда, қўшимча текшириш ҳамда аниқлик киритиш мақсадида, божхона юк декларацияси ва унга тегишли барча ҳужжатларни Давлат божхона қўмитасига тақдим этиш.	619
58.	Божхона органининг масъул мансабдор шахси томонидан ҳужжатли назоратни амалга оширишда, маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш	620
59.	Товарлар “транзит” божхона режимига жойлаштирилганда, бир кундан кечиктирмасдан манзил божхона органининг тезкор-кидирув фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмасига тегишли (божхона, транспорт ва юк) ҳужжатларини тақдим этиш.	621
60.	ИКМ ёрдамида товар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш	622
61.	Товар ва транспорт воситаларини кинолог иштирокида кўздан кечириш	623
62.	ИКМни қўллаш натижасида олинган маълумотларни ўрганиб чиқиш ва назоратга олиш.	625
63.	Божхона кўригини амалга ошириш жараёнига божхона органининг тегишли мутахассисларини жалб этиш	626
64.	Божхона кўригини амалга ошириш жараёнига давлатнинг бошқа назорат органларидан тегишли мутахассисларини жалб этиш	627

т/р	Номланиши	Код
65.	БЮДларни электрон расмийлаштиришда, қўшимча аниқлик киритилиши шарт бўлган ҳолларда декларантдан ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этишни талаб қилиш.	628
66.	Товар ва транспорт воситаларига тегишли рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат ва маълумотларнинг мавжудлигини текшириш	629

Божхона органларида хавф профилларининг йўналишлари буйруққа мувофиқ қуйидагича белгиланган:

Хавф профили йўналишларининг Р Ў Й Х А Т И

т/р	Фаолият йўналишлари номи	Коди
1	Божхона кўриклари. Товарларнинг ҳажми, номланиши ва хусусиятлари тўғрисидаги тақдим этилган маълумотларни текшириш	001
2	Товарларнинг ТИФ ТН бўйича тўғри таснифланганлигини ўрганиш	002
3	Товар келиб чиқиш мамлакати тўғри белгиланганлигини текшириш	003
4	Нотариф бошқарув чораларига риоя этилишини назорат қилиш	004
5	Ташқи савдонинг алоҳида турдаги товарларга нисбатан белгиланган тақиқ ва чекловларни назорат қилиш	005
6	Ветеринар, санитар, карантин, фитосанитар назорат ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси назорати	006
7	Интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш	007
8	Товарларнинг бојхона қийматини аниқлашнинг усулларини тўғри қўлланилишини назорат қилиш	008
9	Ташқи савдо операциялари мониторинги	009
10	Божхона тўловлари ставкаларини тўғри қўлланилганлиги ва ундирилишини назорат қилиш	010

т/р	Фаолият йўналишлари номи	Коди
11	Тариф преференциялари тўғри татбиқ этилишини назорат қилиш	011
12	Божхона тўловлари тўланишининг кафолатлари ҳамда бериладиган имтиёзларнинг тўғри қўлланилганлигини текшириш	012
13	Товарларни тегишли бојхона режимига тўғри қўйилганлигини текшириш	013
14	Товарларни Халқаро ташишларда уларнинг қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш	014
15	Жисмоний шахслар томонидан товарлар ҳамда нақд миллий ва хорижий валюталар олиб ўтилишини назорат қилиш	015
16	Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида товарлар олиб ўтишни назорат қилиш	016
17	Юқори акциз ставкаси белгиланган товарлар ҳаракатини назорат қилиш	017
18	Парчаланувчи ва радиоактив материаллар назорати	018
19	Халқаро ташувлардаги транспорт назорати	014
20	Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш	020
21	Божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиладиган товарлар назорати	021
22	Контрабанда ашёларини аниқлашга қаратилган назорат	022
23	Тезкор-қидирув фаолияти	023
24	Хавфли ва ҳарбий юклар устидан назорат	024
25	Республика йўл жамғармасига йиғимлар тўғри ундирилиши устидан назорат	025
26	Маданий бойликлар устидан назорат	026
27	Озон қатламини емирувчи моддалар устидан назорат	027
28	Товар ва транспорт воситаларининг транзит ҳаракатининг назорати	032
29	Жиноий ва маъмурий ишлар натижалари	035
	Бошқа йўналишлар*	999

Изоҳ: * ХБТни янада такомиллаштириш мақсадида ушбу жадвалга зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши мумкин.

Масъул ходимлар хавфларни аниқлаш, қайд этиш, таснифлаш ва таҳлил қилишда қуйида келтирилган хавфни аниқлаш маълумотлар манбаидан фойдаланадилар:

- ❖ Божхона юк ва боғхона қиймати декларациялари, боғхона қийматига ва боғхона тўловларига тузатишлар киритиш (БҚБТТ), боғхона кўриги ва кўздан кечириш ҳамда боғхона кузатуви далолатномалари, боғхона назоратини таъминлашни амалга ошириш доирасида тузилган бошқа далолатномалар, шунингдек, ТИФ қатнашчилари томонидан тақдим этилган товар ва транспорт воситаларига тегишли бўлган тижорат ҳамда бошқа ҳужжатларнинг электрон ва қоғоз нусхалари.

- ❖ ТИФ қатнашчилари томонидан тақдим этилган юридик аҳамиятга эга бўлган ва формализация қилинган ҳужжатларнинг электрон нусхалари.

- ❖ ДБҚнинг ЯААТ дастурлари маълумотлари.

- ❖ Боғхона органларига товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги олдиндан берилган маълумотлари базаси.

- ❖ Бошқа давлатларнинг боғхона органлари ҳамда Халқаро ташкилотлар билан алмашиладиган маълумотлар.

- ❖ Электрон рўйхатга олиш китобларнинг маълумотлари.

- ❖ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси маълумотлари.

- ❖ Ташқи савдо статистикаси маълумотлари.

- ❖ Махсус боғхона статистикаси маълумотлари.

- ❖ Давлатнинг бошқа назорат органларидан олинган маълумотлари.

- ❖ Хавфни баҳолаш моделлари.

- ❖ Хавфни мақсадли таҳлил қилиш усулларини қўллаш натижалари.

- ❖ Товарлар, ташқи савдо операциялари ва шахсларни хавф гуруҳига киритишнинг намунавий мезонлари рўйхати.

- ❖ Боғхона органлари томонидан хавфни минималлаштиришга қаратилган чораларни қўллаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар.

❖ Инспекцион-кўрик мажмуаларини қўллаш натижаларини қўллаш натижалари.

❖ Божхона қиёслаш белгилари, муҳр, имзо ва ҳужжатлар шаклининг намуналари.

❖ Божхона ва аккредитациядан ўтган ташкилотларнинг экспертиза хулосалари.

❖ Ташқи савдо операциялари мониторинги база маълумотлари.

❖ Қарздор ТИФ қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар.

❖ ТИФ ТН таснифлари келтирилган маълумотлар.

❖ Товар ишлаб чиқарувчилар нарх маълумотлари, шунингдек, турли даражадаги уюшма ва иттифоқлар нархлари ҳақидаги бошқа манбалар.

❖ “Нарх маълумотлари” базаси.

❖ “Божхона қонунбузарлик ҳолатлари ҳисобини юритиш” ААТ маълумотлар базаси.

❖ Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотлар.

❖ Кунлик тезкор маълумотлар.

❖ Хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги маълумотлар.

❖ Товар чиқаришга рухсат берилгандан кейин амалга оширилган божхона назорати натижалари тўғрисидаги маълумотлар базаси.

❖ Суд қарорлари.

❖ Божхона органларидаги идоравий назорат натижалари.

❖ Давлатнинг бошқа назорат ва маҳаллий бошқарув органлари ҳамда жамоатчилик назорати сўровнома ёки маълумотлари.

❖ Бошқа давлат божхона органларига юборилган сўровномалар натижасида олинган маълумотлар.

❖ Божхона органлари фаолиятини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишлар натижасида олинган маълумотлар, шу жумладан, божхона органларида ўтказилган хизмат текшируви натижалари.

❖ Жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги ариза, таклиф ва шикоятлар тарзидаги мурожаатлари (аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларда уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ва қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар бундан мустасно).

❖ Кичик инспектор кинологлар томонидан хизмат итини объектга қўллаш натижасида хизмат ити томонидан яширилган гиёҳванд ёки портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ дори ҳамда валюта қимматликларига белги бергандаги маълумотлари.

❖ Декларант ва божхона расмийлаштируви мутахассислари фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.

❖ Товарларга тегишли Давлат стандартлари, Халқаро стандартлар, Техник шартлар ёки Инструкцияларида берилган маълумотлар.

❖ Оммавий ахборот воситалари томонидан, шунингдек, ўтказилган суриштирув ва тергов натижалари бўйича олинган маълумотлардан фойдаланиш

❖ Божхона назорати ҳудудига ўрнатилган видеокузатув маълумотлари.

❖ ТИФ қатнашчилари томонидан ихтиёрий равишда тақдим этилган маълумотлар.

❖ Эркин равишда яратилган база маълумотлари.

❖ Интернет тармоғига жойлаштирилган маълумотлар.

❖ Ахборот-таҳлилий фаолият натижалари бўйича маълумотлар.

❖ Бошқа турдаги маълумотлар.

Хавф профили лойиҳалари қуйида келтирилган шаклда тайёрланади.

**Хавф профилининг шакли ўз ичига қуйидаги
маълумотларни олади:**

хавф профили рақами;
хавф профили тури;
хавф профили амал қилиш муддати;
фаолият йўналиши;
амал қилиш ҳудуди;
хавфнинг таснифи;
хавф индикаторлари;
хавфни минималлаштириш чоралари;
божхона кўриги;
божхона кўригининг хусусиятлари;
кўрикни амалга ошириш вақти;
кўрикни амалга оширувчилар;
кўриктан мақсад;
кўрикнинг ҳажми;
кўрикнинг даражаси;
назоратнинг техник воситаларини қўллаш;
кўрикни ўтказиш даврийлиги;
кўрикнинг объекти;
таркибий тузилма;
масъул ходим;
илова.

Хавф профилларини шакллантиришда уларга тушунтириш хатини илова қилиш мажбурий ҳисобланади. Фақатгина, махсус хавф профилларини шакллантиришда ва давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар асосида тайёрланган хавф профилларида тушунтириш хати илова қилинмайди.

Хавф профили шаклини тўлдириш тартиби

1. “Хавф профилининг (ХП) рақами” графасида рўйхатга олинган рақам кўрсатилади.

2. “ХП тури” хавф профилларининг тури кўрсатилади, яъни мақсадли, махсус, бошқа профилларга боғлиқ бўлган.

3. “ХПнинг амал қилиш муддати” графасида профилнинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Агар профилнинг амал қилиш муддати доимий бўлса, тугаиш куни кўрсатилмайди.

4. “Йўналиши” графасида хавф аниқланадиган соҳавий йўналишининг йўналиш номи ва коди кўрсатилади. Агар хавф бир нечта фаолият йўналишига тегишли бўлса, уларнинг энг муҳими танланади. Битта хавф профилида битта йўналиш кўрсатилади.

5. “Амал қилиш ҳудуди” графасида профилнинг ишлаш ҳудуди бўйича “ҳудудий”га ёки “умумий”га тегишлилиги кўрсатилади.

6. “Хавфнинг таснифи” графасида хавфнинг таснифи ҳамда аниқланиш алгоритми қисқача тушунтирилади.

7. “Хавф индикатори” графасида хавфни аниқлаш учун ишлатиладиган индикаторлар кўрсатилади.

8. “Хавфни минималлаштириш чоралари” графасида “Хавфни минималлаштириш чоралари жадвалига” асосан, хавфни минималлаштириш чоралари кўрсатилади. Ушбу графа қуйидаги катакчалардан иборат бўлади:

№ – хавфни минималлаштириш чораларининг кетма-кетликдаги тартиб рақами;

номи – хавфни минималлаштириш чораларининг номи;

коди – хавфни минималлаштириш чораларининг коди;

мажбурийлиги – хавфни минималлаштириш чорасини қўллаш мажбурий (“ХА”) ёки мажбурий (“ЙЎҚ”) эмаслиги;

кетма-кетлиги – хавфни минималлаштириш чораларининг қандай кетма-кетликда қўлланилиши;

қўшимча чоралар – маълум бир чорани қўллаш учун амалга оширилиши лозим бўлган бошқа бир чора кўрсатилади. Мисол учун, “божхона экспертизасидан ўтказиш” чорасини қўллаш лозим бўлса, албатта товарлардан “намуна ва синамалар олиш” чораси кўрсатилган бўлиши шарт.

9. “Божхона кўриги” бўлимида, товарларни божхона кўригидан ўтказиш хусусиятлари кўрсатилади. Булар:

кўрикни амалга ошириш вақти;

кўрикни амалга оширувчилар;

кўриктан мақсад;

кўрикнинг ҳажми;

кўрикнинг даражаси;

назоратнинг техник воситаларини қўллаш;

кўрик ўтказиш даврийлиги;

кўрик объекти.

10. “Таркибий тузилма” графасида профилни яратган ДБҚ таркибий тузилмасининг номи ва коди кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари дастурда фақат рухсат берилган таркибий тузилма ходимларига кўринади. Бундай ходимлар рўйхати профилни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

11. “Масъул ходим” графасида профилнинг ишлашида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар бўйича мурожаат этиладиган масъул ходим маълумотлари (лавозими, Ф.И.Ш., телефон рақами ва электрон почтаси) кўрсатилади.

12. “Имзолаган” графасида профилни яратган ва унинг амалиётга киритилишини мақсадга мувофиқ деб топган қарорлар кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари дастурда фақат рухсат берилган ходимларга кўринади. Бундай ходимлар рўйхати профилни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

13. “Тасдиқлаган” графасида профилни амалиётга киритиш бўйича қарорни тасдиқлаган ДБҚ Раҳбарияти тўғрисидаги маълумот кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари дастурда фақат рухсат берилган ходимларга кўринади. Бундай ходимлар рўйхати профилни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

14. “Илова” бўлимида хавф профилига тегишли қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Бунда, ҳар бир хавф профили лойиҳалари учун тушунтириш хати тайёрланади ва профилга илова қилиб, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

хавф профилини тайёрлашда фойдаланилган маълумотлар манбаи;

қўлланилган хавфни мақсадли таҳлил қилиш услубияти;

хавфни аниқлашда фойдаланилган таҳлиллар натижалари;

хавф натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар;

хавф профилини қўллашдан кутилаётган натижалар, шунингдек, божхона органлари томонидан ХБТни қўллашдаги уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ва шартлари;

мўлжалланган хавф профилнинг тури;

хавф соҳасига киритилган шахслар (жисмоний шахслар учун Ф.И.Ш., СТИР, манзили, тузилган йили ва бошқалар, юридик шахслар учун уларнинг номи, СТИР, КТУТ, манзили, фаолият тури, банк реквизитлари ва бошқалар) тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар.

Профил лойиҳасини яратиш учун ДБҚ таркибий тузилмалари ёки бошқа давлат органлари томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотномалар асос бўлган бўлса, маълумотнома тушунтириш хатига илова қилинади.

15. Хавф профили лойиҳаларини синовдан ўтказиш иккита давр оралиқларидаги маълумотлар асосида амалга оширилади:

профил ишлаши мўлжалланган даврдаги бир йил олдинги маълумотлар билан;

профил ишлаши белгиланадиган кунга қадар ўтган даврдаги маълумотлар билан.

*16. Қуйидаги ҳолларда тушунтириш хатлари тайёрланмайди:
махсус хавф профилларини шакллантиришда;
давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар асосида
тайёрланган хавф профилларида.*

*17. Хавф профилларини шакллантиришда имкон қадар
формализация қилинадиган индикаторлардан фойдаланиш лозим
бўлади.*

*18. Қуйидагилар хавф профилларидаги маълумотларни
тўлиқлигича кўришлари мумкин:*

*фаолият йўналишлари бўйича тегишли бўлган ДБК таркибий
тузилмалари;*

*хавф профили лойиҳасини ишлаб чиққан ва бу жараёнда
қатнашган таркибий тузилмалар;*

*профилни ишлаб чиққан масъул ходимнинг қарорига асосан
рухсат берилганлар;*

*хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси
ходимлари.*

Хизмат фаолияти давомида масъул ходимлар томонидан ўзларига аввалдан маълум бўлмаган хавф аниқланганда ва ушбу ҳолатлар юзасидан янги профил жорий этиш лозим бўлганда, улар томонидан юқори турувчи таркибий тузилмага ёки тўғридан-тўғри Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасига хавф профилини тайёрлаш бўйича ёзма шаклда таклиф киритилиши мумкин.

Киритиладиган таклифлар ҳудудий божхона бошқармасига тақдим этилган ҳолларда 5 кун, махсус хавф профиллари ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда 2 кун ичида кўриб чиқилиб, мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган тақдирда хавф профили лойиҳалари Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасига тақдим этилади.

Хавф профили лойиҳалари ва киритилган таклифлар Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан

15 кун муддатдан кечиктирмасдан ўрганиб чиқилади ҳамда қарор қабул қилиш учун ДБҚ эксперт комиссиясига тақдим этилади.

Мақсадга мувофиқ эмас деб топилган хавф профили лойиҳалари ёки киритилган тақлифлар юзасидан қайтариш сабаблари, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва қайта кўриб чиқиш муддатлари кўрсатилган ҳолда масъул таркибий тузилмага юборилади.

Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан барча хавф профилларининг лойиҳалари қуйидаги шаклдаги электрон китобда рўйхатга олинади.

Хавф профили лойиҳасини кўриб чиқиш ёки келишиш натижасида киритиладиган ўзгартиришлар электрон китобда қайд этилган тартиб рақамини ўзгартирмайди.

Хавф профили лойиҳаси келиб тушган вақтда Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасининг масъул ходими махсус дастур томонидан автоматик равишда хабардор этилади.

Хавф профили лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва келишишда белгиланган йўналишлар тақсимооти бўйича масъул таркибий тузилмалар билан келишиш варағи Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасининг масъул ходими томонидан шакллантирилади.

Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасига тақдим этиладиган лойиҳалар тегишлилиги бўйича масъул таркибий тузилма раҳбари билан келишилади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан тақдим этилган лойиҳалар фақат ушбу бошқарма доирасида амал қилиниши режалаштирилган ҳамда тегишли соҳавий бўлимларда (бўлинма, гуруҳ) келишилган бўлса, ДБҚнинг масъул таркибий тузилма раҳбари билан келишилмасдан, амалиётга жорий этилиши мумкин. Бундай ҳолатлар ДБҚ эксперт комиссиясининг қарорида акс эттирилади.

Хавф профили лойиҳалари ДБҚ эксперт комиссиясига тақдим этилади. ДБҚ эксперт комиссияси томонидан хавф профиллари лойиҳаларини амалиётга жорий этиш юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

қайта кўриб чиқиш учун лойиҳани тайёрлаган масъул таркибий тузилмага юбориш;

лойиҳа тасдиқланишини мақсадга мувофиқ эмас деб топиш;
лойиҳани тасдиқлашни мақсадга мувофиқ деб топиш.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш муддати 5 кундан ошмаслиги лозим, махсус хавф профиллари ва кечиктириб бўлмас ҳолатлар бундан мустасно.

ДБҚ эксперт комиссиясининг қарорлари Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасида умумлаштирилади.

ДБҚ эксперт комиссиясининг хавф профили лойиҳасини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб топилган қарори тасдиқлаш учун ДБҚ раҳбариятига тақдим этилади. ДБҚ раҳбарияти ДБҚ эксперт комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларга ўзгартириш киритиши мумкин.

ДБҚ раҳбарияти томонидан ДБҚ эксперт комиссиясининг хавф профилининг лойиҳасини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб топган қарори маъқулланганда, мазкур хавф профиллари 3 кун ичида махсус дастурга киритилиб, амалиётга жорий этилади. Маъқулланмаган хавф профили лойиҳалари Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси орқали таклиф киритган масъул таркибий тузилмага юборилади.

Хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар қуйида келтирилган талаблар асосида ДБҚнинг масъул таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилади:

Хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф шакли қуйидаги маъдумотлардан иборат бўлади:

янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф рақами;

қисқача тавсифи;

татбиқ этиладиган ҳужжат;

хавф профили тури;

хавф профили амал қилиш муддати;

йўналиши;
хавф таснифи;
қўшимча профиллар;
таркибий тузилма;
масъул ходим;
илова.

Тўлдириш тартиби

1. “Янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф рақами” графасида хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф (бундан буён матнда таклиф деб юритилади) рақами кўрсатилади.

2. “Қисқача тавсифи” графасида таклифнинг қисқача мазмуни кўрсатилади.

3. “Татбиқ этиладиган ҳужжат” графасида таклиф киритилаётган хавф профилининг рақами ва версияси кўрсатилади.

4. “Хавф профили (ХП) тури” хавф профилларининг тури кўрсатилади, яъни мақсадли, махсус, бошқа профилларга боғлиқ бўлган.

5. “ХПнинг амал қилиш муддати” графасида янгиланаётган ёки бекор қилинаётган профилнинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Агар профилнинг амал қилиш муддати доимий бўлса, тугаши куни кўрсатилмайди.

6. “Йўналиши” графасида хавф аниқланадиган соҳавий йўналишининг коди ва номи кўрсатилади. Агар хавф бир нечта йўналишларга тегишли бўлса, уларнинг энг муҳими танланади.

7. “Хавфнинг таснифи” графасида хавф тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади.

8. “Қўшимча профиллар” графасида мазкур профил билан бир пайтда янгиланиши ёки бекор қилиниши лозим бўлган профилларнинг рақамлари кўрсатилади.

9. “Таркибий тузилма” графасида профилни янгилаш ёки бекор қилиш бўйича лойиҳани тайёрлаган таркибий тузилма номи ва коди кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари махсус дастурда фақат рухсат берилган ходимларга кўринади. Бундай ходимлар рўйхати профилни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

10. “Масъул ходим” графасида янгиланган профилнинг ишлашида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар бўйича мурожаат этиладиган масъул

ходим маълумотлари (лавозими, Ф.И.Ш. телефон рақами ва электрон почта манзили) кўрсатилади.

11. “Имзолаган” графасида янгилаш ёки бекор қилиш бўйича лойиҳани тайёрлаган ва унинг амалиётга киритилишини мақсадга мувофиқ деб топган таркибий тузилма раҳбари кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари махсус дастурда фақат рухсат берилган ходимларга кўринади. Бундай ходимлар рўйхати таклифни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

12. “Тасдиқлаган” графасида янгилаш ёки бекор қилиш бўйича лойиҳани амалиётга киритиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган ДБҚ Раисининг биринчи ўринбосари кўрсатилади. Ушбу графа маълумотлари махсус дастурда фақат рухсат берилган ходимларга кўринади. Бундай ходимлар рўйхати профилни яратган масъул ходим томонидан белгиланади.

13. Хавф профилларини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича тайёрланаётган ҳар бир таклиф учун тушунтириш хати шакллантирилади ва илова қилиниб, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф тайёрлашда фойдаланилган маълумотлар манбаи;

хавфни аниқлашда фойдаланилган таҳлил натижалари;

хавф натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар;

хавф профилини янгилаш ёки бекор қилишдан кутилаётган натижалар, шунингдек, божхона органлари томонидан ХБТни қўллашдаги уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ва шартлари;

янгиланган хавф профилнинг мўлжалланган тури ва ишлаш муддати;

хавф ҳудудига киритилган шахслар (жисмоний шахслар учун Ф.И.Ш., СТИР, манзили, тузилган йили ва бошқалар, юридик шахслар учун уларнинг номи, СТИР, КТУТ, манзили, фаолият тури, банк реквизитлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар.

Профилни янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклиф яратиш учун ДБҚ таркибий тузилмалари ёки бошқа давлат органлари томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотномалар асос бўлган бўлса, бундай маълумотнома тушунтириш хатига электрон кўринишида илова қилинади.

14. Қуйидаги ҳолларда тушунтириш хати тайёрланмайди:

махсус хавф профилларини янгилаш ёки бекор қилишда;

давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар асосида тайёрланган хавф профилларини янгилаш ёки бекор қилишда.

15. Қуйидагилар хавф профилларидаги маълумотларни тўлиқлигича кўришлари мумкин:

фаолият йўналишлари бўйича тегишли бўлган ДБҚ таркибий тузилмалари;

таклифларни ишлаб чиққан ва бу жараёнда қатнашган таркибий тузилмалар;

таклифларни ишлаб чиққан масъул ходимнинг қарорига асосан рухсат берилганлар;

хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ходимлари.

Хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар куйида келтирилган шаклдаги электрон китобда рўйхатга олинади:

Хавф профилларини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича киритилган таклифларни рўйхатга олиш электрон китобида акс эттириладиган

МАЪЛУМОТЛАР

- 1. Хавф профили рақами.*
- 2. Янгилаш ёки бекор қилиш таклифи киритилган хавф профили маълумотлари:*
 - профил рақами;*
 - амал қилиш муддати;*
 - хавфнинг таснифи;*
 - хавфни аниқлаш бўйича фаолият йўналишининг коди.*
- 3. Янгилаш ёки бекор қилиш бўйича киритилган таклифнинг таснифи.*
- 4. Янгилаш ёки бекор қилиш бўйича киритилган таклиф асослари.*
- 5. Янгилаш ёки бекор қилиш бўйича киритилган таклиф татбиқ этилиши лозим бўлган бошқа хавф профиллари.*
- 6. Таклиф киритган таркибий тузилма номи ва коди.*
- 7. Таклиф ишлаб чиққан ёки унинг талаблари билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича масъул ходим тўғрисидаги (Ф.И.Ш., телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқалар) маълумотлар.*
- 8. Таклиф киритилган сана ва вақт.*
- 9. Мақоми ва мақомни белгилаган ходим ҳамда вақти.*
- 10. Таклифни кўриб чиқиш учун юборилган таркибий тузилмалар.*
- 11. Қабул қилинган қарор ва асослар.*
- 12. Изоҳ.*

Хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар ДБҚ эксперт комиссияси хулосасига асосан ДБҚ раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Янгиланган хавф профилларининг архив рақами ўзгартирилади ва амалда қўллаш учун таркибий тузилмаларга махсус дастур орқали (дастурнинг ишламаслиги ҳолатлари бундан мустасно) етказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда хавф профили лойиҳалари ДБҚ эксперт комиссиясига тақдим этилмасдан ДБҚ раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга киритилиши мумкин. Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан ДБҚ раҳбариятига ҳар ой якуни бўйича қуйидаги ҳисоботлар тақдим этиб борилади:

- тайёрланган хавф профиллари лойиҳалари ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- хавф профилини янгилаш ёки бекор қилиш бўйича тайёрланган таклифлар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- барча турдаги хавф профилларининг амалда ишлаш ҳолати;
- профилларнинг самарадорлиги ҳамда ДБҚ раҳбариятининг қўшимча топшириғи асосида бошқа турдаги ҳисоботлар.

Махсус хавф профилларини тайёрлаш, келишиш, тасдиқлаш, янгилаш ва бекор қилиш. Тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланиш ваколати берилган ДБҚ таркибий тузилмалари – ваколатли бошқармалар томонидан махсус хавф профиллари шакллантирилади.

Махсус хавф профиллари билан ишлаш учун Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасида алоҳида масъул ходим тайинланади. Махсус хавф профили лойиҳаси ваколатли бошқарма раҳбари билан келишилади. Ваколатли бошқарма бошлиқлари махсус хавф профилидаги маълумотларни кўриш, ўзгартириш ва ушбу йўналишдаги ўз бўйсунувидаги масъул ходимни тайинлаш ҳуқуқига эга.

Махсус хавф профилини кўриб чиқиш ДБҚ эксперт комиссияси ваколатига кирмайди. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тушунтириш хати тақдим этилмаган ҳолда махсус хавф профили тасдиқланиши мумкин.

Ҳудудий бошқармалар томонидан тайёрланган махсус хавф профили лойиҳаси тегишлилиги бўйича ДБҚнинг ваколатли бошқармасига тақдим этилади. Хавф профили лойиҳасини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ваколатли бошқарманинг қарори 2 кун ичида қабул қилинади. Махсус хавф профили лойиҳасини тасдиқлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ДБҚ раҳбариятининг қарори қабул қилингандан сўнг, махсус хавф профилини амалиётга жорий этиш мақсадида Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасига тақдим этилади.

Электрон шаклга келтирилмаган (формализация қилинмаган) махсус хавф профилларини ижро учун таркибий тузилмаларга етказиш ваколатли бошқармалар томонидан амалга оширилади. Махсус хавф профилларини шакллантириш, келишиш, тасдиқлаш ва янгилаш ёки бекор қилиш бўйича тайёрланадиган барча ҳужжатлар ваколатли бошқармалардаги иш юритиш тартиби асосида юритилади ҳамда сақланади.

Тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган махсус хавф профилларининг ишлаши ҳамда натижаларини назорат қилиб бориш профилни яратган ваколатли бошқарманинг масъул ходими томонидан олиб борилади. Олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида махсус профилларни янгилаш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар юқорида кўрсатилган тартибда тайёрланади. Шунингдек, махсус хавф профилларининг ҳисобини юритиш ҳамда ушбу йўналишдаги тадбирларни назорат қилиш ваколатли бошқармалар зиммасига юклатилади.

Хавф профилларида кўрсатилган хавфни аниқлаш ва уларни минималлаштириш чораларини қўллаш. Хавф профилида кўрсатилган барча маълумотлар бир пайтнинг ўзида

божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнидаги маълумотлар билан мос келиши хавф аниқланганлигини билдиради.

Хавф профилида кўрсатилган хавфни (индикаторни) аниқлаш автоматик равишда махсус дастур орқали амалга оширилади. Хавф профилларида кўрсатилган хавф ҳамда индикаторлар қуйидаги ҳолатларда аниқланади:

- товар ва транспорт воситалари божхона органларида рўйхатга олинганда;
- божхона юк декларацияси ҳамда унга тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганда ва (ёки) рўйхатга олинганда;
- товар ва транспорт воситаларини божхона омборига жойлаштириш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда;
- муқаддам қабул қилинган дастлабки қарор ўзгарганда;
- товар чиқаришга рухсат берилганда;
- товар ва транспорт воситалари ҳамда шахслар тўғрисидаги дастлабки ахборот божхона органларига тақдим этилганда;
- товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар электрон дастурларда рўйхатга олинганида.

Хавф профиллари махсус дастурга киритилган вақтдан бошлаб, амал қилиш муддати доирасида ишлайди. Махсус дастур божхона органларининг ЯААТ дастурларига электрон равишда киритилаётган маълумотларни автоматик равишда таҳлил қилади ва натижаси бўйича хавф аниқланганда, божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга оширувчи масъул ходимга бу ҳақида хабар беради, шунингдек хавфларни минималлаштириш юзасидан тегишли кўрсатмаларни етказди.

Божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга оширувчи масъул ходим махсус дастур берган хабарларни текширади. Текшириш натижасида хавф тасдиқланса, бу ҳақида дастурдаги “хавф тасдиқланди” белгиси танланади ва профилда кўрсатилган

хавфни минималлаштириш чоралари кўрилади. Хавф тасдиқланмаган ҳолларда эса “хавф тасдиқланмади” белгиси танланади ва бу ҳолат бўйича асослантирилган изоҳ берилади.

Божхона назорати ҳамда расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида бир нечта профиллардаги хавф аниқланса ва уларнинг ҳар бирида хавфни минималлаштириш чоралари белгиланган бўлса,

улар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бир хил бўлмаган барча турдаги хавфларни минималлаштириш чоралари кўрилади;

хавфни минималлаштириш чораларини қўллашда уларнинг барчасидаги талаблар тўлиқ бажарилиши шарт;

битта ҳолатга нисбатан мантиқий бир хил бўлган хавфни минималлаштириш чораларини қайта қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижалари ҳисобини юритиш. Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижаси бўйича масъул ходимлар томонидан тегишли ҳисоботлар махсус дастурда шакллантирилиб борилиши шарт.

Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижаси бўйича ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- ❖ хавф профилида кўрсатилган хавфни минималлаштириш чоралари ва уларни қўллаш натижалари;
- ❖ хавф профилида кўрсатилмаган, лекин бојхона ходими томонидан мустақил равишда қўлланилган хавфни минималлаштириш чоралари ва уларнинг натижалари.

Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш бўйича қайд этилган натижаларга қўшимчалар киритиш, изоҳлаш 3 кундан кечиктирилмаган муддатда амалга оширилиши мумкин. Электрон кўринишдаги шакллантирилган ҳисоботлардан фойдаланиш, ваколат берилган масъул ходимларга рухсат этилади, Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ходимлари бундан мустасно.

Яратилган ҳар бир хавф профили учун мақомлар белгиланган бўлиб, улар қуйидагича:

- ❖ Рўйхатга олинган.
- ❖ ХБТни мувофиқлаштирувчи бошқармага юборилган.
- ❖ Кўриб чиқилмоқда.
- ❖ Мақсадга мувофиқ.
- ❖ Мақсадга мувофиқ эмас.
- ❖ Қайта кўриб чиқиш учун.
- ❖ Амалга киритилган.
- ❖ Тўхтатилган.

Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби якуний қоидалари. Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси хавф профилларининг ишлаши, уларнинг натижалари, ҳисоботларнинг юритилиши ва хавфни минималлаштириш чораларининг қўлланилиш самарадорлигини мониторинг қилиб боради. Хавфни бошқариш тизимининг дастурий таъминотларида юзага келган муаммоли ҳолатлар юзасидан дарҳол Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасига хабар берилади.

Муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси хавф профилининг ишлашини

2 кунгача тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Бунда Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- ❖ дастурий таъминотдаги муаммолар бўйича Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармасига хабар берилади;
- ❖ хавф профилининг нотўғри ишлаши юзасидан уни қайта кўриб чиқиш учун профил бўйича масъул бўлган бошқармага хабар берилади.

Белгиланган муддатда мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақида ДБҚ раҳбариятига

ахборот берилади ва раҳбарият қарорига асосан иш ташкил этилади.

Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан ДБҚ раҳбарияти билан келишилган ҳолда, муаммоли профилни вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин. Профилни қайта ишга тушириш ДБҚ раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Муаммо ҳал этилган вақтда, вақтинча тўхтатилган профилнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса, бундай хавф профили қайта ишга туширилмайди.

Хавфнинг белгиланган профиллари ва индикаторлари таркиби божхона органлари томонидан хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, уларни бошқа шахсларга ошкор этилиши мумкин эмас. Қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай маълумотларнинг тарқалишига йўл қўйилган ҳар бир ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилади. Тартибга солинмаган ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли қарорларни қабул қилиш фақат ДБҚ раҳбариятининг ёзма рухсати билан амалга оширилади.

5.5. Товарларни идентификациялашда хавф профилларини шакллантириш ва қўллаш

Ҳар бир давлат ташқи савдо айланмасининг ўсиши божхона хизмати фаолиятини ишончлилигига путур етказмаган ҳолда божхона тартиб-таомилларига кетадиган вақт давомийлигини камайтириш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг аксарияти мавжуд қонунчиликка риоя қиладилар, бироқ амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш масаласи доимо божхона органлари олдида қўйилган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан, божхона хизмати томонидан қўлланиладиган

технологиялар давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назаридан жавоб бериши зарур.

Шу боис, божхона органларининг асосий вазифаларидан бири шубҳали фаолиятларни ўз вақтида аниқлаш ва бу борада ҳаракатланаётган товарларни асосли ҳамда оқилона божхона кўригидан ўтказишдан иборатдир.

Ҳар бир давлат божхона хизмати товарларни “ёппасига” божхона назоратидан ўтказишдан, танлаб божхона назоратидан ўтказишни қўллашга ўтиши муқаррар, бу эса ўз навбатида божхона тўловларини тўлашдан қочиш, божхона қонунчилигига риоя қилмаслик эҳтимолини баҳолашга асосланган хавфларни бошқариш тизимини яратиш зарурлигига олиб келади.

Божхонада хавф деганда асосан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси тушунилади.

Агар қонунга риоя қилмаслик эҳтимолини баҳолаш муайян белгиланган қийматдан ортиқ бўлса, унда божхона текширувига эҳтиёж туғилади.

Шу нуқтаи назардан, божхона назорати божхона органлари томонидан амалга ошириладиган шундай операциялар тизими бўлиши керакки, бунда ижроси божхона органларига юклатилган, давлатнинг божхона иши соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари ва Халқаро шартномаларига риоя этилишини текшириш унинг мақсади бўлмоғи лозим.

Божхона назоратини ўтказишда кўплаб параметрлар ва маълумотлар фойдаланилади. Жумладан, буларга транспорт ва тижорат ҳужжатларидан олинган маълумотлар, Халқаро миқёсда ўзаро келишувлар ҳақидаги маълумотлар, бозорда ташқи савдо иштирокчиларининг фаолияти ҳақидаги бошқа давлат хизматлари томонидан тўпланган маълумотлар ва бошқа кўплаб маълумотлар кирази.

Бундай маълумотлар кўламини таҳлил қилиш, божхона хизматига ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари қандай шароитларда ва қандай эҳтимол билан қонунни бузиши

мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради. Масалан, булар божхона тўловларини тўлиқ тўламаслик, қалбаки ёки истеъмолчилар учун хавфли маҳсулотларни олиб кириш ва хоказолар бўлиши мумкин. Натижада хавф соҳаси деган тушунча юзага келади.

Бунинг натижаси ўлароқ, божхона органлари хавф товарларини, яъни амалда импорти ёки экспортида божхона қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган товарларни ажратиб оладилар.

Баъзи ноҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилар қонунни бузган ҳолда, тақиқларни турли йўллар билан четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар, масалан:

- келиб чиқиши сертификатларини қалбакилаштирадилар;
- маркировкаларни алмаштириб қўядилар;
- декларацияларда яширувчи товарларнинг (қонунларда белгиланган тақиқлар ва чекловларга тушмайдиган, аммо хусусиятлари шундай товарларга ўхшаш товарлар) ТИФ ТН кодларини кўрсатадилар.

Хавфни бошқариш тизими - бир томондан давлат томонидан самарали божхона назоратини амалга оширувчи, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, одамлар ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ташкилий, техник ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи бўлса, бошқа томондан - товарларнинг божхона расмийлаштирувини тезлаштиради.

Тизимнинг мақсади – ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона қонунчилигига риоя қилган ҳолда қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни қўллаб қувватлашдир.

Хавфни бошқариш тизимининг мақсадларига тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

- Халқаро ташувлардаги товар ва транспорт воситаларини аниқ идентификациялаш;
- божхона ва бошқа тўловларнинг керакли миқдорларини аниқлаш;

➤ чегарадан ўтиш учун зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлаш;

➤ декларантлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили, уларни дастлабки (автоматик) текшириш натижалари билан таққослаш ва номувофиқликларни аниқлаш;

➤ божхона назоратининг керакли талаб даражаси ва зарур ҳажмини аниқлаш.

Хавфларни бошқариш фақат мониторинг ва назорат жараёнлари билан чекланиб қолмаслиги керак.

Хавфни бошқариш тизимининг биринчи навбатдаги мақсади қонун бузилишларининг юзага келишидан огоҳлантирувчи шарт-шароитларни яратиш ва шундан кейингина ҳуқуқбузарликлар хавфини минималлаштириш, божхона қоидалари бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш эҳтимолини максималлаштиришдан иборат.

Божхона фаолиятининг биринчи босқичида авваламбор товарларни аниқ идентификациялашни амалга ошириш, товарларнинг амалдаги қонунчиликка асосан божхона декларациясига мувофиқлигини, божхона тўловлари миқдорини тўғрилигини ҳолисона ва ишончли баҳолаш зарур.

Ушбу муаммони ҳал қилиш воситаси бу - хавф профилидир. Хавф профили - бу хавф соҳаси, хавф индикаторлари ва хавфларни минималлаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги маълумотлар тўпламидир.

Товар тўғрисидаги барча маълумотлар тегишли хавф профилидаги маълумотларга мос келса, демак ҳеч қандай хавф йўқлигини билдиради.

Товарлар чиқарилишини назорат қилувчи божхона органининг ҳаракатларида хавф профилининг тутган ўрни қуйидагича кўринишда бўлади:

1. Агар декларациялаш босқичида мавжуд қонун ҳужжатлари талаблари билан хавф профили талаблари ўртасида фарқ бўлмаса, товар белгиланган тартибда чиқарилади.

2. Агар декларациялаш босқичида хавф индикаторидан кескин оғишларни ҳисобга олган ҳолда хавф профили ишлаб кетса ва зарур ҳолларда божхона кўригини ўтказиш имконияти кейинчалик номувофиқликни идентификациялаш билан белгиланади.

Шунинг учун чегарани кесиб ўтувчи барча товарлар номенклатураси учун хавф профилларини шакллантириш жуда долзарб вазифа ҳисобланади.

Хавф профили қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хавф майдони, яъни хавф профилидан четга оғишларни аниқлайдиган ва божхона қонунчилиги бузилиши эҳтимолини ва бундай бузилиш юзага келиши мумкин бўлган шароитларни баҳолайдиган хавф индикаторларининг олиб ўтилаётган товарлар ёки транспорт воситаларини аниқ идентификацияловчи кўрсаткичлар рўйхати;
- хавф индикаторлари - божхона назорати амалга ошириладиган белгилар ёки белгилар мажмуи;
- мумкин бўлган қийматлари;
- хавфларни минималлаштириш чоралари - товар ва транспорт воситаларининг ноқонуний чегарадан ўтишининг олдини олиш мақсадида қоидабузарликларни ёки уларнинг йўқлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган божхона назоратининг конкрет шакллари.

Божхона назоратининг шакллари хавф профилидан аниқланган оғиш даражасига қараб ўзгаради. Масалан, товарнинг оғирлиги декларацияда кўрсатилган оғирликка нисбатан маълум миқдорга (хавф индикатори) кўп ортилган транспорт воситасининг божхона ҳудудига келиши, товарнинг брутто оғирлиги (хавф соҳаси) ҳақида нотўғри маълумот бериш мумкинлигини кўрсатади.

Шунинг учун хавф профилида хавфни минималлаштириш чоралари сифатида товарларни тўлиқ тушириш ва оғирлигини

тортиш билан божхона текширувини таъминлаш кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Ҳар қандай маҳсулот маълум қатъий белгиланган параметрлар рўйхати билан тавсифланади, унинг қийматлари статистикага кўра, маълум чегаралар доирасида бироз ўзгаради. Ҳар бир бундай кўрсаткич ва унинг максимал рухсат этилган қийматлари хавф индикаторини ҳосил қилади.

Мисол учун, енгил автомобиль шинаси 500 грамм ва енгил автомобиль дискаси 50 кг вазнга эга бўлиши мумкин эмас. Бундай вазнлар нотўғри декларация тақдим этилиши мумкинлиги ҳақида инспектор учун “қўнғирок” дир.

Хавф индикаторлари атрибутив (сифат) кўрсаткичлар орқали ифодаланган бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, статистика маълумотларига кўра, маълум бир ТИФ ТН кодига эга товар фақат бир неча мамлакатларда ишлаб чиқарилиши мумкин ва ҳужжатларда бошқа ишлаб чиқарувчининг кўрсатилиши табиий равишда савол туғдиради, масалан, Афғонистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар. Аммо ҳар бир товар хавф профилига мувофиқ идентификацияланиши лозим.

Шунинг учун хавф профилини шакллантиришнинг биринчи вазифаси товар хусусиятларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқ аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичлар рўйхатини шакллантиришдан иборат. Бу кўрсаткичлар орасида миқдор ва сифатларни ажратиш кўрсатиш лозим.

Сифат кўрсаткичлари бир ёки бир неча мутлақо аниқ қийматларда ифодаланиши мумкин, масалан, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг товар коди (ТИФ ТН), келиб чиқиш жойи, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи компания, товар белгисининг мавжудлиги, маркировкаланганлиги (штрих код), етказиб бериш шартлари ва бошқалар.

Кодлаш нуқтаи назаридан барча товарларни товар турига қараб товар номенклатураси гуруҳларига бўлиш мумкин.

Номенклатура рўйхатидаги ҳар бир товарга товар гуруҳига мувофиқ аниқ рақам ёки код белгиланади. Муайян бир кўрсаткичлар билан ажратилган товарлар гуруҳи ассортимент деб юритилади. Кўпинча таркиби ёки қўлланишига ўхшаш товарлар ассортимент гуруҳларига ажратилади, лекин улар нарх асосида ҳам гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Шундай қилиб, ассортимент - бу баъзи кўрсаткичлар билан фарқ қиладиган, лекин камида битта умумий хусусиятга эга бўлиши керак бўлган товарлар тўпламидир. Ассортимент истеъмол талаби ва муайян корхонанинг ихтисослашуви асосида шаклланади. Номенклатура корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати бўлиб, маълум таснифлаш тизимини назарда тутлади.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси нуқтаи назаридан ТИФ ТН бўйича товар коди чегарани кесиб ўтишда ушбу товар учун божхона тўловлари миқдорини аниқлаш ва декларацияларни қайта ишлашни автоматлаштириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, юкларни божхонада текшириш жараёнини тезлаштиради ва турли мамлакатлардан келган ҳамкорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни соддалаштиради.

Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) товарлар таснифлагичи бўлиб, улар божхона органлари ва ташқи иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган барча шахслар томонидан товарлар ҳисобини юритиш учун яратилган.

Таснифлагич ҳар бир товар позициясига ноёб рақамли сонларни белгилаш орқали аниқ идентификациялаш учун мўлжалланган. Товар коди маҳсулот турини, уни ишлаб чиқариш материални ва қўлланилиш доирасини белгилайдиган 10 та рақамни (белгини) ўз ичига олади. Коддаги ҳар бир рақам ўз вазифасини бажаради ва товарнинг маълум хусусиятларини акс эттиришга хизмат қиладди.

ТИФ ТН тўлиқ тузилмаси қуйидагича кўринишда бўлади:



1-гурух. Бу кодда биринчи икки рақам бўлиб, ишлаб чиқариш материалига, қайта ишлаш даражасига ва қўлланилиш доирасига қараб белгиланади;

2-позиция. Биринчи тўртта рақамни ифодалайди ва 1-гурух маълумотларини бир оз конкретлаштиради;

3-субпозиция. Бу биринчи олтита рақам бўлиб, бунда товар ҳақида янада батафсил маълумот олинади, масалан, нима иш қилади, ишлатилиши, фойдаланиши ва ҳоказо;

4-подсубпозиция. Яна тўртта рақам қўшилади, бунда товар тўлиқ аниқлаштирилади, масалан, товарнинг техник хусусиятлар, товарнинг таркиби оғирлик бўйича фоизларда ёки товарнинг хусусиятлари ва ҳоказо.

Натижада, божхона расмийлаштирувидан ўтказиладиган товар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш учун ишлатиладиган тўлиқ ўн рақамли код яратилади.

Белгиланган ТИФ ТН коди билан ҳал қилиниши мумкин бўлган асосий вазифалар қуйидагича:

➤ божхона божи, аксиз солиғи, ҚҚС ва божхона йиғимидан иборат бўлган божхона тўловлари суммасининг ҳисобланиши;

➤ нотариф тартибга солиш чораларини аниқлаш, яъни сертификатлаштириш учун талаблар ва товарлар учун бошқа турли рухсатномалар олинishi;

➤ ташқи савдо статистикасини кузатиш.

Дастлабки икки пункт хориждан товар олиб кирмоқчи бўлган аниқ шахсга тегишли. Божхонада тўланадиган тўлов суммасига қараб етказиб бериш таннархи аниқланади. Бу эса, ўз навбатида импорт қилинаётган товарнинг якуний таннархига таъсир кўрсатади.

Бевосита товардаги код белгиланишини кўрадиган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарилган мамлакат ва товар хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган товар штрих коди амалиётда мавжуд.

Энг кенг тарқалган штрих код бу EAN-13 стандарти.

EAN-13 штрих код дастлаб **European Article Number** “EAN” сифатида танилган, кейин **International Article Number** деб қайта номланди, лекин “EAN” қисқартмаси сақланиб қолди. EAN – 13 стандарти EAN 13 стандартлаштириш ташкилоти томонидан тартибга солинади ва 13 та рақамдан иборат бўлади. Бунда биринчи икки ёки уч рақам товарнинг келиб чиқиши мамлакатини аниқлайди. Бунда ҳар бир мамлакатга бир ёки бир неча кодлар берилади. масалан, Ўзбекистон учун рақам 478, Буюк Британия учун – 50, Канада ва АҚШ учун эса – 00-13. Кейинги тўрт ёки бешта рақам маҳсулот ишлаб чиқарувчисини аниқлайди, кейин унинг номи ва асосий хусусиятларини тасвирлайдиган бешта рақамли товар коди ҳисобланади.



Штрих коднинг охири рақами назорат рақами бўлиб, унинг ҳақиқийлигини текшириш учун хизмат қилади.

Штрихни ҳақиқийлигини текшириш учун қуйидаги бир қатор арифметик амалларни бажариш керак:

1. Штрих коддаги барча жуфт жойларда турган рақамларни қўшинг ва бу рақамни учга кўпайтиринг.

2. Штрих коддаги охириги назорат рақамидан ташқари барча тоқ жойларда турган рақамларни қўшинг.

3. Кейин натижаларни (1) ва (2)ни қўшинг ва ўнликларни олиб ташланг, яъни олинган йиғиндидаги охириги рақамни қолдиригинг.

4. 10 сонидан (3)даги натижани айиринг ва уни назорат рақами билан таққосланг. Агар сонлар бир хил бўлса - бу яхши, акс ҳолда штрих код ёки сохта ёки ҳисоблашда хатоликка йўл қўйилган бўлади.

Агар штрих-коднинг атрибутив (сифат) кўрсаткичлари қийматлари ва товарнинг хавф профили билан хавф профили ўртасида тафовут мавжуд бўлса, божхона органи ушбу тафовутларнинг юзага келишига олиб келган ҳолатларни ойдинлаштириш учун товарни ушлаб қолиши мумкин.

Товар келиб чиқиш мамлакати ва ишлаб чиқарувчи божхона тўловларидан имтиёз олиш ёки божхона тўловлари миқдорини аниқлашда бевосита боғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқарувчига ва унинг жойлашган жойига мос товар белгисининг мавжудлиги, шунингдек товарнинг маркировкаси ва етказиб бериш шarti божхона декларациясида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаши керак.

Сифат кўрсаткичларидан ташқари хавф профилида уч қатордан иборат матрица сифатида тақдим этилиши мумкин бўлган миқдорий кўрсаткичлар ҳам бўлиши керак:

$$\begin{pmatrix} a_{1,1}, a_{1,2}, \dots, a_{1,n} \\ a_{2,1}, a_{2,2}, \dots, a_{2,n} \\ a_{3,1}, a_{3,2}, \dots, a_{3,n} \end{pmatrix}$$

бу ерда n – товарни аниқ идентификациялаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар сони. Матрицанинг ҳар бир устуниси товарни маълум

бир нуқтаи назардан характерловчи маълум бир кўрсаткичга мос келади, масалан:

- товарларнинг божхона қиймати;
- товарларнинг хусусиятлари (миқдори, чакана савдога чиқариладиган ва истеъмолгача товардан ажралмас қисми бўлган, бирламчи қадоқланган товар оғирлиги, ҳажми ва бошқа характеристикалари).

Матрицанинг биринчи сатрида товарни миқдорий нуқтаи назардан тавсифловчи кўрсаткичларнинг кодли белгиланишлари, иккинчи сатрида эса кўрсаткичларнинг меъёрий қийматлари кўрсатилган. Божхона органи томонидан фойдаланиладиган хавф профили учун иккинчи сатрда мамлакатнинг амалдаги меъёрий хужжатларига мувофиқ кўрсаткичнинг меъёрий қийматлари кўрсатилади. Матрицанинг учинчи сатрида мақбул оғишлар кўрсатилган бўлиб, ундан ошиб кетиш хавфни минималлаштириш чора-тадбирларига олиб келиши керак.

Декларация қилинадиган товар учун хавф профилининг матрицаси фақат иккита қаторни ўз ичига олади:

$$\begin{bmatrix} b_{1,1}, b_{1,2}, \dots, b_{1,n} \\ b_{2,1}, b_{2,2}, \dots, b_{2,n} \end{bmatrix}$$

Биринчи сатрда ушбу товар учун зарур бўлган кўрсаткичлар, иккинчи сатрда эса ушбу кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилган. Ҳар бир товар учун ўз кўрсаткичларидан фойдаланиш керак, уларнинг сони ва кетма-кетлиги мажбурийдир.

Хавфни баҳолашда товарнинг хавф профилида берилган кўрсаткич қийматининг оғиши божхонанинг хавф профилида кўрсатилган қийматдан ошмаслиги шарт, яъни

$$i \in I \mid a_{1,i} \equiv b_{1,i} \rightarrow |a_{2,i} - b_{2,i}| \leq a_{3,i}$$

Агар ушбу шарт бажарилмаса, товар эркин муомалага чиқарилмайди ёки товар чегарадан ўтказилмайди. Агар импортёр (ёки экспортёр) рози бўлмаса, божхона органлари низоли

маълумотларни текшириш учун кўрилиши лозим бўлган хавфни минималлаштириш чораларини белгилайди.

Шу боис, бир томондан, ҳам давлат, ҳам ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун бузилишига йўл қўймаслик, уларнинг манфаатларини бузмайдиган божхона расмийлаштируви учун қулай шароитлар яратиш зарур. Шу нуқтаи назардан божхона назорати турли хил шаклларда амалга оширилади:

- тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларни текшириш;
- юкларни кўздан кечириш ва божхона кўригидан ўтказиш;
- экспертларни жалб қилган ҳолда экспертиза тайинлаш;
- товарлар учун маълум бир етказиб бериш йўлини белгилаш (транзит товарлар учун). Натижада хавфларни бошқариш тизими декларация қилинадиган товарнинг хавф профили таркибига кирувчи барча кўрсаткичларининг қийматларини белгилайди.

Хавф профили кўрсаткичларига, юқоридагилардан ташқари, унинг амал қилиш муддати, амал қиладиган минтақа (Республика, вилоят) ва қўллаш усули (махсус дастурлар бўйича автоматик равишда, бевосита божхона ходими томонидан қўлланилади) киради.

Ўзбекистон Республикаси божхона хизматида ишлаб чиқилган хавф профили лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан тасдиқланади ва рўйхатга олинади. Хавфни бошқариш тизими учун мўлжалланган хавф профили маълумотлари ёпиқ ва фақат божхона органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ташқи савдо алоқаларида иштирок этаётган барча мамлакатлар иқтисодиётининг фаол ривожланишини ҳисобга олган ҳолда хавф профили мунтазам янгиланиб турилиши лозим.

Шу муносабат билан, Хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш ва ривожлантириш учун масъул тузилмалар доимий равишда хавф профили самарадорлигини баҳолаб, зарур ўзгаришлар ва аниқликлар киритиб боришлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Хавфни бошқариш тизимини қўллаш субъектив омиллар таъсирини истисно қилиш ва электрон декларациялаш жараёнида товарларни назорат қилиш тизимидан фойдаланиш имконини беради, бу одатда хавф гуруҳлари товарларини божхона назоратини соддалаштиришга ва товарлар қийматини тўғри аниқлашга таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида божхона фаолиятини бошқариш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Синов саволлари:

1. Хавфни бошқариш тизими қандай бошқарув тамойилларига асосланади?
2. Хавфни бошқариш тизимида стратегик бошқарув бу ?
3. Хавфни бошқариш тизимида оператив бошқарув бу ?
4. Хавфни бошқариш тизимида тактик бошқарув бу?
5. Хавфни бошқариш тизимида кенг қамровлилик тамойили бу?
6. Хавфни бошқариш тизимида минималлаштириш тамойили бу?
7. Хавфни бошқариш тизимида жавоб адекватлиги тамойили бу?
8. Хавфни бошқариш тизимида ақлли қабул қилиш тамойили бу?
9. Хавфларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси?
10. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланадиган товар ва транспорт воситалари ҳақида мавжуд маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш ҳақида маълумот беринг?
11. Хавфларни таҳлил қилиш билан боғлиқ асосий ҳаракатлар ҳақида изоҳ беринг ?
12. Хавфларни бошқариш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳақида маълумот беринг?

13. Хавф профиллари турлари ҳақида маълумот беринг?
14. Масъул ходимлар хавфларни аниқлаш, қайд этиш, таснифлаш ва таҳлил қилишда қандай маълумотлар манбаидан фойдаланадилар?
15. Хизмат фаолияти давомида масъул ходимлар томонидан ўзларига аввалдан маълум бўлмаган хавф аниқланганда ва ушбу ҳолатлар юзасидан янги профил жорий этиш лозим бўлганда, улар томонидан хавф профилини тайёрлаш бўйича таклиф киритилиши тартиби қандай?
16. ДБҚ эксперт комиссияси томонидан хавф профиллари лойиҳаларини амалиётга жорий этиш юзасидан қандай қарорлар қабул қилинади ?
17. ДБҚ Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси томонидан ДБҚ раҳбариятига ҳар ой якуни бўйича қандай ҳисоботлар тақдим этиб борилади ?
18. Махсус хавф профилларини тайёрлаш, келишиш, тасдиқлаш, янгилаш ва бекор қилиш тартиби ҳақида маълумот беринг?
19. Хавф профилларида кўрсатилган хавф ҳамда индикаторлар қандай ҳолатларда аниқланади?
20. Божхона назорати ҳамда расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида бир нечта профиллардаги хавф аниқланса ва уларнинг ҳар бирида хавфни минималлаштириш чоралари белгиланган бўлса, қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозим ?
21. Хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижалари ҳисобини юритиш ҳақида маълумот беринг ?
22. Яратилган ҳар бир хавф профили учун белгиланган мақомлар ?
23. Товарлар чиқарилишини назорат қилувчи божхона органининг ҳаракатларида хавф профилининг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг ?

VI БОБ. Хавфни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш

6.1. Хавфларни бошқариш самарадорлиги тушунчаси, моҳияти ва роли

Барқарорлик ва ишончликни оширишнинг энг самарали бошқарув воситаси хавфларни бошқариш чора-тадбирлари ва процедураларини интеграциялашган ҳолда амалга оширишдир.

Хавфларни бошқариш муаммосига комплекс ёндашув бир вақтнинг ўзида ташкилот фаолиятининг аксарият жиҳатлари муаммоларини ҳал қилиш ёки уларни ҳал қилиш учун қулай шароит яратишга имкон беради.

Хавфни бошқариш тизими таркибий тузилмаларнинг таваккалчилик билан ишлаш бўйича эришилган натижаларини баҳолаш, таваккалчиликка қарши туришнинг муқобил усулларини танлаш учун қўлланилиши мумкин.

Хавфларни бошқариш бўйича муайян чораларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида, аввало, қуйидаги тенгсизлик шартларининг бажарилишини ҳисобга олиш керак:

$$L \geq C,$$

бу ерда, L –хавф туғилганда кутилган салбий таъсир (йўқотиш) қиймати;

C –хавфларни бошқариш бўйича фаолиятнинг умумий қиймати.

Яъни, кутилаётган ножўя оқибатларнинг катталиги ушбу хавфларни бошқариш харажатларидан ошиб кетгандагина, хавфларни бошқариш бўйича муайян чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўз навбатида, кутилган йўқотиш миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$L = f(P, E),$$

бу ерда $f(P, E)$ –хавф пайдо бўлиши сабабли йўқотиш эҳтимоли қийматининг функцияси;

Р –хавф пайдо бўлиши эҳтимоли;

Е–хавф юзага келганда максимал йўқотиш қиймати.

Схематик равишда самарадорликни баҳолаш тизимини қуйидаги кўринишда тақдим этиш мумкин:

Хавфларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш тизимининг хавфларни бошқариш жараёнига интеграциялашуви



Тавсия этилган самарадорликни баҳолаш тизимидан амалий фойдаланиш қуйидаги босқичларда хавфни бошқариш учун энг мақбул ҳисобланади:

бошқарув усулини танлаш - ушбу босқичда барча хавфларни бошқариш вариантларининг башорат қилинган натижалари ҳисобланади. Амалга ошириш учун энг катта иқтисодий самарага эга вариант қабул қилинади;

натижаларни таҳлил қилиш - амалга оширилган хавфларни бошқариш тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш учун, ҳақиқий кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.


Тавсия этилган самарадорликни баҳолаш тизими амалдаги хавфларни бошқариш тизимини ўзига хос бошқарув элементи

билан тўлдириш учун ишлаб чиқилган бўлиб, бу амалдаги фаолиятда ҳам, умумий хавфларни бошқариш стратегиясида ҳам йўл қўйилган хатолар кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзининг хавфларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўзига хос хавфларни бошқариш усулларини татбиқ этиш, ҳар қандай даражадаги менежер учун маълум қарорларни амалда бажариш натижасида башорат қилинадиган натижага эришиш ортиқча бўлмайди.

6.2. Хавфларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Хавфларни бошқариш бир қатор асосий кўрсаткичлар бўйича баҳоланиши мумкин.

Хавфни бошқаришни баҳолаш



Бошқарувнинг ҳар қандай соҳасида самарадорликни таҳлил қилиш ҳисоботларни тузиш ва кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматларини мақсад кўрсаткичлари билан таққослаш, оғиш сабабларини излашдан иборат. Бундай ҳолда, қуйидаги қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин:

1. Назорат қилинадиган кўрсаткичлар рўйхати аниқланмаган. Уларни ҳисоблаш қоидалари аниқланмаган. Қандай мақсадли вазифаларни ўрнатиш кераклиги тўғрисида тушунча йўқ. Кўрсаткичларни ҳисоблашни аниқлайдиган усуллар, қоидалар ва стандартлар расмий равишда мавжуд бўлиши мумкин, аммо эскирган, аслида амалга оширилмайди. Турли бўлимларда

хавфларни бошқариш турли усуллар бўйича амалга оширилади. Раҳбарлар ва иқтисодчиларнинг далилларни таҳлил қилишга, оптималлаштириш йўллари топишга вақтлари йўқ. Бунинг сабабларидан бири қулай таҳлил воситаларининг етишмаслигидир.

2. Режадаги ҳисоботни ўз вақтида қабул қилиб бўлмайдди. Ҳисобот қабул қилингандаги жараёнига таъсир қилиши.

3. Ҳисоботларда хатолар мавжуд. Ҳисоботни қўлда тайёрлашда инсон омили якуний маълумотларда бузилишларни келтириб чиқаради. Бошқарув қарорлари нотўғри рақамлар асосида қабул қилинади.

4. Ҳажми катта бўлганлиги сабабли керакли маълумотларни топишда қийинчилик туғилади.

5. Ҳисоботнинг тафсилотлари етарли эмас. Оғиш сабабларини таҳлил қилиш учун менежер далиллар батафсилроқ келтириладиган бошқа ҳисоботларга муҳтож.

6. Ҳақиқий маълумотлар режалаштирилган маълумотлар билан яхши таққосланмайди. Хавфларни бошқариш режада тузилганидан кўра бошқа контекстдан олинган ҳақиқий маълумотлар асосида амалга оширилади. Маълумотлар бир-биридан фарқ қилувчи манбалардан тўпланади, йиғиш жараёнида маълумотлар йўқолади ва бузилади.

7. Ҳақиқий маълумотлар олдингилари билан ва бошқа тузилмалар ўртасида таққосланмайди.

8. Амалдаги ҳисобот шакли эскирган. Корхонада мавжуд бўлган шаклларда келтирилган маълумотлардан кўра ҳар куни маълумотларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш керак бўлиши мумкин. Ҳисоботларни қайта ишлаш учун вақт чекланганлиги сабабли, бундай таҳлил қилиш кўпинча мумкин эмас.

Божхона органларида хавфларни бошқариш тизимидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда кенг кўламли мезонларни кўриб чиқиш зарур. ХБТдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда турли хил усулларга асосланган, иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида фойдаланиш учун оптималлаштирилган турли хил ёндашувлар мавжуд.

Мезонларни, кўрсаткичларни ва баҳоларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: сифатли ва миқдорий.

Миқдорий баҳолаш самарадорликнинг осонгина сезгир, визуал кўрсаткичини таъминлайди, аммо улар ҳар доим ҳам ХБТдан фойдаланишнинг барча афзалликлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди. Самарадорликни баҳолашда фаолиятнинг турли жиҳатлари, масалан, молиявий, вақт, услубий, ташкилий ва бошқа кўрсаткичлар тўпламини кўриб чиқиш керак.

Божхона органларида хавфларни бошқариш самарадорлигига энг катта таъсир кўрсатадиган бир нечта муҳим омилларни айтиш мумкин, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

№	Омиллар	Таркиб
1	<i>Юқори раҳбарият томонидан ўтказилган таҳлил</i>	Ташкилотнинг юқори раҳбарияти томонидан менежментнинг муҳимлигини тушуниши, шахсий иштироки ёки жамоат аъзоларига тегишли ваколатларни топшириш орқали керакли ёрдамни тақдим этиш истаги;
2	<i>Бошқарув вазифалари</i>	Бошқарув миссиясининг аниқлиги, бошқарув натижаларининг фойдалилигини англаш;
3	<i>Ишни аниқ режаслаштириши</i>	Мақсадларга эришиш йўллари тушуниш (мақсадлар қандай иш туфайли амалга оширилади, қайси муддатда, бунинг учун қандай ресурслар талаб қилинади);
4	<i>Истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда</i>	Фойдаланувчиларнинг бошқарув натижаларидан қониқиши, тизимнинг муваффақиятли ишга туширилишини таъминлайди;
5	<i>Зарур технологияларнинг мавжудлиги</i>	Лойиҳада ишлатиладиган технологик ечимлар мавжуд, ишончли, синовдан ўтган;
6	<i>Ўқитилган ходимларнинг миқдори</i>	Лойиҳани амалга оширишга ходимларнинг тайёрлиги, ходимларни ўқитишга ёки тегишли мутахассисларни жалб қилишга тайёрлиги.

Бошқарув фаолияти самарадорлигини миқдорий баҳолаш баъзи хусусиятларнинг ўзгариши тенденцияларини қиёсий таҳлил қилиш усули билан амалга оширилиши мумкин:

❖ харажатларнинг ўзгариши - лойиҳа бюджетининг ортиқча сарфланиши ёки кам сарфланиши натижасида келиб чиқадиган оғишлар;

❖ сифат назорати ва баҳолаш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш - камчиликларни бартараф этиш бўйича ходимларнинг самарадорлигини баҳолаш;

❖ ҳал қилинмаган муаммолар сони - ходимларнинг юзага келадиган қийинчиликларга таъсирининг самарадорлиги;


❖ хавфларни бошқариш билан шуғулланадиган бўлимларнинг штат даражаси - барча иштирокчиларни, шунингдек, бошқарув аппарати ходимларини ҳам аниқлаш.

Фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари ҳар бир аниқланган хавфни бошқариш вазифаси учун ишлаб чиқилади. Фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари методологияси менежментни тўлиқ маълумот билан таъминлаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини осонлаштирадиган воситадир.

6.3. Фаолият самарадорлигини баҳолаш ва эффективлик кўрсаткичларини ҳисоблаш амалиёти

Фаолият самарадорлигини баҳолашда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш керак:

Фаолият самарадорлигини баҳолаш.



Ҳар бир кўрсаткични амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот уни ҳисоблаш услубиятига мувофиқ тузилиши керак. Агар индикаторни ҳисоблаш методикасида тегишли кўрсатмалар бўлмаса, ҳар бир кўрсаткичнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ унинг белгиланган қиймати;
- ❖ унинг ҳисобот чорагида эришилган ҳақиқий қиймати;
- ❖ уни ҳисоблаш учун ишлатиладиган дастлабки маълумотлар;
- ❖ уни амалга ошириш тўғрисидаги хулосалар.

Агар кўрсаткич бажарилмаса, ҳисоботда қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

- кўрсаткичнинг белгиланган қийматига эришиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар рўйхати;
- кўрсаткични бажармаганлик сабаблари.

Хавфларни бошқариш тизимида божхона қийматини назорат қилишда божхона органларининг самарадорлигини ҳисоблаш услубияти.

Р кўрсаткичи (фоизда) БҚИ билан чиқарилган товарлар сонининг (БҚИ - божхона қиймати индекслари - божхона қийматининг (АҚШ долларарида) товарларнинг сонига (кг.) ёки қўшимча ўлчов бирликларида) оғишига қараб камайиши билан ифодаланади. Ҳисобот чорагида аввалги кўрсаткич билан таққослаганда, хавф профилида белгиланган ўлчов бирлигидан)) белгиланган четга чиқиш кўрсаткичи билан камайтирилган хавф профили индикатори қийматидан пастроқ бўлади ва ҳар бир маҳсулот учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P = \frac{(V_2 - V_1)}{V_2} * 100,$$

Бу ерда:

V_1 – ҳисобот чорагида чиқарилган, БҚИ хавф индикатори қийматидан паст бўлган, белгиланган оғиш кўрсаткичи билан камайтирилган товарларнинг сони (кг ёки қўшимча ўлчов

бирлигида - товарлар учун тегишли хавф профилида ўрнатилган ўлчов бирлигига қараб);

V_2 - ҳисобот чорагидан олдинги чоракда чиқарилган, БҚИ хавф индикатори қийматидан паст бўлган, белгиланган оғиш индикатори билан камайтирилган товарларнинг сони (кг ёки кўшимча ўлчов бирлигида - товарларнинг тегишли хавф профилида ўрнатилган ўлчов бирлигига қараб).

Танлаш шартлари:

- импорт режимида расмийлаштирилган товарлар ҳисобга олинади;
- хавф профилидан чиқарилган алоҳида маҳсулот тоифалари ҳисобга олинмайди;
- хавфни минималлаштириш чоралари кўрилмайдиган шахслар рўйхатига киритилган фуқаролар томонидан олиб ўтиладиган товарлар ҳисобга олинмайди;
- божхона қийматини аниқлаш товарлар чиқарилган вақтда тугалланмаган бўлса, бундай товарлар қиймати божхона тўловлари тўланишини таъминлаш миқдорини ҳисоблаш асосида ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, кейинги ҳисобот чораги давомида божхона органи товарларнинг божхона қиймати тўғрисида қабул қилинган қарорни ҳисобга олганлиги бўйича такрорий ҳисобот юборади. Қайта ҳисобот фақат ўтган чоракда эришилган кўрсаткичлар қийматида ўзгариш бўлган товарларга нисбатан юборилади.

Хавфларни бошқариш тизимини қўллашда божхона органлари томонидан товарларни божхона кўриклари самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш услубияти.

Услубият хавфларни бошқариш тизимини қўллашда хавф профилларида кўрсатилган топшириқларга мувофиқ амалга ошириладиган товарларни божхона кўриклари самарадорлигини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати қуйидаги йўналишлар бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш орқали аниқланади:

- ✓ товарларни олиб киришда божхона процедуралари ва божхона операцияларини амалга ошириш;
- ✓ товарларни экспорт қилишда божхона процедураларини ва божхона операцияларини амалга ошириш;
- ✓ олиб кириладиган товарларни БЮД тақдим қилган ҳолда декларациялаш;
- ✓ олиб чиқилаётган товарларни БЮД тақдим қилган ҳолда декларациялаш.

Ҳисобот даври кўрсаткичи қуйидаги ахборот манбалари ёрдамида ҳисобланади:

- ✓ божхона декларациясининг электрон нусхасида хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш натижалари тўғрисидаги ҳисобот;
- ✓ транзит декларациясининг электрон нусхасида хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш натижалари тўғрисидаги ҳисобот;
- ✓ божхона органларининг ҳар ойда хавфларни бошқариш тизимини қўллаш тўғрисидаги ҳисоботи;
- ✓ хавфларни минималлаштириш чораларини қўллаш натижаларини қайд этиш учун электрон журнал.

Божхона кўриги самарадорлиги мезонлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ тўланиши керак бўлган божхона тўловлари миқдорига таъсир қилмайдиган, аммо маъмурий ҳуқуқбузарлик ва (ёки) жиноят белгиларини ташкил этадиган фарқларни аниқлаш;
- ✓ божхона тўловлари миқдорига таъсир этадиган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ва (ёки) жиноят белгиларини ташкил этадиган номувофиқликларни аниқлаш.

Божхона назоратининг самарадорлиги кўп жиҳатдан божхона органларининг ўзаро алоқалари қандай ташкил этилганига боғлиқ:

- ✚ хорижий давлатларнинг божхона органлари билан;
- ✚ мамлакат бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлари билан;

✚ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, фаолияти ташқи савдо билан боғлиқ бўлган турли ташкилотлар, бирлашмалар билан.

Хавфни бошқариш тизимини божхона амалиётига татбиқ этиш ва уни самарали қўллаш бир неча хусусиятларга эга:

❖ Божхона назорати жараёнларини автоматлаштириш, хавф профилларини қўллаш ва хавфларни камайтириш, божхона расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш ва божхона мансабдор шахсларини мунтазам ва самарасиз ишлардан сақлаш бўйича чора-тадбирлар қўлланилишини мониторинг қилиш имконини берадиган янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

❖ Индикаторларнинг кенг диапазони ва хавф хусусиятлари асосан хавф профилларини қўллашни тўлиқ автоматлаштириш мумкин эмас, шу муносабат билан, имкони бор профилларни автоматлаштириш зарур;

❖ Алоҳида хавф профиллари конкретлаштирилмайди, хавф индикаторларини умумлаштириши натижасида товарларнинг ялпи текширувига олиб келади;

❖ Ташқи савдо иштирокчилари учун қўшимча вақт ва моддий харажатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни минималлаштириш бўйича ягона, узоқ муддатли чора-тадбирлардан фойдаланиш уларнинг фаолиятини тўғрилаш ва божхона расмийлаштируви вақтини қисқартириш, моддий зарарни камайтириш мақсадида кўрилган чораларга мутаносиб равишда расмийлаштириладиган товарлар турини ўзгартиришга асос бўлади. Шунинг учун хавфларни бошқариш тизимидан энг самарали фойдаланиш учун мавжуд бўлган хавф профилларида тасдиқланган товарларга нисбатан қисқа муддатли чора-тадбирларни навбатма-навбат қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хавфни бошқариш тизимига тегишли самарадорлик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, объектив сабабларга кўра бажарилмайдиган кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлади: товарлар, процедураларнинг етишмаслиги; хавф профиллари ҳақида

маълумот етишмаслиги; юқори орган томонидан божхона органларига норматив ҳужжатларни етказиб беришни кечиктириш.

Хавфни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсад қилиб қўйилганда, оптималлаштиришни талаб қиладиган жараёнларни аниқлаш, ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Эътиборни талаб қиладиган асосий жараёнлар:

- ❖ хавфларни аниқлаш ва таснифлаш;
- ❖ эҳтимолий зарарни аниқлаш;
- ❖ хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини шакллантириш;
- ❖ таҳдидлар тўғрисида тезкор маълумот.

Хавфларни комплекс бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ хавфлар билан ишлаш методологиясини, бухгалтерия қоидаларини, таҳлил ва назоратни ишлаб чиқиш;
- ❖ бухгалтерия ҳисоби тизимларини, режалаштириш тизимларини жорий этиш;
- ❖ ҳисобот бериш ва таҳлил қилиш учун ихтисослашган ахборот тизимини жорий этиш.

Муайян хавфни бошқариш усулини қўллаш самарадорлигини баҳолаш таққослаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган мезонларга боғлиқ. Мезонларни ишлаб чиқишда иккита энг кенг тарқалган ёндашув мавжуд:


- ❖ рухсат этилган чегаралардан ошмаслиги керак бўлган муҳим параметрни танлаш;
- ❖ иқтисодий фойда.

Биринчи ёндашув хавфсизлик стандартларига риоя қилиш ва ташкилотнинг барқарорлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

6.4. Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфни бошқариш тизими самарадорлиги

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг савдо ҳажми ўзининг доимий ўсиш тенденциясини сақлаб қолмоқда. Ушбу тенденция катта эҳтимол билан келажакда ҳам ўсиш прогрессияси кўринишида сақланиб қолади.

Қуйида 2018-2019 йилларда амалга оширилган экспорт-импорт операциялари бўйича расмийлаштирилган божхона юк декларациялари сонини кўришимиз мумкин³⁴:



2018-2019-йилларда жами расмийлаштирилган БЮДлар

Ушбу диаграммадан кўришимиз мумкинки, йил сайин (2019 йилда 158 805 та БЮД кўп расмийлаштирилган) мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси ҳажми ортиб бормоқда. Бу эса товар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказишда инновацион воситалардан фойдаланиш ва назоратнинг замонавий шакллари ёрдамида амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Қуйида 2018-2019 йилларда амалга оширилган экспорт-импорт операциялари бўйича товарларнинг статистик қийматини кўришимиз мумкин³⁵:

³⁴Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.

³⁵Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.



***2018-2019-йилларда жами расмийлаштирилган БЮДларнинг
статистик қиймати***

Мазкур диаграммадан шуни айтиш мумкинки, божхона органлари томонидан расмийлаштирилган БЮДларнинг статистик қиймати 2018 йилда 48 278 303 минг АҚШ долларини, 2019 йилда эса 55 481 108 минг АҚШ долларини (*2019 йилда 7 202 805 минг АҚШ долларига кўпайган*) ташкил қилган.

Хавфларни бошқариш бўйича фаолият қуйидаги асосий йўналишларни (босқичларни) ўз ичига олади:

1. Хавфни аниқлаш.
2. Хавфларни баҳолаш.
3. Хатарларни бошқариш усули ва чораларини (воситаларини) танлаш.
4. Хавфнинг олдини олиш ва бошқариш.
5. Натижаларни баҳолаш.

Хавфларни аниқлаш учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин: бошқарув маълумотлари, ёзувлар, математик моделлаштириш, схемалар ва мия хужуми. Хавфларни идентификация қилиш нафақат хавф ходисаси содир бўлиши мумкин бўлган жой ҳақида тасаввурга эга бўлишга, балки хавф моҳиятини тушунишга ҳам ёрдам беради.

Хатарларни бошқариш, таҳлил қилиш ва камайтириш

муаммоларини ўрганиш божхона органлари ишида зарур янгиликни, замонавий ёндашувни талаб қилади. Ахборот тизимлари ёрдамида хавфларни таҳлил қилиш орқали янада тўғри ва самаралироқ қарорларни қабул қилиш имконияти яратилади.

Хавфни бошқаришда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар рўйхатини тузиш лозим. Хавфлар рўйхатини тузгандан сўнг, ушбу хавфларни аниқлаш мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш керак.

Ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланиш интеграциялашган божхона тизимида хавфларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Дастурий маҳсулотнинг функционал вазифалари божхона ёки минтақавий божхона идораси учун ҳам, божхона пости учун ҳам умумий бўлиши керак ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

интеграциялашган тизим томонидан қўллаб-қувватланадиган маълумотлардан фойдаланиш;

гуруҳ маълумотларини қайта ишлашни таъминлаш;

шахсий пароллар асосида дастурга киришни ташкил этиш;

маълумотларни таҳлил қилиш, ўзгартириш ва янгилаш;

хавф мезонларини такомиллаштириш (мамлакат, маҳсулот, юридик шахс ва бошқалар)³⁶.

Хавфни бошқариш самарадорлигини ошириш, авваламбор, унинг ахборот ва таҳлилий таъминотини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бунинг сабаби бошқарув жараёнида энг кўп вақт талаб қилинадиган маълумотларни тўплаш ва қарорларни шакллантириш функциялари ҳисобланади.

Шу билан бирга, уларни амалга ошириш жараёнида менежментнинг самарадорлиги асосий ўрин тутди. Дарҳақиқат, бошқариш учун керакли маълумотга эга бўлмаслик мумкин эмас. Шу билан бирга, керакли маълумотнинг ўзи мавжудлиги зарурий шартдир, аммо бу самарали бошқариш учун етарли эмас. Шунингдек, оқилона бошқарув қарорларини шакллантириш учун биз уни тўғри тасарруф этишимиз керак. Қарорларни

³⁶ Ершов А.Д., Копанева П.С. Информационное обеспечение управления в таможенной системе: Монография.- СПб.: Знание, 2002

шакллантириш учун ишлатиладиган маълумотларнинг катта миқдори туфайли автоматлаштирилган таҳлиллар ёрдамисиз самарали бошқарувни амалга ошириш мумкин эмас.

Шу сабабли, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларнинг фаолиятини бошқариш жараёнини ахборот ва таҳлилий қўллаб-қувватлаш зарур. Божхона органлари фаолиятини бошқаришнинг ахборот-таҳлилий таъминотини такомиллаштириш тегишли илмий-услубий аппаратлар ва техник воситаларнинг мавжудлигини назарда тутати. Бироқ, уларнинг фаолиятини бошқариш жараёнини ахборот ва таҳлилий қўллаб-қувватлаш муаммолари ҳали тўлиқ очилмаган. Шу билан бирга, ушбу муаммоларни ҳал қилмасдан, божхона органларини фаолиятини самарали бошқариш мумкин эмас.

Хавф профилларидан фойдаланган ҳолда хавф даражаси юқори товарларни аниқлаш орқали барча товарларни текшириш амалиётидан воз кечиш мумкин. Бунда божхона кўриги фақат хавф даражаси юқори товарларга нисбатан амалга оширилади. Хавф профили шакллантирилмаган товарларга ТИФ иштирокчилари тоифаларини инобатга олган ҳолда божхона кўриги ўтказилмаслиги ҳисобига уларнинг божхона расмийлаштирувига кетадиган вақти бир мунча камаяди. Хавф профилининг самарадорлиги у томонидан аниқланган хавфнинг аниқланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Хавф профилининг божхона қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини аниқлаш даражаси қанча юқори бўлса, ушбу профилнинг самарадорлиги шунча яхши ҳисобланади. Агар божхона қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини аниқлаш даражаси паст бўлса, профилнинг самараси паст ҳисобланади.

Иқтисодиётда математиканинг қўлланилиши, асосан, куйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди³⁷:

- иқтисодиётни белгилувчи асосий омиллар орасидаги муҳим боғланишларни акс эттириш;

³⁷М.Ғофуров, М.Холмуродов, Қ.Хусанов. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар [Электрон, ресурс]: e-library.namdu.uz. Режим доступа: World Wide Web. URL: <http://e-library.namdu.uz>

- берилган аниқ маълумотлар ва муносабатлар асосида дедукция услуби орқали ўрганилаётган объект учун адекват хулосалар олиш;
- қизиқтираётган объектнинг амалдаги кузатилишига уни белгиловчи омилларнинг математик статистика усуллари ёрдамида шаклини ҳамда боғлиқлигини ўрганиш жараёнида объект ҳақида янги билимларга эга бўлиш;
- иқтисодий назария ҳолатини математика тили орқали аниқ ва равшан ифодалаш.

Юқоридагиларга асосан, божхона органлари хавфни бошқариш тизимида математик моделлар ёрдамида дастурни нотўғри (ёлғон) ишлаб кетишини камайтиришга эришиш мумкин.

Бунда асосий эътиборни эксперт билимлари ва математик моделларни бирлаштиришга қаратиш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирда хавфни бошқариш тизими доирасида математик моделлаштиришнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тизимда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифалаш жараёнида математик моделлаштириш функцияларидан самарали фойдаланилиб келинмоқда.

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқилган хавф профиллари фақат нарх тавсифлари билан чегараланиб қолмасдан, балки улар жўнатувчилар, қабул қилувчилар, товарлар ҳаракати йўналишлари ва товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатларни аниқлашга имкон берадиган бошқа хусусиятлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олганлигига эътибор бериш лозим.

Шундай қилиб, маҳсулотнинг нарх категорияси сифатига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади: жаҳон бозори конъюктураси, сиёсий воқеаларнинг таъсири ва бошқалар. Бу эса ўз навбатида товарнинг божхона қиймати бўйича назорат индикаторларининг

тўғри ташкил этилганлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган хавф профилларини доимий равишда янгилаб туриш заруриятини келтириб чиқаради.

Хавфни бошқариш тизими ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг белгиланган қонунларга риоя қилиб фаолият юритишини рағбатлантириб боради.

Ташқи савдо операцияларида ТИФ қатнашчилари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузмасдан қонун доирасида ўз фаолиятини олиб борса, тизим ушбу ташкилотларга нисбатан божхона назорати шакллариининг қўлланилиш даражасини бир мунча камайтиради. Бунинг натижасида ТИФ қатнашчиларининг кам харажат қилиб, уларнинг товарлари ортиқча тўхтовларсиз ҳаракатланишига имконият яратилади.



Жаҳон банкининг “Doing Business-2020” рейтингда Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Ушбу рейтингда Ўзбекистон Республикасининг позицияси яхшиланганлигига қарамай, бир нечта соҳалар бўйича қатор муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Жумладан, биргина Халқаро савдо кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон 165-ўриндан 152-ўринга кўтарилиб олган бўлса ҳам, бу кўрсаткични ижобий деб бўлмади³⁸.

Қуйида Ўзбекистон Республикасининг мезонлар бўйича баҳоланган кўрсаткичлари позициялари келтирилган:

³⁸<https://www.spot.uz/ru/2019/10/24/doing-business/>

ЎЗБЕКИСТОН «БИЗНЕС ЮРИТИШ 2020» РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАДИ



2019 йил якунларига кўра Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳининг “Бизнес юритиш 2020” (Doing Business 2020) йиллик рейтингда **190** мамлакат орасида **69-ўринни эгаллади.**

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚУЙИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ:



Асосий корпоратив қарорлар қабул қилишда акциядорларнинг ҳуқуқлари ва ўрнини кенгайтириш



Хатарга асосланган божхона назорати механизмини жорий этиш



Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқларини даромад солиғи билан бирлаштириш орқали солиққа тортишни соддалаштириш



Ихтиёрий медиация тўғрисида қонун қабул қилиш орқали шартномалар ижросини соддалаштириш

**ЎЗБЕКИСТОН РЕЙТИНГНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА ИНДИКАТОРЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАДИ:**

<p>КОРХОНАНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ 98,2 балл ▲ +0,2% (глобал рейтингда 8-ўрин)</p>	<p>ҚУРИЛИШ УЧУН РУХСАТНОМА ОЛИШ 61,7 балл ▲ +0,3% (132-ўрин)</p>	<p>ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИГА УЛАНИШ 86,9 балл ▲ +0,9% (36-ўрин)</p>	<p>МУЛКНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 67,9 балл ▲ +0,9% (72-ўрин)</p>
<p>КРЕДИТ ОЛИШ 65 балл ■ ўзгаришсиз (67-ўрин)</p>	<p>МИНОРИТАР ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ 70 балл ▲ +8% (37-ўрин)</p>	<p>СОЛИҚҚА ТОРТИШ 77,5 балл ▲ +0,6% (69-ўрин)</p>	<p>ХАЛҚАРО САВДО 58,2 балл ▲ +8,4% (152-ўрин)</p>
<p>ШАРТНОМАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ 71,9 балл ▲ +3,7% (22-ўрин)</p>	<p>ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИКНИ ҲАЛ ҚИЛИШ 43,5 балл ▼ -1,7% (100-ўрин)</p>		

Ўзбекистон Республикасининг мезонлар бўйича баҳоланган кўрсаткичлари позициялари

Сўнгги уч йил ичида Ўзбекистон “Doing Business” рейтингда 18 поғонага, сўнгги беш йил ичида эса деярли 100 поғонага кўтарилди. Жаҳон банки Ўзбекистон Республикасининг бу йилги ютуқларини қуйидаги омиллар билан изоҳламоқда:

Қуйида Ўзбекистон Республикасининг “Doing Business-2020” рейтингдаги ютуқлари асосий омиллари келтирилган:

Асосий корпоратив қарорларда акциядорларнинг ҳуқуқлари ва ролини кенгайтириш, мулкчилик ва бошқарув тузилмаларини аниқлаштириш, шунингдек корпоратив шаффофликни ошириш орқали миноритар инвесторларнинг ҳимоясини кучайтириш

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини даромад солиғи билан бирлаштириш орқали солиққа тортишни соддалаштириш

Ихтиёрий медиация тўғрисида қонун қабул қилиш орқали шартномалар ижросини соддалаштириш, шунингдек, тарафларни низоларни медиация орқали ҳал қилишга ундаш учун молиявий рағбатлантириш

Хавфга асосланган божхона назорати механизмини жорий этиш, шунингдек, импорт ҳужжатларига талабларни енгиллаштириш орқали халқаро савдони соддалаштириш

Юқорида Ўзбекистон Республикасининг “Doing Business-2020” рейтингдаги ютуқларининг асосий омилларидан бири сифатида хавфга асосланган божхона назорати механизмининг жорий этилганлиги, шунингдек, импорт хужжатларига талабларни энгиллаштирилганлиги кўрсатиб ўтилган. Хавфни бошқариш тизимининг жорий этилганлиги “Doing Business-2020” рейтингда



Ўзбекистон Республикасининг позицияси яхшиланишида ўзининг ижобий самарасини берди.

Жорий этилган “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали 4 та йўлакда божхона назоратини

амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби ташкил қилиниши натижасида, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона юк декларацияларини расмийлаштирув вақти экспортда 4,5 баробарга, импортда 2 баробарга қисқаришига эришилди.

Ушбу кўрсаткич Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингини “Халқаро савдо” йўналишида 13 поғона юқорига кўтарилишига хизмат қилди.

Божхона органларига хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизимининг жорий этилиши муносабати билан товарларнинг божхона кўриги фақат қизил йўлакка йўналтирилган хавф даражаси юқори бўлган товарларга нисбатан амалга оширилиши белгиланди.

Шу сабабли, 2019 йилда ўтказилган божхона кўриклари сони 2018 йилга нисбатан 172 422 тага ёки 41,3 %га камайган. (2018 йилда 417 142та, 2019 йилда 244 720 та)

Қуйида 2018-2019 йилларда жами ўтказилган божхона кўриклари сонини кўришимиз мумкин:



2018-2019-йилларда жами ўтказилган божхона кўриклари сони

2019 йилда ўтказилган божхона кўриклари самарадорлиги таҳлил қилинганда, бор йўғи 846 та (*2018 йилда 363 та*) ҳолатда тафовут аниқланган. Ушбу кўрсаткич жами ўтказилган божхона кўрикларига нисбатан 0,35 фоизни (*0,09 %*) ташкил этади ёки ўтказилаётган 289 та (*1149*) божхона кўригига 1 та ҳолат тўғри келмоқда. Ўтказилган божхона кўриклари сони 2018 йилга нисбатан 172 422 тага ёки 41,3 %га камайган бўлсада, аниқланган тафовутлар сони 2 бароварга кўпайган.

Ушбу ҳолатда ҳам ялпи назоратдан кўра таҳлилларга асосланган ҳолда божхона назоратини хавф даражасига кўра ўтказиш самарадорлигини кўрсатмоқда.

ТИФ соҳасида 2018 йилда 290 та БҚБ ҳолати аниқланган (*Шундан 260 таси маъмурий, 11 таси жиноий, 19 таси жиноят иши қўзғатиш рад этилган*). 2019 йилда 687 та БҚБ ҳолати аниқланган. (*Шундан 628 таси маъмурий, 24 таси жиноий, 17 таси жиноят иши қўзғатиш рад этилган, 13 таси жиноят таркиби билан прокуратурага юборилган*)

Қуйида 2018-2019 йилларда ТИФ соҳасида аниқланган БҚБлар сонини кўришимиз мумкин:



2018-2019-йилларда ТИФ соҳасида аниқланган БҚБлар сони

Ушбу диаграммадан кўришимиз мумкинки, ТИФ соҳасида аниқланган БҚБ ҳолатлари сони 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 397 тага кўп аниқланган. 2019 йилда 771 675 та БЮД расмийлаштирилган бўлиб, шундан 158 288 таси экспорт ва 613 387 та импорт. Ушбу йилда жами 244 720 та божхона кўриклари (23 743 та экспорт, 220 977 та импорт) ўтказилган.

Биргина эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилган 341 043 та БЮДлар Хавфни бошқариш тизимида қизил йўлакка йўналтирилмаганлиги сабабли божхона кўригисиз расмийлаштирилган.


Ушбу ҳолатда агарда Ўзбекистон Республикаси божхона органларига ХБТ жорий этилмаганда юқоридаги БЮДлар бўйича товарларни божхона кўригидан ўтказиш ҳисобига 17 млрд. 52 млн. 150 минг сўм қўшимча йиғимлар ундирилган бўлар эди. Ушбу йиғимлар ХБТ жорий этилганлиги муносабати билан ТИФ субъектлари ҳисобида қолди.

Республика бўйича 2019 йилда хавфларни аниқлаш самарадорлиги (10 094 та) жами расмийлаштирилган БЮДларга (771 675 та) нисбатан 1,3 % ни ташкил этиб, хавфни минималлаштириш чораларини кўриш натижасида давлат бюджетига 62 млрд. 971 млн. сўмдан ортиқ қўшимча божхона тўловлари ундирилган ва 777 та ҳолатда божхона қонун-ҳужжатларининг бузилиши юзасидан материаллар юритилган.

2019 йил давомида расмийлаштирилган БЮДларнинг 19,43% - “яшил” йўлак, 42,17% - “сарик” йўлак, 38,4% - “қизил” йўлак тартибида амалга оширилган.

Қуйида 2019 йилда БЮДларнинг йўлақларда ишлаш даражасини кўришимиз мумкин:

2019 йилда БЮДларнинг йўлақларда ишлаш даражаси



Қуйида 2019 йил давомида ТИФ билан шуғилланган корхоналар томонидан расмийлаштирилган БЮДларнинг йўлақлар бўйича тақсимланганлиги бўйича маълумотлар келтирилган:

Хавф даражаси	Корхоналар		Товар оғирлиги	Статистик қиймати	Божхона тўловлари
	Сони	фоизда			
Яшил	1 046	1,5 %	40,7 %	29,3 %	22,5 %
Сарик	18 895	26,2 %	34 %	42,4 %	42,1 %
Қизил	52 024	72,3 %	25,3 %	28,3 %	35,4 %
Жами:	71 965	100 %	100 %	100 %	100 %

Яшил ва сарик йўлақдан фойдаланган 27,7 % корхоналар ҳиссасига жами товарларнинг 75 % оғирлиги ва 72 % қиймати ҳамда 65 % бојхона тўловлари тўғри келган.

Қизил йўлақда корхоналарнинг 72 % расмийлаштирувни амалга оширган бўлиб, товарларнинг 25 % оғирлиги ва 28 % қиймати ҳамда 35 % бојхона тўловлари улар ҳиссасига тўғри келган.

Қуйида 2019 йил давомида ТИФ билан шуғулланган корхоналар томонидан расмийлаштирилган БЮДларнинг йўлақлар

бўйича тақсимланганлигининг экспорт ва импорт кесимидаги ҳолати бўйича маълумотлар келтирилган:

Хавф даражаси	БЮДлар сони		Статистик қиймати		Товар оғирлиги	
	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт
Яшил	34,7 %	15,5 %	54,1 %	22,9 %	69,2 %	25,5 %
Сариқ	50,3 %	40,1 %	31,9 %	45,1 %	24,6 %	39 %
Қизил	15 %	44,4 %	14 %	32 %	6,2 %	35,5 %
Жами:	100 %	100 %	100 %	100 %	100 %	100 %

Бундан кўришиб турибдики, 44 % ҳолатда импорт БЮДларнинг хавф даражаси юқори баҳоланган. Товар оғирлиги бўйича экспортда 6 % ни ташкил этган бўлса, импортда 36 % га тенг бўлган.

ДБҚга 2019 йил давомида жами 352 та хавф профили лойиҳалари келиб тушган бўлиб, шундан 164 таси (46,6 %) қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Хавфни бошқариш тизимини дастурда яратилган профиллар тўловга тортиладиган ТИФ ТН кодларининг неча фоизини қамраб олганлик даражасига қараб ҳам баҳоланиши мумкин. Бунда яратилган профилларда тўловга тортиладиган ТИФ ТН кодларининг салмоғи қанчалик кўп бўлса, дастурнинг самарадорлик кўрсаткичи шунча ошади.

2019 йил якуни бўйича амалиётга жорий этилган профилларнинг 51 % товарнинг ТИФ ТН коди тўғри таснифланганлигини ўрганиш бўйича киритилган. Мазкур турдаги профиллар жами 32 178 марта ишлаши натижада 2,4 млрд. сўм кўшимча божхона тўловлари ундирилган ҳамда 32 та БҚБ ҳолатлари аниқланган.

2019 йил давомида божхона постлари ходимлари томонидан “сарик” йўлакдан “қизил” йўлакка жами 5108 та БЮД йўналтирилиб, бунда 1,8 % ёки 94 та ҳолатда БҚБ ҳолатлари аниқланган. Ушбу ҳолат мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни, хавфни аниқлаш самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

Хавфни бошқариш тизими томонидан хавфларга тўлақонли баҳо бериш мақсадида “Хавфни бошқариш” ААТ божхона органлари томонидан ишлаб чиқилган барча ахборот тизимлари (*Божхона кўриклари; декларациялаш; божхона тўловлари; божхона омборлари; авто, авиа, темир йўл назорати; божхона экспертизаси; божхона қоидабузарликлари; бошқа идоралар (ДСҚ, МИБ, ЎЗСтандарт)*) маълумотлар базалари билан интеграция қилинган.

Хавфни бошқариш тизимининг амалга киритилиши натижасида соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган БЮДлар экспортда 87% ни, импортда эса 55 % ни ташкил қилди. Шу билан биргаликда, божхона расмийлаштируви учун сарфланаётган вақт, экспортда 3 мартага, импортда 2,6 мартага қисқаришига эришилди.

Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида қуйидагиларга эришилди:

- ❖ “ялпи” божхона назоратидан ўтказилишдан воз кечилди;
- ❖ божхона назоратида йўлақлар тизимини қўллаш орқали соддалаштирилган тартиб жорий этилди;
- ❖ божхона расмийлаштируви вақти қисқарди;
- ❖ ҳалол ТИФ иштирокчиларининг вақти ва маблағи тежалишига эришилди;
- ❖ божхона органларининг мавжуд куч ва воситалари хавфи юқори бўлган назорат объектига қаратилди;
- ❖ божхона назоратининг самарадорлик даражаси ошди.

6.5. Божхона органларида хавфни камайтириш чоралари ҳамда самарадорликни оширишнинг йўналишлари

Хавфнинг олдини олиш ва бошқариш - ушбу жараён иштирокчилари хавф омилларига таъсирини максимал даражада оширадиган ва ноҳуш воқеа эҳтимолини камайтириш имкониятига эга бўладиган фаолиятни ташкил қилиш; хавфларни бошқариш, салбий воқеа юз берган тақдирда йўқотишларни чеклашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Хавфни бошқариш тизимини қўллаш асосида самарали божхона назорати хавфларни минималлаштириш механизмларидан фойдаланишни назарда тутати. Хавфларни минималлаштириш механизмлари - воситалар, технологиялар, хавфларни бошқариш методлари ва уларни минималлаштириш чоралари тизимининг комбинациясини ўз ичига олган кенг тушунча.

Хавфни бошқариш тизими Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати олдида турган вазифаларни ҳал қилишнинг асосий механизмларидан бири бўлиб, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг асосий таркибий қисмлари бўйича унинг фаолияти мезонларини амалга оширишга ҳисса қўшиши керак. Танлов тамойилини амалга ошириш божхона назоратини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Тўғри қарор қабул қилиш ҳар қандай қарор қабул қилувчининг муваффақият калитидир, чунки бу хавф даражасини пасайтиради ва юқори натижага эришишга имкон беради.

Хавфларни идентификация қилиш нафақат хавф ходисаси содир бўлиши мумкин бўлган жараён ҳақида тасаввурга эга бўлишга, балки хавф моҳиятини тушунишга ҳам ёрдам беради. Тўғри қарор қабул қилиш ҳар қандай қарор қабул қилувчининг муваффақиятининг калитидир, чунки бу хавф даражасини пасайтиради ва юқори натижага эришишга имкон беради.

Божхона органлари фаолиятини бошқаришнинг ахборот-таҳлилий таъминотини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналиши ўзаро боғлиқ вазиятли марказлар тизимини яратишдир.

Маълумотлар тўплашни такомиллаштириш ва товарларнинг барча оқимларини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан биридир.

Хавфни бошқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан барча усул ва воситалардан тўлиқ фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Хавфни бошқариш усуллари хавф даражасини пасайтириш воситаларидан иборат.

Хавфни минималлаштириш йўқотишларга олиб келадиган воқеалар ёки ҳолатлар эҳтимолини камайтиришга ва мумкин бўлган йўқотишлар ҳажмини камайтиришга йўналтирилган чоратadbирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Хавфларни минималлаштириш, асосан, ички назорат механизмлари орқали амалга оширилади. Хавфларни камайтиришнинг юқорида кўрсатилган усулларида фарқли ўлароқ, хавфларни минималлаштириш ҳақиқий йўқотишлар рўй бергунга қадар амалга оширилса самарали бўлади, чунки унинг асосий мақсади мавжуд хавфни олдини олишдир.

Ҳозирги вақтда хавфни бошқариш тизимининг субъектга йўналтирилган модели божхона назорати аҳамиятини товарларни декларация қилиш ва божхона кўригидан озод қилиш босқичидан ўтказишнинг асосий механизми ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, хавфни бошқариш тизимига йўналтирилган ташкилот бу орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

- божхона операциялари вақтини қисқартириш;
- товарларни чиқарилишидан олдин қўшимча ҳужжатларни сўраш ва тақдим этиш заруриятини бартараф этиш;
- бир хил ҳужжатларни божхона органларининг турли бўлинмалари томонидан такроран текширилишини олдини олиш натижасида харажатларни камайтириш;
- товарларни декларациялаш ва хавфли вазиятларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш, аниқланган хавфларни тизимлаштириш ва товарларни режали асосда чиқарилганидан кейин божхона назоратидан ўтказиш;
- божхона назорати учун харажатларни оптималлаштириш, уларни потенциал хавфли товарларга қаратиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан амалга оширилаётган хавфларни бошқариш тизимининг субъектга йўналтирилган модели, истисносиз, барча

ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона қонунчилигини бузиш хавфининг учта даражаси бўйича тақсимлашни назарда тутди: паст, ўрта ва юқори. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг хавф даражасига мувофиқ бошқарув объектларини танлашда ва уларга нисбатан қўлланиладиган божхона назорати чораларини танлашда дифференцияланган ёндашув амалга оширилади.

Юкларни жўнатиш божхона органининг электрон декларациясида, шунингдек юкларни етказиб бериш жараёнини бошқарувчи ҳужжатдаги маълумотларнинг божхона юк декларациясида кўрсатилган маълумотларга мос келмаслиги ҳолатлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган хавфни аниқлаш, уни камайтириш мақсадида АИС Мониторинг дастуридаги мавжуд маълумотлар (*экспорт декларациясидаги маълумотлар*) билан чегара божхона постларида шакллантирилган ЮЕБНК ўртасида товарнинг оғирлиги ва қийматини таққослаш амалиёти жорий этилмоқда. Ушбу жараён орқали божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олди олинишига эришилади.

Хавфни бошқариш тизимида агар товар оғирлиги стандарт талаблари бўйича ўзгармас, бир хилда бўлса, тизим яратилган профиллар ёрдамида товар ҳажми бўйича мавжуд хавфни аниқлай олиш имкониятига эга бўлади. Бир неча турдаги товарлар олиб келинса ҳамда уларнинг оғирликлари стандарт бўлмаса, тизимнинг ушбу товарлар оғирлиги бўйича хавфни аниқлай олиш имконияти чекланади.

Хавф профилида мавжуд бўлган минималлаштириш чоралари ходим томонидан ўз вақтида ва тўғри амалга оширилиши лозим. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасининг экспорт ёки импорт жараёнларида бирон бир нохуш ҳолат (*нотўғри декларацияланганлик, божхона қийматининг паст ёки юқори кўрсатилганлиги, ТИФ ТН кодининг нотўғрилиги ва х.к*) аниқланганда, ходимнинг жавобгарлиги хавфни бошқариш тизими томонидан берилган топшириқнинг қай даражада тўғри бажарганлигига боғлиқ бўлади.

Контрафакт буюмлар, қурол ва гиёҳвандлик воситаларининг мамлакатимиз божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ хавфнинг олдини олиш, уни камайтириш, божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларининг самарали божхона кўригидан ўтишини таъминлаш, божхона тартиб-қоидаларини тезлаштириш мақсадида чегара божхона постларини энг катта ҳажмдаги замонавий сканер ускуналари билан жиҳозлаш божхона органлари учун устувор вазифа ҳисобланади.

Замонавий сканер ускуналари ёрдамида нафақат декларацияларда кўрсатилган товарларнинг мувофиқлигини, контрабанда буюмларининг йўқлигини назорат қилиш балки, божхона назорати самарадорлигини ошириш, божхона процедураларини соддалаштириш ва экспорт-импорт жараёнларини тезлаштириш имконини беради.

Ҳозирда мамлакатимизнинг “Дўстлик”, “Олот”, “Айритом”, “Сариосиё”, “Яллама”, “Навой”, “С.Наджимов”, “Ойбек”, “Хожейли”, “Даут-ота”, “Галаба”, “Қорақалпоғистон” чегара ўтказиш пунктларида, “Арк булоқ” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида замонавий сканер тизимларидан самарали фойдаланилмоқда³⁹.

Чегара божхона постлари ва мажмуаларида сканерлаш қурилмалари бир неча сония ичида чегараларимиздан ўтадиган оғир транспорт воситаларини тўлиқ сканердан ўтказди, бу эса ўз навбатида божхона кўригидан ўтиш вақтини сезиларли даражада тежашга ҳамда мавжуд хавфни аниқлаш ва уни олдини олишга хизмат қилади.

Божхона кўриги жараёнида инспектор томонидан хавфни аниқлаш ва камайтириш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ❖ тақдим этилган ҳужжатлар асосида товарларнинг номланишини ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича мослигини ўрганиш;

³⁹<http://uza.uz/ru/society/v-tamozhennoy-sisteme-effektivno-ispolzuyutsya-innovatsionny-31-12-2018>

- ❖ БЮДда кўрсатилган маълумотларни тақдим этилган ҳужжатлардаги, шу жумладан, электрон кўринишдаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш;
- ❖ тақдим этилган ҳужжатлар асосида товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тўғри белгиланганлигини назорат қилиш;
- ❖ интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товарлар бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузаётганлигини аниқлаш.

Хавфни бошқариш тизимининг татбиқ этилиши божхона назорати объектларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш, божхона назорати ҳажмини камайтириш, сифатни яхшилаш, мавжуд куч ва воситалардан мақбул фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг виждонли иштирокчиларини рағбатлантириш ва жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга асосланган.

Синов саволлари:

1. Хавфларни бошқариш бўйича фаолият қандай асосий йўналишларни (босқичларни) ўз ичига олади?
2. Хавфларни аниқлаш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
3. Дастурий маҳсулот ўз ичига нималарни қамраб олади ?
4. Хавфни бошқариш тизимини татбиқ қилиш жараёнида менежментнинг ўрни қандай ?
5. Хавф профилларидан фойдаланган ҳолда қандай натижаларга эришиш мумкин ?
6. Хавфни бошқариш тизимида божхона кўриги қандай ҳолларда амалга оширилади?
7. Иқтисодиётда математиканинг кўлланилиши қандай мақсадларга эришишни ўз олдига қўяди?
8. Хавфни бошқариш тизимида математик моделлаштиришнинг аҳамияти қандай?

9. Маҳсулотнинг нарх категорияси сифатига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

10. Хавфни бошқариш тизими ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг белгиланган қонунларга риоя қилиб фаолият юритишини қай тартибда рағбатлантириб боради ?

11. Жаҳон банкининг “Doing Business” рейтингда Ўзбекистон Республикасининг эгаллаган позицияси яхшиланишида хавфни бошқариш тизимининг ўрни ?

12. “Хавфни бошқариш” ААТ қайси давлат идоралари ахборот тизимларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ?

13. Ушбу тизимнинг жорий этилиши билан қандай натижаларга эришилади?

14. Хавфларни бошқариш тизимининг субъектга йўналтирилган модели ҳақида маълумот беринг ?

15. Божхона расмийлаштируви жараёнларида бирон бир нохуш ҳолат аниқланганда, хавфни бошқариш тизими доирасида ходимнинг жавобгарлиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?

16. Божхона кўриги жараёнида хавфни аниқлаш ва камайтириш мақсадида нималарга эътибор бериши лозим ?

17. Хавфларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш тизимининг хавфларни бошқариш жараёнига интеграциялашуви ҳақида маълумот беринг?

18. Хавфни бошқаришни баҳолаш ҳақида маълумот беринг?

19. Миқдорий баҳолаш бу?

20. Хавфларни бошқариш тизимида божхона қийматини назорат қилишда божхона органларининг самарадорлигини ҳисоблаш услубияти ?

21. Хавфларни бошқариш тизимини қўллашда божхона органлари томонидан товарларни божхона кўриклари самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш услубияти?

22. Божхона кўриги самарадорлиги мезонлари ҳақида маълумот беринг?

ҮП БОБ. Божхона органларида “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими

7.1. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш мақсадлари

Тизимни ишлаб чиқишдан асосий мақсад, божхона органларида хавфни бошқаришни қўллаш борасидаги чоратadbирларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек божхона расмийлаштируви жараёнини тезлаштириш, божхона расмийлаштируви жараёнига оид билимлар базасини яратиш ва ундан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, божхона органи ходимларининг иш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Шу билан бир қаторда,

➤ “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайитириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

➤ божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

➤ божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

➤ хорижий давлатларнинг божхона органлари ва Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, Халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш. Тизим Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси “Ягона автоматлаштирилган ахборот

тизими”га бирлаштирилган ва тизимга Internet Explorerда махсус адреслар орқали кирилади.

7.2. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишдаги аҳамияти

Ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш божхона органлари ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга, ДБҚ ЯААТ тизимидаги маълумотларга, хорижий



божхона хизматлари ҳамда бошқа органлари ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан амалга оширилади.

Ахборотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш – ҳисобга олинган ахборотни тизимлаштириш ҳамда ўзгартириш, шунингдек, уларни сақлаш ишларини назарда тутди.

Божхона органларига келиб тушган ахборотлар рўйхатдан ўтказилади ва умумлаштирилади, мавжуд дастурий воситалар форматига ва турига ўтказилади. Ахборотлар лозим бўлган параметр ҳамда мезонларга кўра гуруҳлаштирилади ва тизимлаштирилади. Ахборотлардаги маълумотларни ўзгартирмаган ҳолда сақлаш, кейинчалик улардан Хавфни бошқариш тизимининг субъектлари томонидан хавфни баҳолашда фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Ахборотларни сақлаш тартиби божхона органлари томонидан ахборот таркиби, формати, шунингдек, тақдим этиш ва расмийлаштириш турига мувофиқ белгиланади.

Хавфни бошқариш тизимининг дастурий таъминоти ва ахборот тизимидан фойдаланишга фақатгина Хавфни бошқариш тизими субъектларига рухсат этилади.

Хавфнинг юзага келиши ва унинг оқибатларини аниқлаш мақсадида божхона органларида тўпланган ҳамда қайта ишланган

ахборотлар асосида хавф таҳлили ва хавфни баҳолаш ишлари амалга оширилади.


Хавфни таҳлил қилиш ва баҳолаш божхона органларида ишлаб чиқилган хавфни баҳолашнинг математик, статистик ва эҳтимолий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Хавфни мақсадли таҳлил қилиш учун хавфни баҳолаш жараёни автоматлаштирилади.

Божхона органлари хавфни бошқариш ва баҳолашда, шунингдек, ТИФ иштирокчиларини тоифаларга ажратишда ахборотни узатиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг электрон усуллари, шу жумладан, ахборот тизимлари ва ахборот технологияларидан фойдаланадилар.

7.3. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш

“Хавфни бошқариш” ААТ интерфейси.

“Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) ДБКнинг “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими”даги “ХБТ” менюси орқали кирилади.




Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати ва ҳудудий божхона бошқармаларининг хизмат

фаолиятдан келиб чиқиб, белгиланган мақомлар бўйича тизимдан фойдаланиш имконияти яратилган.

Тизим ойнаси қуйидаги асосий қисмлардан иборат:

- ❖ Хавф профиллари;
- ❖ Аниқланган хавфлар;
- ❖ Маълумотлар тўплами;
- ❖ Мезонлар;
- ❖ Маълумотнома;
- ❖ Сервис;
- ❖ Ҳисоботлар.



“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Хавф профиллари” қисми



Тизимнинг “Хавф профиллари” қисмида хавф профили лойиҳаларини яратиш, рўйхатга олиш, рўйхатга олинган хавф профилларини чоп этиш, уларни янгилаш, бекор қилиш имкониятлари яратилган.

Хавф профили лойиҳаларини Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати ва ҳудудий божхона бошқармалари инспекторлари томонидан дастурга киритилиши мумкин.

Хавф профили лойиҳаларига бериладиган мақомлар қуйидагилардан бири бўлиши мумкин:

- Янги;
- Кўриб чиқиш учун юборилди;
- Қайтарилди;
- Рўйхатга олинган;
- ХМБга юборилган;
- Кўриб чиқилмоқда;
- Келишиш учун;
- Мақсадга мувофиқ;
- Мақсадга мувофиқ эмас;
- Қайта кўриб чиқиш учун;
- Амалга киритилган;
- Вақтинча тўхтатилган;
- Тўхтатилган;
- Версия янгиланган;
- Амал қилиш муддати тугаган.

Ҳужжатлар рўйхати	Ҳаммаси (158)	Янги (5)	Кўриб чиқиш учун юборилди (0)	Қайтарилди (0)	Рўйхатга олинган (0)	ХМБга юборилган (0)	Кўриб чиқилмоқда (1)	Келишиш учун (1)	Амалга қилиш муддати тугаган (50)
2018									
2019									
2020									
		Мақсадга мувофиқ (33)	Мақсадга мувофиқ эмас (0)	Қайта кўриб чиқиш учун (9)	Амалга киритилган (89)	Вақтинча тўхтатилган (0)	Тўхтатилган (8)	Версия янгиланган (13)	

“Хавф профиллари” ойнасидаги “Яратиш” тугмаси орқали янги хавф профили яратилади. Ушбу тугма орқали кирилганда қуйидаги ойналарда кўрсатилган маълумотларни киритиш имконияти яратилади:

Хавф профиллари	Аниқланган хавфлар	Маълумотлар тўплами	Мезонлар	Маълумотнома	Сервис	Ҳисоботлар	Чикиш
Дарахтни янгилаш							
Ҳужжатлар рўйхати							
<ul style="list-style-type: none"> ▶ 2018 ▶ 2019 ▶ 2020 							
Хавф профили							
I. Асосий маълумотлар							
Таркибий тузилма		Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси					
1. Хавф профили рақами		00000 ?					
Сана		<input type="text"/> ?					
2. Хавф профили тури		-- ▼					
Хавф профили версияси		01 ?					
3. Хавф профилининг амал қилиш муддати		<input type="text"/> дан - <input type="text"/> гача					
№ Хавф профилининг амал қилиш ҳудудлари							
1. Қерда: Барча ҳудудий божхона бошқармалари, Барча постлар Ўчириш							

1. Таркибий тузилма – хавф профилини шакллантираётган таркибий тузилма;

2. Хавф профили рақами – дастур томонидан автоматик тарзда берилади ва мазкур рақамлар ҳар йили янгиланади;

3. Хавф профили тури – ушбу бандда хавф профилининг қўллаш турини танлаш имконияти яратилган. Ҳозирда хавф профилининг бир қанча турлари мавжуд.

Жумладан,

мақсадли – хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш айнан битта товар ёки шахсга қаратилган хавф профили;

махсус – тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи таркибий тузилма томонидан берилган маълумотлар асосида хавфни минималлаштириш чораларини қўллашга қаратилган хавф профили;

бошқа профилларга боғлиқ бўлган – маълум бир товар ёки шахс учун хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш шартлари бошқа хавф профилидаги талаблардан келиб чиқиб белгиланадиган хавф профили;

энг муҳим (бошқаларга нисбатан устувор бўлган) - ДБҚ раҳбарияти томонидан бериладиган алоҳида топшириқлар ижросини таъминлашга қаратилган бошқа хавф профилларига нисбатан устунликка эга бўлган хавф профили.

Хавф профиллари	Аниқланган хавфлар	Маълумотлар тўплами	Мезонлар	Маълумотнома	Сервис	Ҳисоботлар	Чиқиш
Дарахтни янгилаш							
Хужжатлар рўйхати							
▶ 2018							
▶ 2019							
▶ 2020							
Хавф профили							
I. Асосий маълумотлар							
Таркибий тузилма		Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси					
1. Хавф профили рақами		00000					
Сана		<input type="text"/>					
2. Хавф профили тури		---					
Хавф профили версияси		01 - Мақсадли хавф профили 02 - Махсус хавф профили					
3 ¹ . Хавф профилининг амал қилиш муддати		03 - Бюгун бўлган хавф профили 09 - Энг муҳим хавф профили гача					
№ Хавф профилининг амал қилиш ҳудудлари							
1. Қаерда: Барча ҳудудий божхона бошқармалари, Барча постлар							

3¹. Хавф профилининг амал қилиш муддати – профилнинг қайси санадан қайси санагача амал қилиши лозимлиги белгиланади;

3². Хавф профилининг амал қилиш ҳудудлари – хавф профилининг қайси ҳудуд(лар)да ишлашини белгилаш;


Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан Единая Автоматизированная Информационная Система		Хавфни бошқариш тизими ●●● ниязов шерзод шовкат угли					
Хавф профиллари	Аниқланган хавфлар	Маълумотлар тўплами	Мезонлар	Маълумотнома	Сервис	Ҳисоботлар	Чиқиш
Дарахтни янгилаш							
Хужжатлар рўйхати							
▶ 2018							
▶ 2019							
▶ 2020							
4. Фаолият йўналиш		---					
5. Аниқланиши		---					
6. Хавфнинг таснифи		<input type="text"/>					
Хужжат тури		---					
II. Хавф индикатори.							
7 ¹ . Қалит индикатор>							
7 ² . Хавф индикатори*. ...>							
*Барча шартлар йиғиндиси умумий		--- <input type="text"/> натижа берганда, ҳужжат хавф профили ишлаган деб қабул қилинади					
III. Хавфларни камайтириш чоралари							
8 ¹ . Хавфларни камайтириш чоралари. ...>							

4. Фаолият йўналиш – қайси йўналишдаги фаолият юзасидан хавф профили лойиҳаси шакллантирилади белгиланади.

Масалан, товарларнинг ТИФ ТН бўйича тўғри таснифланганлигини ўрганиш, тариф преференциялари тўғри татбиқ этилишини назорат қилиш, товарларни тегшили божхона режимига тўғри қўйилганлигини текшириш сингари.

5. Аниқланиши – хавф профили ишлаши қандай тартибда амалга оширилиши белгиланади.

Ҳозирда фақат автоматлаштирилган тарзда ишловчи хавф профиллари киритилмоқда.



6. Хавфнинг таснифи – юзага келиши мумкин бўлган хавф бўйича қисқача изоҳ қолдирилади;

Ҳужжат тури – ушбу бандда хавф профили ишлаши белгиланган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат тури танланади. *Масалан, Божхона юк декларацияси, Юкни етказиб бериш назорат китобчаси сингари;*

7¹. Калит индикатор – хавф профилининг айнан нимага қаратилганлиги киритилади;

7². Хавф индикатори– хавф профилининг ишлаши учун зарур бўлган кўрсаткичлар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 204-моддасида “хавф индикаторлари — олдиндан белгиланган кўрсаткичларга эга муайян мезонлар бўлиб, улардан оғиш ёки уларга мос келиш назорат объектини танлашни амалга ошириш имконини беради” сифатида баён этилган;

8¹. Хавфларни камайтириш чоралари – хавф профилини шакллантирилаётган ходим томонидан хавф аниқланганда кўрилиши лозим бўлган чоралар белгиланади. Мазкур чоралар шаблон кўринишида шакллантирилган;

8². Хавфларни камайтиришни қўшимча чоралари – хавф профилини шакллантирилаётган ходим томонидан потенциал хавфларнинг олдини олиш бўйича кўрилиши лозим бўлган чоралар ёки божхона назоратига ва расмийлаштирувига алоқадор маълумотлар баён этилади;

Хавф профиллари	Аниқланган хавфлар	Маълумотлар тўплами	Мезонлар	Маълумотнома	Сервис	Ҳисоботлар	Чикиш
Дарахтни янгилаш		8². Хавфларни камайтиришни қўшимча чоралари. ...>					
Хужжатлар рўйхати		9. Божхона кўриги. ...>					
▶ 2018		11. Профил натижасига кўра тасодифан йўлакларга ажратиш					
▶ 2019		Яшил йўлакка йўналтириш		<input type="text"/>		%	
▶ 2020		Кўк йўлакка йўналтириш		<input type="text"/>		%	
		Сариқ йўлакка йўналтириш		<input type="text"/>		%	
		Қизил йўлакка йўналтириш		<input type="text"/>		%	
		12. Масъул ходим					
		Лавозими		<input type="text"/>			
		Ф.И.Ш.		<input type="text"/>			
		Телефон рақами		<input type="text"/>			
		Электрон почтаси		<input type="text"/>			

9. Божхона кўриги – божхона кўриги юзасидан зарур маълумотлар белгиланади. Масалан, кўрикни амалга ошириш вақти, кўриқдан мақсад, кўриқнинг ҳажми, кўрикни амалга оширувчилар сингари.

11. Профил натижасига кўра тасодифан йўлакларга ажратиш – хавф профилининг йўлакларда ишлаш даражаси белгиланади;




12. Масъул ходим – хавф профилини киритган ходимнинг лавозими, Ф.И.Ш., телефон рақами, электрон почтаси тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

№	Хавф профилининг келишиш варағи	
Бошқарма:	<input type="text"/>	Бўлим:
	<input type="text"/>	<input type="button" value="Рўйхатга қўшиш"/>
<input type="button" value="Сақлаш"/>	<input type="button" value="Ортга"/>	

Хавф профилининг келишиш варағи – хавф профилини келишиш лозим бўлган ҳолларда, ДБҚ Марказий аппарати ва ХББни танлаш имконияти яратилган.

Сақлаш–тугмаси орқали киритилган маълумотлар сақланади.

“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Аниқланган хавфлар” қисми Дастурнинг ушбу қисми қуйидаги бандлардан иборат:

-  ТИФ (ташқи иқтисодий фаолият);
-  АВТО;
-  Темир йўл;

- ✚ Авиа;
- ✚ Бошқалар.



“Аниқланган хавфлар” қисмида ДБҚнинг тегишли ҳуқуққа эга бўлган фойдаланувчиларига маълум давр кесимида юқоридаги йўналишлар кесимида хавф аниқланган божхона юк декларациялари (БЮД) рўйхатини олиш имконияти мавжуд. Шаклланган рўйхатда хавф профили рақами, профил мақоми, профил ишлаган сана ва вақт, БЮД рақами, режим, экспортёр (юк юборувчи), импортёр (юк қабул қилувчи), БЮД мақоми, киритилган сана ва вақт, расмийлаштирилган вақти, БЮД йўналтирилган пост ходими ҳамда аниқланган хавфлар тўғрисидаги маълумотлар акс этади.

“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Маълумотлар тўплами” қисми

“Маълумотлар тўплами” қисми қуйидаги бандлардан иборат:


Бирламчи маълумотлар—хавф профилларини ишлаши учун зарур бўлган алоҳида турдаги маълумотлар киритилган индикаторлар ва алгоритмлар асосида тизим томонидан автоматик шакллантирилади ва белгиланган муддатда янгиланиб турилади;

Умумий қийматдан оғиш даражалари – киритилган бирламчи маълумотлар бўйича маълум қийматларнинг оғиш даражалари белгиланади;

Амалдаги бирламчи маълумотлар – шакллантирилган ва амалга киритилган бирламчи маълумотлар тўпламлари;


Шакллантирилаётган бирламчи маълумотлар – амалга киритилиши режалаштирилган, бироқ, маълумотларни тизимда шакллантириш жараёни якунланмаган маълумотлар тўпламлари;

Маълумотлар тўплами – турли хилдаги маълумотлар ва маълумотномалар тўпламлари, таснифлагичлар хавф профилини шакллантираётган божхона ходими томонидан киритилади;



“Маълумотлар тўплами” қисмида тизимда хавф профилини яратиш ҳуқуқига эга фойдаланувчилари томонидан кейинчалик хавф профилларини яратишда фойдаланиш мақсадида маълумотлар тўпламини яратиш ва уни маъмурлаш имконияти яратилган.

“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Мезонлар” қисми



Ушбу қисмда авто ва ТИФ йўналишида фаолият юритаётган субъектларни тоифалаш бўйича киритилган алгоритмлар ва мезонлар қайд этилади.


“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Маълумотнома” қисми

“Маълумотнома” қисмида хавфни бошқариш тизими доирасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотномалар, рўйхатлар, таснифлагичлар киритилган.




“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Сервис” қисми

“Сервис” қисми бўйича “Меню” бандидан тегишли кўрсаткичларни танлаш орқали ХББЛари кесимида ва маълум вақт оралиғидаги маълумотларни кўриш имконияти яратилган. Хусусан,




Йўлакларга тақсимлаш шкаласи – йўлаклар кесимидаги рўйхатга олинган БЮДлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади;




Келиб тушган БЮДлар ва уларнинг йўлакларга тақсимоти худудий божхона бошқармалари кесимида– Республика миқёсида рўйхатга олинган (расмийлаштирилган) БЮДларнинг худудий божхона бошқармалари кесимидаги фоизи тўғрисидаги маълумотлар;

Шу билан бирга, мазкур бандда куйидаги маълумотларни кўриш имконияти яратилган:

ҲББлар кесимида БЮДларни йўлақларга тақсимланиш фоизи.



ҲББлар кесимида йўлақларга йўналтирилган БЮДлар сони.



ҲББлар кесимида йўлакларга йўналтирилган БЮДлар сони ва фоизи, йўлаги ўзгартирилган БЮДлар сони.

Код	Худуддий божхона бошқармалари	Жами БЮДлар сони	Яшил йўлакка йўналтирилган БЮДлар сони	Қўқ йўлакка йўналтирилган БЮДлар сони	Сариқ йўлакка йўналтирилган БЮДлар сони	Қизил йўлакка йўналтирилган БЮДлар сони	Белгиланган йўлакни ўзгартирилган БЮДлар сони	Яшил йўлакка йўналтирилган БЮДлар нисбати фонзда	Қўқ йўлакка йўналтирилган БЮДлар нисбати фонзда	Сариқ йўлакка йўналтирилган БЮДлар нисбати фонзда	Қизил йўлакка йўналтирилган БЮДлар нисбати фонзда
Жами											
***	Жами	3010	859	0	1409	744	18	28,54	0,00	46,81	24,72
00	"Тошкент-АЭРО" ИБК	243	70	0	101	72	0	28,81	0,00	41,56	29,63
03	Анджон вилояти	133	40	0	63	30	3	30,08	0,00	47,37	22,56
06	Бухоро вилояти	84	36	0	31	17	0	42,86	0,00	36,90	20,24
08	Жиззах вилояти	35	5	0	12	18	0	14,29	0,00	34,29	51,43
10	Қашқадарё вилояти	61	11	0	32	18	0	18,03	0,00	52,46	29,51
12	Навоий вилояти	63	30	0	26	7	0	47,62	0,00	41,27	11,11
14	Наманган вилояти	93	32	0	34	27	0	34,41	0,00	36,56	29,03
18	Самарқанд вилояти	176	51	0	86	39	0	28,98	0,00	48,86	22,16
22	Сурхондарё вилояти	78	10	0	41	27	0	12,82	0,00	52,56	34,62
24	Сирдарё вилояти	48	18	0	22	8	0	37,50	0,00	45,83	16,67
26	Тошкент шаҳар	1410	385	0	642	385	15	27,30	0,00	45,53	27,30
27	Тошкент вилояти	402	98	0	237	67	0	24,38	0,00	58,96	16,67
30	Фарғона вилояти	98	33	0	50	15	0	33,67	0,00	51,02	15,31
33	Хоразм вилояти	34	10	0	22	2	0	29,41	0,00	64,71	5,88
39	Қорақалпоғистон Республикаси	52	30	0	10	12	0	57,69	0,00	19,23	23,08

Ўзгартирилган йўлаклар рўйхати – белгиланган давр оралиғида ҲББлар кесимида, ҳар бир божхона режими бўйича ўзгартирилган йўлаклар тўғрисидаги маълумотлар акс этади. Қоида тариқасида йўлаклар “яшил”дан “сарик”га, “яшил”дан “қизил”га, “сарик”дан “қизил”га ўзгартирилиши мумкин. Мазкур қисмнинг “Қарор” бандида пост ходими томонидан йўлак ўзгартириш бўйича йўллаган мурожаати юзасидан пост бошлиғининг рухсат берганлиги ёки бермаганлиги белгиланади. Ушбу маълумотларни “Excel”га юклаб олиш имконияти яратилган;

Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан

Единая Автоматизированная Информационная Система

Хавфни бошқариш тизими
НИЯЗОВ ШЕРЗОД ШОВКАТ УГЛИ / ХМБ масъул ходими (ХБТ)

Хавф профиллари
Аниқланган хавфлар
Маълумотлар тўллами
Мезонлар
Маълумотнома
Сервис
Ҳисоботлар
Чىقىش

Меню
Ўзгартирилган йўлаклар рўйхати

УГТК: Пост: from: 10.11.2020 to: 10.11.2020

Rejт: Way: Qaror:

Белгиланган йўлакни ўзгартириш

№	УГТК	Пост	Сана	БЮД рақами	Тип	Режим	Экспорт	Импортер	Киритилган сана ва вақт	Статус №	Белгиланган йўлак	Йўлакни ўзгартириш	Инспектор	Сана ва вақт	Асос	Асос учун илова қилинадиган хужжатлар	Пост бошлиғи		
																	Қарори	Ивоҳ Ф.И.О.	Сана ва вақт
Найдено 0 записей, показываю с 0 по 0.																			

[Начало] [Конец]

“Ўзгартирилган йўлаklar рўйхати” қисмида қуйидаги маълумотларни олиш имконияти мавжуд:

- йўлаги ўзгартирилган БЮД расмийлаштирилган ҲББ;
- йўлаги ўзгартирилган БЮД расмийлаштирилган божхона

пости;

- БЮД йўлаги ўзгартирилган сана;
- БЮД рақами;
- йўналиш (ИМ, ЭК);
- божхона режими коди;
- экспортёр номи;
- импортёр номи;
- дастурга киритилган сана ва вақт;
- БЮД мақоми;
- тизим томонидан белгиланган йўлак;
- ўзгартириш учун танланган йўлак;
- ўзгартиришни амалга оширган пост ходими;
- ўзгартиришни амалга ошириш вақти;
- ўзгартиришга асос;
- асос учун илова қилинадиган ҳужжатлар;
- пост бошлиғининг қарори, изоҳи, Ф.И.О., муносабат билдирилган сана ва вақт, расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномаси.

БЮДлар бўйича расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномаси – белгиланган давр оралиғида ҳудудий божхона бошқармалар кесимида, ҳар бир божхона режими бўйича расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномалари тўғрисидаги

маълумотлар акс этади. Ушбу маълумотларни “Excel”га юклаб олиш имконияти яратилган.

Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан
Единая Автоматизированная Информационная Система

Хавфни бошқариш тизими

Хавф профиллари Аниқланган хавфлар Маълумотлар тўплами Мезонлар Маълумотнома **Сервис** Хисоботлар

Меню БЮДлар бўйича расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномаси

ХББ: -- Пост: -- from: 11.11.2020 to: 11.11.2020

Режим: Все Way: -- ВЛК: -- АТД: -- Янгилаш Excel

№ УТГК	g7a	g7b	g7c	g1a	g1b	g37b	Мақоми	Выпуск	Экспортёр	Импортёр	Киритилган сана ва вақт	Рўйхатга олинган сана ва вақт	rnd time	RND	at_d_post	at_d_date	at_d_no	at_d_bgn	at_d_end	at_d_end	viyavleno
--------	-----	-----	-----	-----	-----	------	--------	--------	-----------	----------	-------------------------	-------------------------------	----------	-----	-----------	-----------	---------	----------	----------	----------	-----------

Найдено 0 записей, показываю с 0 по 0.
[начало] [конец]


“БЮДлар бўйича расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномаси” қисмида куйидаги маълумотларни олиш имконияти мавжуд:

- ❖ БЮД расмийлаштирилган ХББ;
- ❖ БЮД расмийлаштирилган пост;
- ❖ БЮД рўйхатга олинган сана;
- ❖ йўналиш (ИМ, ЭК);
- ❖ божхона режими коди;
- ❖ процедура (олдин бошқа божхона режимида расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлиги);
- ❖ БЮД мақоми;
- ❖ БЮД расмийлаштирилган сана;
- ❖ экспортёр номи;
- ❖ импортёр номи;
- ❖ дастурга киритилган сана ва вақт;
- ❖ дастурда рўйхатга олинган сана ва вақт;
- ❖ тасодифий танлов орқали йўлак белгиланган ҳолларда БЮДни тасодифий танловдан ўтган вақти;
- ❖ БЮД йўналтирилган йўлак;
- ❖ божхона кўриги далолатномаси расмийлаштирилган божхона пости;
- ❖ божхона кўриги далолатномаси расмийлаштирилган сана;
- ❖ божхона кўриги далолатномаси рақами;

- ❖ божхона кўриги бошланган сана ва вақт;
- ❖ божхона кўриги тугаган сана ва вақт;
- ❖ божхона қоидабузилиш ҳолатлари аниқланган ёки аниқланмаганлиги.

“Хавфни бошқариш” ААТнинг “Ҳисоботлар” қисми

“Ҳисоботлар” қисми” – тизим томонидан берилган топшириқлар бўйича пост инспекторлари амалга оширган ишларнинг натижаларини олиш имконияти мавжуд бўлиб, хавфни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади;



Хавфни бошқариш тизими орқали аниқланган ҳолатлар ва ундирилган тўловлар (инспекторлар кесимида)– маълум бир ҳудудий божхона бошқармалар бўйича белгиланган вақт оралиғида тизим томонидан хавфни камайтириш юзасидан берилган топшириқлар асосида пост ходимлари амалга оширган ишларнинг натижаларини олиш имконияти яратилган.

Государственный Таможенный Комитет Республики Узбекистан
Единая Автоматизированная Информационная Система

Хавфни бошқариш тизими

Хавф профиллари Аниқланган хавфлар Маълумотлар тўплами Мезонлар Маълумотнома Сервис Ҳисоботлар

УГТК: 1701 - ГТК РУз с 10.11.2020 по 10.11.2020 № 2018 йилдан Янгилаш

Хавфни бошқариш тизими орқали аниқланган ҳолатлар ва ундирилган тўловлар (инспекторлар кесимида)

№ ХББ/Пост	БЮД сони			Жами ундирилган қўшимча божхона тўловлари	Божхона қийматининг ўзгариши ҳисобига		Товарнинг оғирлиги бўйича аниқланган ҳолатлар		Товар ишлаб чиқарилган мамлакат тўғри аниқлаш ҳисобига		ТИФ ТН кодининг ўзгариши ҳисобига		Имтиёз суммасини ўзгариши ҳисобига		Бошқа ўзгаришлар ҳисобига		Аниқланган божхона қонун бузарлик ҳолатлар сони
	Жами расмийлаштирилган	Хавф аниқланган	Хавф бартараф этилган		Сони	Бож. қий. (АҚШ долларларида)	Сони	Оғирлиги (кг.да)	Ундирилган қўшимча божхона тўловлари суммаси	Сони	Ундирилган қўшимча божхона тўловлари суммаси	Сони	Ундирилган қўшимча божхона тўловлари суммаси	Сони	Ундирилган қўшимча божхона тўловлари суммаси	Сони	

Саналарни белгилаб янгилаш тугмасини босинг !

Мазкур ҳисобот қуйидаги бандлардан иборат:

- ❖ худудий божхона бошқармаси ва божхона пости;
- ❖ жами расмийлаштирилган БЮДлар, шундан хавф аниқланган ва бартараф этилганлари сони;
- ❖ жами ундирилган қўшимча божхона тўловлари.

Мазкур банд қуйидаги кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат:

- божхона қийматининг ўзгариши ҳисобига;
- товарнинг оғирлиги бўйича аниқланган ҳолатлар;
- товар ишлаб чиқарилган мамлакат тўғри аниқлаш ҳисобига;
- ТИФ ТН кодининг ўзгариши ҳисобига;
- имтиёз суммасини ўзгариши ҳисобига;
- бошқа ўзгаришлар ҳисобига.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан хавфни бошқариш масалалари бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан тавсия этилган талабларга мос равишда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизимларини мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этади.

Синов саволлари:

1. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш мақсадлари?
2. Ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш қандай маълумотларга асосан амалга оширилади?
3. Хавфни бошқариш тизимининг дастурий таъминоти ва ахборот тизимидан фойдаланиш кимларга рухсат этилган ?
4. Хавфни таҳлил қилиш ва баҳолаш қандай усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади?
5. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимига (ААТ) қай тартибда кирилади?
6. Тизим ойнаси қандай қисмлардан иборат?
7. Тизимнинг “Хавф профиллари” қисмида қандай имкониятлар яратилган?
8. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Аниқланган хавфлар” қисми қандай бандлардан иборат?
9. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Маълумотлар тўплами” қисми қандай бандлардан иборат?
10. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Мезонлар” қисмида қандай маълумотлар қайд этилади ?
11. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Маълумотнома” қисмида қандай маълумотлар қайд этилади ?
12. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Сервис” қисмида қандай маълумотларни кўриш имконияти яратилган?
13. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Ўзгартирилган йўлақлар рўйхати” қисмида қандай маълумотларни олиш имконияти мавжуд?
14. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “БЮДлар бўйича расмийлаштирилган божхона кўриги далолатномаси” қисмида қандай маълумотларни олиш имконияти мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Халқаро Киото конвенцияси.
2. Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш бўйича Ҳадли стандартлар.
3. Савдо процедураларини соддалаштириш тўғрисидаги келишув.
4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси / Ўзбекистон Республикасининг қонуни / ЎзР ҚХТ, 2016. – 400-сон.
5. Евросиё иқтисодий иттифоқи Божхона кодекси.
6. А.Д.Ершов, О.В.Завьялова “Система управление рисками в таможенном деле”. Учеб.СПб. ООО «Издательство ГИОРД», 2014 г.
7. А.Д.Ершов, П.С.Копанева. Информационное обеспечение управления в таможенной системе:СПб.: Знание, 2002.
8. В.П.Буянов., К.А.Кирсанов., Л.М.Михайлов Рискология: учеб.пособие. - М.: Изд-во Экзамен, 2003
9. Hillson,David(2010). “ExploitingFutureUncertainty: CreatingValuefromRisk”. Farnham, GBR: Ashgate Publishing Group, 2010
10. Clifford F. Gray and Erik W. Larson (2003). “Managing Risk”, 2nd Edition, Published by McGraw-Hill /Irwin, 1221 Avenue of the Americas, New York, NT, 10020, 2003.
11. А. К. Моденов. Правовое регулирование внешнеторговых сделок: учебное пособие / СПб.: СПбГАСУ. 2018 г.
12. The Convention on Nomenclature for the Classification of Goods in Customs Tariffs, Brussels on 15 December 1950.(<http://www.wcoomd.org/>)
13. European Article Number (<https://ru.wikipedia.org/wiki/EAN>)
14. П.Н.Афонин, Д.Н.Афонин, А.Ю.Лямкина Управление рисками в таможенном деле: учебное пособие - Санкт-Петербург: ИЦ "Интермедия", 2017

15. А.Ақбаров, А.Узоқов «Хавфни бошқариш тизими» ўқув қўлланма. Божхона институти, 2019 й.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармон (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018.12.04 даги ПФ-5414-сон Фармони)

17. Божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Фармон (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018.24.11 даги ПФ-5582-сон Фармони)

18. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфни бошқариш Концепсияси тўғрисида Ҳайъат қарори (ДБҚнинг 2018.09.07 даги 3/3-сон Ҳайъат қарори)

19. Божхона назорати ва расмийлаштирувида хавфни бошқариш тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида буйруқ (ДБҚнинг 2019.22.02 даги 58-сон буйруғи)

20. Хавфни бошқариш тизими доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини автоматлаштирилган равишда хавф даражаси бўйича тоифаларини белгилаш тартиби ва мезонларини тасдиқлаш тўғрисида буйруқ (ДБҚнинг 2019.22.02 даги 59-сон буйруғи)

21. Хавфларни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида буйруқ (ДБҚнинг 2018.13.06 даги 775хфу-сон буйруғи)

22. <http://www.risk24.ru/risk.htm>

23. <http://www.brokert.ru>

24. <http://iso27000.ru>

25. <https://www.science-education.ru>

26. <https://www.dissercat.com>

27. <http://customs.gov.ru>

28. <https://www.spot.uz>

29. <http://uza.uz>

Мавзулар бўйича тест саволлари

1. Хавф нима?

- А) Божхона тўловлари ставкаларининг тўғри қўлланилишини назорат қилиш
- Б) Божхона қонунчилигига риоя қилмаслик, уни қўпол равишда бузиш эҳтимолининг мавжудлиги
- С) Тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш
- Д) Тўғри жавоб йўқ

2. Божхона қонунчилигига риоя қилмаслик, уни қўпол равишда бузиш эҳтимолининг мавжудлиги?

- А) Хавф профили
- Б) Божхона назорати
- С) Аниқланган хавф
- Д) Хавф

3. Божхона органлари ўзларида мавжуд маълумотларни доимий равишда таҳлил қилиб боришлари асосида хавфнинг юзага келишига асос бўлган ва бўлаётган шарт-шароитларни ўрганиш, уларни қиёслаш, хавфнинг даражасига баҳо бериш ва божхона қонунларининг бузилиши натижасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган зарарни аниқлаш?

- А) Аниқланган хавф
- Б) Юз бериши эҳтимоли бўлган хавф
- С) Хавфни таҳлил қилиш
- Д) Таҳлил объекти

4. Хавфни таҳлил қилиш нима?

- А) Божхона органлари ўзларида мавжуд маълумотларни доимий равишда таҳлил қилиб боришлари асосида хавфнинг юзага келишига асос бўлган ва бўлаётган шарт-шароитларни ўрганиш, уларни қиёслаш, хавфнинг даражасига баҳо бериш
- Б) Божхона қонунларининг бузилиши натижасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган зарарни аниқлаш

- С) А ва Б
- Д) Тўғри жавоб йўқ

5. Божхона қонунчилиги бузилганлиги божхона органлари томонидан аниқланган ва божхона органлари мазкур қонунбузарликни ўрганаётганлиги?

- А) Юз бериши эҳтимоли бўлган хавф
- Б) Таҳлил объекти
- С) Хавф индикаторлари
- Д) Аниқланган хавф

6. Аниқланган хавф нима?

- А) Божхона қонунчилиги бузилганлиги божхона органлари томонидан аниқланган ва божхона органлари мазкур қонунбузарликни ўрганаётганлиги
- Б) Хавф ҳали аниқланмаган, бироқ юзага келиш эҳтимоли мавжуд
- С) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқарилган ёки божхона назорати остида турган товарлар
- Д) Транспорт воситалари, товарлар ва божхона ҳужжатларидаги мавжуд маълумотлар

7. Хавф ҳали аниқланмаган, бироқ юзага келиш эҳтимоли мавжудлиги?

- А) Хавф профили
- Б) Юз бериши эҳтимоли бўлган хавф
- С) Аниқланган хавф
- Д) Божхона назоратини ташкил этиш

8. Юз бериши эҳтимоли бўлган хавф нима?

- А) Божхона назоратидан кутилаётган натижаларга эришиш учун хавфни минималлаштириш чораларини бир хилда қўллаш
- Б) Божхона қонунчилиги бузилганлиги божхона органлари томонидан аниқланган
- С) Хавф ҳали аниқланмаган, бироқ юзага келиш эҳтимоли мавжуд
- Д) Тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга

ошириш

9. Асосан, божхона тўловлари бирмунча юқори бўлиб, божхона қонунчилиги бузилишининг асосий объекти ҳисобланган товарлар?

- А) Экспортга расмийлаштирилган товарлар
- Б) Вақтинча сақланаётган товарлар
- С) Хавф туғдирувчи асосий товарларни яшириш учун хизмат қилувчи товарлар
- Д) Хавфни юзага келтирувчи товарлар

10. Қандай товарлар хавфни юзага келтирувчи товарлар ҳисобланади?

- А) Асосан, божхона тўловлари бирмунча юқори бўлиб, божхона қонунчилиги бузилишининг асосий объекти ҳисобланган товарлар
- Б) Экспортга расмийлаштирилган товарлар
- С) Божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, хавф туғдирувчи асосий товарларни беркитишга хизмат қиладиган товарлар
- Д) Вақтинча сақланаётган товарлар

11. Транспорт воситасида кўзга ташланадиган ҳолатда бўлиб, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун мўлжалланган ва хавф туғдирувчи асосий товарларни беркитишга хизмат қиладиган товарлар?

- А) Хавфни юзага келтирувчи товарлар
- Б) Хавф туғдирувчи асосий товарларни яшириш учун хизмат қилувчи товарлар
- С) Вақтинча сақланаётган товарлар
- Д) Хавф даражаси юқори товарлар

12. Қандай товарлар хавф туғдирувчи асосий товарларни яшириш учун хизмат қилувчи товарлар ҳисобланади?

- А) Вақтинча сақланаётган товарлар
- Б) Хавф даражаси юқори товарлар

С) Транспорт воситасида кўзга ташланадиган ҳолатда бўлиб, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун мўлжалланган ва хавф туғдирувчи асосий товарларни беркитишга хизмат қиладиган товарлар

Д) Асосан, божхона тўловлари бирмунча юқори бўлиб, божхона қонунчилиги бузилишининг асосий объекти ҳисобланган товарлар

13. Қайсилар таҳлил объекти ҳисобланади?

А) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқарилган ёки божхона назорати остида турган товарлар

Б) Халқаро юк ташувларни амалга оширувчи автотранспорт воситалари, уларнинг эгалари, ҳайдовчилари

С) А ва Б

Д) Тўғри жавоб йўқ

14. Таҳлил объектларини кўрсатинг.

А) Транспорт воситалари, товарлар ва божхона ҳужжатларидаги мавжуд маълумотлар

Б) Ташқи иқтисодий фаолият доирасида тузилган халқаро ёки бошқа шартномалар ва мазкур шартномаларга тегишли бошқа маълумотлар

С) А ва Б

Д) Тўғри жавоб йўқ

15. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ёки божхона қонунчилигига биноан божхона назорати остида бўлган товарларга нисбатан юридик ваколати бўлган шахслар фаолиятига оид ҳаракатлари таҳлили нима?

А) Юз бериши эҳтимоли бўлган хавф

Б) Аниқланган хавф

С) Хавф профили

Д) Таҳлил объекти

16. Қайсилар таҳлил объекти ҳисобланмайди?

А) Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланган солиқлар

- Б) Божхона брокерлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, божхона омборлари эгалари, ташувчилар фаолиятлари
- С) Божхона назорати шакллари нинг қўлланишлари натижалари
- Д) Божхона органлари (постлари, бўлимлари, бўлинмалар ва х.к.) фаолиятлари

17. Божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилиши чоралари мажмуи бўлиб, божхона назоратининг баъзи–бир формалари ёки бир неча формалари қўлланиши лозим деб топилган объектлар йиғиндиси?

- А) Хавф профили
- Б) Хавф доираси
- С) Хавф индикатори
- Д) А ва Б

18. Хавф доираси бу?

- А) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо бериш
- Б) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш
- С) Тезкор-кидирув ва тегишли ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш
- Д) Божхона назоратининг баъзи – бир формалари ёки бир неча формалари қўлланиши лозим деб топилган объектлар йиғиндиси ҳамда божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилиши чоралари мажмуидир

19. Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш бу нима?

- А) Хавф индикатори
- Б) Хавф профили
- С) Хавф доираси

Д) Хавф даражаси

20. Хавф индикаторлари бу?

А) Божхона назоратининг баъзи–бир формалари ёки бир неча формалари қўлланиши лозим деб топилган объектлар йиғиндиси ҳамда божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилиши чоралари мажмуидир

Б) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш

С) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо бериш

Д) Тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-тахлилий фаолиятни амалга ошириш

21. Хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо бериш?

А) Хавф профили

Б) Хавф доираси

С) Хавфни баҳолаш

Д) Хавф индикатори

22. Хавфни баҳолаш нима?

А) Тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-тахлилий фаолиятни амалга ошириш

Б) Божхона назоратининг баъзи–бир формалари ёки бир неча формалари қўлланиши лозим деб топилган объектлар йиғиндиси ҳамда божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилиши чоралари мажмуидир

С) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш

Д) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага

келиш асоратларига баҳо бериш

23. Хавф доираси, хавф индикаторларини, ҳамда хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон даражасида камайтириш борасида тегишли кўрсатмалар бериш, чора – тадбирлар кўриш ҳақидаги маълумотлар мажмуи бу нима?

- А) Хавф профили
- Б) Хавф индикатори
- С) Хавф доираси
- Д) Хавфни баҳолаш

24. Хавф профили бу?

- А) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш
- Б) Хавф доираси, хавф индикаторларини, ҳамда хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон даражасида камайтириш борасида тегишли кўрсатмалар бериш, чора – тадбирлар кўриш ҳақидаги маълумотлар мажмуи
- С) Божхона назоратининг баъзи–бир формалари ёки бир неча формалари қўлланиши лозим деб топилган объектлар йиғиндиси ҳамда божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилиши чоралари мажмуидир
- Д) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо бериш

25. Хавф профили қўлланиши жихатидан қайси миқёсда бўлиши мумкин?

- А) Худудий бошқарма миқёсида
- Б) Божхона постлари миқёсида
- С) Республика миқёсида
- Д) Барча жавоблар тўғри

26. Қайсилар хавфни бошқариш тизимининг субъектлари ҳисобланмайди?

- А) Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг таркибий тузилмалари
- Б) Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг таркибий тузилмалари
- С) “Тошкент-АЭРО” ИБК
- Д) Ҳудудий божхона бошқармалари

27. Хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектини кўрсатинг

- А) Божхона Институти
- Б) Миллий кинология маркази
- С) ДБҚ Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси
- Д) ДБҚ Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси

28. Тезкор-қидирув ва ушбу соҳага тегишли ахборот-таҳлилий фаолият билан шуғулланувчи ДБҚнинг таркибий тузилмалари хавфни бошқариш тизимининг қандай субъектлари ҳисобланади?

- А) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
- Б) Ихтисослашган
- С) Иқтисодий ҳимоя қилувчи
- Д) Тўғри жавоб йўқ

29. Божхона органларининг ахборот-таҳлилий фаолияти, фискал вазифалар, ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш ва божхона статистикаси, суриштирув ишлари, божхона экспертизаси, божхона назорати, юридик, халқаро алоқалар фаолияти билан шуғулланувчи ДБҚнинг таркибий тузилмалари хавфни бошқариш тизимининг қандай субъектлари ҳисобланади?

- А) Асосий
- Б) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
- С) Махсус
- Д) Ихтисослашган

30. ДБК таркибий тузилмаларини кўрсатинг

- А) ДБК марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари
- Б) “Тошкент-АЭРО” ИБК
- С) Божхона институти ва Миллий кинология маркази
- Д) Барча жавоблар тўғри

31. Кимлар ДБКда хавфни бошқариш тизимини қўллаш, хавф профиллари юзасидан хулосалар ҳамда соҳа бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ваколатига эга?

- А) ДБК Эксперт комиссияси
- Б) ДБК Ҳайъати
- С) ДБК Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси
- Д) ДБК Марказий божхона лабораторияси

32. ДБК Эксперт комиссияси қандай ваколатларга эга?

- А) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга ошириш
- Б) Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш, хавф профиллари юзасидан хулосалар ҳамда соҳа бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш
- С) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо бериш
- Д) Божхона маъмурчилигини самарали амалга оширилишини назорат қилиш

33. Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада белгиланган йўналишлар тақсимооти бўйича хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишловчи божхона органларининг таркибий тузилмаси қандай номланади?

- А) Ички таркибий тузилма
- Б) Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси
- С) Масъул таркибий тузилма

Д) Худудий божхона бошқармалари

34. Масъул таркибий тузилма нима иш қилади?

А) Доимий равишда хавфнинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши мумкинлиги натижасида юзага келиш асоратларига баҳо беради

Б) Олдиндан берилган параметрлар асосида аниқланган мезонлар бўлиб, улардан маълум оғишлар натижасида назорат объектини танлашни амалга оширади

С) Тезкор-қидирув ва тегишли ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга оширади

Д) Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада белгиланган йўналишлар тақсимооти бўйича хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлайди

35. Масъул ходим нима иш қилади?

А) Божхона органларининг хавфни бошқариш тизимида белгиланган вазифаларни бажаради

Б) Божхона органларининг хавфни бошқариш тизимида белгиланган вазифаларни бажарилишини назорат қилади

С) А ва Б

Д) Тўғри жавоб йўқ

36. Божхона органларининг хавфни бошқариш тизимида белгиланган вазифаларни бажариш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс?

А) Масъул ходим

Б) Кинолог

С) Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис

Д) Декларант

37. Хавфни мақсадли таҳлил қилиш услубияти нималардан иборат?

А) Энг кўп хавф тоифасига кирувчи хавф юзага келишини аниқлаш

мақсадида маълумотлар манбаини таҳлил қилиш

Б) Математик, статистик ҳамда эҳтимоллик усулларини қўллаган ҳолда хавф соҳаси ва индикаторларини шакллантириш алгоритминини яратиш

С) А ва Б

Д) Тўғри жавоб йўқ

38. Божхона қонунчилиги бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида масъул ходимлар томонидан амалга ошириладиган, тегишли йўриқномада белгиланган муайян ҳаракатлар бўйича чора-тадбирлар мажмуи нима?

А) Иқтисодий сиёсат чоралари

Б) Хавфни минималлаштириш чоралари

С) Жазо чоралари

Д) Маъмурий чоралар

39. Хавфни бошқариш тизимида оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, хавф профилларини шакллантириш, ушбу маълумотларни боғхона тизимининг тегишли таркибий тузилмаларига етказиш ҳамда хавфга баҳо бериш учун қўлланиладиган махсус дастур?

А) Авто ААТ

Б) Боғхона тўловлари ААТ

С) АСОД

Д) ХБ ААТ

40. Формализация нима?

А) Боғхона кўриги далолатномаларини шакллантириш

Б) ЯААТ дастурларидан маълумотларни юклаб олиш

С) Маълумотларни махсус дастурга мос тушадиган шаклга келтириш

Д) Хавф индикаторларини аниқлаш

41. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан боғхона органлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, хавфни аниқ кўринишлари сифатида қайсиларни кўрсатиш мумкин?

- А) Наркотиклар контрабандаси
- Б) Контрабанда товарларини ташилиши
- С) Божхона қонунчилиги талабларининг ижроси тўлиқ бажарилмаслиги
- Д) Барча жавоблар тўғри

42. Божхона органлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, иқтисодий йўналишда хавфни аниқ кўринишлари сифатида қайсиларни кўрсатиш мумкин?

- А) Божхона тўловларининг тўлиқ ундирилмаслиги
- Б) Товарларнинг ТИФ ТН кодларини нотўғри кўрсатилиши
- С) А ва Б
- Д) Тўғри жавоб йўқ

43. Иқтисодий йўналишда хавфни аниқ кўринишлари сифатида қайсиларни кўрсатиш мумкин?

- А) Товарларнинг божхона қийматини нотўғри аниқланиши
- Б) Валюта назорати ҳақидаги қонун талабларининг бузилиши
- С) Товарларнинг ТИФ ТН кодларини нотўғри кўрсатилиши
- Д) Барча жавоблар тўғри

44. Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Киото конвенцияси қачон кучга кирган?

- А) 1974 йил 25 сентябрь
- Б) 1973 йил 18 май
- С) 1991 йил 26 октябрь
- Д) 1985 йил 25 сентябрь

45. Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилиб, ушбу ташкилотнинг 1973 йил 18 майда бўлиб ўтган Кенгашининг 41/42- сессиясида қабул қилинган Конвенция?

- А) Вена конвенцияси
- Б) Киото конвенцияси
- С) Брюссель конвенцияси

Д) Париж конвенцияси

46. Киото конвенцияси бош иловасининг нечанчи боби “Божхона назорати”га бағишланган?

- А) 6-боби
- Б) 9-боби
- С) 10-боби
- Д) 7-боби

47. Киото конвенцияси бош иловасининг 6-боби 6.3-стандартида нималар кўрсатилган?

- А) Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ташкил этилиши
- Б) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хавфсизлик стандартларига риоя этишлари
- С) Божхона назоратини амалга оширишда божхона хизмати органлари “Хавфни бошқариш тизими”дан фойдаланиши
- Д) Тўғри жавоб йўқ

48. Киото конвенцияси бош иловасининг қайси стандартида божхона хизмати “Хавфни бошқариш тизимини” қўллаши ва қонунчиликка риоя қилиш даражасини баҳолаш учун ўз ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши кўрсатилган?

- А) 6.3-стандартида
- Б) 6.2-стандартида
- С) 6.4-стандартида
- Д) 6.5-стандартида

49. Юнон тилида “қўмондонлик санъати” деган маънони билдириб, бирон-бир структуранинг мақсадларига эришиш учун мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар модели нима дейилади?

- А) Стратегия
- Б) Концепция
- С) Диверсификация

Д) Конгломерация

50. Тактика нима?

- А) Концепциядаги вазифаларни бажаришнинг йўналиши
- Б) Стратегияни амалга ошириш воситаси
- С) Диверсификация жараёнларини амалга ошириш
- Д) Тўғри жавоб йўқ

51. Қуйидаги вазифаларни қай бири ХБТ мувофиқлаштирувчи субъекти томонидан амалга оширилмайди?

- А) Услубий қўлланмалар ҳамда божхона органларида хавфни бошқариш тизимининг тактикасини ишлаб чиқиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш
- Б) Божхона органлари томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш, ушбу йўналишдаги фаолиятни режалаштириш ва назорат ишларини ташкиллаштириш
- С) Тезкор қидирув ва ахборот-таҳлилий фаолият давомида олинган маълумотларни хавфни бошқариш жараёнларига татбиқ этиш
- Д) Хавфни бошқариш тизими фаолиятини самарали ташкил этиш учун дастурий таъминотларни яратиш ҳамда бошқариш, модернизация қилиш, техник хизмат кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлаш

52. Хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъекти томонидан қайси вазифалар амалга оширилади?

- А) Хавфни баҳолаш, хавф профилларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва янгилаб бориш
- Б) Хавф профилларини қўллаш самарадорлигини назорат қилиш ва ТИФ иштирокчиларини хавф (ҳалоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш
- С) Божхона назорати объектлари, шу жумладан тугалланган божхона операциялари ва товарларни эркин муомалага чиқаришдан олдин ҳам, кейин ҳам ўтказилган божхона назоратининг натижалари бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш
- Д) А ва Б

53. Хавф профиллари индикаторлари қўлланилиб амалга оширилган божхона операциялари ва божхона назорати натижаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш. Таҳлил натижаларига кўра, хавфни бошқариш тизими субъектларига божхона назоратида хавфни минималлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича асосли таклифлар киритиш ХБТ қайси субъекти томонидан амалга оширилади?

- А) ХБТ мувофиқлаштирувчи субъекти
- Б) ХБТ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъекти
- С) ХБТ ихтисослашган субъекти
- Д) Тўғри жавоб йўқ

54. Қуйидаги вазифаларни қай бири ХБТ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлари томонидан амалга оширилмайди?

- А) Тезкор қидирув ва ахборот-таҳлилий фаолият давомида олинган маълумотларни хавфни бошқариш жараёнларига татбиқ этиш
- Б) Божхона органлари томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш, ушбу йўналишдаги фаолиятни режалаштириш ва назорат ишларини ташкиллаштириш
- С) Ўз фаолият йўналишида ишлаб чиқилган хавф профилларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш
- Д) ТИФ иштирокчиларининг хавф (ҳалоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва хавфни бошқариш тизимини мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш

55. Махсус дастурий воситаларни, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, хавфни бошқариш тизими бўйича дастурий таъминот тизимларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш ХБТ қайси субъекти томонидан амалга оширилади?

- А) ХБТ ихтисослашган субъекти
- Б) ХБТ мувофиқлаштирувчи субъекти
- С) ХБТ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъекти

Д) А ва Б

56. Дастурий воситаларни, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, хавфни бошқариш тизими бўйича дастурий таъминот тизимларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш ХБТ қайси субъекти томонидан амалга оширилади?

- А) ХБТ мувофиқлаштирувчи субъекти
- Б) ХБТ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъекти
- С) А ва Б
- Д) ХБТ ихтисослашган субъекти

57. Қуйидаги вазифаларни қай бири ХБТ ихтисослашган субъектлари томонидан амалга оширилмайди?

- А) Тезкор қидирув ва ахборот-таҳлилий фаолият давомида олинган маълумотларни хавфни бошқариш жараёнларига татбиқ этиш
- Б) Ўз фаолият йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган хавф филларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш
- С) Хавфни минималлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва сифатини назорат қилиш
- Д) Хавф филларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш

58. ТИФ иштирокчиларининг хавф (халоллик) даражасига қараб тоифаларга ажратиш масаласида таклифлар тайёрлаш ва хавфни бошқариш тизимининг мувофиқлаштирувчи субъектига тақдим этиш ХБТ қайси субъектлари томонидан амалга оширилади?

- А) ХБТ ихтисослашган субъекти
- Б) ХБТ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъекти
- С) ХБТ мувофиқлаштирувчи субъекти
- Д) А ва Б

59 Божхона назоратида хавфни бошқариш тизимини қўллашдан кутилаётган ижобий натижаларга қандай

вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади?

- А) Божхона органларининг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишларни режалаштириш ва назорат қилиш орқали
- Б) Хавфни бошқариш тизими субъектлари ва ДБҚнинг бошқа таркибий тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш орқали
- С) Хавфни бошқариш тизими тактикасини бир хилда қўлланилишини назорат қилиш орқали
- Д) Барча жавоблар тўғри

60. Хавф таҳлили объектлари жумласига кирмайдиган вариантни кўрсатинг.

- А) Тижорат учун фойдаланиладиган транспорт воситалари
- Б) Жисмоний шахсларнинг солиқ солиш базаси
- С) Товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар
- Д) Божхона назорати остида турган товарларга нисбатан ваколатга эга бўлган шахсларнинг фаолияти

61. Божхона назорати остида бўлган ёхуд эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида жойлаштирилган товарлар бу - ?

- А) Хавф стандарти
- Б) Хавф профили
- С) Хавф таҳлили объекти
- Д) Хавфсизлик объекти

62. Давлат божхона қўмитасининг қайси ахборот тизими БЮДларни автоматлаштирилган равишда “Яшил”, “Сариқ”, “Қизил” ва “Кўк” йўлакларга йўналтиради?

- А) ХБ ААТ
- Б) АСОД
- С) Авто ААТ
- Д) Темир йўл ААТ

63. Нечанчи йили АҚШ божхона хизматида барча ишларни автоматлаштиришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинган?

- А) 1975 йилда
- Б) 1970 йилда
- С) 1980 йилда
- Д) 1978 йилда

64. АҚШ божхона хизматида ташқи савдо юкларининг неча фоизи автоматик режимда расмийлаштирилади?

- А) 90%
- Б) 95%
- С) 98%
- Д) 92%

65. АҚШда Хавфларни бошқариш ва таҳлил қилиш тизими нечта блокдан иборат?

- А) 3 та
- Б) 5 та
- С) 6 та
- Д) 4 та

66. АҚШ божхона хизматида хавфларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳига қандай вазифалар юклатилган?

- А) Қонун ҳужжатларга амал қилиш жараёни билан боғлиқ хавфларни аниқлаш ва бошқариш билан тўлиқ шуғулланиш
- Б) Божхона назоратининг техник воситаларидан самарали фойдаланиш
- С) Хавф профиллари самарадорлигини таҳлил қилиш
- Д) Ваколатли иқтисодий операторлар фаолиятини назорат қилиш

67. АҚШнинг Божхона-Чегара хизматида терроризмга қарши кураш бўйича етакчи бўлим даражасига кўтарилган Миллий мақсадли марказ (МММ) қачон ташкил этилган?

- А) 2001 йил 11 сентябрь
- Б) 2001 йил 21 октябрь
- С) 2001 йил 21 сентябрь
- Д) 2001 йил 11 октябрь

68. Терроризмга қарши курашиш юзасидан савдо жамияти билан ҳамкорлик дастури (С-ТРАТ) қайси давлат божхона хизмати томонидан хавфни бошқаришни қўллашга мўлжалланган дастур?

- А) Бельгия
- Б) Европа Иттифоқи
- С) АҚШ
- Д) Канада

69. Қайси дастурлар АҚШнинг Божхона-Чегара хизмати томонидан хавфни бошқаришни қўллашга мўлжалланган дастурлар?

- А) Контейнерда ташиш хавфсизлиги дастури
- Б) 24 соат қондаси дастури
- С) Хавфларни бошқариш дастури
- Д) А ва Б

70. SENTRI (the Secure Electronic Network for Travelers Rapid Inspection – Сафарларни тезкор текшириш учун хавфсиз электрон тармоқ) дастури қайси давлат божхона хизмати томонидан хавфни бошқаришни қўллашга мўлжалланган дастур?

- А) АҚШ
- Б) Буюк Британия
- С) Сингапур
- Д) Бельгия

71. Буюк Британияда хавфларни бошқариш тизимларини қўллашни дастлабки таҳлил Маркази қачон ташкил этилган?

- А) 2004 йил 1 сентябрь
- Б) 2004 йил 1 май
- С) 2005 йил 1 май
- Д) 2005 йил 11 сентябрь

72. Буюк Британияда хавфларни бошқариш тизимларини қўллашни дастлабки таҳлил Маркази қайси порт шаҳарда ташкил этилган?

- А) Дартмут
- Б) Манчестер
- С) Дувр
- Д) Портсмут

73. Буюк Британия Қироллик божхона ва акциз хизмати томонидан қўлланиладиган хавфларни бошқариш тизими қандай тузилмага эга?

- А) беш компонентли
- Б) тўрт компонентли
- С) икки компонентли
- Д) уч компонентли

74. Дувр божхонасида хавфни бошқариш тизими ёрдамида товар партияларининг кўпи билан неча фоизи божхона текширувидан ўтказилади?

- А) 3-4%
- Б) 5-6%
- С) 10-15%
- Д) 1%

75. Қайси давлат божхонасида хавфни бошқариш тизими "Intertek ADVANTAS®" – «Савдо баҳосининг такомиллашган тизими» дастурий маҳсулоти орқали фаолият кўрсатади?

- А) АҚШ
- Б) Буюк Британия
- С) Канада

Д) Франция

76. Қачон ва қаерда Европа Иттифоқида хавфни бошқаришнинг стандарт структураси ишлаб чиқилиб қабул қилинган?

- А) 2001 йил Парижда
- Б) 2003 йил Римда
- С) 2002 йил Брюсселда
- Д) 2004 йил Лондонда

77. Европа Иттифоқи давлатларида хавфни бошқариш божхона органлари ёки ваколатли ташкилотларда фаолият юритадиган қайси таркибий тузилмасига юклатилган?

- А) "Хавфни бошқариш" масъулияти чекланган жамиятларига
- Б) "Хавфларни мониторинг қилиш" бошқармаларига
- С) "Хавф профилларини яратиш" бўлимларига
- Д) "Хавф маълумотлари ва таҳлил" Марказларига

78. Европа Иттифоқи давлатлари божхона хизматларида ҳар бир декларация электрон тизимга киритилганидан сўнг неча босқичда текширилиб таҳлил қилинади?

- А) 3 босқичда
- Б) 4 босқичда
- С) 5 босқичда
- Д) 2 босқичда

79. Европа Иттифоқи давлатлари божхона органларида қўлланиладиган барча чораларнинг 90% тўғри келадиган назоратнинг асосий шакли?

- А) божхона кўриги
- Б) божхона аудити
- С) божхона кўздан кечируви
- Д) божхона расмийлаштируви

80. Италия божхона органларида хавфни бошқариш тизимида

қайси "йўлак"лар ишлатилади?

- А) қизил ва яшил
- Б) қизил, сариқ, яшил ва кўк
- С) қизил, сариқ ва яшил
- Д) Тўғри жавоб йўқ

81. «Ялпи» божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш қайси норматив-ҳуқуқий актда берилган?

- А) ПФ 5414 12.04.2018 й
- Б) ПФ 3665 12.04.2018 й
- С) ПФ5286 12.10.2017 й
- Д) ВМ 204 13.04.1999 й

82. Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси, унинг асосий вазифалари қайси норматив ҳужжатга асосан белгиланди?

- А) ПФ 5414 12.04.2018 й
- Б) ПФ 3665 12.04.2018 й
- С) ПФ5286 12.10.2017 й
- Д) ПФ 5582 19.10.2018

83. Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси асосий вазифалари қайсилар?

- А) божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш
- Б) хавфи юқори бўлган, шу жумладан дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тасодиқий танлов асосида товар партияларини божхона назорати учун мақсадли танлаб олиш методологиясини

ишлаб чиқиш

С) виждонли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниқлаш, уларга нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллашнинг тартиб ва мезонларини ишлаб чиқиш; хавфни бошқариш тизими самарали қўлланилишини доимий мониторинг қилиш, уни янада такомиллаштириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш

Д) Барча жавоблар тўғри

84. Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш қайси норматив ҳужжатга асосан белгиланган?

А) ПФ 5414 12.04.2018 й

Б) ПФ 3665 12.04.2018 й

С) Божхона кодекси

Д) Тўғри жавоб йўқ

85. Божхона қонунчилигини бузиш хавфи юқори даражали бўлган товарлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутадиган хавф-хатарларни бошқариш автоматлаштирилган тизимини божхона органларида жорий этиш қайси норматив ҳужжатга асосан белгиланган?

А) ПФ 5414 12.04.2018 й

Б) ПФ 3665 12.04.2018 й

С) Божхона кодекси

Д) Тўғри жавоб йўқ

86. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг инсофлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларга нисбатдан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини жорий этиш қайси норматив ҳужжатга асосан белгиланган?

А) ПФ 5414 12.04.2018 й

Б) ПФ 3665 12.04.2018 й

С) Божхона кодекси

Д) Тўғри жавоб йўқ

87. Хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва самарали ишлашини таъминлаш, виждонли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллаш тартибини шакллантириш қайси норматив ҳужжатга асосан белгиланган?

- А) Божхона кодекси
- Б) ПФ 3665 12.04.2018 й
- С) ПФ 5414 12.04.2018 й
- Д) А ва С

88. Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизимида йўлақларни жорий қилиш қайси норматив ҳужжатда берилган?

- А) ПФ 5414 12.04.2018 й
- Б) ПФ 5582 24.11.2018
- С) ПФ 3665 12.04.2018 й
- Д) Барча жавоблар тўғри

89. «Сариқ йўлак»- бунда....

- А) божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади
- Б) божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади
- С) хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди
- Д) хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади

90. «Қизил йўлак»-бунда...

- А) бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади
- Б) хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди
- С) хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади
- Д) божхона декларацияси, хужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади

91. «Яшил йўлак»-бунда....

- А) хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади
- Б) хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди
- С) божхона декларацияси, хужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади
- Д) божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади

92. «Кўк йўлак»-бунда...

- А) бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади
- Б) хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди
- С) божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга

эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади

Д) божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади

93. "Қизил" ва "сарик" йўлаклар қачондан ишга тушган?

А) 2018 йил 1 декабрдан

Б) 2019 йил 1 январдан

С) 2019 йил 1 февралдан

Д) 2019 йил 1 мартдан

94. "Яшил йўлак" қачондан ишга тушган?

А) 2018 йил 1 декабрдан

Б) 2019 йил 1 январдан

С) 2019 йил 1 февралдан

Д) 2019 йил 1 мартдан

95. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлари институтининг жорий этилиши қачондан қилиб белгиланган?

А) 2018 йил 1 декабрдан

Б) 2019 йил 1 февралдан

С) 2019 йил 1 январдан

Д) 2019 йил 1 мартдан

96. Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсади

қайси норматив ҳужжатда ўз аксини топган?

- А) ПФ 3665 12.04.2018 й
- Б) ПФ 5414 12.04.2018 й
- С) ПФ 5582 24.11.2018
- Д) Божхона кодекси

97. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходими ўрнатилган тартибда тасдиқланган товарларни кўздан кечириш ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага асосан хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими буюрган божхона операцияларини бажаришга мажбурлиги қайси норматив ҳужжатда берилган?

- А) ПФ 3665 12.04.2018 й
- Б) ПФ 5414 12.04.2018 й
- С) ПФ 5582 24.11.2018
- Д) Божхона кодекси

98. «Сарик» ва «қизил» йўлаклар мос равишда қандай нисбатда товар ва транспорт воситаларини хавф профиллари ёки тасодифий танлаш асосида қўлланилади?

- А) 70 ва 30 фоиз нисбатда
- Б) 70 ва 20 фоиз нисбатда
- С) 60 ва 30 фоиз нисбатда
- Д) 80 ва 30 фоиз нисбатда

99. «Кўк йўлак»га йўналтирилган товарларга нисбатан божхона назорати қайси божхона органи томонидан амалга оширилади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг марказий аппарати
- Б) худудий божхона бошқармалари
- С) Божхона постлари
- Д) Барча жавоблар тўғри

100. Хавф атамаси қайси асрда пайдо бўлган ?

- А) XV аср охирида
- Б) XVI аср охирида
- С) XVII аср охирида
- Д) XVIII аср охирида

101. “Хавфни бошқариш” ААТ ойнаси қандай қисмлардан иборат ?

- А) Хавф профиллари, Аниқланган хавф
- Б) Маълумотлар тўплами, Мезонлар
- С) Маълумотнома, Сервис, Ҳисоботлар
- Д) Барча жавоб тўғри

102. “Хавфни бошқариш” ААТнинг “Аниқланган хавфлар” қисми қандай бандлардан иборат ?

- А) ТИФ (ташқи иқтисодий фаолият)
- Б) АВТО, Темир йўл
- С) Авиа, Бошқалар
- Д) Барча жавоб тўғри

Мундарижа

Сўз боши.....	3
I БОБ. Божхона ишида хавф назарияси	6
1.1. Хавф тушунчаси ва унинг моҳияти	6
1.2. “Хавфни бошқариш тизими” тушунчаси ва унинг асосий атамалари	12
1.3. “Хавфни бошқариш” тизимини қўллаш соҳалари	18
1.4. Божхона ишида “Хавфни бошқариш” тизимини қўллашнинг Халқаро ҳуқуқий асослари.....	23
II БОБ. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллаш	30
2.1. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизими.....	30
2.2. Божхона назоратини ташкил этишда хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг стандарт жараёнлари	35
2.3. Божхона назоратини ташкил этишда йўлақларда амалга ошириладиган ҳаракатлар.	40
2.4. Хавфни бошқариш тизими доирасида Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражаси бўйича тоифаларини белгилаш.....	48
III БОБ. Божхона соҳасида хавфни бошқариш тизимининг халқаро тенденциялари, стандартлари ва тажрибалари	55
3.1. АҚШ божхона хизматида хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши.	55
3.2. Буюк Британия Қироллик божхона ва акциз хизматида хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши.	68
3.3. Европа Иттифоқи давлатларида хавфни бошқариш тизими.....	74
3.4. Италия божхона хизматида хавфни бошқариш тизими	79
3.5. Бельгия давлатида хавфни бошқариш тизими.....	84
3.6. Хавфни бошқариш тизимини қўллашда Хитой тажрибаси.	87
3.7. Россия Федерацияси божхона хизматида хавфларни бошқариш тизими.....	93
IV БОБ. Божхона соҳасида хавфни бошқариш тизимининг Ўзбекистон Республикасида ривожланиш босқичлари	99
4.1. Божхона ишида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг миллий ҳуқуқий асослари.....	99
4.2. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфни бошқариш Концепцияси.	103
4.3. Хавфни бошқариш тизимининг стратегияси ва тактикаси	115
4.4. Хавфни бошқариш тизимининг объекти ва субъектлари, уларнинг тизим доирасидаги вазифалари.....	120
V БОБ. Хавфни бошқариш тизимини ташкил этиш асослари ва амалга ошириш механизмлари.....	124

5.1. Хавфларни бошқариш тизими тушунчаси ва тамойиллари	124
5.2. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматида хавфларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси.	126
5.3. Хавфни бошқариш тизими элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	127
5.4. Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби.....	131
5.5. Товарларни идентификациялашда хавф профилларини шакллантириш ва қўллаш	165
VI БОБ. Хавфни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш	179
6.1. Хавфларни бошқариш самарадорлиги тушунчаси, моҳияти ва роли.	179
6.2. Хавфларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	181
6.3. Фаолият самарадорлигини баҳолаш ва эффективлик кўрсаткичларини ҳисоблаш амалиёти.	184
6.4. Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфни бошқариш тизими самарадорлиги.	190
6.5. Божхона органларида хавфни камайтириш чоралари ҳамда самарадорликни оширишнинг йўналишлари.	202
VII БОБ. Божхона органларида “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими.....	209
7.1. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш мақсадлари.	209
7.2. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишдаги аҳамияти.	210
7.3. “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш.	211
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:	229
Мавзулар бўйича тест саволлари	231

Божхона институтининг босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй.